

Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадiiй, ижтимоiiй-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган № 2 (189) 2013 йил, февраль

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЎНАВИЯТ
ВА МАЎРИФАТ КЕНГАШИ

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВА
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ

Бош муҳаррир:

Шухрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Усмон ҚЎЧҚОР
(бош муҳаррир ўринбосари)
Юлдуз ҲОШИМОВА
(масъул котиб)
Амир ФАЙЗУЛЛА
Тоҳир ҚАҲҲОР
Назира ЖЎРАЕВА
Музаффар АҲМАД
Матлуба МАҲКАМОВА
Алимурод ТОЖИЕВ

ТОШКЕНТ
ФЕВРАЛЬ

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ
“Хилъатин то айламиш...” (Гул-
ноза Одилова).....3

НАСР
А.М. АФҒОНИЙ. **Оху хонимнинг эри.**
Роман. (Форс тилидан Миродил Оби-
дов тарж.).....87

Ф.М. ДОСТОЕВСКИЙ. **Иблислар.**
Роман. (Рус тилидан Иброҳим Фафуров
тарж.).....12

Р. МЕРЛЬ. **Изабелла.** Ҳикоя (Рус тилидан
Дилдора Алиева тарж.).....147

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ
Нажиб Фозил ҚИСАКУРАК. **Шеърлар**
(Турк тилидан Усмон Кўчқор тарж.)....

Луис Де ГОНГОРА. **Шерлар.** (Рус
тилидан Омон Мухтор тарж.).....134

Ж.Г. БАЙРОН. **Дон Жуан.** Шеърӣ

романдан парча. (Рус тилидан Сулаймон
Раҳмон тарж.).....74

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. **Туркий тазки-
раларда Навоий образи.**174

Усмон ҚОСИМОВ. **Навоий ва
Саъдий.**.....174

Тоҳир ҚАҲҲОР. **Бобур девони дунё
кезади.**174

У. САИДОВ. **Фридрих Дюрренматтнинг
эврилишлар олами.**174

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ
Унутилмас сиймолар179
Муқовамизда.....205
Таквим.....206

Навбатчи муҳаррир Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир З.ФОЗИЛОВА
Мусаххих Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Н.МАВЛОНОВА

Жаҳон адабиёти, 2. 2013

ИНДЕКС 828, 829
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни қўчириб босиш-
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 15.02.2013 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Жами 2290 нусха. _____ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигининг “Ўқитувчи” НМИУда чоп этилди.
100206, Ўзбекистон, Тошкент ш. Янгишаҳар кўчаси, 1.

© **Жаҳон адабиёти, 2013 й.**



ХИЛЪАТИН ТО АЙЛАМИШ...

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

*Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил сориғ, яшил.*

*Шишадек кўнғлимдадир гулзори ҳуснинг ёдидан,
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.*

*Оразу холинг била хаттинг хаёлидан эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориғ, яшил.*

*Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.*

*Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, ва лек
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил. –*

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.*

* * *

*When my beauty decks herself in red, yellow and green
My sighs go flying like sparks of red, yellow and green*

*I have cultivated the desert of love so the hot breath of my sighs
Has turned the barrenness into a flowering red, yellow and green.*

*When I recall your grace, the mirror of your soul reflects
As from the strained glass mosaic of my window the colors red,
yellow and green...*

*The very thought of your face, of the dark shadow above the lip,
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.*

*Pour red wine into a golden goblet in Spring,
For where else are combined in such a harmony the colours red, yellow and green.*

*The poor can hardly afford clothing even of a single shade,
Still they can easily sew into their robes stripes of red, yellow and green.*

*I
say, Navoiy, seek no longer for brilliant gold, scarlet and green colors,
For the flowers of your poetry have tinged this divan red, yellow and green.*

Л.КМЕТЮК, Қ. МАЪМУРОВЛАР
таржималари

ҒАЗАЛНИНГ ТАҲЛИЛИ

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ушбу машҳур ғазалини Л.Кметюк, Қ. Маъмуровлар инглиз тилига таржима қилганлар. Биз қуйида таржима билан аслиятни қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Ғазалнинг 1-байти инглиз тилига қуйидаги келтирилган:

*When my beauty decks herself in red, yellow and green,
My sighs go flying like sparks of red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қачонки менинг гўзалим ўзини қизил, сариқ яшилга безаса, нафасим ҳам қизил, сариқ, яшил рангли учқунлар каби учади”)

Ушбу мисраларда аслиятдаги бадиий тасвир аниқ узатилган. Аммо Ғарб китобхонига байтдан завқланиш учун яна нимадир етишмайди. Назаримизда, бу – Навоий маҳоратидан таъсирланиш ҳисси йўқ. У байт замиридаги кучли дардни идрок эта олмайди. Навоий байтларида кўплаб санъатлар қоришиқ келади. Уларни шарҳлаб кетиш Навоий маҳорати, буюклигининг тарғиботи сифатида жуда долзарбдир. Юқоридаги байтга изоҳ сифатида бир неча санъатларнинг ишлатилганлиги кўрсатиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Навоий айтмоқчи, унинг маҳбубаси қизил, сариқ, яшил рангли либосда кўринса, бундан ишқи ўртанган ошиқнинг оҳи қизил, сариқ ва яшил тусда осмонга бўралаб кўтарилади. Шоир оҳи мисоли гулхандан кўтарилаётган шуъладек. Маълумингизким, гулхан шуъласи турли рангларда жилоланади. Бу ерда шоир қалб оташининг шундай кучли эканлигини ифодаламоқдаки, ундан кўтарилган оҳ-фигон бамисоли гулхан устида товланаётган шуълага менгзалади. Бу ташбеҳ санъатидир.

Шоир бўғзидан нафаснинг оловланиб чиқиши шу даражада ғайритабиийки, тасаввурга сиғмайди. Бу муболаға “ғулув” санъатига мисолдир. Шу билан бирга, шоирнинг фикрини аниқ-равшан ҳис этиш имконини беради. Шундай экан, Навоий ғазали таржимаси ёнида муайян изоҳлар берилса, шоирнинг маҳорати, ғазал ғояси ўқувчига равшан бўлади. Изоҳлар устида ишлаш таржимон учун ўз хатоларини кўриш имконияти ҳамдир. Буни қуйидаги мисол воситасида кўрсатиш мумкин:

2-байт:

*I have cultivated the desert of love so the hot breath of my sighs
Has turned the barrenness into a flowering red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен ишқ саҳросини ободонлаштирдим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан, яланғочлик (яъни чўл) гуллаб-яшнаётган қизил, сариқ, яшилга айланди.”)

Бу байтнинг аслиятида ҳам ғулув санъати ишлатилмоқда. Инглизча таржимада “Мен ишқ саҳросига ишлов бердим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан яланглик гуллаб яшнаётган қизил, сариқ, яшилликка айланади” дейилиши ўқувчида Навоий байтини тескари тушунишга хизмат қилади. Аслида Навоий “Менинг оҳим шу даражада кучлики, у самум (гармсел) мисолидир. Саҳрода гармсел шундай чанг-тўзон кўтарадики, унинг гирдобидида қолган одам улкан чанг оқимининг қуёш шуълалари таъсирида турли рангларда жилоланишини кўради, гўё бутун саҳро унинг назарида турли ранглар билан қоплангандек туюлади”, – демоқчи бўлади. Бу ўхшатиш Навоийнинг юксак бадиий маҳоратига далилдир. Бундан ташқари, Навоий байтлари мақтаъдан олдин келувчи шоҳбайтгача изчил ривожланиб боради. Таржимада ана шу изчиллик кўзга ташланмайди. Биринчи байтдаги оҳ билан иккинчи байтдаги гармселнинг боғлиқлик даражаси ифодаси, ҳис-ҳаяжоннинг яна бир пардага кўтарилганлиги сезилмай қолган. Таржимада байт маъноси сийқалаштирилиб: “Саҳрога ишлов бериб, уни гуллаб-яшнаган воҳага айлантирилгани” баён этилган. Самум, яъни гармсел образи таржимада бутунлай тушиб қолган. Байтда ишлатилган ғулув санъати таблиғ санъатига айланиб қолган. Таблиғ эса муболағанинг энг қуйи, заиф даражаси бўлиб, ишонса бўладиган туридир. Ошиқнинг саҳрога ишлов беришини ва уни гулзорга айлантиришини тасаввур қилиш мумкин, гарчи у ишқ саҳросини назарда тутган бўлса ҳам. Бундан шундай хулоса қилса бўладики, таржимон мумтоз бадиият сирлари, Шарқ бадиий санъатлари борасида тегишли маълумотга эга бўлиши лозим.

3-байт:

When I recall your grace, the mirror of your soul reflects

As from the strained glass mosaic of my window the colors red, yellow and green...

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қачонки сени ёдга олсам, қалбинг кўзгусида акс пайдо бўладиким, деразамнинг ойнасида таранг тортилган мозаикага ўхшаб қизил, сариқ, яшил...”)

Аслиятдаги байт мазмунидан англашилишича, ошиқ маъшуқасининг беқиёс гўзаллигига шунчалар мафтунки, уни эслаганда тобадон, яъни ўрта асрларда Шарқ ўлкаларида дераза ўрнини ўтаган туйнук шишасидан қоронғу уйга тушаётган қуёш нурлари турли рангларда жилолангани мисол қалбига оқиб кираётган ҳусн тасаввури турфа рангларда товланади. Шиша ва тобадон, кўнгил ва тобадон акси зоҳир бўлган макон, гулзор ва алвон – ранг-баранглик, ҳусн ва қизил, сариғ, яшил ранглар бир-бирига мутаносиб равишда ташбиҳи малфуф санъатини намоён этади.

Таржимадан қуйидагича маъно англашилади: “Қачонки мен сенинг ҳуснингни ёдга олсам, сенинг руҳинг акси кўринар, худди деразанинг рангли ойналаридан тушаётган қизил, сариқ ва яшил ранглар акси каби”.

Таржимон байтнинг маъносини ўз тилида тушунарли етказиб бериш мақсадида муносиб ифода шаклини танлаган. Нур ранг-баранглигини янада аниқ чизиб бериш мақсадида ғарбликлар архитектурасида маълум бўлган “мозаикали дераза”дан фойдаланади. Таржимоннинг ижодий ёндашувини маъқуллаш мумкиндир. У ҳолда байт мазмунига путур етказмасдан “кўнгил шишаси ва тобадон” мутаносиблиги адекватлигини таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриш керак эди. Ушанда шарқона ташбеҳ санъати инглиз тилида қайта яратилган бўлар эди.

4-байт:

*The very thought of your face, of the dark shadow above the lip,
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Юзинг ҳақида кучли хаёлнинг ўзи – бу лабинг тепасидаги қора соя бўлиб, бутун дунёни қизил сариқ ва яшил нурга тўлдирди.”)

Аслиятда ёр гўзаллиги ва ошиқ беҳаловатлиги васфи шу байт билан ниҳоясига етади. Таржима маъно ва руҳият жиҳатидан аниқ адекватлик касб этган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг асосий компонентлардан бири – “хат”, яъни ёр лаби устидаги “чизик” (нозик қора мўй) ни *dark shadow* – сояга қиёслаб таржимон ўз тилида муносиб бадийий муқобил топа олган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг асосий компонентлардан бири – “хол” образи таржимада тушиб қолган. Бунинг сабаби таржимоннинг ушбу нозик тасвир объектига аҳамият бермаганида ёхуд уни инглиз тилида қайта яратиш муаммо бўлганида бўлиши мумкин. Тўртинчи байтда Навоий конкрет инсоний белгиларда заминий гўзал – суратини чизади. Бундан ғазал фақат зоҳирий ишқ тавсифига бағишланган деб ўйлаш юзакилик бўлади. Кейинги байтларда зоҳирий маъно билан бирга ботиний, яъни тасаввуфий талқинга имконият яратилади:

5-байт:

*Pour red wine into a golden goblet in Spring,
For where else are combined in such a harmony the colours red, yellow
and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Баҳор фаслида оч қизил рангдаги шароб олтин қадаҳда; яна қаерда қизил, сариқ, яшил рангларнинг бу қадар уйғунлашган бўлиши мумкин.”)

Аслиятда турфа шуълалар ила лим тўла кўнгилнинг муроди эса ваҳдат майи. Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май – ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, не хуш? Борлиқнинг турфа хиллиги, сир-синаотига ошно бўлишнинг бундан яхшироқ имкони бўлурми?

Аслиятдаги *сабзада* сўзи, таржимада *in Spring*, яъни баҳорда деб ўгирилган. Албатта, *сабза* сўзининг кўплаб маънолари мавжуд, у “яшиллик”, “баҳор”, “яшариш” маъноларини ҳам беради, аммо ғазалда ёшлик назарда тутилган. Бу сўз *in Spring* тарзида келтирилганда инглиз ўқувчиси ундан мурод ёшлик эканлигини англаши учун изоҳ лозим бўлади.

Бадийий санъатлар тўғрисида маълумотга эга бўлмаслик кўп ҳолатларда, таржима маъносининг бузилишига олиб келади. Масалан, куйидаги

*Факр аро беранглик душвор эрур беҳад, ва лек,
Ҳирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил. –*

байти таржимасидан англашилган маъно жуда ғариб:

*The poor can hardly afford clothing even of a single shade,
Still they can easily sew into their robes stripes of red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Камбағаллар ёлғиз ўзларинигина кийим би-

лан зўрға таъминлайдилар, шунинг учун улар хирқа, яъни чакмонларига қизил, сариқ ва яшил ямоқларни осонлик билан тикадилар.”)

Аслиятда муқобала, яъни қаршилантириш санъати қўлланган бўлиб, бу санъат бир-бирига зид тушунчалар орқали муайян ғояни таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш мақсадида ишлатилади. Таржимон “фақр”даги “беранглик” ва хирқадаги “ранг-баранглик” тушунчалари орқали ишлатилган муқобала санъатига эътибор бермагани учун байт маъносини жўнлаштириб юборган. Натижада, таржимада Навоийга хос чуқур фалсафий ҳикматга эга шоҳбайт оддий мулоҳазага ва маъносиз мисраларга айланиб қолган. Фақр (фақирлик) сўфийлик мартабасидаги бир мақомдир. Абдураҳмон Жомий фақрни икки турга бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмий фақир деб мол-дунёга эга бўлмаслик ва фақир яшашликка айтилади. Ҳақиқий фақир эса ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмасликка ва ниҳоятда оддий яшашга интилади. Баъзи шайхлар халқни Ҳақ йўлига эргаштириш учун фақир суратида тарғибот ишларини олиб борганлар. Улар бой бўлсалар ҳам дунё ҳою ҳавасларига лоқайд қараганлар (беранглик шунга ишора). Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, Илоҳий моҳиятни чуқурроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги фақр аломати бўлмиш турли ямоқли либос ботинан фақирга айланганлик далолати эмас, дейди Навоий. Бу ўринда таржимон “фақр” сўзини “poor” деб эмас “fakir” деб берса бўларди. Инглиз тилига дастлаб транслитерация қилиб келинган бу Шарқ реалияси эндиликда инглизча изоҳли луғатларда – “fakir – Moslem holy beggar”¹(қаландар ёки дарвеш маъносидаги мусулмон муқаддас тиланчиси) тарзида учрамоқда. Демак, фақир сўзининг лексик маъноси инглиз китобхонига таниш. Таржимада фақир сўзининг тасаввуфий маъноси ва байтдаги мазмуни, яъни Навоий ҳақиқий фақир бўлиб яшаш мушкул эканлиги, аммо чакмондаги ранг-баранг ямоқлар орқали фақирликка даъво қилиш осон эканлигига ишора қилаётганлиги ва риёкорликни қоралаётгани қисқа изоҳда тушунтириб кетилса, байтнинг ботиний мазмуни инглиз ўқувчисига аён бўлган бўларди.

Еттинчи байт – мақтаънинг инглизча таржимаси:

*I say, Navoiy, seek no longer for brilliant gold, scarlet and green colors,
For the flowers of your poetry have tinged this divan red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Эй Навоий, олтин қизил ва яшил рангларни қидирма, сенинг шеъриятинг гулларидан бу девонинг қизил, сариқ ва яшилга бўялди.”)

Навоий ғазаллари таржималарини кузатар эканмиз, мутаржимлар, асосан, шоирнинг фалсафий мазмундаги ички ва ташқи маъноларга эътибор қаратган, шарқона шеърий санъатларни ўзида мужассам этган ғазаллар таржималарида бироз оқсаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Гулноза ОДИЛОВА
филология фанлари номзоди

¹ Webster's New world dictionary / Simon and Schuster – USA.: William Collins publishers – 1977. – P.57; <http://www.macmillandictionary.com/fakir>.



Али Муҳаммад АФҒОНИЙ

Али Муҳаммад Афғоний 1925 йилда Эроннинг Кермоншоҳ шаҳрида камбағал оилада дунёга келган. Эрон Ҳарбий Академиясида ўқиди. Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийга қарши яширин ташкилотга аъзо бўлгани учун бир қанча дўстлари билан биргаликда ўлим жазосига ҳукм қилинди, кейин бу умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди ва беш йилдан сўнг авф этилиб

озодликка чиқди. Афғоний ўзининг шоҳ асари “Оху хонимнинг эри” романини қамоқда ёзди. Танқидчилар ва адабиётшунослар ушбу асарга форс адабиётида шоҳ асар пайдо бўлди, дея баҳо бердилар. Роман ўз даврининг энг яхши китоби деб топилди ва давлат мукофотига сазовор бўлди.

Али Муҳаммад Афғоний маълум шароит тўғрисида у қадар кўп асар ёзмаган бўлса-да, унинг адиблик маҳорати ҳозирги эрон ижодкорлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. “Оху хонимнинг эри” романи жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинган.

ОҲУ ХОНИМНИНГ ЭРИ

Роман¹

БИРИНЧИ БОБ

Хижрий 1313² йилнинг қиш кунларидан бири, вақт пешиндан оққан. Гўзал Кермоншоҳ шаҳри узра чарақлаган илиқ ва ёқимли офтоб ўтган кеча ёққан қорнинг энг охири зарраларини ҳам эритиб юбормоқда. Осмон артилган шишадек тиниқ эди. Томларнинг кўча томонидаги бўғотларига ин қўйган кабутарлар оёқлари ости ва те-варак-атрофдан кўтарилаётган хира буғлар орасида виқор ва лаззат ила ғу-ғулар эдилар. Гўё ёмғирли ва қорли кунлар тугаб, шодлик ва сармастлик бошланганини ички бир туйғу билан ҳис қилаётгандек эди улар.

Кўчада ҳаёт ҳар доимгидек жўнгина ўтиб бормоқда эди. Ол лўк-лўк қилиб тортиб бораётган извош, қўлларини пальтоси ичига тикиб олган ва бошини куйи солиб, ўз ишлари ва ҳаёти ҳақидаги ўйлар билан банд йўловчи, мижозлари билан машғул бўлган сотувчи – буларнинг ҳеч бирида шошилиш аломати сезилмас эди. Тош терилган йўлка бир оз хўл эди ва деворларга ўрнатилган тарновлар сирли шовулларди.

Кўчанинг ҳар икки тарафидан очик ва ёпиқ дўконлар саф тортган. Эшикларининг орқа ва олди кўк ва яшил рангга бўялган. Ҳали яхши қуримаган бўёққа ўз ўй-хаёллари билан банд ўткинчилар кунда эътибор қилмасалар-

¹ Журнал варианты.

² Мелодий – 1945 йил.

да, мактабга йўл олган, ғам-ташвишдан озод жажжи ўқувчилар қизиқиб тикилар эдилар. Ҳамма нарса қандайдир байрам ва қутилмаган мажбурий дам олишдан дарак берарди.

Ҳавони бўёқ ҳиди тутган. Катта-кичик дўконларга кириб-чиқаётганлар эшикларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилар эдилар. Фаррошлар ўзларига хос ишбилармонлик ва ҳафсала билан чурқ этмасдан йўл четларидаги ахлат тўла идишларни шаҳар ташқарисига олиб бориб ташлайдиган машиналарга бўшатишарди. Бу ахлат идишлари шаҳарга янги тайинланган ҳокимнинг халққа манзур бўлган ташаббусларидан бири бўлиб, уларнинг яшил, қизил ва оқ ранглари ўша тушдан кейинги кўзни қамаштирувчи ёруғ кунда шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб юборганди. Ҳаворанг кийим кийган, оёқ кийимлари ва таёқларини ярқиратиб мойлаб олган полициячилар бош кийимларини қошларигача бостириб кийиб олганлар, улар мамнунлик билан мийиғида жилмайиб қўйишар, пошналарида айланиб, атрофга аланглар, нисбатан катта ва диққатга сазовор шаҳарда бирор ёқимсиз нарса пайдо бўлиб қолмасин, деб у ёқ-бу ёқни ўткир нигоҳлари билан назардан ўтказар эдилар.

Нариги учи Ҳожи Шаҳбозхон масжидига бориб тақалган қиска тор кўчада эшиги тепасидан томигача ғиштин девори тутундан қорайиб, хунуклашиб кетган новвойхона ўша атрофдаги бошқа новвойхоналардан яққол ажралиб турарди. Унинг қорайиб кетгани ҳам ўзига ярашгандай. Ҳали гавжум бўлмаган новвойхона ичидан темир косов ва нон ёпадиган ёғоч куракча овози, тандирда ёнаётган ўтиннинг чирсиллаши ва новвойхона ишчиларининг баланд овозда суҳбатлашаётганлари қулоққа чалинади. Тандирдан янги узилиб эшикнинг чап ва ўнг тарафи ҳамда новвойхона деворларига суяб териб қўйилган чиройли сангақлар¹ тўқчилик ва фаровонликдан нишон берарди. Рамазон ойи бўлиб, седанали ноннинг иси узоқ-узоқларгача таралиб, ўткинчиларнинг иштаҳасини қитиқларди.

Пул соладиган қутича ёнидаги тарози орқасида ўрта бўйли, қорачадан келган бир киши турибди, у эгнига кулранг пальто кийган эди. Пешонаси кенг ва текис, қошлари қалин, кўзлари ўткир эди. Хиёл озгин ва чўзиқ юзида чуқур ва узун чизиклар бўлиб, унда касбига хос кўпроқ мардлик намоён эди. Янги расм бўлган шляпаси остидан чиқиб турган сочлари ва соқолининг оқи қорасидан кўпроқ эди. Тугмалари бепарволик билан ечиб қўйилган пальтосининг остидан йўл-йўл жигарранг костюм-шим, нимча ва ҳатто чўнтак соатининг банди ҳам кўриниб турарди. Бу киши Мирон – аниқроқ айтадиган бўлсақ, ушбу новвойхонанинг эгаси Сайид Мирон Суробий эди. Кичик шаҳарларда аҳолининг камлиги, майда-чуйда воқеалар ва кундалик ҳаётнинг бир хиллиги туфайли одамларнинг турмуши ҳам шунга яраша бўлади, бир қарашда ҳамманинг аҳволини билиб олиш осон. Юқорида тасвирланган новвойхона олдидан извошда ўтиб кетаётган жуссадор, аммо ёши ўтинқираган киши тарози ортида турган Мирон Суробийга кўзи тушгани ҳамон, извошдан бошини чиқариб, салом бериб, унинг диққатини ўзига тортди. Суробий саломга алик олгач, извош орқасидан кўча томон юрди ва унга яқин бориб, эҳтиром билан сўради:

– Қаерга кетаяпсиз, Шўжо оға? Ҳойнаҳой, менинг уйимга бўлса керак?

Извош новвойхонадан ўн қадамча нарида йўлнинг четида тўхтади. Мўйсафид ўрнидан кўзғалди ва извош соябонидан ушлаб, таажжуб ва ташвиш аралаш ингичка ва нолиган оҳангда жавоб берди:

– Ҳа, ўша ерга кетаяпман, кеч қолмайин, деб шошиб кетаётувдим.

¹ С а н г а к – махсус тандирларда қизиган майда тошлар устида ёпиладиган нон.

Аммо, таажжуб, тақсиримнинг ўзлари нечун тарози ортида турибсиз? Ёки мен адашдимми, а? Бугун сешанба, муборак рамазон ойининг ўн иккинчи куни новвойлар уюшмаси аъзолари...

У ўтиб кетаётган йўловчига беихтиёр нигоҳ ташлаб, сўзини тугатмасдан жим қолди. Оғир гавдаси билан қўлидаги қамиш ҳассасига суяниб, эҳтиёткорлик билан извошдан тушди. Катта ва кенг бўлишига қарамай унинг ёғ босган катта қорнини тўла ёполмаган нимчаси чўнтагидан битта танга чиқариб извошчига берди. Вазмин ва касалманд одамдек, аввал йўлакка, кейин новвойхона эшиги олдига, дўстининг ёнига борди. Сержун яланғоч кўкраги нафас сиқилишидан тез-тез кўтарилиб тушар ва томоғидан чийиллаган овоз чиқарди.

Мирон Суробий яна қайтадан салом берди, лабига табассум югурди ва ҳазиллашиб деди:

– Тегирмончи адашади, сиз эмас, новвой жаноблари! Ҳа, бугун новвойлар уюшмаси аъзолари йиғиладиган кун. Лекин бизнинг қароримиз ўзгариб қолди, йиғилиш рамазон ҳайитининг эртасига тушдан кейинга қолдирилди. Ишнинг кетишидан бугун ҳамма аъзолар билан йиғила олмаслигимизни олдиндан сезган эдим, чунки ҳозир рамазон, кўпчилик рўза тутган, агар йиғилишда ҳамма қатнашмаса, айниқса, кўпчилик ҳузурида ўз аҳволларини аниқлаб олмасалар, бизнинг ҳаракатларимиз бирор натижа бермаслигини ўзингиз ҳам билсангиз керак. Иш юришмаганидан, ўзингиз кўриб турганингиздек, йиғилишни уюштирувчи, бошқача айтганда, асосий мезбон, яъни менинг ўзим эса тарозини ташлаб кетолмайман. Тарозичим Ҳабиб мана икки кундирки, бекорга жаҳл қилиб, мени қийин аҳволга солиб қўйди. Дарвоқе, нима учун ўзлари йиғилиш куни ўзгарганидан шу пайтгача беҳабар қолдингиз? Мирзонаби бу ҳақда ҳаммага хабар етказдим, деган эди-ку? Ҳа, айтгандай, эсимга тушди, сизни тополмадим деганди. Дўконингиз ёпик экан. Эшитишимча, унинг ёпик бўлишига сабаб тегирмончининг йўқлиги эмиш.

Суробий кекса ҳамкасби ўтирсин деб курсини суриб қўйди. У қўлини силтаб, курсига ўтирмади ҳам, унинг саволига жавоб ҳам бермади. Қўли билан ҳассасига суяниб тураверди. Бир қанча муддат тикилиб қолган нафасини ростлаб олгач, ошқора хафа бўлиб деди:

– Рамазон ойи, рўзанинг ишга нима дахли бор? Биз ахир чой ичиш, ширинлик ейиш учун йиғилмаймиз-ку. Сиз бир томондан новвойхоналарга бориб фалон куни фалон соатда йиғилишга боринглар, деб узундан-узун рўйхатга қўл қўйдириб оласиз...

Чол сўзини тугатмай жим қолди. Тарози тошларини супача устида у ёқдан-бу ёққа сураётган новвойхона эгаси норози оҳангда суҳбатни давом эттирди:

– Ҳа, Шўжо оға, мен фақат новвойхоналарга бормадим, балки кечкурунлари ва ҳатто ярим тунда ҳам уйма-уй юрдим, одамларнинг вадасини олиш учун не қўйларга тушмадим? Ҳа, лаганбардорлик қилдим, тўғри маънода нозларига ҳам чидадим. Пайғамбарларга хос ҳафсала ва сабр-тоқат билан уларнинг ҳаммаси билан бирма-бир тортишдим. Албатта, “ҳаммаси” деганим кимлар экани ўзингизга маълум. Ниҳоят уларни мана шу ҳозир ўтиб бораётган рамазон ойининг ўн иккинчи куни тушдан кейин бўладиган йиғилишга келишга кўндирдим. Ҳозир менга кўринишни асло истамаган ёки турли исмлар ва унвонлар билан сафсата сотаётганлар билан ишимиз йўқ. Баъзи жанобларнинг, тушунишимча, диллари тўла гина-кудурат, аммо айта олмайдилар. Қанақа гина-кудурат

дейсизми? Баъзи бировлар шундай фикрдаларки, новвойлар тоифаси ҳозирги аҳволда бундай йиғилиш ва мажлислардан вақтни йўқотиш ва муаммоларни баттар ошкор қилишдан бошқа ҳеч нимага эришмайди, чунки улар ҳамфикр эмаслар, айтган сўзларига амал қилмайдилар, бир-бирларини алдайдилар, мардлик, ҳамият деган нарсалар уларда ўлган. Бир ёндан йиғилишиб, жиддий ва қатъий қарорлар қабул қилишади-да, иккинчи ёқдан айтганларининг тескарисини қилишади, ҳар бири ўзи билган йўлдан юриб, охири ҳаммасини йўққа чиқаради.

Чолнинг чакчайган кўзлари ва ярим очик оғзи унинг бутунлай ҳайратга тушганидан далолат берар эди. Сайид Мирон бир мижознинг нони билан тарози томон юраркан, давом этди:

– Шерали билан укалари, бошқалар билан ишимиз йўқ, биз мажлису уюшмаларга қатнашмаймиз, чунки эртага бошимиз жанжалдан чикмай қолишини истамаймиз, дейишяпти. Аммо ўрнини ҳўл қилиб қўядиган боланинг баҳонаси тарвуз деганларидек, буларнинг бари баҳона, зехни кўрликнинг нишонаси, мени афв этасиз-у, ўзининг фойда-зарарини шу даражада фарқлай олмаган одамни нима дейиш керак? Мана, шу шаҳардаги йигирма олтита новвойхона ва уларнинг эгаларининг рўйхати, кимлар имзо қўйган, кимлар қўймаган. Албатта зоғорапазларни бу рўйхатга киритмадим. Хўшкапазларнинг¹ ҳам аввал-бошданок ҳисоблари биздан бўлак эди. Гарчи ҳозирги кунда ўз новвойхоналари бўлмаса-да, тажрибали ва қадимий ҳамкасабаларимиздан икки-уч нафари бу рўйхатга киритилган. Аммо афсус ва надомат билан айтишим зарурки, жуда “азиз ва муҳтарам” ҳамкасабаларимиздан бир неча кишининг норозилиги ва қаршилигига сабаб ҳам мана шу. “Узоқни кўра олувчи” бу жаноблар ўзларича гўё кимдир уларнинг нонини яримта қилмоқчи, деб ўйлашади. Агар хусусий олди-бердилари бўлса, булар уни умумий ҳисоб-китобга аралаштирмаслик кераклигини ҳам фаҳмлай олмайдилар.

Шўжо оға катта қоғозга ёзилган рўйхатни дўстининг кўлидан олди. Кўпчилиги муҳр ва бармоқ изларидан иборат бўлган имзоларга кўз югуртириб чиқди, бошини ўнг ва чап томонга зўрға бир чайқаб, хириллаган йўтал аралаш деди:

– Пасткашлик! Калтабинлик! Қўрқоқлик! Бу тоифа элнинг ишлари яҳудий қавмидек ҳали-бери тўғри бўладиган эмас. Ўзаро иттифоқ ва бирдам бўлиб, кўриб турганимиздек, бизни чирмандаларига ўйнатаётган тегирмончиларни айтмасам ҳам бўлади. Бу тоифа ҳатто қаҳвачилардан ҳам паст. Тегирмончилар новвойларнинг оҳангига йўрғалайдиган ўша замонларни наҳотки энди тушимизда кўрсак? Новвойбоши номини эшитгандаёқ баданларининг туки тик бўларди. Улар бутун икки ҳафта давомида “Омад маҳди” масжидига ночорликдан паноҳ истаб бориб ўтирган ўша йилни ҳануз унутганим йўқ. Ўзларининг айтишларича, новвойбошининг зулми ва новвойларнинг зўравонлиги дастидан ўз тегирмонларини ташлаб, бошқа шаҳарларга паноҳ излаб кетмоқчи бўлишганди ўшанда. Масала нимада эди, бизнинг бирлашганимиз гўё уларнинг кўзига санчилган зирапча эди. Новвойлар орасида фикр ва амал бирлиги, бирдамлик бор эди, яъни Худо уларни қўллаб-қувватларди. Од ва Самуд қабилаларига ўхшаб, гуруҳ-гуруҳга бўлинган, ўзаро келиша олмайдиганларнинг ҳолига вой. Суробий жаноблари, сизга шундай бир чигал ва мураккаб вазият мерос қолдики, фақат мўъжизагина уни тузата олади. Йигирма йилдан бери шу шаҳарда новвойлик қиламан. Соқолим шу касбда оқарди ва ҳеч қачон на

¹ Х ў ш к а п а з – алоҳида ундан тортилган қусурлайдиган нон ёпувчи новвой.

бир ҳамкасбимга ғайирлик қилиб, тегирмончисини ўзимга оғдирдим, на новвойхонамнинг юкини олиб бориб берди. Аммо тоифамизнинг янги раиси давлати соясида, баъзиларнинг таъбири билан айтганда, ўзини новвойхонани миридан-сиригача биладиган одам, деб ҳисоблайдиган мендек бир киши, мана, уч кундирки, уйда ўтирибман. Ёки ҳозирги кунда новвойхонаси ишламаётган ўша эски ҳамкасблардан бири балки менидирман?! Агар шундай бўлса, илтимос, очикдан-очик менинг номимни рўйхатдан ўчириб ташлайверинг. Шуям инсофданми?! Мана шу ҳозиргина тилга олганингиз падар лаънати пасткаш Шерали ўзининг битта эмас, иккита тегирмони бўлатуриб менинг тегирмончим Чироғалининг олдига бориб, ҳар бир шегердга¹ бир туман² қўшиб беришини, ҳар бир эшакка ортиб элтиб берилган юкка бир қирон³ тўлашга тайёрлигини ва бир харворга⁴ икки ман⁵ ҳисоблашини айтибди. Ана энди айтинг-чи, тоифа раиси жаноблари, уйда саккиз нафар нонхўри бўлган мендек касалманд ва қари чол нима қилиши керак? Тегирмончи саломимизга алик олгиси ҳам келмайдиган бу қурғоқчилик йилида ва ота-онаси кимлиги номаълум, кечагача қаерда бўлгани ва нима иш билан шуғуллангани номаълум бўлган бу беҳамият ва ифлос ҳамкасблар билан одам бошини қаёққа урсин?! Мен ҳам юзига эшак терисини қоплаб олган одамга ўзимни тенг қилиб, сурбетлик билан унга-бунга бориб ялинсам ярашадими? Ёки ҳеч нима қилмасдан ётаверай ва бутун оилам билан очликдан ўлайликми?! Сиз Қосимхоннинг ўрнига раис этиб сайланган кунингиз мен ва бошқа кўпчиликнинг дилини хушнуд этган нарса шу бўлгандики, ҳар ҳолда тушунган, ташаббускор ва ҳаммадан ҳам муҳими, беғараз бир одам топгандик. Қосимхон гапга чечан, чўрткесар одам эди, аммо фақат ўзини ўйларди. Ҳали ҳам сиздан ноумид бўлганимиз йўқ, бундай деб ўйламанг. Агар новвойлар уюшмаси аъзолари ичида ўзи учун бирон нарса умид қилмасдан барча тоифа иши учун югур-югур қилишга, жон куйдиришга тайёр битта одам топилса, у Сайид Мирон Суробий, яъни шахсан сиздан бошқа одам бўлмайди. Қаерда ўтирмай, Худо шоҳид, шу гапни тилимдан қўймаганман, модомики, бунинг акси исбот қилинмаган экан, бундан бошқача бўлмайди ҳам. Аммо нима учун кун сайин ишимизнинг чигали илгариги кундан кўпроқ ва ечиб бўлмас бўлиб бориши керак?! Нима учун ҳамфикр бўлмаслигимиз ва ҳар биримиз ўзимизча бир йўлдан боришимиз керак?! Қачонгача тегирмончига хушомад қилишимиз керак?! Зарари юз фоиз ўзимизга тегадиган бу рақобатлар ва мен-сенга боришларни йўқотишимиз керак. Тегирмон ҳақи, ҳар бир новвойхонада ёпиладиган нон миқдори, бошқа ҳар бир мавзу хусусида ҳамфикр бўлмоғимиз ва бу аянчли тартибсизликни бирваракайига ва бутунлай йўқотмоғимиз керак.

Қария нисбатан вазминлик билан сўзларини тугатди. Катта-катта ва такволи кўзлари нохуш чакнади. Новвойхона бирмунча вақт мижозлардан холи қолди. Мирон биринждан ясалган чўнтак пошнакаши⁶ билан пештахта супаси устидаги манқалнинг кул босган оловини титкилади ва бироз хаста ва мулойим овозда гап бошлади:

– Ўтган куни мени шаҳар ҳокимиятига чақиртиришган эди. Келинг, курсига ўтиринг, Шўжо оға, бу туришда чарчаб қоласиз. Бориб билсам,

¹ Шегерд – ўн харвор юк.

² Туман – Эрон пул бирлиги, бир туман 10 риёлга тенг.

³ Қирон – эски пул бирлиги, бир риёлга тенг.

⁴ Харвор – оғирлик ўлчови, 300кг.га тенг.

⁵ Ман – оғирлик ўлчови, 3кг.га тенг.

⁶ Пошнакаш – оёқ кийимини кийишда ишлатиладиган қошиқ.

яна ноннинг нархи хусусида чақиришган экан. Янги шаҳар ҳокими ҳали ўз курсисига ўрнашиб олмасдан туриб бизнинг ишимизга бурнини тикибди. Гўё новвойларнинг ишига аралашидан бошқа ишлари йўқдек.

Бир оёғини курсига қўйиб, таклид қилган оҳангда овозини йўғонлатиб деди:

– “Сангак нони ўн саккиз динордан¹ қиммат сотилмасин”.

– “Ноннинг нархи бутун шаҳарда бир хил бўлиши лозим”, – ва энг кулгилиси: – “Нон тандир олдида тарозига қўйилиши лозим”.

Шўжо оға бу сўзларни, айниқса, охириги жумлани эшитиб ўзининг дардманд кўзларини юмган ҳолда бўғиқ овозда ҳалқумидан чиқариб шундай кула бошладики, баданидаги қоннинг нақ ярми юзига урилди, сарғайиб кетган яккам-дуккам хунук тишлари иржайди, кўкрагидан чиқаётган чийиллаш кучли хириллашга айланиб, ўша ҳолатда деди:

– Ким келса онамнинг этагига ёпишади, ҳеч ким отамнинг қўлидаги белкуракни олай демайди. Хўш, сен нима дединг? Ҳали у билан қайси тилда гаплашишни билмасам, нима ҳам дердим, дегин. Айтишларича, жуда ифлос, кўпол эмиш. Сен аввал Мирзонабини унинг олдига юборибсан, ҳоким у бечорани тўпга қўйиб отгандек хонасидан қувиб чиқарибди, деб эшитдим. Ха-ха-ха-ха!

Шўжо оға йўталганча қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади ва Мирон Суробий ҳамкорларидан бирининг мулзам бўлишига сабаб бўлган воқеани эслаб, бошини тебратиб қўйди. Қария йўталдан тўхтади ва ўзини ўнглаб олмасдан туриб бармоғи билан тасдиқ ишораси қилиб, қўшиб қўйди:

– Ҳа, азиз дўстим, бу ўзимизнинг орамиздаги келишмовчилик ва бошбошдоқликнинг аччиқ мевасидан бошқа нарса эмас.

Кўз қири билан орқа томонга эҳтиёткорона бир назар ташлаб, овозини пасайтирди:

– Мен ва сиз бир шаҳар ва бир вилоятнинг икки косиби эканмиз, буғдойнинг яхши ёки ёмонлиги, тегирмон ҳақининг ҳар хиллиги баҳонаси билан, шахсий хоҳишимиз ёки бошқа ҳар қандай сабаб билан бу нонни икки хил нархда сотамиз, фойтунда юрадиган ҳокимни қўятуринг, ҳатто Жонмурод қоровул ҳам “бу нимаси”, “нега бундай бўлиши керак?”, дейишга ҳаққи бор.

Новвойхонанинг у бурчагида устун ёнига оқ чодир ёпинган бир аёл келиб турган эди, унинг юзи чодир остида яширин, бу икки киши ўртасидаги суҳбатни эшитгулик даражада яқин ҳам эмасди. Афтидан, ё нон сотиб олиш учун келган-у яқинроқ келишга хижолат қиларди, ёки бирор киши ёки нарсани кутиб турарди. Шўжо оға гапини давом эттирди:

– Молларга нарх белгилаб қўйиш исломда йўқлигини биламан ва Амир Али алайҳиссалом ҳазратлари ҳаёт пайтларида халифалик даврларининг охиригача ҳеч қачон бундай ишга йўл қўймаганлар. Аммо агар давлат ноннинг баҳосини белгилаб қўйишни истаса, нима учун ўзимиз белгилаб қўя қолмаймиз, а? Агар шаҳарда нон масаласи ҳақиқатан ҳам ислоҳотга муҳтож бўлса, нима учун бу ишда ўзимиз пешқадам бўлмаймиз? Агар Худо хоҳлаб келишилса ва мажлис ўтказилса, мен у ерда бир неча масалани ўртага ташламоқчиман.

Бир нечта бошқа мижозлар новвойхонага кириб келиши бу икки ҳамкасб ўртасидаги суҳбатни бўлди. Кекса новвой ўзининг тоифа раисидан ҳозирча энди бутун тоифа нима қилиши кераклиги ойдинлашмагунича унинг учун бир тегирмончи топиб беришини ва новвойхонаси ишламай ётишига йўл қўймаслигини илтимос қилди.

¹ Д и н о р – пул бирлиги.

Оғир хасталик укубати акс этиб турган кўзларини ерга олиб, бошини куйи солди ва хайрлашиб, аввал келган йўлнинг тескари томонига қараб инқиллай-инқиллай йўлга тушди. Бир неча қадам ташлагач, орқага ўгирилди, заиф ва титроқ кўлининг кўрсаткич бармоғини кўтариб деди:

– Яна бир нарса, нонни кўтариб юриб сотишни ҳам тўхтатиш керак, тушуняпсизми? Бу ҳам шундай бидъатки... – у сўзини тугатмай, тўсатдан сўради: – Айтинг-чи, ўзингиз бу таклиф ҳақида қандай фикрдасиз? Мен-ку, шу пайтгача сизнинг новвойхонангизнинг нонини айланиб сотиб юришганини кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасман, хўш?

Сайид Мирон кўзларини ярим юмиб, табассум билан секин бош чайқади:

– Ўзингизнинг азиз жонингиз ҳаққи хурмати бўлмаса, Шўжо оға, дунёда энг азиз бўлган тўрт фарзандим жони ҳаққи, ҳеч қачон новвойхонамда сотиладиган миқдордан бир мискол ҳам ортикча нон ёпишни ўйлаган эмасман (тили учига келган “журъат қила олмаганман” сўзларини ичига ютди). Нонни кўтариб юриб сотиш яхши эмас, бу лавлаги сотувчиларга тегишли нарса. Биз, ўзингиз айтганингиздек, бир тўда ифлослар новвойхоналарнинг обрўсини тўкишига йўл қўймаслигимиз керак. Мен ўзим бу таклифга юз фоиз қўшиламан.

Қария бу гал қайрилиб йўлга тушганида юзида боягидан кўпроқ мамнунлик аломати кўришиб турарди. Мирон Суробий курсини девор тагига сурди ва нима кераклигини билиш учун ҳали ҳам ўша ерда турган оқ чодирли аёл томонга бошини бурди ва ўзича ўйлади: “Бу одам ҳали билмайди ёки билса ҳам ўйламайдикки, мен армияни ҳар куни бир харвор нон билан таъминлашга шартнома тузганман, аммо зўрға унинг ярмини удалаяпман. Ахир қанча мажбур қилиш мумкин: ишчиларим новвойхонамнинг имкониятидан ташқари бўлган бу миқдордаги нонни етказиб бериш учун кунига ўн олти соат ишлашяпти. Ох! Эсимга тушгани қандай яхши бўлди, бугун кечқурун қандай бўлмасин кўмондоннинг ёрдамчиси, хўжалик ишлари бошлиғининг уйига боришим керак. Бу иш мен учун тарозибон топишдан ҳам муҳимроқ. Ҳайитнинг биринчи кунигача тузилган шартномамиз яқинда тугайди. Ҳозирданоқ шу ҳақда ўйлаш керак, ҳозирдан ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда кулай фурсатни пойлаб, пистирмада турган тажрибали рақиблар бу ишга суқиладилар”.

Ўзидан кучлироқ бўлган тарафга янги тузиладиган шартномада қабул қилдирмоқчи бўлган таклифларини ўзича чамалай бошлади. Ундан илгарироқ одобли, босиқ одам бўлган ёрдамчи билан бу ҳақда суҳбатлашган эди. Деярли ҳар томонлама бу ишга замин яратган эди. Фақат кичкина бир хавотири – танлов эълон қилиниши мумкин эди. Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай битар. Айтадилар-ку, дўст яхши бўлса, иш осон битади, деб. Армия шартномаси пул жихатидан унга, ҳатто бошқа ҳар қандай одамга ҳам фойдасиз эди. Шунга қарамай, кўпчилик уни қўлга киритишга ҳаракат қиларди. Чунки мана шу йўл орқали шаҳардаги ҳарбий кўмондонлик билан яқинлашиб олган одам гўё шартнома ҳимояси остида ўтлаб юрган Шатарбадек¹ ўзини озод тутиши мумкин эди. Сайид Мирон Суробий ҳам ана шу жуда муҳим нарсани назарда тутиб ҳаракат қилаётган эди.

Оқ чодирли аёл новвойхонанинг эгаси иккинчи марта сўрагандан сўнг турган еридан жилмай, тагли-зотли хонадондан эканлигини билдириб турувчи ҳаё ила ийманиб кўлини чўзди ва бир риёллик тангани супа устига

¹ Ш а т а р б а – “Калила ва Димна”даги сигир номи.

қўйди, курдча лаҳжасини яширишга уриниб, мулойим ва синиқ овозда бир чорак нон беришини сўради.

Аёл юзини очмади. Номаҳрамнинг кўзи қўлига тушмаслиги учун пулни ҳам чодирининг бир учи билан супа устига қўйди ва сўз оҳангидан у мана шунга ўхшаш харид қилишлар учун кўча ва бозорларга чиқаверадиган аёллардан эмаслиги кўриниб турар ёки аёл ўзини шундай қилиб кўрсатишни истар эди. Сайид Мирон заиф, аммо назокатли бир оҳангда, қайси нондан берай, сингиб пишганиданми ёки юмшоғиданми, деб сўради. Аёл бошини бошқа томонга бурди, чодирининг бир учини ушлаб, юзини тўсиб турган қўлини ўша ҳаё ила алмаштирди ва жавобга оғиз жуфтлади. Янги турмуш қураётган қизлар никоҳ ўқиш пайтида домлага одатда ана шу тарзда жавоб қайтаради.

Новвойхонанинг паст бўйли, семиз, бурни узун, бошига чарм кулоҳ кийиб олган хизматкори бир қанча янги узилган қайноқ нонни ичкаридан кўтариб чиқди ва пештахта устига битта-битта териб қўйди. Сайид Мирон буғи кўтарилиб турган нонлардан бирини олиб, тарозига қўйди ва четидан бир бўлак синдириб олиб, тарозида керагини тортиб, мижозга узатди. Аёл нонини олиб кетди, аммо шу заҳоти орқадан новвойхона эгаси овоз берди:

– Хоним синглим, қайтимни олишни унутибсиз.

Чодир остига яширинган қўллар оппоқ ва нозик бўлиб, бармоқлари узун-узун ва ингичка эди. Сайид Мирон “синглим” сўзини ҳар қандай номаъкул фикрлардан холи бўлиш учун атайлаб қўшиб айтган эди.

Аёл қайтимни олаётганда гўё чодирини янада яхшироқ ушлаб олмоқчи бўлиб ва, худо кўрсатмасин, номаҳрамнинг кўзи унинг юзига тушиб қолмасин, деган хавотирда ўнғайсизроқ ҳаракат қилган эди, ногаҳон юзи очилиб кетди ва аёл шошиб юзини қайта беркитиб олди. Садафнинг чирк босган қобиғи ичидаги дурнинг кадрилини қайдан билсин! Чодир остидан тўлин ойдек думалоқ юз илиқ табассум ила жилмайганда бир лаҳза ярақлаб кўринган дурдона тишлар ҳар қандай одамнинг ақлини олмай қўймайди:

– Кечирасиз, қайtimi бор деб ўйламагандим, рўза ойида одамнинг эс-ҳуши жойида бўлмайд.

Ўз навбагида рўза ва ҳафачилик оқибатида гаплашишга ҳам тоқати қолмаган Сайид Мироннинг бирдан чехраси ёришди-кетди, қувнок оҳангда деди:

– Сиз ҳақсиз, аммо мен бечора олдингизда қарздор бўлиб қолишимга оз қолди. Агар рўза мусулмон одамни ақлу ҳушидан бегона қиладиган бўлса, тошу тарози билан ишлайдиган шўрлик қосибларнинг ҳолига вой!

Ўртага сукунат чўкди. Бир чети кўнглидан: “Айниқса харидоринг зебо санамдек кўнгилларни ром этувчи паричеҳра бўлса”, деган иштибоҳ ўтди. Аммо Худонинг бандаси атайлаб ёки билиб-билмай рўзадорлигини пеш қилиб шубҳа ва нотўғри тасаввурга ўрин қолдирмаслик учун ўзини дин ҳимоясига олиши бор гап. Сайид Мирон сўзида давом этди:

– Мол сотаман деб дину имонини сотган бечора қосибнинг ҳолига вой! Ўзингиз қаранг-а, хоним, мендек бир ҳақир ва сиз каби рўзадор банда паришонхотирлик боис қайтимни унутганимизда нима бўларди? Аслида ўн шоҳи арзимас пул. Уйга боргач, эсингизга тушса, қайтиб келиб олишни ўйламасдингиз ҳам, чунки овора бўлганга арзимамайди. Аммо ана шу арзимас чақа олмос донасига тушган дарздек қосиб кишининг имонига путур етказиши тайин; қабрнинг биринчи тунида оғзи боғлиқ ит ва беҳисоб чаёнлар сенинг мезбонинг бўлади!

Аёл жим турарди. Сайид Мирон эса гўё катта ёшдаги одам эмас, балки ёш бола билан гаплашаётгандек, сўзлари ўзига нашъа қилиб, хи-ҳилаб кулиб қўйди, бошқа бир мижознинг қўлидаги нонни олиб тарозига қўйди ва беихтиёр кетаётган аёлнинг орқасидан қараб, унинг кийим-бошига тикилиб қолди; одатда косиблар ўз мижозларини эслаб қолиш учун шундай тикилишади. Аёлнинг юзи, сочлари ва чодир остидаги кийимига бир карра кўзи тушибоқ кўнгли шунчалик алғов-далғов бўлиб кетдики, узоқдан аёлнинг пайпоғи ва кўримсиз оёқ кийими ҳам уни оҳанрабодек ўзига тортмоқда эди. Аёл чиндан ҳам айни ҳусну жамоли камолга етган даврда эди. Эғнида кўримсизгина бинафшаранг кўйлак ва этаги бурмали эски камзул. Юзи рангпар ва озғин эди. Бир гал нонни ва иккинчи гал пулни олиш учун чодир остидан қўлини чиқариб узатганида Сайид Мирон бир неча марта ичига қайтариб тикилаверганидан камзулининг энги анча калта бўлиб қолганини сизди; ҳатто бутун билаги ва кумуш билакузуклари кўриниб кетганди. Балки боласининг камзулини кийиб олгандир? Бир томондан гўзал ҳусну жамол шукуҳи, иккинчи томондан моддий ночорлик туйғуси ўша куни унинг новвойхонасига бир чорак нон олиш учун келган ўша аёлнинг борлиғида мана мен деб турарди.

Бу аёл, шубҳасиз, қор остидан униб чиққан бир дона оқ бойчечакдек эди. Насл-насаби улуғ пайғамбарга бориб тақаладиган, мўъмин-мусулмон, фақат покликни ўйлайдиган одамнинг дилига қандай қилиб бошқача фикр келиши мумкин? Аёлнинг ортидан тикилганнинг нигоҳи ҳар қандай шубҳали ҳис-туйғудан холи эди. Бунинг устига ўша васвасали хаёли беихтиёр Худо томон бурилди: пешин ва аср намозини адо этиш¹ учун дарҳол масжидга шошилиши керак эди. Қалбида ягона яратган зот жой олган киши шайтонни ўзига яқин йўлатмайди.

Сайид Мирон Суробий рамазон ойининг ўтган бир неча куни давомида ўзининг ҳар йилги одатига кўра пешиндан кейин масжидга борарди, имом орқасида туриб, намозини адо этар ва ички бир тарвиҳ ва хотиржамлик билан ваъз ва масъалаларни, ҳадислар ва ривоятларни кунт билан тингларди. Аммо тўғрисиўз ва имонли тарозибони Ҳабиб кетганидан буён энди, Шўжо оғага айтганидек, фақат ишлари бошидан ошиб-тошиб кетдигина эмас, балки йилда бир марта рамазон ойида муяссар бўладиган шундай ноёб фурсатнинг улуғ файзу баракотидан бенасиб қолаётганди. Масжидда ўтириб ваъз эшитишга ҳафсаласи ва вақти бўлмаса-да, лоақал шогирдини тарозига қўйиб, ўн дақиқа ёки узоғи билан чорак соатга масжидга борса, намозларини адо этиб, ишига бемалол қайтиб келса бўлар эди.

Сайид Мирон Суробийнинг яна бир лақаби Машҳадий Мирон эди. У йимонли, меҳрибон бўлиши билан бирга иродаси маҳкам, назокатли, вазмин ва ҳар ишни ўйлаб қиладиган киши эди. Дўстлари ва шериклари, мижозлар ва новвойхона ишчиларига нисбатан самимият ва ҳурмат билан муомала қиларди. Аёл зоти билан ва оилавий муносабатларга келганда эса, ўрни билан иш тутарди – керак жойда яхшигина ҳазил-мутойиба қилар, керак жойда жаҳлини ҳам ишга соларди. Ўзининг шўх ва билимдонлиги билан ҳар қандай одамовини ҳам ўзига ром қилиб оларди. У пайтларда аёллар ҳали “чодир зиндонидан” ташқарига чиқмаган эдилар. Оилавий борди-келди қиладиган узоқ-яқин танишлари орасида номаҳрамнинг кўзи тушиши амри маҳол бўлган мутлақо ҳижобли аёллар кўп бўлмаса-да, кам ҳам эмасди. Жонажон дўсти ва ундан ҳам муҳими, ўзаро ака-ука ҳам

¹ Эронда шиалар асрни пешин билан ва хуфтонни шом билан қўшиб ўқишади.

тутинган Мирзонаби лавошчи уйланганига етти йил бўлган бўлса ҳам, унинг ёш хотини Ҳожарнинг юзини ҳали кўрмаганди. Эрига итоаткор бундай аёлларни Сайид Мирон Суробий кадрлар ва уларга алоҳида эҳтиром кўрсатарди. Бу эҳтиром унинг пок диний виждонидан келиб чиқарди. Булар юз-андомларида учрайдиган баъзи нуқсонларига қарамасдан юзларини беркитиб юришни яхши кўрганлари учунгина бизнинг диндор қахрамонимиз назарида ҳақиқий гўзалликдан баҳраманд комил аёллар саналарди. Бу ҳақиқат, гарчи такрорланавериб сийқаси чиққан сўзлар бўлса ҳам, ўша даврларда ўзини озодроқ тутадиган аёлларга нисбатан у бошқача фикрда эди ва уларни қораларди, дегани эмасди. Унинг фикрича, аслида, аёлнинг фитратидаги ҳаё ва ҳижоб емирилмас пўлат девордек уни ҳар қандай хато ва гумроҳликлардан омон сақлайди. Аёлни сақлаб турувчи қалъа чодир, узун шалвор ва от ёлидан тўқилган чачвони эмас, балки ана шу ички ҳаёсидир, чунки агар, худо кўрсатмасин, унга путур етгудек бўлса, ер юзидан уни пастга қулашдан сақлаб қолишга кодир бирор куч топилмаган бўларди. Аёл, бир сўз билан айтганда, ҳаё ва ҳижоб тимсоли. Сайид Мирон Суробий Момо Ҳаввонинг қизларидаги бу ахлоқ гавҳарига шунчалик мафтун бўлгандики, агар уни аёлдаги шу хислатга ошиқ бўлиб қолганди, десак ишонаверинг. Айни пайтда унинг акси – аёллардаги енгилтаклик, бузуклик ва шунга ўхшаш иллатлардан ўлгудек нафратланарди. Бир аёл нотаниш йигитга қараб бежо кулса ёки бирор ортиқча ҳаракат қилгудек бўлса, у шу қадар унинг назаридан қолардики, агар у, наузанбилло, пайғамбарнинг қизи бўлганда ҳам, унинг ковуши овозини эшитишни истамаган бўларди. “Аёл ҳар қанча ноз-карашмали бўлсин, аммо бузук бўлмасин”, – дерди у нуқул.

Аммо оқ чодирли аёл ҳақидаги фикрлари ҳали дилида сўниб улгурмаган қизиқишдан бошқа нарса эмасди. Бу ой юзли миждонинг рухсоридаги латофат ва гўзаллик қанчалик оддий бўлмасин, ўзининг ўткир жилваси билан бизнинг мўъмин қахрамонимиз ёдига бир диний пандни туширди: “Шайтоннинг уммати бўлмиш аёллардан сақланинг”.

Бундан илгари унинг руҳи ана шундай бир аёлнинг борлигидан беҳабар бўлганидек, бундан кейин ҳам бирор марта ва ё ҳеч қачон унинг мислсиз жамолига кўзи тушмаса, бир қарашдаги хотира гўё ўрмондаги шер изи каби унинг дил лавҳасидан тезда ўчиб кетган бўларди. Масжидда намоз ўқир экан, бир кун олдин ҳам ўшандай оқ чодирли, ўшандай қадду қоматли бир аёл нон сотиб олганини эслади. У ҳам ўн шоҳи майда пул бериб, бир чорак нон олганди. Бу сафар у аёлнинг ёпиқ юзини кўрмаган, ёғоч пошнали ковуши ва ямоқ пайпоғига ҳам аҳамият бермаганди, аммо ўша аёлдан бошқаси бўлиши мумкин эмас эди. У бу ерларга яқинда кўчиб келганмикин? Қаердан кўчиб келган экан? Айни пайтда куфрона қизиқиш аёл ҳақида ўйлашни истамаётган косибнинг уринишларини чип-пакка чиқарар, бошқа ҳар қандай фикр-ўйларини четга суриб ташларди. Жилваланиб товланган қўнғирранг ва майин соч ўримлари қизалоқларга ўхшаб пешанагажак қилиб қўйилган эди. Узун ва текис бўйни, қулоғининг кумушсимон солинчаги тўсатдан фош бўлиб қолган сирдек дилларга ғавғо соларди. Нафис, лўппи юзи чиндан ёш қизлардек бўлиб, бутун афт-андоми илоҳий иждоднинг намунаси эди. Узун ва қайрилган кулранг киприклари гарчи фиръавннинг пархезкор хотини Осиёнинг ҳижобидан ҳам пастроқ тушган бўлса-да, унинг орқасида қўлида ўқ-ёй билан дилларни овлаш учун пистирмада турган сеҳрли кўзлар яширингани ҳақидаги кўрқинчли бир ҳақиқатни фош этиб турарди. Ёки бу пари аёлмикин?

Бошқача қилиб айтганда, келиб-кетаётган, юзлари бахтсизликдан ўзга нишона бўлмаган ўша эркаклардан бирига тааллуқлимикан? Унда нима учун куёшдек ярақлаб турган ўша афсонавий ва камёб ҳусни билан шу қадар одми ва бепардоз эди? Балки жуда гўзаллигидан ўзида пардозга ҳожат сезмасдир? Унда нима учун мана шундай киш чилласида лоақал унинг нозик баданини совуқдан асрайдиган иссиқ кийим-боши йўқ? Нима, бунга ҳам ҳожат сезмасмикин? Аёлнинг кермоншоҳилик эканига шубҳа йўқ эди. Чунки ўзини ўта шаҳарлик, ҳатто бир поғона юқорироқ турувчи техронлик қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган сохта талаффузига қарамасдан унинг курдча лаҳжаси ўзига панд бериб турарди. Ва ниҳоят, агар бу аёл бундан илгари ҳам нон олгани дўконга келган бўлса, кейин яна келмаслигини қаердан билса бўлади? Ҳикоя ёзилиши учун айнан мана шу нарсалар оппа-ойдин бўлмаса бўлмайди.

Оқ чодирли аёл кейинги куни пешиндан сўнг яна нон олгани кўчанинг ўртасидаги сангак новвойхонасига келди. Офтоб чарақлаб турар, аммо энгил изғирин кулоқ ва бурунни чимчилар эди. Тандирга эндигина олов ёқилган эди. Новвой тунги соат тўртда тугайдиган ишини бошлаш учун пешбандини белига боғлаш билан машғул. Илгариги кундан бироз эртароқ эди ва Сайид Мирон боғлам-боғлам қилиб қўйилган ўтинлар устида ўтириб олиб, ишчилар билан суҳбатлашар, қўйнинг пўстагидан қазноқдаги унга рўпоч ясаш билан овора эди. Бир пайт унинг кўзи ташқарида шамол ҳилпиратиб турган оқ чодир учига тушди. Ташқарига чиқди ва ўша аёл эканини кўриб, юраги дук-дук уриб кетди. Аёл бир болани кўтариб олган, чодирини бежиримгина қилиб унинг бошига ҳам ташлаб олган эди. Ҳар иккала қўли банд бўлгани учун чодир учини тишлаб олганди. Юзининг ярмини чодир ёпиб турарди, аммо бу ярми истасастамаса очиқ бўлиб, сутдек ошпоқ кулоғи, чиройли тик бўйни ҳам баралла кўриниб турарди. Унинг ёввошгина, илоҳий чехраси ва ундан таралаётган кўзга кўринмас нур қўлида бола билан бошини меҳрибонларча эгиб турган муқаддас Биби Марямнинг иккинчи жонли тимсоли эди. Чехраси ва хатти-ҳаракатларидан вафодорликнинг чуқур белгилари акс этарди. Силлик таралган оч қўнғир ва кахрабо рангли сочлари шалола мисол мавжланарди. Қўли толиқиб болани дўкон эшиги олдида ерга қўйди. Уч ёшлардаги дўмбоқ бу боланинг эғнида қизил чакмонча бўлиб, кўкрагига ёмон кўздан сақлаш учун бир қатор яшил мунчоқлар ва елкасига тоза оқ рўмолча ўраб қўйилганди. Сайид Мирон ўзининг гулгун юзли ва уятчан мижози сўзга оғиз очмасданок унинг нигоҳидан нима қилиши лозимлигини тушунди, тезда новвойхонага кириб биринчи тандирдан узилган нонлардан қатта ва сингдириб пиширилганини танлаб олди. Новвойхона эшиги олдида нонга ёпишган иссиқ майда тошларни териб-териб ташлади. Қоидага кўра сингдириб пиширилган нонлар тарозига қўйилмасан-да, Сайид Мирон уни тарозига қўйди. Шу пайт пештахта томондан боланинг юракни эзувчи чинқириғи эшитилди. Бундан капалаги учганча аёл иккаласи бир зумда боланинг тепасига етиб келишди. Бола гўё чиён чақиб олгандек йиғидан тили танглайига ёпишиб қолган, энтиқиб нафас олар ва жажжи қўлини қаттиқ-қаттиқ силкитарди. Бечора она даҳшатдан ранги ўчиб, болани кўтариш ва овутиш учун эгилди, гўё бунга ўзи айбдордек пичирлаб, изтиробли нидо қиларди:

– Эй Худо, бундан кўра менинг жонимни олсанг бўлмасмиди?! Иссиқ тошчалар қўлини қандай қуйдирганини кўрдингизми? Ҳали бошимга бу савдолар ҳам қараб турганмиди? Энди онасига нима дейман?

Бу жуда ёқимсиз, ташвишли воқеа эди. Ҳақиқатда ўзини айбдор деб билган новвойхона эгаси оталарча ғамхўрлик билан боланинг қўлини қўлига олди ва пуф-пуфлай бошлади. Бола оғриқ азобидан ҳамон безовта эди. Нозик бармоқчалари ва қўлининг икки жойи пўрсилдоқ бўлиб қолганди. Йирик-йирик кўз ёшлари иккала кўзидан чашмадек тизилиб оқарди. Иккала юзи ва чакмончасининг ёқаси бир зумда ҳўл бўлиб кетди. Сайид Мирон боланинг олдида чўнқайганича аёлга қарашга ботинолмай узр охангида деди:

– Синглим, бу менинг эътиборсизлигим туфайли содир бўлди, аммо сиз ташвиш қилманг, тошчалар болага зарар етказадиган даражада қизиб кетган эмас. Бола қўрқиб кетди, ҳозир овуниб қолади.

Кейин дўкон ичкарасига қараб кичкирди:

–Ҳой, Абдул! Абдул Муҳаммад!

Ўн-ўн бир ёшлардаги паст бўйли, сочлари тўзғиган, қўллари қаварган ва йиртиқ-ямоқ кийимли болакай пайдо бўлди. Қўлини пешонасига суртган эди, шундоқ ҳам юзини безаб турган сон-саноксиз қора доғларга яна битта кўмир доғи қўшилди. Хўжайин унга тезда новвойхона рўпарасидаги қаҳвахонага бориб, сиёҳдонни олиб келишни буюрди. Кейин мулойим ва меҳрибон овозда болани гапга тутди:

– Қўлинг куйдими, жажжигинам, оғримаяптими? Ҳаҳ сенларни, падар лаънати тошчалар! (Ўтирган ҳолида пештахта устидаги тошчаларни уриб-уриб қўйди).

Сиёҳдон келди, Сайид Мирон боланинг қўлини сиёҳга тикди ва унинг аёл ушлаб турган кафтидаги пуфакчаларга суртди.

– Ҳозир яхши бўлиб қолади, ҳозир. Ана, айтмадимми! Баракалла, жажжигинам, ана энди бошқа йиғламаяпти. Қандай яхши бола экан-а. Исминг нима, болажон?

Шу сўзлар билан у хайрон бўлиб турган боланинг диққатини чалғитмоқчи эди. Ҳалигача ўзини қўлга ололмаган аёл одоб ва назокат билан болакайнинг кулоғига: “Фарруҳ”, деб айт, деб пичирлади. Овозидаги ёқимли оҳанг миннатдорчилик изҳорини ўзида акс эттириш билан бирга айни замонда шарму ҳаёга тўла эди. Болакай болаларча ожизлик ва ёқимтойликнинг нишонаси бўлмиш ёш тўла кўзлари билан бу нотаниш, аммо меҳрибон кишига қаради ва: “Фарруҳ”, – деди бир хўрсиниб қўйиб.

– Воҳ-воҳ! Қандай яхши, чиройли исм экан! Баракалла, болажон, Худо сени ёмон кўздан асрасин!

Сайид Мирон болани ўпди ва тезда ўрнидан турди. Сиёҳли бармоғини рўмолчаси билан артди ва тарози томон юрар экан, хайрихоҳлик ва насихат тарзида деди:

– Хоним, шундай совуқ кунда нима учун болани кўчага олиб чиқасиз? Тўғри, офтоб чиқиб турибди, аммо, қаранг, совуқ қандай ачитяпти? Ҳали кичик чилла-ку, аммо бу лаънати совуқ жуда сурбет. Ундан ғафлатда қолиш ярамайди. Болакайнинг яноғи ва бурнининг учи совуқдан пўсти арчилган лавлагидек қизариб кетибди. Уйга боргач, исирик солиб дуо қилишни унутманг. Бола ўзингизники эмасми?

Аёл деди:

– Йўқ, оға. Уй эгасининг боласи, аниқроғи, уй эгасининг набираси. Аммо аслида ўз боламдан фарқи йўқ. Уни шунчалик яхши кўрганимдан уйдалигимда ундан бир дақиқа ҳам ажралгим келмайди. Баъзан бирор нарса сотиб олиш учун мажбуран уйдан ташқарига чиқсам, бир ўзим ёлғиз бормаслик учун уни ўзим билан бирга олиб чиқаман. Начора, Худо

мени шундай қилиб яратган.

Бу сўзларни айтар экан, аёл оҳини ичига ютди ва жим қолди. Энди қучоқлаб олган болага оналарча меҳрибонлик билан боқди. Унинг елкасидаги рўмолча билан кўзи, бурни ва ҳўл юзларини артди ва бошини қуйи эгди. Сайид Мирон мавҳум бир қўрқув ва шубҳа билан ўзи бераётган саволи бир қарашда Худонинг ишларига ўринсиз аралашидан кам эмаслигини ҳис қилган ҳолда сўради:

– Наҳотки уйингизда сизнинг боқувчингиз ёки бирон каттароқ одам бўлмаса? Албатта менинг аралашимим ноўрин, лекин гапларингиздан шундай маъно келиб чиқадики, ёлғиз ўзингиз яшар экансиз. Бошингиздан бахтсиз воқеаларни кечирганга ўхшайсиз.

Аёл истар-истамас деди:

– Шундай. Сиз тўғри ўйлагансиз. Эрим билан ажрашгандан бери ёлғиз яшайман.

У пештахта устидаги нондан бир чимдим узиб олди-да, думалоқлаб, бошқа томонга отди ва сўзида давом этди:

– Қўлида на хунари ва на бирон борар жойи бўлган бир нотавон ва заиф кимса учун ўз паноҳидан ажрашдан ёмон нарса борми? Менинг афғандомимни кўрган ҳар қандай одам ҳаётим оддий эмаслигини дарров тушунади. Бахтим қаролигидан ўзимнинг қишлоғимдаги қариндошларимга, мени бу ердан олиб кетинглар, деб хабар беришга ҳам имконим йўқ. У бечоралар биров бориб хабар бермаса қандай қилиб менинг аҳволимдан хабар топсинлар? Яхшими, ёмонми, болалари билан ўз уйида яшаб юрибди, деб ўйлайдилар, аммо билишмайдик...

Унинг гапи тугалланмай қолди. Кўз ёшлари билан юрагидаги оташни пасайтириш учун пастга қаради ва оғир киприklarини бир неча марта юмиб очди. Унинг аҳволини кўриб, Сайид Мироннинг юраги бир тутам бўлди. Балки бир вақтлар кўпчилик аёлларда бўладиган нозу адо ва усуллар билан эрини қийин аҳволга солиб қўйгандир. Ҳозир унинг қаршисида турган бу нозик мавжудот, энди маълум бўлишича, ўзини шунчалик хору зор ва чорасиз ҳис қилмоқда эдики, дарду ҳасратини кимга бўлмасин, ҳатто бир бегона косиб кишига бўлса ҳам тўкиб солишдан ўзини тийиб туrolмаётганди.

– Ажабо, ажабо.

Бу Сайид Мирон айтолган ягона сўз эди. Кетма-кет келган бир неча мижозлар унинг сўзларини бўлиб қўйишди. Шу баҳона ундан нима учун эри билан оралари бузилганини сўрашга имкон туғилди. Балки бирор номаъқул иш қилгандир? Ундан фарзанди ҳам борми?

Аёл ўзининг ҳасрат тўла нигоҳини бағридаги болакайнинг кўкрагида осифлик кўзмунчоқ шодасига тиккан эди. Бармоқлари билан уларни ўйнаб, Сайид Мироннинг фақат охирги саволига жавоб берди:

– Бир ўғил, бир қиз.

– Бошқа ҳеч қандай гап-сўз ораларингда бўлмадим, сиз яна қайтишни истамадингизми? Ундай бўлса, энди нима қиласиз? Ҳозир қандай яшайсиз? Айтинг, мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин? Йўқ демасангиз, яқинларингизга, улар қаерда бўлишмасин, хабар беришим мумкин. Келиб олиб кетишсинми? Ажрашганларингга қанча вақт бўлди? Талоқ ҳақидаги таклиф сиздан чиқдим ёки унданми?

Сайид Мироннинг қўнғлида саволлар ғиж-ғиж эди. Аёл елкаси билан эшик олдидаги устунга суянди ва янги куч ва ишонч билан сўзида давом этиш учун бошини бир томонга силкиди:

– Ташқаридан қараганда мендан, аслида эса ундан чиқди. Мен ва бу одамнинг турмушимиз икки фарзандимиз бўлишига қарамасдан шундай боши берк кўчага кириб қолдики, бирга яшаб туриб ҳам ундан нажот топишимиз амри маҳол бўлиб қолди. Эр ва хотин ўртасидаги келишмовчилик, мухтарам жаноб, ҳар қандай касаллик каби бир жойга етгач, ҳаётни инсон учун шундай чидаб бўлмас даражага етказдики, ўлим унинг учун тўйга айланади. Мен ва у ана шундай бир аҳволда яшардик. Талоқ мен учун ўрни ҳеч қачон битмайдиган қассоб пичоғи захмидек эди. Онанинг ўз дилбанди – фарзандларидан узоқда яшаши осон иш эмас. Бу, токи танимда жоним бор экан, доимо мен билан қоладиган дард. Буни энди тушунибди, деб ўйламанг. Аввал-бошдан буни билардим, чунки мен она эдим. Аммо нима қилай, пичоқ бориб суякка тақалган эди, бошқа иложим қолмаганди.

Аёл кучоғидаги болани ночор бир аҳволда ерга қўйди ва қўлидан ушлаб олди. Бошидаги чодирини пешонасидан пастга шундай тортдики, бурнининг учи, лаблари, силлиқ ва нозик иягининг ярмигина кўриниб турарди, холос. Шу алпозда у гапида давом этди:

– Бутун ҳаётим ва ёшлигим азоб-уқубатда ўтарди. Ситамкаш ва золим эгачим гўё гилам остидаги чаёндек, танҳо қолдим дегунча захрини менга сочарди, унинг дастидан на менга, на болаларимга тинчлик бор эди. Балки менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида чидармиди. Аммо гапнинг очиги, мен бунга ожиз эдим. Нима ҳам қилардим, ҳамма ҳам бирдек сабр-тоқатли, чидамли бўлмас экан, ҳар кимнинг табиати ҳар хил экан. Сизнинг бошингизни оғритмоқчи эмасман. Ҳар кимнинг ҳаётда озми-кўпми ўз қудратига ва тоқатига яраша ўз ташвишлари бор, аммо эрим, ҳаёт учун одам ўзини қурбон қилиши керак, дейдиган камёб одамлардан эди, аммо бу менинг қўлимдан келмасди. Ҳозир шу ерда турибман-у, таърифлаб бўлмайдиган оғир аҳволда яшаётганимга, ўз ҳолимга ўзим йиғлашим кераклигига ва ёмғирдан қочиб дўлга тугилганимга қарамай, яхшилаб ўйлаб қарасам, ўшанда талоқдан бошқа чорам қолмаган экан. Бу одам шаклидаги виждонсиз опа-ука зулуклар тўрт йилгача тинимсиз азоблаб, қонимни сўриб келишди. Бир бурда қотган нон еб, юз хил тухмат ва бўҳтон эшитардим, тепки еб, сўкиш тагида қолардим. Шундай бўҳтонлар ёғдиришардики, буни тоғ ҳам кўтаролмасди. Унинг шубҳаланишлари шу даражага етган эдики, агар кимдир ярим кечада ўзича хиргойи қилиб деразамиз остидан ўтиб қолса ёки юраги эзилиб беҳосдан оҳ тортиб юборса, эрим ғазаб билан мени уйғотар ва: “Ана қара, ошиқларингдан бири бўлса керак, айт, ким у?” деб сўроққа тутар ва тепкилаб муштлай бошларди. “Нега бу кўчадан ўтган ҳар бир одам ашула айтгиси келиб қолади?!” деб мени сўроққа тутарди. Мен кўчага қарамаслигим учун биз яшайдиган болохонанинг олдидан баланд ғиштин девор урдириб қўйганди.

Кошқийди шунинг ўзи бўлса. Ака-укаларим, қариндошларим мени келиб кўришга ҳақлари йўқ эди. Катта акамни бундан икки ярим йил олдин охирги марта кўрган эдим. Амакимнинг ўғлини ҳозир кўрсам, танмаслигим аниқ, чунки у мен турмуш қурганимдан бери ўтган давр ичида фақат бир марта бу одамнинг уйига қадам босиб келди, келди-ю, шундай бир аччиқ ва қўпол муомалага дуч келдики, ундан кейинги ўтган тўрт йил ичида амакисининг қизини эслашни ҳам хоҳламаган бўлса керак. Улар барча томир ва ришталарни ана шундай узиб ташладилар. Бошқа одамлар ва қўшнилари билан муносабатларга келсак, қаерда мен ҳақимда гап кетса, бу одам шундай қутурган итга айланардики, ҳеч ким унга яқинлашишга журъат этолмасди. Унинг нокас ва пасткашлигини фақат шундан ҳам

билса бўладики, учинчи фарзандимга ҳомиладорлигимнинг тўртинчи ойида уни тушириш учун биқинимга тепаверди ва охири ҳомилам тушди ҳам. Жодугар опаси мен касаллик ва заифлик оқибатида ўлим тўшагида ётганимда бир оқ кукунни тинчлантирувчи дори деб сувда эритиб менга ичирди. Ўшанда уч кун тўхтовсиз қайт қилдим. Қотилимга айланишларига бир баҳя қолганди. Бу лўлисифат одам мен унинг уйида яшаган ана шу тўрт йил ичида менга фақат битта чодир олиб берди, холос. Аёлнинг чодирини ёшлигида хонасининг беагаги, ўлганида кафани, дерди у нукул. Қурумсоқликда, нонкўрликда, оилабезорликда унинг олдида тушадиган йўқ эди. Хотин ва фарзанд тутишдан ўлгудек кўрқарди. Қизиғи шунда эдики, унинг ўзи бирор ишга астойдил қўл урмасди ҳам. Ҳеч нимани ва ҳеч кимни ёқтирмасди. Агар бир йилда бир марта пишириладиган паловнинг гуручини тераётганимда бир дона гуручни ноҳос ташлаб юборсам, овқатдан бенасиб қолардим. Бу ҳам улар менга берган ҳаёт сабоғи эди. Аммо у кўпроқ мен уйда ўтиришга мажбур бўлишим учун чодир олиб бермасди. Мен ҳам буни кўриб ўжарлик қилар ва бошьяланг кўчага чиқиб кетардим. У ойдан бу ойгача ҳаммом юзини кўрмасдим. Қачон ундан ҳаммомга пул сўрасам, ҳаммом нима ўзи, ейдиган нарсами ё киядиганми, дерди. Бу гап билан менинг дилимни оғритиш учун қариндошларим қишлоқлик эканини ва қишлоқча ҳаёт кечиришларини таъна қилиб юзимга соларди.

Охирги гапни эшитиб, Сайид Мироннинг лаби учди ва қўли тарози устида муаллақ қолган ҳолда бир ижирғаниб ҳаракат қилди, кўзида ясама кулги кўринди, бу билан у шунақаям ярамас одам бўладими, демоқчидек эди. Аёл ёш беваларга хос итоаткорона мулойимлик билан энгашиди ва сабрсизлик билан кетамиз деб унинг қўлидан тортаётган болакай билан гаплашмоқчи бўлди. Унга ҳозир кетамиз, йўлда ширинликлар олиб бераман, деди. Яна уни кўтариб олди ва гўё болакайга гапираётгандек сўзида давом этди:

– Ҳолбуки, ер юткурнинг ўзи бир йилда бир марта ҳаммом олдидан ўтмайди. Товуққа ўхшаб, унинг ҳаммоми тупроқ. Тунлари ўша оҳаққа беланган, доғ-дуғ иш кийимида баданининг еру кўкни тутадиган бадбўй ҳиди билан менинг ўрнимга кирарди. Қулоқлари ва сочларининг ичида ҳар доим бир ботмон чанг-тупроқ ва ис бўларди. Эрга теккан пайтимда жуда ёш бўлганим учун бу мараз одам ва айёр синглиси яхшилаб елкамга миниб олишган эди. Арзимас бир баҳона билан хонанинг ҳужрасига қамаб қўйишарди. Нон ва сувни ўша ерга олдимга қўйиб, чиқиб кетишарди. Гўё асирга олингандек эдим. Шунчалик ҳаётдан тўйган эдимки, бир неча марта жонимга қасд қилдим. Охири ўтган йил кузда бир қарорга келдим. Балки одамлар менинг ғализ бу қилиғим учун мени маломат қилишар! Аммо, нима қилай, бундан бошқа чорам йўқ эди. Одам ҳаётдан тўйган пайтида ундан яхши фикр чиқиши қийин. Ўтган йили кузда бир бемаъни уқубатли ишга қўл урдим ва ниҳоят, ўзимда журъат пайдо этиб, бошимдаги ана шу чодир билан тунда унинг уйидан қочиб чиқдим. Эртасига унга қаерда эканимни билдирмасдан хабар юбордим: хор ва зор, дилимни қон қилганинг етар энди, эй пасткаш, номард, агар менга бир киши ёмонлик қилса, тишимни тишимга қўйиб болаларим учун чидаган бўлардим, аммо сенлар икки киши бир бўлиб битта менинг бошимга етмоқчи бўлдиларинг!

Аёл шу ерга етганда жим қолди. Бир лаҳза ўзининг ўтмишдаги узундан-узун аччиқ қисмати ҳақида ўйга толди ва кейин гўё юрагини дарду ғамдан озод қилмоқчи бўлгандек, кетмоқча чоғланди ва болакайнинг бош

кийими ва чакмончасини тузатди, уни чодирига ўради ва одатдагидан ҳам кўра мулойимроқ овозда деди:

– Шундай қилиб, маҳримни ҳалол ва ўзимни озод қилиб олдим. Ундан ва унинг зумрад қасридан ўзимни шундай ажратдимки, ҳатто Худонинг ўзи ҳам бизни бир-биримизга қайтиб боғлаб қўёлмайди.

Ёш беванинг саргузашти, чамаси, охирига етганди. Унинг суҳбатдоши вазият тақозосига кўра гарчи гоҳида эътибори чалғиб мижозлар, тоштарози билан овора бўлган бўлса-да, бутун вужуди кулокка айланган эди; унинг учун олиб келган нонини тарозида тортган эди, адашиб уни ушатиб, бошқаларнинг нонига етмаганига қўшиб бериб юборди. Буни кўриб турган аёл ҳеч нима демади. Чодирини нафаси билан иситиш учун оғзи атрофига ўради. Косибнинг саволига берган бошқа жавобларидан маълум бўлдики, амакисининг ўғли Чағосафид қишлоғининг оқсоқоли бўлиб, нисбатан бой одам эди. Акаларининг ҳар бири бу дунё молидан қишлоқ ҳаётида бошқаларга муҳтож бўлмайдиган даражада баъзи нарсаларга эга эдилар. Қишлоқнинг табиий вазияти, катта-кичиклигидан бироз бўлса-да, бохабар бўлган Сайид Мирон у ердаги майда мулкчиликнинг аҳволи ва баъзи бошқа маълумотларни ундан сўраб олишга улгурди. У аёлнинг деярли очик-ойдин ва бериё айтган сўзларидан шунга амин бўлдики, бу қанчалик кўп маълумотлардан хабардор бўлгани баробарида мавҳумликлар ҳам икки баробар кўпайди. Ёмон томони шунда эдики, у эркак киши эди ва хотинларга ўхшаб, айниқса, гавжум ва ноқулай бир ерда мана шундай икир-чикирларни суриштириш унга ярашмас эди. Бошқа оддий хотинларга нисбатан унинг гўзал суҳбатдоши ўзи туғилган қишлоқ ҳақида унчалик аниқ маълумотга эга эмасди. Билгани шу эдики, у қишлоқ Нилуфар кўлига яқин ерда жойлашган бўлиб, шаҳардан тўрт фарсах узоқда эди. У бошқа мавзулардан кўра кўпроқ ўз ҳаёти ва саргузаштлари ҳақида гапиришни истарди:

– Ўн икки яшар қизалоқ пайтимда доям ва қўғирчоғим билан эримнинг уйига юборишди. Ўша пайтдан шу дамгача, яъни йигирмага киргунимча шаҳарда бўлдим. Ўша бераҳм ва инсофсиз соқчи лоақал икки-уч кун ҳаво алмаштиргани қишлоқдаги қариндошларимникига бориб келишга қўймасди. Билмадим, Худога нима ёмонлик қилган эканманки, ўлмасимдан бурун мана шундай етти бошли иш ёқмас газандага гирифтор бўлдим. Қишлоқдаги бир хил ва осойишта ҳаётнинг на отаси, на онаси бўлган, бор бўлган опаси ҳам йигирма фарсах¹ узоқда қолиб кетган бир одам учун ҳеч қандай қизиғи қолмаслиги тайин. Аммо шунчаки номи аёл бўлган бир аёл учун бутун умр эшик остонасига қоқилган тақадек бир номарднинг уйдаги машаққатли ва тинкани қуритувчи ҳаётга мажбуран боғланиб қолиш ва унинг шаръий лаззатларидан оёқ остида эзилиб-янчилишдан бошқа ҳеч нарсага эришолмаслик ғирт дўзах-ку. Қишлоқдаги бир хил ҳаётни унинг барча кам-қўсти билан бу ҳаётдан, ҳаёт эмас, балки асирлик, ундан ҳам баттарроқ, тирик мурда бўлиб яшашдан минг марта афзал деб биламан. Аммо афсус, минг афсус!

Унинг дилидаги дардларнинг интиҳоси йўқ эди. Сайид Мирон унинг ўрнига ўзича деди:

– Афсус, минг афсуслар бўлсинки, бу алдамчи шаҳар мени тинч қўймайди. Гўзаллик ва пул, бу икки нарса ҳар доим ҳам одамни бахтли қилавермайди!

Аёлнинг ошкора соддалиги ва озодликка иштиёқидан куч олган янги

¹ Ф а р с а ҳ – узунлик ўлчови, 6 км.га тенг.

жасорат билан сўради:

– Исмингиз нима?

– Хумо.

– Яхши, Хумо хоним. Ўзининг гапига қараганда олдинги эр ва ҳаётидан шунчалик безган, уни тарк этган ва ҳатто Худонинг ўзи ҳам уларнинг ўртасига туша олмайдиган даражага етган, иккинчи томондан эса талок иддаси ҳам, гарчи охирига етмаган бўлса-да, тугаши яқин қолган киши учун энди оху надомат чекишга сабаб қолмаган.

Фикрларини жамлаб олиш ва бир кекса аёлга нон тортиб бериш учун Сайид Мирон гапидан тўхтади, нонни бериб бўлгач, тарози ортидан бу тарафга чиқди, аёлнинг олдида пештахтадаги иссиқ нонларни у ёқ-бу ёққа кўзгатиш билан машғул бўлди ва ўша ҳолатда гапида давом этди:

– Бу беш кунлик умрни, эҳ сингилжон, одам нима учун нукул дарду алам билан, бекорга ўтказиши керак? Сиз ёшсиз ва яшашни истайсиз, қадимда айтишган, бош ёстикдош билан, деб. Агар Худо сени бир киши учун ҳаром қилса, дунё эшигини сен учун бутунлай беркитди, дегани эмас. Сенинг вазифангни ўзи олдиндан белгилаб қўйган. Сиз эрга тегишингиз керак. Ҳа, ёки нотўғри айтяпманми, а?

Юзи деярли очик бўлган аёл кўзининг чети билан қараб, бошини кўтарди. Кетма-кет икки марта учрашув ва бир марта ярим соатлик юзма-юз суҳбатдан сўнг биринчи бор бу икки одамнинг нигоҳлари учрашди. Чарақлаб турган қўй кўзларида бироз шубҳа ва ишончсизлик акс этарди. Гўё суҳбатнинг охири шунга келиб тақалганидан ўзини ғафлатда қолгандек сезмоқда эди. Маъноли бир ҳаракат билан бошини қуйи солди ва айни замонда аёлларча тортинчоқлик билан деди:

– Эрга тегиш?!

Юзага келган ўнғайсизлик ва уятни яшириш учун ўзини бағридаги бола билан овора қилиб кўрсатди:

– Вой ўлай, боламнинг кўли қуйди, азиз болажоним Фаррухнинг кўли жижғанақ бўлди!

Оналарча меҳрибонлик қилишдан заррача хижолат чекмасдан, боланинг кўлини лабига олиб борди ва ўпди. Кўлининг қорайган бармоқларини яна кўргач, оғриқ эсига тушган бола онасидан узоқлигидан бетоқатланди, лабларини буриб, яна йиғлай бошлади. Аёлнинг уни тинчиттиш учун қилаётган ҳаракатлари ва безовталаниши табиий бир ҳол эди. У бу ерда бошқа қолмаслик учун ҳали нонини олмаган бўлса ҳам кетишга чоғланди. Болани қисқа ва ғамгин аллалаб, оғуши бешигида тебратди ва жойидан жилмай, иккиланиб туриб қолди. Овозининг оҳангидаги изҳор этилмаган андуҳ ва умидсизликнинг чуқур бир аломати бу косиб одамни бир лаҳзага ўйга толдирди – бир инсонни ҳаракатга келтириш учун ақл ва ижтимоий виждоннинг ўзи, айниқса, ҳиссиёт деган ҳақиқий бир куч билан ўртоқ бўлса, кифоядир. Бу аёлнинг айтишга журъат қила олмаётган пинҳоний дардлари ва талаблари йўқмиди? Қандай қилиб буни билиб олиш мумкин? Масаланинг муҳим томони ана шунда эди. Худонинг бу бандаси йўлакдаги устунга суяниб суҳбатлашиб турган ўша бир неча дақиқа мобайнида кўчанинг у бетидаги қаҳвахона ёнидаги базозлик дўконининг эгаси танчада ўтирган ҳолида ўзининг беҳаё кўзларини бир лаҳза ҳам улардан узмади. Маълум бўлишича, ўзининг доимий мижозлари бўлган бир гуруҳ аёллар ҳақида ўзига хос бемаъни фикрда эди ва шунинг учун бошқалардан ҳам шундай гумон қиларди! Акс ҳолда у ҳеч қачон гуноҳ иш қилмаган бўларди.

Сайид Мирон нонни тортар экан, яна бир бор шогирди Абдулни чақирди. Оқ чодирли аёлга билдирмасдан чорраҳадаги пишириқлар дўконидан бир нечта мурабболи ширин нон олиб келишни буюрди. Аёл келган заҳотиёқ пештахта устига қўйган ва ҳалигача ўша ерда турган пулни олди ва болакайга берди. Ўзининг бир неча лаҳза олдин синиқ чиқаётган овозини ҳар қандай дўқ-пўписани писанд қилмай баланд кўтарди:

– Эй текинтомоқ танбал, кел, ё Худо сени олиб мени тинч қўйсин, ёки мени тинч олиб, сени тинч қўйсин. Худо асаларини кечаю кундуз ухلامасдан меҳнат қилиш ва фойда келтириш учун яратди, сен ишёқмас зараркунандани эса ўтин устида ётиб фақат ухлаш учун яратган экан! Нон ушоклари одамлар оёғи остида поймол бўлмаслиги учун сен ўзингча супургини қўлингга олиб мана шу новвойхона олдини супиришинг мен учун ушалмаган орзу бўлиб қолди. Қара, мана буни қара, ахир одамлар ҳар бир қадам босганида малаҳдек у ёқдан-бу ёққа сакраётган йўлакдаги бу майда тошлар мана шу новвойхонаники-ку, ахир булар пулга келган. Битта сенинг ташвишинг мени ўлдирди!

Оқ чодирли аёл билан пештахта устидаги нонни олаётган эркак мижозга юзланиб деди:

– Сиз учун ажабланарли, албатта. Биламан, ажабланишингизга ёки ичингизда менинг устимдан қулишга ҳаққингиз бор ва пичирлаб: “Нима деяпсиз, кўчадаги майда тошлар ҳам пуллик бўлиб қолганми?!” дейишингиз мумкин. Қуни кеча бир нотаниш одам уйидаги печканинг устига солиш учун майда тошчалар олиб кетишга келган экан, худди булоқдан сув олиб кетадигандек. Бу айтишнинг менга айтган гаплари. Ҳа, афсус, шунини айтишим керакки, кўчадаги тошчалар ҳам пуллик бўлиб қолган. Биз ўзимиз косиб бўлганимиз учун бир эшак арава тошчаларга минг бир илтимос ва миннат билан икки қирон пул тўлаймиз, чунки уни дарёдан олиб келишлари керак. Бир арава мана шу арзимас тошчалар учун икки эрон қирони, икки олийҳазрат тангаси берасиз!

Новвойхона хизматкори унинг бақириб-чақирганини эшитиб, тошчаларни йиғиштириб олиш учун қўлида супурги билан новвойхонадан ташқарига чиқди. Исми Ҳумо бўлган оқ чодирли аёл нонини олиб, чодирининг ичига яширди ва кетаётди, орқага қаради. Шўх ва мафтункор, айтиш замонда камтарона ва беқиёс нигоҳ билан нозик ва ҳавасни кўзгатувчи лаблардан иборат кичиккина оғзини очди, боши ва бўйинини мафтункор ишва билан қамирлатиб, ўзининг бир неча лаҳза илгари сирдоши бўлган одамга чиройли қилиб гап қотди:

– Оға, асабийлашманг, бир арава тошни икки қиронга сотиб оласиз, бир манини эса икки қиронга, яъни ноннинг баҳосида биз мижозларга сотасиз. Бундан ҳам фойдалироқ савдо қаерда бор?

Сайид Мирон томонга бурилиб тикилган шахло кўзлар ўзининг ажиб бир илоҳий хусусияти билан унга яшиндек парчалаб ташловчи ва куйдирувчи таъсир қилдики, бу художуй одам бир неча лаҳза ўзини йўқотиб қўйди. Аччиқ ҳаёти можароси ва бахтсизлигидан тинчини йўқотиб қийналган бечора бева аёл ўзининг яхши нияти ва ахлоқига амал қилган ҳолда шу тариқа барча яширин дард-аламлари ва кўз ёшларини парда билан тўсмоқчи ва унутмоқчи бўлди. Унинг бедор нигоҳида ширин, бироқ уятчан ва ўзини олиб қочувчи бир ғамза бўлиб, ҳаяжон, шавқ ва асовлик билан йўғрилган эди ва бу нигоҳ дил тубидаги қўрқув, умид ва талабни ошкор этиб турарди. Унга жавоб берса-бермаса бу мутуйба уни

мижозлар олдида хивич билан савалагандек бўлганди. Шунинг учун бирор сўз айтмай ва бу гапни ўзига олмай тарозига қўйилган ноннинг камини қўшиш учун нон олиб чиққани новвойхона ичкарасига кириб кетди. Унинг ҳаракатлари завқ-шавқ ва бутунлай паришонлик билан йўғрилган эди.

Оқ чодирли аёлдан кейин бир нечта киши кетма-кет нон сотиб олиб кетди. Улардан бири Абдулнинг ёшидаги шогирднамо малларанг бола бўлиб, кенг ва катта камзул кийиб олган, қўлларини совуқ қотмаслик учун енгига яшириб олганди. Ёқасини қайириб олган ва нонни қўлтиғига қисганча шитоб билан узоқлашиб борарди. Сайид Мирон ундан пул олган-олмаганини эслолмай шубҳага тушди, чунки унинг нонини тарозига қўйган пайтида хаёли бутунлай паришон эди. Ҳатто унга қанча нон берганини ҳам эслолмади. Тарозини тўғри тортдими? Косиб учун алданиш алдаш билан баробар – гуноҳдир. У шошиб кўчага чиқди ва болани орқадан чақирди. Бола қайтиб келгач, таажжуб ва савол билан новвойга тикилиб қаради. Сайид Мирон дўк оҳангида унга хитоб қилди:

– Қанча нон олдинг?

Боланинг ранги ўчиб, деди:

– Бир ман!

– Пули-чи?

– Пулини бердим, оға. Худо ҳаққи, тарозиди тортиб берган пайтингиздаёқ бердим. Ўзингиз қўлимдан олдингиз ва қутингизга солдингиз!

– Қасам ич, бола. Тўғриси айт!

– Худо ҳаққи, агар ёлгон гапирсам, худо урсин! Беш қиронли эски қоғоз пул эди, мана бу уч қиронни менга қайтимга бердингиз!

Боланинг чехрасидан шу нарса равшан эдики, агар яна озгина қистовга олса, хўнграб юборадигандек. Сайид Мирон унга нима дейишга ҳам ҳайрон эди. Пул соладиган қутисига кўз ташлади, бола айтган беш риёллик пулни ахтариб ўтирмасдан ёки уни кўргандек, бола томон бошини силкитди. Худди шу лаҳзада Абдул қайтиб келди. Сотиб олган ширин кулчалари солинган қоғоз халтани хўжайини олдига – супа устига қўйди ва ўзининг доимий одатига кўра озми-кўпми эътирозли оҳангда деди:

– Қўлини тошча куйдириб олган анави бола учун олиб кел демаганминдингиз буларни? Ҳарчанд ундасам ҳам барибир онаси буларни олмади. Хўжайиним сизга беришимни буюрганлар десам, айтдики...

Бурнини бир тортиб, гапини тугатиш ўрнига гўё ҳозир эсига тушиб қолгандек, хўжайиннинг олдида турган манқални олиб, унинг ичидаги оловни янгиллагани олиб кетди. Сайид Мирон норози қиёфада унга бошдан-оёқ разм солиб, деди:

– Нега жимиб қолдинг? Ҳойнаҳой, хўжайиннинг адашибди, дегандир, а? Жуда яхши, иззатга лойиқ эмас экан. Бор, новвойбошига бер, ҳаммага бўлиб берсин.

Сайид Мирон қоғоз халтани супа устидан олди, хаёл суриб кўзларини узоқларга тикканча уни шогирдига берди. Ҳалигача офтоб тушиб турган кўчанинг у бетидаги йўлкада чайқалиб кетаётган халойиқ орасида ҳалиги болақайнинг қирмизи чакмончаси унинг кўзига ташланди. Болақай аёлнинг бармоғидан тутганча майда қадамлар билан шошмасдан кетиб борарди, уни чарчатиб қўймаслик учун гоҳида тўхтаб, эгилиб, аёл у билан сўзлашар ва яна оҳиста юра бошлашарди. Унинг ёнидан ўтаётган кишилар бирров тўхтаб ёки орқага бурилиб қарашдан, унга диққат билан бошдан-оёқ разм солишдан ўзларини тиймас эдилар. Сайид Мирон буларнинг барини узоқдан гўё дурбиндагидек кўриб турганидан, нигоҳларнинг

сабабини яхши билмаслигига қарамай, ҳамшаҳарларининг бекорчилиги ва пуч ишларидан янада кўпроқ афсусланди. Ниҳоят, анави иккаласи кўздан йўқолгач, кўрсатма бергани новвойхона халифасини чақириб, ўзича ўйлади: “Хумо... Қандай гўзал ва дилрабо аёл! Қандай ақлли ва вазмин хоним! Талок нима эканини билиш, чиройли ва ҳали ўзи ёш бола бўлган аёл учун катта шаҳар ва бузуқ замонада бева, ҳомийсиз қолиш қандай маъноларга эга эканининг фаҳмига етиш учун бу шўрлик ҳали жуда ёш! Шундай ҳусну малоҳатли аёлнинг, айтишича, уйи, ҳаёти, муҳаббати ва фарзандлари бўлганидан, бир пайтлар эри билан бир ёстикқа бош қўйганидан, яхшими-ёмонми чиқишиб-чиқиша олмай, ҳар ҳолда шундай гўзал ёстикдошини сақлаб қололмаган ёки уни сақлаб қолишга лаёқати бўлмаган эри бўлганидан ишончлироқ ҳеч нарса йўқ! Айб, сабаб ёки чиқиша олмаслик ҳақиқатан ҳам унданмиди ёки аёлнинг ўзиданмиди?”

Асоссиз фикрлар, айникса атроф-муҳитнинг халакит беришлари, шом пайтидаги мижозлар ҳужуми, кўчадаги шовкин-сурон туфайли вужудга келган ноқулай вазият ва лаҳзада доимий равишда парчаланиб кетаётгани учун ҳам, табиийки, бир тўхтамга келмайди. Бу аёлнинг айтганлари, гарчи у эри ва унинг кирдикорларидан қора ва бадбашара бир ўргимчакни тасвирлаб берган ва эшитувчининг кўз олдида намоён қилган бўлса-да, бу ўзининг гуноҳсиз эканлигига далил бўлолмасди. Аммо кечиримли одам табарруқдир. Хато қилмайдиган, адашмайдиган ким бор? Хайрихоҳлик ва покдилликни ажодларидан мерос қилиб олган Сайид Мирондек ҳассос ва раҳмдил одам қандай қилиб уни ҳақ демасин? Юриш-туришида, нигоҳида ва ҳаммадан муҳими, содда ва фақирона ташқи кўринишида шундай бир ҳақиқат яширин эдики, табиатан мағрурлиги, вазминлиги ва ниҳоят, чинакам покдоманлиги мана мен деб турарди. Агар бу аёлнинг этагига бирор гуноҳнинг доғи теккан бўлганида, бутун шаҳарда сўзсиз ягона бўлган ана шу гўзаллиги ва жозибаси билан жуда кўп ишларни қилган ва ҳеч бўлмаганда ясан-тусанлар қилиб, ялтироқ ва фусункор зеб-зийнатларга беланган бўларди. Бозор муҳри урилган ишк савдолари дарз кетган чинни идишдек бошқача жаранглайди. Ҳар ҳолда бир нарса аниқ эдики, у болаларидан узокда эканлиги ёки бева қолганлиги ва ёлғизлиги жиҳатидан эмас, балки маишати, яъни емак-ичмак, кийим-кечак ва уй-жой жиҳатидан тўқис яшамаётган эди.

Бу фикрлар Сайид Миронга тартибли ва мантиқий бир тарзда эмас, балки чигал ва ноаниқ бир ҳиссиёт шаклида миясига келди, дейилса тўғрироқ бўларди. Хўжайиннинг буйруғини кутиб, эшик остонасидаги лойларни киртишлаш билан банд бўлган новвойхона халифасига бундан буён баъзиларнинг уйига, айникса, ҳарбий бригада идора ишлари бошлиғи ёрдамчисининг уйига нонни бошидан-оёғигача кулфатга беланган ва уни кўрганда одамларнинг кўнгли айнийдиган Абдул эмас, халифанинг ўзи олиб бориб беришини тайинлади. Оқ чодирли аёл, ўзи лагофат ва покликнинг олий намунаси бўлган ва ўтмишдаги бахтсиз ҳаётдан дарғазаб ўша бенаво гўзал кўғирчок, шубҳасиз, мана шу исқирт ҳайкалнинг қўли теккан нарсани олгиси ва боласига бергиси келмаган бўлса, не ажаб!

Мактаб либосидаги бир ёш бола новвойхонадан олган нони учун Сайид Миронга пул эмас, муҳр босилган қоғозни берди ва одоб билан деди: – Онам сизга дуо ва саломлар айтиб юбордилар ва бизга берган муҳрли қоғозларингиз тамом бўлганини айтишимни буюрдилар, бу охиргиси.

У бир обрўли, аммо камбағал оиланинг ўғли эди. Сайид Мирон Худо йўлига одамгарчилик юзасидан уларга ёрдам берарди. Новвойхонадаги

сочилган тошларни супириб олишмагани учун ишчиларни бакириб уришадиган бу одам аслида кечиримли ва инсофли одам бўлиб, бир камбағал оилага юз ман нонни текинга беришдан тап тортмасди. Бундай ишлар, унинг назарида, беморнинг танасидан чиқариб ташланаётган қондек танҳо руҳнинг покланиши ва саломатлиги учун фойдали эди, бинобарин яна тезда ўрни тўлиб кетарди. Шунинг учун зиғирча ҳам ўйлаб ўтирмасдан болага деди:

– Яхши, яхши. Бугун кечкурун ёки эртага эрталаб сизларга яна йигирма ман ёзиб бераман. Кўмирларинг ҳали тугамагандир, а? Эндиги сафар нон олгани келаётганингда бир идиш ола кел ва Сулаймонга бер, тегирмондан яхши ун олиб келишганда икки-уч ман сизларга берсин, хамир овқат ёки бошқа нарсага керак бўлиб қолар.

Бошини розилик аломати билан силкитиб унга кетишга ижозат берди. Оқ чодирли аёл ҳам ёш бўлгани ва эрга тегиши мумкин бўлганидан бу оила каби камбағал бўлмаса-да, улардан ҳам кўпроқ ёрдамга муҳтож туюларди. Ўзича ўйлади: “Уни яна қайта кўрармикинман? Кошкийди ҳолидан кўпроқ хабардор бўлсам. Ҳаётидаги кам-кўсти ва ишларидаги қийинчиликларини сўрасам яхши бўларди. Маҳри ва эридан оладиган нафақадан кечган, ҳозирда қариндош-уруғларидан узоқда яшаётган бўлса, унда қандай қилиб тирикчилик ўтказаетган экан? Босиб қўйган мол-дунёси, жамғармаси борми? Биров уни боқаяптими? Ёки...”

Сайид Мирон лабларини қимтиди. Ёқимсиз фикрларни ўзидан узоқлаштирмакчи бўлгандек, қўли билан пешонасини силади. Гўё зўр қулай фурсатни кўлдан бой бергандек эди ўзича. Ёки ички бир туйғу уни ўша аёл билан боғлиқ катта бир воқеадан огоҳ қилмоқда эди. Аммо фикр билан бу воқеанинг сирини кашф этишдан у ожиз эди. Ўзича ўйлади: “Дарҳақиқат, одам нима учун ёмон фикрга бориши керак? Худонинг ўша бандасининг бутун куч-қудрати ва тирикчилиги фақат мана шу ҳар куни сотиб оладигани бир чорак нондангина иборат эмаслиги қаердан маълум? Ажабо, бу аёл менинг фикримни алғов-далғов қилиб ташлади. Қанийди уни яна бир бор кўрсам. Нима бўлганда ҳам ҳозир жуда танг ва оғир лаҳзаларни бошидан кечиряпти. Унинг бутун борлиги шундан далолат бериб турибди. Умр баҳорининг энг авж мавсумида ва ўн гулидан бир гули очилмаган пайтда қабих ва асов замонанинг совуқ ва қақшатовчи ёки заҳарли ва куйдирувчи бўронларига қурбон бўлиши ачинарли. У ёш ва гўзал, шунинг баробарида нодон ва заиф. Ҳаёт ташқи кўринишидан содда ва соф бўлишига қарамай, аслида жуда чигал ва мураккаб нарса бўлиб, тажрибасиз ёшлар уни чуқур англай олмайдилар. Ҳаёт Худонинг содда бандаларини тўғри йўлдан адаштириши учун баданидаги ҳар бир тукдан куй таратадиган дажжол эшагининг ўзи. Буларни унга айтиши керак. У панд-насихат ва йўл-йўриққа муҳтож. Панд-насихат ва йўл-йўриққа ҳатто кексалар ва дунё кўрган тажрибали одамлар ҳам ўзларини муҳтож эмас, деб билмаганлар. Яна бир-икки кун ичида, токи шу тарози ортида турган пайтимда уни кўролсам, баъзи масалаларни унга оталарча тушунтираман. Эрининг уйи ёки доимий бориб турадиган ерининг манзилини сўрайман. Уни уч талоқ қўйганми? Ёки, аёлнинг ўзи айтганидек, бу узилган риштани улаш учун балки воситачилик қилиб ёки бошқа бирор йўл билан бу ўртада хайрли бир ишга сабабчи бўларман. Инсон учун онани фарзандлари билан ва эрни ажрашган жуфти билан топиштиришдан ҳам қимматлироқ савоб йўқ”.

Кеч кира бошлагани учун новвойхона гавжумлаша бошлаган ва у кетма-

кет тарозига тош қўйиб, мижозларга нон берар ва пулини олиб, қутига соларди. Одатдагидек ҳардамхаёл эди. Миясига келган охирги фикрини тасдиқлагандек бошини силкитди. Агар жиззаки тарозибони Ҳабиб тезроқ қайтиб, ақлли ва катта одамларга муносиб бўлмаган болаларча инжикликларидан воз кечса, ҳатто унга совчилик қилиши ҳам мумкин эди. У кўнгилдагидек ҳаёт кечириётгани йўқ эди ва барча хотинсизлар каби уни ҳам ёлғизлик балоси қийнаб келарди. Мана бундай бахт ҳақидаги яхши мужда учун у жонини ҳам берса керак. Унинг уйланиш ёшига етганига ҳам анча йил бўлган ва бу заркокил паричехра унинг учун қуриган ташна лабга муздек булоқ сувидек малҳам бўларди. Ойлик кам, дерди. Яхши, унга яна қўшиб берай. Яна нима дарди бор эди? Ўлгиси келаётган бўлса, Гилонга бораверсин. Бу ерга келиб ишлаётганига икки йил бўлган бўлса, бу учинчи марта баҳона қидириб арзимас нарсалар деб, ҳатто ҳеч қандай даъво ёки шикоятни бўлмаса ҳам ишни ташлаб, новвойхонани Худога топшириб кетиб қолиши эди. У ҳар қанча ҳалол ва тўғри бўлмасин, унинг бу ҳаракатларини нима деса бўлади? Бунақа ит феъли билан ҳақиқатан ҳам шундай юраги эзилган ва меҳрибонликка муҳтож аёлни бахтли қила олармикин? Бу ҳам ўзича бир муаммо эди.

Қўл ва қўлтиқларида ун солинадиган оғзи очиқ бир нечта бидон кўтариб, новвойхона ишчиси қазноқ томондан кела бошлади. У пакана, озғин ва кўса киши бўлиб, қандайдир бир асаб хасталиги асоратидан доим турган жойида силкиниб-силкиниб қўярди. Калтафаҳм, меровнамо кўринса ҳам, аслида, жуда меҳнаткаш ва масъулиятни ҳис қиладиган одам эди. Қандай кийиниши, гапириши, юриш-туриши, ҳар бир иши, ҳатто фикрлаши ишчилар, айниқса, Сайид Мирон учун ҳазиллашишга баҳона бўларди. Бу кичик жуссали киши масҳарабоз эмасди, лекин бошқалар, ҳатто атрофдаги косиблар иш ва кундалик ҳаётдаги нохушликларни унутиш ва кўнгил очиш учун уни ўзи сезмагани ҳолда масҳарабоз қилиб олишганди. Тўрт манли олти бидонни у шундай бир ҳолатда кўтариб борардики, кўриб, болалар ўйнайдиган чархпалакми дейсиз. У унларни тоғора устига қўйди ва эшик олтидан орқасига қайтди. У хўжайини ўша куни эрталаб ясаб берган рўпochни қўлига олди-да, унинг қалин юнглари-ни силаб текширди, қалинлиги ва узок вақт иш бериши мумкинлигидан мамнун бўлди. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, деярли туксиз башарасидан ҳеч ким унинг ҳақиқий ёшини айтиб беролмасди. Ун юққан қалин камзули устидан кенг камар таққан, ингичка оёқларига пайтава ўраб олган эди. Кермоншоҳнинг шарқий вилоятларига хос мулойим ва чўзик оҳангда Сайид Миронга қазноқда ун қолмаганини айтди. Бу хабарни эшитиб, хўжайини тўсатдан нон тортишдан тўхтади ва таажжуб билан унга юзланди:

– Нима деяпсан, Сулаймон, нега ун қолмас экан? Эрталаб юборган олти қоп буғдойимиз ҳалигача тегирмондан келмадими? (Чўнтак соатига қаради). Ундай бўлса, бугун кечқурун унсиз қоламиз-ку. Бу виждонсиз одам яна биз билан ўйнашмоқчи, яна қайсарлигини кўрсатмоқчи. Айт-чи, ҳозир қазноқда ҳамир қилишга қанча ун бор? Эртага эрталабга етадими?

Сулаймон қўлининг орқаси билан музлаб қолган бурнини артди ва турган жойида орқасига бурилди:

– Хўжайин, охирги бидонда олиб келган унимнинг ҳаммаси кетди. Элашнинг ҳам ҳожати бўлмади. Айтмоқчиманки, ҳатто деворлардаги гардларни ҳам куракча билан тушириб тўпладим, зўрға ўн тоғора чикди. Бу биринчи тандирга етади, холос, аммо кейингисига нима қиламиз?

Буларга ишониб бўлмайди. Қўл қовуштириб ўтираверсак, олдинги сафаргидек эртага тушдан кейин ётиб ухлашимизга тўғри келади.

Хўжайин деди:

– Ҳаммаси ҳам майли-я, Сулаймон, қўшинни ўйлаш керак, аскар оч қолмасин. Сен бу ёғини унутган кўринасан. Уларга нима деб жавоб берамиз? Назаримда, тегирмоннинг йўллари сени соғиниб қолганга ўхшайди. Енг шимариб ишга кириш, қоронғи тушмасдан Суробга бор. Кўрайлик-чи, нимани эпларкинсан.

Камарини тўғрилар экан, Сулаймон ўзича тўнғиллади ва тегирмончини сўқди:

– Шундай қиш кечаси, совуқдан тошлар ҳам ёрилиб кетаётган бир пайтда охири тегирмоннинг йўлини менга рўпара қилишди. Худоё эгасининг бошига бало ёғсин. Аммо, Машҳадий жаноблари, шунча йўл босиб, овора бўлиб борганим билан икки кўлимни бурнимга тикиб қайтмасам, деб кўрқаман.

Сайид Мирон ишчисини юпатди:

– Йўқ, Худо хоҳласа, яхши бўлади, кўрқма! Тортилган бор унни олиб келасан. Суробдаги бошқа тегирмонлардан бўлса ҳам, уч-тўрт қоп ун қарз оласан, қуруқ қайтмайсан. Мен бугун кечқурун сендан ун талаб қиламан, худди Мулло Ардабийий Худодан сув талаб қилгандек. Қайтиб келганимда у ҳақдаги ҳикояни айтиб бераман¹.

Сулаймон супа олдидаги ердан бир парча куйган нон олди ва пуфлаб оғзига солди:

– Хўжайин, биласизми, мен доим нимадан таажжубдаман? Сиз ўзингиз, Худога шукр, новвойлар тоифасининг энг моҳир устаси ва раисисиз. Тегирмончи бўшатиб, тегирмончи оласиз. Хукмингиз шоҳ ҳукмидек вожиб, аммо ўзингиз мана шунақа ҳеч нарсага ёлчимамай юрасиз. Демак, тақсимловчи ёки лаънатланади, ёки ҳеч нарсасиз қолади, деганлари ёлғон эмас экан-да.

Сайид Мирон унинг гапларидан кулгиси кистади:

– Аммо сенинг хўжайининг ҳам лаънатга учраган, ҳам ҳеч нарсасиз қолган. Тоифага раислик қилиш ҳозирча биз учун шундан бошқа нарса эмас. Агар борадиган бўлсанг, тезроқ бўл, кеч бўлмасдан етиб ол, балки бирор иш чиқарарсан. Менга ўхшаб очликдан оёғи қалтираган рўзадор ҳам эмассан. Ҳа, отагинам, ишчилар сенга бекорга шамол подшоси, деб лақаб қўйишмаган. Қани, кўрайлик-чи, бўри бўлиб қайтасанми ёки тулкими. Ҳозир рамазон ойи, икки қоп ун олиб келсанг ҳам куннинг бошламасига ёпгани етади. Бу ўн тоғора эса қўшин нони учун қолсин. Демак, шу кетганингча тўғри ўша ёққа кетяпсанми? Жуда яхши, Абдулга айтаман, қазноқнинг эшигини ёпиб кўяди. Менга қара! Қулоқ сол!

Кетишга шайланган ишчи орқасига бурилди ва Сайид Мирон унга деди:

– Агар тегирмонда бирор нуқсон бўлиб тўхтаб қолган бўлса...

– Ўша ерда қоламан ва тегирмон юришини кутаман. Тунни тегирмонда ўтказишнинг ҳам гашти бор.

– Сенга ва сени еган шерга офарин! Ишингни яхши биласан! Балки саҳардан олдинроқ унни етказиб келарсан? Хўп, отагинам, сени Худога топширдим. Токи сен бор экансан, ғамим йўқ.

У бир неча мижоз ва новвойхона халифаси олдида унинг орқасидан

¹ Бу ҳикоя баъзи руҳонийлар ҳақида. Улар таҳорат қилиш учун қудуққа челак туширишибди, сув ўрнига челак тўла жавоҳир чиқибди. Мулло Аҳмад Ардабийийнинг челаги учинчи марта ҳам жавоҳирларга тўлиб чиққанида, уни қудуққа қайта тўкиб : “Эй Худо! Аҳмад сендан дур эмас, сув сўраяпти”, деган экан.

қараб, кўриниши ва юриш-туришидан кулиб деди:

– Бу ҳам ўзига яраша бир олам. Ажабо, ишчиларимиздан новвой Замондан бошқа ҳаммаси бўйдоқ.

Кўрсатмага мувофиқ бошлиқ ёрдамчисининг уйига нонни ўзи олиб бориб бермоқчи бўлиб турган Ҳамза хўжайинга деди:

– У ердан қайтаётганимда, йўқ демасангиз, бирров Ҳабибнинг уйидан хабар оламан. Билишимча, шу пайтгача ҳеч ким уни сўраб бормаган. Уч кун олови йўқ танчада очликдан қорнини ғижимлаб ётиб-ётиб, энди ишига қайтишни ўйлаб қолгандир. Наврўз Хапал ҳам бекорчи. Қахвахона супасида ўтириб олиб, пашша кўрийди. Оғиз очилди дегунча, шу ерда ҳозир у нозир. Ўзи унчалик ёмон одам эмас.

Хўжайин деди:

– Новвойнинг ҳамюрти Наврўзни айтяпсанми? Кеча Кока Замоннинг ўзи ҳам менга айтганди. Ёмон одам эмас, аммо қимор ўйнайди, деб эшитдим, шароб ҳам ичаркан. Балки шу сабабли кўпинча бекор юрар. Шу бир-икки кун ҳам қандай бўлмасин ўзим тарози ортида тураман. Унгача Ҳабиб келиб қолар. У мени бошқаларга сотадиган одам, деб ўйламайман. Фақат тарозибонликдан бошқа иш қидириши мумкин. Ие, бўрини гапирсанг кулоғи кўринади, мана, ўзи ҳам келиб қолди.

Хўжайин ва ишчиси таажжубларини яшира олмадилар. Сайид Мирон ҳали гапини тугатмасдан тарозибоннинг куруқ ва узун гавдаси судралиб бораётган соядек новвойхона устунни ёнида пайдо бўлди. Қовоғи солиқ, чехраси тунд, совуққина салом берди. Сайид Мирон беихтиёр тарози ортидан четга ўтди, унга томон бир неча қадам ташлади ва ички бир шодлик ва енгиллик билан деди:

– Худо ҳаққи, Ҳабиб, сен отангнинг шаръий ўғли эканинга ҳеч ким шубҳа қилган эмас. Ҳозиргина сени гапириб тургандик. Ҳамзани сеникига юбормоқчи бўлиб турувдим. Иншооллоҳ, шу бир неча кун ичида чарчоғингни бутунлай ёзган бўлсанг керак. Бўпти, Ҳамза, сен ишинга боравер. Мана, Ҳабиб қайтди, энди бугун кечқурун бошлиқ ёрдамчиси билан учрашишим мумкин. Унда ишим бор. Сен уникага борганинга қачон уйда бўлишини билиб кел. Ёки, майли, керакмас, бу сенинг ишинг эмас. Бугун кечқурун қандай бўлмасин, уни кўришга ҳаракат қиламан.

Ҳабиб ўнғайсизланиб кулоҳининг чеккасини тепага қайирди, қўлини камзули остидан белига қўйди ва хўжайиннинг кўзига қарамай норози оҳангда деди:

– Мен Кока Замонни кўргани келгандим, унда ишим бор.

Сайид Мирон елкаси оша унга қаради:

– Агар ундан пул олишинг керак бўлса, унга берма, деб айтиб қўйганман. Бас, етар, бундан буён бизни калтаклашни бас қил, ортиқ сабр-тоқатим қолмади. Сен новвойхонани ташлаб кетганингдан кейин ишларим бутунлай оёғи осмондан бўлиб кетди. Ё етказган зарарларингни тўлаттириб олишимни истайсанми? Ҳеч бир ақли бор одам сенга ўхшаб иш қилмайди. Борди-ю, ишга кун чиққанда келмоқчи, унгача бир соат халифа ёки бошқа бирор кишини тарозига қўймоқчи бўлсанг, бу бошқа гап, ўзинг жавоб берасан. Мен сендан тушум талаб қиламан, новвойхона эшигини қулфла-да, қаёққа борсанг боравер, аммо ҳар куни кечқурун менга тушумни топшир. Имонинг комил бўлсин, юз йил ўтса ҳам эътироз билдирмайман.

Ҳабибнинг жаҳл аралаш вазмин сукут сақлаши унинг шартга рози эмаслигини айтиб турарди. Шунга қарамай, ўз тарозибонининг аҳволидан

яхши хабардор бўлган Сайид Мирон олийжаноблик билан аста унинг энгидан ушлаб, супа ортига етаклади.

– Кел, на сен мендан яхшироқ хўжайин топасан, на мен сендан яхшироқ тарозибонни топаман. Шу кунларда талай чигал ишларим бор, агар Худо мадад бериб, уларни ҳал қилсам, сени ҳам хурсанд қиламан. Ёлғон ваъдалар билан қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи эмасман, Ваъда – ваъда. Бир гал, Ҳабиб, керак пайтда аразлаган овчи итдай мени ташлаб кетдинг, аммо мен бевафо эмасман. Менинг сен учун ўйлаб қўйган режаларим бор, бекордан-бекорга кетиб қолишингга йўл қўймайман. Бўйнингга олахуржунни осиб қўяман, тирикчиликнинг маъносини тушунганингдан кейин бунақа одатларингни ташлайсан. Аммо шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, бўйнингга мен осадиган олахуржун тавқи лаънат эмас, тавқи раҳмат бўлади. Ҳозир мендан хафа бўлавер, айтишлари биланоқ унни ўзинг қабул қилиб ол, фақат юк ташувчиларнинг гапига ишонма, қовоғингни уйиб юр, тегирмончининг эшагини икки соат юки билан турғизиб қўй, токи улар ҳам унни тортиб ўтирмай, тушириб кетаверишсин.

Сайид Мирон деворга тегиб оқариб қолган пальтосининг елкасини қоқди ва Ҳабиб чурқ этмаётганини, истар-истамас биринчи мижозга нон тортиб берганини кўриб, тушум қутисидаги пулларни олди. Қоғоз пулларни тахлаб ҳафсала билан санади ва чўнтагига солди. Майда пулларни тарозибонга берди. Новвойхона ичкарасига бирров кириб чиқди. Тегирмончининг унни вақтида тортиб бермагани ва қазнокда ун қолмаганидан жаҳли чиққан бўлса-да, Ҳабиб қайтгач, елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Энди бу ерда қолишига ҳожат йўқ эди. Бир неча соат бир ерда туравериш рўза оғизликдан қаттиқ чарчаган бўлса-да, унчалик очиқмаган ва чанқаманган эди. Фақат тамаки хумори тинкасини қуритган эди. Новвойхонадан уйга қараб йўлга чиққанида тарозибонга ер остидан дўстона қараб қўйди. Чехраси бироз очилган эди. Ўта баджаҳллиги ва ҳассослиги туфайли энди қирқдан ошган одам олтмиш яшар қариядай сочлари бутунлай оқариб кетганди, ишчиларга ҳам кўпол муомала қиларди. Бадфёллигидан ҳатто ўзи билан ҳам чиқиша олмасди. Ўжар ва калтафаҳм, ундан ҳам ёмони, гиначи ва одамларга қўшилиб кетолмасди. Кўпинча арзимас майда-чуйдалар устида бемаврид ва ўринсиз асабийлашиши ва ҳамманинг тинчини бузиши шу даражага етардики, унча-мунча яхши томонлари ҳам йўққа чиқарди. Оддий вазиятларда камгап ва беозор одам бўлиб, бировларнинг ишига аралашини истамасди. Ростгүй ва ундан ҳам муҳими, виждонли ва пок одам эдики, тушум ҳисоби ҳеч қачон нотўғри чиқмасди. Ҳар куни кечқурун кунлик савдонинг охириги диноригача хўжайинининг қўлига топширар, ўзига тегишли иш ҳақи ўн икки риёлни ажратиш олар ва сийрак киприкли қовоқларини зўрға очиб-ёпаркан дерди:

– Мен санамадим, ўзингиз санаб кўринг, қанча экан.

Сайид Мирон қоғоз пулларни майда пуллардан ажратар ва ҳафсала билан санашга тушарди. Иккинчи эллик тумандан кейин ўн тумандан камроқ маблағ қоларди, буни кўриб кўзлари чакнаб кетар, иш ва вазиятдан ниҳоятда розилиги аломати сифатида лабларида табассум пайдо бўлар ва ҳеч қандай риёсиз виждонли тарозибонига миннатдорчилик изҳор этиб, шундай дерди:

– Кечагидан фақат бир туман фарқ қилибди, Ҳабиб, бу табиий. Эй Худо, мен ношукр банда эмасман. Раҳмат фариштасини бу новвойхона эшигидан аритма!

Кўли эгри бўлмаган тарозибонга эга бўлиш новвой учун бир бахт.

Сайид Мирон буни яхши биларди. Ундан ташқари, шундай фикрда эдики, ит бор уйга фаришта қадам босмаганидек, ўғрилиқ ва алдам-қалдамлик бўлган касбу корда хайру барака ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам у агар Ҳабибнинг нозига чидаётган ёки турли шаклларда унга меҳрибончилик қилаётган бўлса, бекор кетмайди. Аммо ҳозир, келинг, бошқа масалани ўйлаб кўрайлик. Агар оқ чодирли аёл мана шундай бир киши билан яшашга рози бўлса ва унинг феъл-атвори билан чиқиша олса, Ҳабиб мана шу озгина ойлиги билан оила қуришга, унга ёки бошқа аёлга муносиб бир ҳаётни тебратишга умуман қодир бўлармиди? Ахир бу одамнинг ҳеч қандай мол-дунёси йўқ-ку. Кечалари амакисининг ўша уйида турарди. Кўпроқ шу ҳақда ўйлаш зарур эди. Аммо бу аёл ўзининг хусни таважжуҳи билан Худонинг бандаларини синаш ёки алдаш учун одамлар либосини кийган фаришта ёки шайтон эмасмиди? Ихтиёрида барча воситалар бўлишига қарамасдан бу масалани бир ёқли қилиш Сайид Мирон учун мушкул вазифа эди. Аммо нияти яхши бўлгани учун унга жуда ҳам осон бўлмаслиги аён эди. Қандай қилиб бўлмасин, аёлни топиши, унинг ташвиш ва қийинчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим эди.

Сайид Мирон Суробий мана шундай ўйлар билан уйи ва ўзининг хордиқ чиқарадиган гўшаси сари равона бўлди. Куёш аллақачон ботган эди. Чўнтагидан соатини олди, ифторга ўн дақиқа қолганди.

ИККИНЧИ БОБ

Хона ўртасидаги оқ дастурхон ёзилган катта хонтахта атрофида бир аёл ва тўрт бола ўтирарди. Аёл бошини виқор билан бир томонга буриб олганди. Бошидан елкасигача сирилиб тушган чодир четида қоп-қора ва қалин сочларининг бир қисми кўришиб турарди. Жозибали қора кўзлари, рангининг тозалиги ва шодон чеҳрасидан ўттиз ёшлардаги соғлом ва қувноқ аёл экани билиниб турарди Эри ва болаларига меҳр билан боқиши, шод ва беғам қалбининг инъикоси сифатида лабларида ўйнаган ширин табассуми унинг том маънодаги бахтиёр аёл эканидан дарак берарди. Бу новвой Сайид Мирон Суробийнинг ёстикдоши ва болаларининг онаси Оху хоним эди.

Хонтахтанинг нариги томонида унга рўпарама-рўпара Клара – Гелорэ ўтирарди. Ўн бир яшар нозиккина, хуштабассум ва ювош бу қиз ота-онасининг биринчи тун шамчироғи эди. Унинг исми курд тилида “кўз” маъносини билдирарди. Қўлидаги китоб муқовасидаги ёзувга қараганда бошланғич мактабнинг тўртинчи синфида ўқирди. Ундан кейин учта укаси – Баҳром, Бижан ва Маҳди бор эди. Биринчиси тўққиз ёшда бўлиб, отасининг доимий ўтирадиган жойи – хонанинг тепа томонидаги ўринда суяниб машқ ёзмокда. Иккинчиси олти ёшда бўлиб, ҳали мактабга бормасди, хонтахтанинг қуйи томонида ётиб, эрмаклар шипдаги дуд босган тўсинларни санарди ва улардаги доғ-дуғларни турли мавжудотларга қиёс қилиб, улар билан сўзлашарди. Учинчиси икки яшар гўдак ҳали кўкрақдан ажратилмаган эди, онаси олдида тик туриб, сўрғич сўрмокда. Унинг чеҳраси сарғиш ва гавдаси нимжон эди.

Болаларнинг чеҳрасига биринчи бор назар ташлагандаёқ тўртталовининг кенг ва текис пешонаси, калта бурни ва буғдойранг юзи отасига, қалин лаблари, хумор кўзлари, қора қошлари, айниқса кулган пайтлари, онасига тортгани маълум бўларди. Болаларнинг жавдираб боқишлари ва умуман, мана шу хонтахта атрофида жам бўлганларнинг ҳозирги ҳолати ҳаммалари

намоз тугаши ва овқат сузилишини кутаётганларидан дарак берарди.

Болаларнинг онаси эндигина юра бошлаган кичкина Маҳди намоз вақтида отасига халақит бермасин деб уни гапга солиб ўтирарди. Акс ҳолда тоза деб бўлмайдиган оёқчалари билан жойнамоз устига чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Мўҳр¹ ёки тасбеҳни олиб дуч келган нарсага – чирокқа, эшик ойнасига ёки бирор одамнинг бош-кўзига қараб отиб қолиши ҳам мумкин эди. Отасининг чўнтак соати ёки ётганда киядиган дўпписини оламан деб орқасидан унинг устига чиқиб оларди. У яқиндагина қизамиқ ҳам эмас, қизилча ҳам эмас, нималиги номаълум ва жуда азобли бир касалликдан зўрға тузалган, сал бўлмаса онасини фарзанд доғида қолдираёзганди, шунинг учун ҳам у оиланинг арзандасига айланиб қолганди. Маҳди шўхлик қилар, инжикланар, эркаланар, талтаяр, хуллас, тиниб-тинчимас эди, ҳатто қўшнилари ҳам уни бағриларига босиб эркалар, айтганларига лаббай деб туришарди. Маҳди касаллигида бир куни жуда ҳам оғирлашиб қолди ва онасини шунақанги қўрқитиб юбордики, шўрлик кўзлари жикқа ёшга тўлиб, Худога ёлвора кетди, агар боласи тузалиб кетса, сочларини етти ёшгача олмасдан, кейин уларнинг оғирлигича тоза кумушни Имом Ризога атаб қўйди. Бахтиёр аёлнинг шодлигига таҳдид солган ўлим шарпаси, мана, бир неча кундирки, бутунлай бартараф бўлган эди. Нияти тўла раво бўлганини кўрган Оху Исмоилнинг онаси Хожар каби яна қайта шодликка чулганган эди. Эрининг намози чўзилганини кўрган аёлнинг табассумли нигоҳи бир ўлимдан қолган муштдеккина гўдакка тикилди ва ўтиб кетган хатар яна эсига тушгандек, уни маҳкам кучоқлаб олди, оналик меҳри жўшиб, баланд овозда, онанг ўргилсин, онангнинг жони сенга садақа бўлсин, деб дуо қилди. Кўзларидан меҳр товланиб, унинг жажжи ва енгил қўлчаларини ушлади, юрагидаги бор муҳаббатини нисор этмоқчидай бошини унинг устига энгаштирди ва жуда митти-митти бармоқчаларини жимжилоғидан бошлаб бир-бир ўпиб эркалай бошлади.

Бола онасининг ёкимли ва ширин сўзларидан эриб, ширин кулди ва ўйинни қайта бошлаш учун болаларча айёрлик билан бармоқларини ёзди.

Бир пайт Оху хоним болани кўйиб, овқат сузиш тараддудига тушди.

Аёл синчковлик билан эрининг чехрасига тикилди ва унинг паришонлигига каттароқ бир ташвиш сабаб эмасмикин, деб ўйлади. Эри уйга кириб келганида тарозибон Ҳабиб ўз ишига қайтганини айтганди, бинобарин, эртадан бошлаб ишга эрта тонгдан бориши шарт эмасди. Рамазон кунларида тонг сахарлаб туриши ва кўп тунларни бедор ўтказиши сабабли Сайид Мирон ҳам барча ўзига тўқ одамлар каби бомдод намозидан сўнг соат саккиз-тўққизгача ва баъзан пешингача уйида дам олишни одат қилганди. Хонтахта ёнидаги ўз жойига келиб ўтиргач, хотинига деди:

– Тезроқ овқатни суз, овқатдан кейин ташқарида ишим бор.

Эснаб, чарчоқ ва эринчоқлик билан кўлини кўзига суртди. Оху кўкрагини боланинг оғзидан олди ва ўрнидан тураётиб, сўради:

– Нима ишингиз бор? Шу бугун кечкурун ўша ерга боришингиз жуда зарурми? Боя асрда Биби она ва қизи Раъно келишганди. Бугун кечкурун бирор соатга бўлса ҳам уйларига боришимизни таклиф қилиб келишган экан. Бечора кампир шу билан учинчи марта келиши. Бундан олдин икки марта шунча йўл босиб келиб кетишганди. Биз лоақал бир марта ҳам уларни кўргани бормадик. Агар яна бормасак, куёвининг олдида хижолатда қолади. Ана, Машҳадий менинг куёвимни фаррош бўлгани учун

¹ Шиа мазҳабидаги мусулмонлар намоз ўқиётганда бошларини саждага қўядиган жойга кичик тош қўйиб қўядилар. Ана шу тош “мўҳр” дейилади.

одам ўрнида кўрмайди, дейиши аниқ. Яхши эмас, улар бизни кутишади, бундан ташқари мендан ваъда олишган. Балки шабчарэ¹ ва ширинликлар ҳам тайёрлаган бўлишлари мумкин. Агар хоҳламасангиз, биз бормаймиз, ўзингиз бирров уларникига кириб чиқинг, бирор соат ўтириб қайтарсиз. Бировни бориб кўриш мустахаб, аммо унга жавоб қайтариш вожиб. Бу она билан қизнинг менда ва болаларимда ҳақлари жуда кўп.

Эр деди:

– Барибир бугун кечкурун боролмайман. Одам юбориб, эртага боришимизни айт. Мен армия ишлари раисининг ёрдамчисиникига боришим керак. Бир ҳафтадан бери галга солиб келяпман, фурсат тополмадим. Бундан ташқари, йўл-йўлакай новвойхонага ҳам кириб ўтишим керак. Иккинчи марта тегирмонга юборган юкимиз қайтиб келмади. Сулаймонни тегирмонга юборганим. Билмадим, қайтармикин ё йўқ.

Оху эрининг иши кўплигини кўриб ортиқ қистамади. Қолаверса, эрининг феълени яхши биларди: нима деса, шу бўларди, уйда ёки ҳатто уйдан ташқарида ҳам унинг гапини иккита қилиб бўлмасди. Ҳаммадан ҳам бугун бошқа кунлардагидек авзойи яхши эмаслиги сезилиб турибди. Кучоғига ўрнашиб олган Маҳди билан очилиб ўйнаб-ҳазиллашмаётгани, ўзи бу ердаю хаёли аллақакларда. Оху, гап балки шаҳар ҳокимининг нон нарҳини пасайтирмоқчиман, деб қилган дўқ-пўписаларидадир, деб ўйлади. Унинг билишича, Сайид Мирон бу борада ҳали ҳеч қандай чора кўрмагани. Аёлнинг юрагида, Худо кўрсатмасин, эрим янги сайланган шаҳар ҳокимини тийиб қўяман, деб қилган ҳаракати наф бермаган бўлсаю тоифа раислигидан тушиб кетмасайди, деган бир ташвиш пайдо бўлганди. Осмондаги булут парчалари каби киши кўнгли ваҳимасиз бўлмайди. Сайид Мирон ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бинобарин, Охунинг назарида эри ишига қанчалик қизиқиш билан қарамасин, бу ташвиш унинг бамайлихотир овқатни сузиши учун монелик қиладиган даражада жиддий эмасди. Бундан ташқари, олдин қорин ғамини ейиш керак, бошқа дардларни даволашга ҳамиша фурсат етарли. Оиланинг бир кеча-кундузлик ҳаётида бу лаҳза энг бахтли лаҳзалардан саналарди. Ҳатто овқат сузишдан сал олдин, қарғалар гала-гала бўлиб ҳовли устидан мағриб томон учиб ўтаётган кечки пайтда, эрининг уйга қайтиши Охунинг юрагини зимдан қувончга тўлдирад, уни босиқ шодлик билан ҳовлида ёки айвон зинасида кутиб оларди. Зинанинг силлик тошларидан кундузги офтоб ҳарорати кўтарилиб тургандайн, хотиннинг дили ҳам эрига муҳаббат билан тўлган бўларди. Беғам ҳаёт шодликларидан вужудлари яйраётган болалар ўз тенгдошлари билан “офтоб-моҳтоб” ўйнашар, ҳовлида у томондан-бу томонга югуришар, бир-бирларини қувлашар ва ёлғиз ўзи турган ёки қўшни аёллардан бири билан суҳбатлашиб турган оналари орқасига беркинишар, бир-биридан қочиш учун чодир билан ўзларини яширишар, чинқиришар, сакрашар, бир-бирини алдашар, баҳор шамоли каби ҳамма ёқни шодлик ва хуррамликка тўлдиришар эди. Уйга келганидан дарак бериб, Сайид Мироннинг йўталган товуши эшитилиши билан қўшни аёллар ўз хонадонларига чиқиб кетишар, Оху хоним чодирини тузатиб, одоб ва эҳтиром билан унга салом берди. Қўлидаги мевалар, ширинликлар ёки жуда бўлмаса кўкатлар тугилган белбоғини олар, кўтаринки руҳ ва хотиржамлик билан қиш кунлари доим пишириб қўйган кечки овқатини сузиш учун ошхонага равона бўларди. Бу барча жараёнлар хушбахт ва оилали аёлнинг қулоғи остида майин таралаётган

¹ Ш а б ч а р э – ҳўл мевалар ва қовурилган турли мағизлардан тайёрланган ноз-неъмат.

яширин бир оҳангнинг шодиёна навоси бўлиб, руҳнинг ич-ичига сингиб кетар, бахт-саодат ва тўкин-сочин ҳаёт лаззатларидан сармаст қиларди.

Ташқарида эрининг ишдаги ютуқ ва муваффақиятлари, уйда эса аёлнинг ўз вазифаларини астойдил адо этиши, саришталик шундай бир осуда масканни вужудга келтирган эдики, унинг иссиқ ва ёрқин нурлари одамлардан ташқари уйдаги барча жихозлар ва буюмларни ҳам ёритиб турарди.

Кечки овқатни тановул қилиш пайтида Сайид Мироннинг кўзи мушук қия очик қолдирган эшик тирқишидан кўринган қўшни аёллардан бирининг соясига тушди. Аёл, чамаси, ичкарига кирмоқчи эди, аммо уларнинг овқатланаётганини кўриб, қоронғуликда айвон олдида туриб қолганди, охири зинага оёқ қўймай, орқасига бурилди. Сайид Мирон оғзида лукма билан ҳовлидаги қоронғулик ичида аёлнинг чодирини қанақа рангда эканлигини билиш учун диққат билан тикилиб деди:

– Менимча, Гулмуҳаммаднинг хотини Нукрага ўхшайди. Ҳойнаҳой, пул сўрагани келган бўлса керак. Ҳали ҳам эри уйига қайтиб келгани йўқми? Уч кундан бери бизга донни елпиб бергани йўқ. Қаерларда юрибдйкан? Ҳеч қорасини кўрсатмай қўйди.

Оху хоним жавоб берди:

– Офтоб чиққан кундан бошлаб синглисининг эри билан иккови Тоқи Бўстонга кетишди. Агар омадлари келса, бу йил деҳқончилик қилишмоқчи. Боғни уларга ижарага бермаганингиз учун улар сиздан хафа. Бугун асрда Биби она ва қизи бу ерда эканида Хуршиднинг ҳасрат дафтари очилиб кетиб, менинг номимдан Машҳадийга айтиб қўй, битта буғдойнинг орқасидан юзта сачратқи сув ичади, тўғри, Машҳад ва Карбалодан кейин Маккага навбат келади, аммо у дунёда аввал қўшнилардан сўрашади, деди.

Сайид Мирон унга қия бокди:

– У дунёда аввал қўшнилардан сўрашса нима бўпти? Ахир булар куп-куруқ кўллари билан қандай қилиб катта боғни бошқаришади? Боғни ижарага олиш учун маблағ керак, фақат тажриба билан иш битмайди. Машҳадий боғни уларга ижарага беришга қарши эмас, аммо улар лоақал ҳужжат харажатларини тўлашга пул топа оладиларми, десанг бўлмасмиди уларга? Ҳолва деган билан оғиз чучимас. Бу хотин дунё ишларидан фақат кесатиш ва таъна қилишни ўрганган, холос.

– Йўқ, мен унга ҳеч нима демадим, нима ишим бор, эрим бу йил боғни ҳеч кимга ижарага бермоқчи эмас, дедим.

– Иттифоко, худди шундай. Нафақат бу йил, бундан кейин ҳам ҳеч қачон боғимни ижарага бермайман. Нима, менинг кўлим синганмидики, боғни ўзим парвариш қилолмасам ёки бировдан кам жойим борми? Эшитишимча, ўтган йили у ердан икки юз қирқ туманлик олма ва ўрик шаҳарга келтириб сотишган экан, ёнғоқ ва узумни бошқа одам юз туманга ижарага олган, аммо ҳосилни олгач, фақат эллик туман даромад қилдим, деб норози бўлган экан. Ҳосилдорлиги бўйича бутун Суробда биринчи ўринда турадиган шафтоли ва нокни айтмасам ҳам бўлади. Шунга қарамай, ижарачимиз, зарар қиялман, деб нолигани-нолиган. Лақма одамни топиб олдим деб ўйлайди, шекилли, бу шоввозча. Икки йиллик ижара муддати тугади, бу йил боғни ҳеч кимга ижарага бермайман, деб унга хабар юбордим. Фойда-зиёндан ташқари боғни ижарага бериш, айниқса, беш йилдан кам муддатга бериш нотўғри, турган-битгани зиён. Бу инсофсиз ўтган икки йили давомида лоақал эсдалик учун бўлса-да, бир туп ниҳол

экзади! Ҳаммаси ўзимники бўлганида асло бу ишни қилмаган бўлардим.

Оху хоним оғзининг суви келиб деди:

– Унда шеригингизни рози қилиб, қолган ярмини ҳам сотиб олинг, нима, сотилмайдими?

– Балки сотар, аммо ҳозирча унинг мулклари устида жанжал кетяпти. Нукрани чақир, билай-чи, нимага келди экан. Эрининг менда ҳаққи қолмаган. Ёки, йўқ, майли, бугун ҳам унга пул бераман. Фақат сен унга айт. Агар Гулмуҳаммад бошқа иш топган бўлса, менга айтсин, ахир нима қилишимни билишим керак-да.

Шуларни айтиб, Сайид Мирон бўш турган чап қўли билан ўнг чўнтагидан уч қиронли майда пул чиқарди. Оху уни олиб айвонга чиқди ва чиқиб кетган қўшни аёлни чақирди. У чиққунча орқага қайтиб, бир бурда ноннинг орасига туйилган нўхат ва лаҳм гўшт қўйди. Шу аснода ташқаридан Нукранинг фақирона овози эшитилди:

– Оху хоним, мени чақирдингизми?

Оху яна айвонга чиқди:

– Ҳа, Нукражон, бу пулни эрим сенга берди. Гулмуҳаммад бир неча кундан бери қазноққа келмаяпти, деяпти. Яқин орада келиб қолса, бизникига юбор. Ўзимнинг ҳам унда ишим бор, Биби онаникига юбормоқчи эдим. Мана бу нонни Жалолга бер.

Аёл нонни олишга хижолат тортди. Болаларим овқатланиб, иккаласи ҳам ухлаб қолди, деб баҳона қилди. Аммо жуда содда, алмисоқдан қолган ёлғон баҳона эди бу. Ўша лаҳзада саккиз яшар ўғли Жалол ўзлари яшайдиган ертўланинг эшигидан чиқиб эргашиб келганди, ҳозир ўжарлик қилиб, эшик тавақаларини бир-бирига ура бошлади. Нукра сўради:

– Биби онада нима ишингиз бор эди? Ҳойнаҳой, бугун уларникига бормасангизлар керак? Гулининг ишларини билиб бўлмайди. Баъзида кечкурунлари уйга келмай ҳам қолади. Агар истасангиз, эримга буюрмоқчи бўлган ишингизни ўзим бажара қоламан.

Нукра нон билан гўштни олди ва Оху хоним ажабланиб унга қаради:

– Қоронғи тунда шунча узоқ жойга-я, Нукра?! Гулига мени ёмон кўрсатиб қўймоқчимасман? Агар сени кўчада кўриб қолса, нима дейсан? Маҳалласи Чағосўрхдан¹ бошқа жойда бўлгандаям бир нави эди, фонусни қўлингга олиб, Жалол билан ғир этиб бориб келардинг.

– Ҳали ҳам шундай қиламан. Оху хоним, менинг қандайлигимни яхши билмас экансиз. Гули тўғрисида эса хотирингиз жам бўлсин. Агар ўзи уйда бўлганида ҳам бу ишни менга топширган бўларди. Мен ўзи хон, кўланкаси майдон одамман. Ташқарининг қоронғусию ичкарининг ёруғи – ҳеч биридан кўркмайман. Бошқа тарафдан қараганда, қўли узун одамнинг кўзи кўр, оёғи узун бўлади. Бир сакрасам у ерда бўламан, яна бир сакраб жойимга қайтаман. Азизим, айтинг, қандай муждангизни етказай?

– Айтгинки, Машҳадийнинг боши оғрияпти, бугун бизни кутишмасин, иншооллох, эртага кечкурун борамиз, бор гап шу.

Нукра хўжайинининг хотинидан чодирини қарзга олиб, бошига ташлади ва салдан кейин қўлидаги луқмани тишлаётган саккиз яшар ўғли Жалол билан қўлида фонус тутганча ҳовли эшигидан ташқарига чиқди. Шундай қилиб, бир оилани куттириб қўймаганидан Оху хонимнинг кўнгли хотиржам тортди.

Биби она оқибатли ва яхшиликни қадрловчи аёл эди. Бундан икки йил илгари ўзи ва қизи Раъно мана шу уйда, ҳозир Нукра яшаётган ертўлада

¹ Чағосўрх – шаҳарнинг ўша замондаги бадном маҳаллаларидан бири.

Ўтиришарди, бошларида нон топиб келувчи эркак бўлмаганидан, турли уй юмушларини бажаришда Оҳу хонимга ёрдам беришарди. Болага қарашу кир ювишдан тортиб, тузламалар тайёрлаш ва узум ғўрасининг сувини чиқаришгача бўлган ишларнинг катта қисми мана шу она ва қизнинг елкасида эди. Кампир угра тўғрашни ҳам яхши биларди ва уни бошқалар ҳам уйларига олиб кетишарди, аммо бу ишлар уларнинг харажатларини қоплаш учун етарли эмасди. Раънони ҳокимиятдаги кўча қоровуллари бошлиғига эрга бергач, у уйдан кетди. Ефрейтор Қурбон номи билан машҳур бўлган куёви Қурбонали ўзининг ҳамюрти бўлиб, Малойирнинг арпакорлар ахлидан эди. Иши қўшимча даромадли ишлардан эмасди, бунинг эвазига Малойирдаги катта Шомлу мулкларидан унга йилига икки харворга тенг буғдойдан мерос улуши тегарди. Уятчан, камтарин ва номусли йигит эди, кампир ундан яхшироқ куёв топа олмасди ҳам. Фақат сергап эди, албатта, бу эркакларнинг уйдаги хусусиятларидан бўлгани учун айб саналмасди.

Оҳу хоним хонага кириб, деди:

– Агар эртага кечқурун ҳам ишингиз чиқиб қолса, унутманг, кампирнинг бир умрга мендан кўнглини қолдирган бўласиз. Шу ҳайит куни кечаси бир неча кунга келиб, бизникида ётиб қолишини ундан илтимос қилмоқчийдим. Вой, пишт, ҳой мушук, мунча безбет бўлмасанг! Бирон кун йўқки, биз тушлик ё кечки овқат еётганимизда ҳозир у нозир бўлмасанг. Етти уй наридан ҳам овқат ҳидини сезиб, етиб келади!

– Бизга шерик бўлмагин деб шомдан олдин сенга сут бердим. Мазанг қочиб қолмасин, деб қўрқаман. Ҳа, ёмон мушук, жуда маккор ва зараркунанда бўлиб кетибди. Уни бир ёқлик қилиш керак. Бугун икки марта ошхонада Сафиянинг қозонини ағдариб, гўштларини пакқос туширибди. Энди шу ишни ўрганиб олибди. Бечоралар пешинга енгил-елпи овқатланишибди.

Баҳром деди:

– Итларга ўхшаб, унга ҳам дори бериб ўлдириб юбориш керак.

Отаси унинг гапини тасдиқлади:

– Етти юз динор зарар келтирган мушукни ўлдирсанг, савоб бўлади. Ҳамза ёки Сулаймонни юбораман, уни қопга солиб, бу сафар ҳеч қачон қайтиб кела олмайдиган жойга олиб бориб ташлашсин. Эрта-индин баҳор келгач, булар болалай бошлайди. Ичкарига кириб олиб, бола туғиб, ҳаммаёқни расво қилишидан қўрқиб, омбор эшигини очмайман.

Қўллари ва оғзини сочиқ билан артди ва орқага сурилиб ўтирди. Шомдан олдинги паришонхотирлигидан асар ҳам қолмаган тантанали бир оҳангда деди:

– Эгамга шукур, новвойхонанинг катта қазноғидаги ун тугади. Кеча тегирмонга юборган оқ буғдойимнинг нони тандирдан чиқди, оппоқ, хушбўй ва одамларга ёқадиган, аммо қўшимча вазни йўқ. Менимча, ёмон эмас. Унга пўпанак ҳиди келадиган буғдойни аралаштирсак, бир-бирининг айбини ёпади.

Хотини сўради:

– Қайси буғдойни айтяпсиз, уйимиздаги Моҳидаштан олиб келишган буғдойними? Унда, эртадан тегирмончи уйимизга келаркан-да, бу йил омборга жуда эрта навбат келибди. Мана шу ёмғирли ойларда бизга яна битта иш ортибди, ҳар куни ҳовлини тозалашимиз керак бўлади.

Сайид Мирон деди:

– Бундан ташқари, ҳовлидаги дарахтларга эҳтиёт бўлишимиз керак,

эшақлар кемириб қўямасин. Толнинг танасига лой чаплаб қўямиз, ҳа, айтгандай, яхшиям эсимга тушиб қолди. Ҳайитгача бир ойдан кам вақт қолди, ҳовлидаги ерни чопиб, гул уруғларини экишимиз керак. Эртага боғчанинг ерини чопгани мардикор олиб келишимни эсимга солиб қўй.

Хотини дастурхон ва идиш-товоқларни хонтахта устидан йиғиштириб олди. Эри тишларини ювиш учун тоғорачада сув олиб келиб, деди:

– Агар боққа ўзимиз қарайдиган бўлсак ва ҳеч кимга ижарага бермасак, у ердаги ер ишлари ва қурилиш нима бўлади? Сиз бир ўзингиз ҳамма ишларни қилишга қандай улгурасиз? Жиянингиз Айсу Қасри Ширинга кетмаган бўлганда ҳам бошқа гап эди, у сизга ёрдам берармиди.

Эри хиёл энсаси қотиб, дўстона оҳангда унинг сўзини бўлди:

– Худо ҳаққи, мени тинч қўй. Жияним агар ҳақиқий жиян бўлганида мени ташлаб кетармиди? Агар қобилиятли ва ҳаммага ўхшаш одам бўлганида шаҳарма-шаҳар сарсон бўлиб юрармиди? Биринчи марта Хуросонга сафарга кетганимда бир ой тарозибонлик қилиб, менга етказган зарарини ҳеч бир араб ҳеч бир ажамликка етказмаган. Темир йўл қурилишида бирга ишлаймиз, деб отасини Навсудга олиб кетди, отасини жойи ростонига юборди-да, тўрт йил деганда икки қўлини бурнига тикиб, Кермоншоҳга қайтиб келди. Ҳали-ҳозиргача замона зайлига қараб иш тутишни истамайди, яъни фаҳму фаросати етишмайди. У ана ўша хуфия савдо ишлари билан шуғулланиш, йил ўн икки ой қўркув ва хавотирда юриш, юзлаб тоғу дара, ўрмон ва дарёлардан ўтиб, икки марта қўлга тушиб, бир марта ўттизта рўмол ва ўнта канақунжут совунини Хонақиндан Қасрга олиб келиб пуллаш учун туғилган. Бу ҳам тирикчилик учун у ўзига танлаган бир йўл. Уни ўқимишли қилсин деб уч йил давомида Мирзо Ҳасан мактабдорга берган пулларимга ачинаман. Нима, тепада боғи, пастда тегирмони бўлганларнинг ҳаммаси ҳам ўз ишларини идора қилиш учун жиянларининг ёрдамига таянишадими? Жиян, яъни – пул. Одам ўзи ёлғиз бўлса-ю, ҳеч кими бўлмаса, фақат ўз кучи ва меҳнатига таянса, на қариндош-уруғлари, на бегоналардан қарздор бўлса, қандоқ яхши. Сенга ваъда бераман, Худонинг ёрдами билан бу йил ҳам боғни юрғизаман, ҳам ундан олган даромадим билан ер ва қурилиш ишларини тўғрилайман.

– Иншооллоҳ, айтганингиз келсин!

Баҳром ва Бижан ички бир завқ билан қурилажак уйнинг қандай бўлиши ҳақида суҳбатлашишарди. Хонтахта устига чиқиб олган Маҳди унинг четида туради. Ҳар куни кечқурунги одати бўйича ўзини отаси кучоғига отди. Суҳбатга берилиб кетган Сайид Мирон фақат охириги лаҳзада буни кўриб қолди ва ўғилчасини тутиб олиб, унинг болаларча шижоатидан маза қилиб кулди ва нам сочларидан ўпди. Боғ ва ер ҳақидаги режалар, хотини ва болаларининг қуршовида экани уни ўша кунги воқеалар ва ўша оқ чодирли гўзал аёл ҳақидаги фикрлардан узоқлаштирган эди. Ҳақиқий ҳаёт ўзининг барча бахт-саодати билан унинг кўз олдида ва қўлида эди. Наҳотки ҳаёт фалсафаси инсон ўз хотини ва боласи учун ҳаракат қилишидан, ўз яқинлари билан обрўли яшашдан, озми-кўпми еб-ичиш, бировга бирор нарса бериш, қарилик кунлари ва оиласининг келажаги учун ҳам бирор нарса жамғариб қўйишдан бошқа нарса бўлса? Агар ҳаётнинг маъноси ва натижаси у билган нарса бўлса, жуда яхши, у бир яхши ота сифатида бошқалардан қаери кам? Отанинг вазифаси Арастунинг назарияси ва ислом таълимоти бўйича оилага бош бўлиш ва бу кичик бир жамоани яхшилик ва тўғрилиқ, ҳақ ва адолат йўлида бошқаришдан иборат эмасми? Муҳаббат уруғларини фарзанд қалбига сочиш ва оталарча раҳм-шафқат

ва адолат билан уни суғоришдан иборат эмасми?

Шундай қилиб, йигирма олти ойлик гўдаги унинг бошидаги дўпписини оламан деб елкасига чиқиб олганди. Сайид Мирон вақтичоғлик учун уни ўз ҳолига қўйди, қани, дўппини ўзи ололармикин, деб ўйлади. Бола ҳансираб зўрға нафас оларди, бирдан чарчаб тўхтади. Худди кўзига биров тупроқ сочгандек мушти билан кўз ва бурнини зўр бериб ишқалади ва онаси томон қайтди. Отасининг кулгиси қистади. Унинг учун бундан ҳам ортик бахт бўлиши мумкинми? Бу болалар унинг шодлиги-ю, ғам-қайғуси ҳамда ҳаётининг манбаи ва унинг умиди эди. Уларнинг хандон ва маъсум чехралари бир қарашдаёқ дилидаги ғуборларни тарқатиб юборарди. Уларнинг ўзларига ярашган маъсум кулгилари, йиғилари, талаблари ва қизиқувчанликлари унинг руҳини кўтарди. Туну кун барча қийинчиликлар ва оғирликларни мана шу болаларни деб ўз елкасига ортмаётганмиди? Ҳаётининг давомчиси бўлган мана шу қилтирикбўйин Махдини (Сайид Мироннинг ўзи унга шундай лақаб қўйганди) озгин ва нимжон бўлгани учун яхши кўрмаганмиди? Аксинча, нимжон бўлгани учун ҳам фарзанд кўпроқ ота-онасининг муҳаббати ва лутфу карамидан баҳраманд эди. Муҳаббат ва эркалашлар унинг учун гўё ҳаётбахш нур каби эди. Бу миннатдор одам раис ёрдамчисини кўриб келиш учун ўрнидан туриб, Оху хоним уни эшик олдиғача кузатиб чиққанида фақат болаларигина эмас, ҳатто хотинини ҳам яхши кўришини ўйлаётган эди. Бу қора кўз ва серғайрат аёлга уйланганига ўн тўрт йил бўлган бўлса-да, икковининг бирга кечириётган ҳаёти булоқ суви каби ҳали ҳам ширин ва ёқимли эди. Унга зиғирча бўлса ҳам хиралик солиши мумкин бўлган бирор ёқимсиз хотира уларнинг ўтмишида йўқ эди. Ҳар бир нарсада ва ҳар қандай одам билан чиқиша олиш ва муроса қила билишликда унга ўхшаш ё тенг келадиган одами йўқ бу аёлнинг ўтмишда, албатта, бир-икки марта қаттиқ жаҳли чиққан эди, аммо баъзиларнинг фикрича, эр-хотиннинг ўртасидаги бу даражадаги ҳамжиҳатлик ва тотувлик нафақат кишини таажжубга соларди, балки бироз зерикарли ҳам эди. Оху хоним кечиримли, юмшоқ табиатли ва тўғрисўз аёл бўлиб, шу пайтгача ҳеч ким ҳеч қачон унинг овозини кўтариб гапирганини эшитган эмасди.

Тақдир бу кимсасиз, аммо бахтли аёлни унга рўпара қилганда ҳеч ким уларнинг саодат юлдузлари бу қадар бир-бирига тўғри келишини, беш йилдан кам муддатда улар ҳаётнинг энг паст пиллапоясидан бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган даражадаги юқори поғонасигача чиқа олишларини тасаввур ҳам қилмаганди. Бу ҳақиқат болалик давридаги хотиралардан ҳам кучлироқ бўлиб, Сайид Мироннинг кўнглига қаттиқ муҳрланиб қолган. Ўшанда у шаҳар атрофидаги боғларда ва тегирмонларда, яъни Суробда ишларди. Ёзда боғбончилик қилар ва қишда тегирмонларда ун тортарди. Йўл бўйларида мевафурушлик ва ҳаммоллик қилишдан ҳам ор қилмасди. Аммо тўғрисини айтганда, Сайид Мирон ёки суробликлар ва дўстлари онасининг исмидан олиб аташгандек, Мирони Ховарэнинг ўзи ҳам бу дунёда ким эканини ва умуман нима учун яшаётганини билмасди. Ўша пайтда у ўттиз беш ёшда эди. Сочига энди оқ оралай бошлаганди. Ўтган умрида эришгани бир сиқим куруқ ва пуч тажрибадан бошқа нарса эмасди. Якка-ёлғиз ва ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмай умрининг ўттиз беш йили кўз очиб-юмгунча ўтиб кетган эди. Суроб хонларининг бири томонида бўлиб, Солоруддавла зўрлик қилиб тортиб олган бойликларини қайтариб олиш учун унинг қўшини билан Курдистонгача борган эди. Рашт ва шимолий

вилоятларда саргардон бўлган, на маршрутчи¹ ва на шохлик тарафдори бўлишига қарамасдан бир қанча муддат тоғларда ва саҳроларда қочиб юриб, ниҳоят, яраланиб, териси остида ўк билан, Кермоншоҳга куп-қурук қайтиб келганди.

Қариндош-уруғлардан ҳақиқатда фақат битта синглиси бўлиб, эрга тегиб кетган ва ундан битта жияни, ўша Айсу бўлиб, Оху келин бўлиб тушганда ўн ёшда эди. Айсунинг Суробда бошқа қолгиси келмади, шаҳарга кетмоқчи бўлди ва мана энди бошқа бир одамнинг тақдирига ҳамдам бўлгач, ўзининг бахтини кенгроқ бир маконда синаб кўришга аҳд қилди. Оху никоҳ ўқилган пайтда ўн олти ёшда, яъни эридан икки баробар ёш бўлганига қарамай, тажрибали аёллардек пишиқ-пухта ва тиниб-тинчимас эди. Эрининг уйидаги нон ва пишлоқ унинг учун жаннатий овқат эди. Ўхшатмасдан учратмас, дейдилар. Унинг ҳам холаси ва поччаси раҳнамолигида тонг отгандан кун ботгунча меҳнатдан боши чиқмасди. Поччаси камгап ва беозор киши бўлиб, уйда нон ёпар ва кўчаларда айланиб сотиб келарди. Шу боисдан ёш қизча ўтиннинг аччиқ тутуни ва тандир ёки ўчоқнинг нафасни бўғувчи тафти билан доимий ошна эди. Болалик давридаги ҳаёт ва тарбия одамни одам қилувчи асосий омил дейдиган кишилар сўзсиз мана шу нарсаларни назарда тутганлар. Барча инсоний фазилатларнинг сарчашмаси бўлмиш меҳнат ва сабр-тоқат дарсини унинг хотини ўша пайтдаёқ ёд олган эди.

Шаҳарда улар қаршисида энг аввало “Нима қилайлик ва нима қилмайлик?” деган савол кўндаланг бўлди. Янги уйланган одам энди тегирмонда ёки боғда ишлай оладиган шароитда эмаслиги аниқ эди. Оху хоним холасидан хамир қориш учун тоғора ва нон пишириш учун катта тунука това қарз олди, анча машаққатлар билан чорраҳада бир новвойхона куриб олишди. Агар Охунинг олдинги тажрибасини ҳисобга олмаса, ҳақиқатда улар ишни нимадан бошлашни билишмасди. Ҳали шу пайтгача Оху ўша замонда ҳам тўй либоси, ҳам иш кийими бўлган курдча рўмоли ва камзулини эсдалик сифатида сандиқда сақларди. Қандай қилиб одам мана шундай оқила ва фидокор хотинини унутиши мумкин? Шомдан олдин ва намоз пайтида мана шу фикр Сайид Мироннинг миясидан нари кетмади. Кундузлари у ўтин олиб келиш ёки арзон ун учун Суробга ва йўл-йўлакай Бўзгирига эшак миниб кетганида бу аёл эркак ўрнида новвойхонада қолар, курдча рўмолининг бир учи билан оғзи ва бурнини беркитиб, енгларини билагигача шимариб, “бисмилло” деб ишга тушиб кетарди. Ўзи хамир қорар, ўзи зувала қилар, ўзи нон ёпар ва ўзи сотарди. Ўша қийин ва машаққатли даврнинг ширин хотираларини унутиш мумкин бўлганда эди, сеvimли ва вафодор хотинини ҳам унутса бўларди. Оху ёпган гулдай нонларни нон эмас, лавош деб ўйлаш мумкин эди. Шу алпозда икки ярим йил ўтди. Аввалига менсимасдан ва хотинининг қистови билан бу янги ишни бошлашга рози бўлган Сайид Мирон энди бутунлай шунга берилиб кетганди. Эр-хотин чарчоқ нималигини билмай, кечасию кундузи, ёзу киш ўша новвойхонада ишлаб, ўша ерда ухлашарди. Ниҳоят, энди новвойлик ёш аёл учун оғирлик қиладиган пайт келди. Ўн тўққиз ёшли Весто² учун ором ва шовқин-сурондан узоқ бир гўша лозим эди, у ерда жаннатдан келадиган кичик бир меҳмоннинг келишига кўз тикиб ўтириши керак эди. Улар икки ярим йиллик тер тўкишлари ва сабр-матонат билан елиб-югуришлари натижасида, ўша оёқ устида туриб ўтказган ҳаётлари

¹ М а ш р у т а ч и – Конституцион тузум тарафдори.

² В е с т о – қадимги юнон афсоналарида она тимсолидаги маъбуда.

учун етарли даражада идиш-товоқ йиққан ва энг зарур асбоб-анжомлардан ташқари, уч юз туман нақд пул ҳам жамғаришган эди. Шундан эллик туманини айлантиришар ва қолганини Оху новвойхонанинг бир бурчагига кўмиб қўйганди. Бу пул оддий пул эмас, балки бир жуфтнинг, айниқса, Охунинг тасаввурида уларга ёрқин келажак манзарасини кўрсатиб турувчи катта бойлик эдики, илгари Сайид Мирон учун бундай келажак бегона ва маънисиз кўринар эди. Агар ўша пул бўлмаганда, у ҳозир ким бўларди? Гулмуҳаммадга ўхшаган, ёки унинг сингисининг эри Оқожон каби бир одам бўларди-да. Уларнинг ҳар иккови Сайид Мироннинг уйида ижарада турар ва бир тўғрам нонга муҳтож эдилар.

У ва хотини Оху кўпинча шу мавзу хусусида суҳбатлашар эдилар. Уларнинг ҳеч бири тақдирдан норози эмасди. Оху пулни ўз-ўзидан шишиб кўпчидиган хамирга ўхшатарди. Сайид Мирон бунинг учун “иш” деб аталмиш хамиртуруш керак дерди. Улар ўртасидаги бундай баҳсларнинг жонли мисоли доимо ана шу Гулмуҳаммад ва Оқожоннинг оилалари бўлиб, бу ҳар икки оила йил ўн икки ой давомида жувозга боғланган от каби ўз атрофида айланаверар ва ўша аввалги жойларига қайтаверар эдилар.

Хуршиднинг эри Оқожон оқ юзли, тажрибали ва одамови бўлиб, ташқаридан қараганда бепарво ва вазмин кўринса-да, аслида бунинг акси эди, омадсизлик уни баджаҳл, қайсар ва энг ёмони, оиласи учун тоқат қилиб бўлмайдиган одамга айлантирганди. Уйда хотини ва болалари учун тожу тахтсиз бир Оғомуҳаммадхон Иккинчи эди. Сайид Мирон уни кўпол ва ҳимматсиз одам, деб биларди, чунки шунчалик қашшоқлигига қарамай, димоғи осмонда эди. Новвойга ёрдамчи бўлиб ишлашдан ҳам, уйининг томидаги қорни курашдан ҳам ор қиларди. Меҳрсизлигини айтмайсизми. Ҳар куни янги бир ишга уннар, сал нарига бориб-бормай ташлаб юборарди. Чунки, Сайид Мироннинг таъбирича, “бошим калу кўнглим нозик” эди. Оқожон ўзига муносиб иш ва мартаба изларди, албатта, аммо бадфёълиги туфайли ҳатто шундай ишни топганда ҳам уни тутиб қололмасди. Қайноғасининг аҳволи ҳам униқидан яхши эмасди. Уларнинг орасидаги фарқ шунда эдики, Гулмуҳаммад ҳаётни борига барака деб ўтказадиган, кувноқ ва қашшоқ одам эди. Агар бир кунда тўрт қиронми ёки тўрт туманми, қанча топмасин, кечкурунгача ҳаммасини созуриб тугатарди. Куч талаб қиладиган жисмоний ишларни куёвига қараганда кўпроқ ёқтирарди, шундан бошқасига ярамайман, деб ўйларди. Унинг асосий иши бугдойни елпиб тозалаш эди. Аммо деҳқончиликка ҳам ҳаваси йўқ эмасди. Лаблари ҳаддан ташқари қалин бўлгани учун, Худо мени аввал-азалдан бодринг гулини териш учун яратган, дерди. Қишда уйларнинг атрофидаги қорларни ўзи куради. Хушмуомалалигидан бўлса керак, Сайид Мирон уни Оқожоннинг акси ўлароқ ёмон кўрмасди.

Бу икки қариндош оиланинг эркакларидан ташқари аёллари, ҳатто уларнинг болалари ҳам ишлашарди. Хуршид ва Гулмуҳаммаднинг онаси Холабегим кўзлари ёшланиб турадиган нотавон кампир бўлиб, чарҳда ип йигирарди. Ҳар куни тонг отиши билан қалинроқ кийиниб ва юзига тўрни ёпиб, битта-битта одимлаганча бозор томон йўл оларди. У ерда йигирган ипларини топшириб, яна пахта олар ва қўлига тушган пулга болаларга кечлик учун бир неча сир¹ мол гўшти оларди. Пешинга яқин уйга қайтиб келар ва куннинг қолган қисмида нақ ярим тунгача, гўё пианино ортида ўтирган гўзал қиз каби, айвоннинг офтобшувоқ жойида ёки хонанинг

¹ С и р – оғирлик ўлчови, 75 грга тенг.

бир бурчагида ўтириб, ип йигирарди. Чархнинг мунгли ва ғамгин овози қўшнилари қулоғига тинимсиз чалиниб турарди. Охирги пайтларда бу икки оиланинг бирдан-бир ишонган таянчи бўлган кампир касал бўлиб ётиб қолганди. Хонанинг бир бурчагида ёки айвоннинг ғишт терилган ерида чўзилиб ётар ва эшитилар-эшитилмас инграрди. Қизининг хонаси дахлиз ёнида бўлгани учун у мудом ховли эшигига диққат билан қулоқ солар, мабодо биров эшикни тақиллатса, шовқин-суронли уйда эшитмай қолишмасайди, деб хавотир қиларди. Беш яшар набираси Муҳаммад Хусайннинг овози қулоққа чалинмай қолса, яна ваҳима: тагин қудуқ ёнига ёки ховуз бўйига кетиб қолган бўлса-я, чўкиб-нетиб қолмаса-я, деб ўйларди; агар овозини эшитса, биронта бола уни ураётган бўлса-я, деб гумон қиларди. Чунки бу бахти қаро боланинг овозида, барча яхши-ёмон пайтларда ҳам, киши юрагини эзиб юборувчи қандайдир мунг мухрланиб қолган эди. Табиат унга зўр муҳаббат ва илтифот кўрсатган, Сулаймон пайғамбар Худхуднинг бошини силаб, яхши мужда келтиргани учун унга чиройли тож ва рангбаранг патлар ато қилгандек, у ҳам ўз яратгувчисидан кумуш тож туҳфа олган эдики, бу туҳфа унга абадий азоб бўлиб қолганди. Мусибат келса, ҳам эшикдан келади, ҳам тешикдан, деганларидек, ота-онасининг шунча бахтсизлиги камдек Муҳаммад Хусайн тузатиб бўлмас даражада кал эди. Ҳар ҳолда Холабегим унинг ётиб қолишига ва мадорсизлигига сабаб бўлган касаллигидан ташқари, доимий кўркув ва хавотирлик касалига ҳам мубтало бўлганди. Қўшнилари бир мунча вақтдан бери унинг чархи овозидан қутулишган эди, лекин набираси ва арзимас нарсалар учун беҳуда хавотир олаверишию бақириб-чақирришлари ҳамманинг жонига теккан эди.

Чорраҳадаги сожипазлик¹ шароит тақозоси билан қийинлашгач, Сайид Мирон оғироёқ хотинини холасиникига Суробга юборди ва ўзи ўша пулдан икки юз туманини бериб, бир новвойга шерик бўлди. Бу пайтда унинг ўзи ҳали новвойхонада бир ишчи бўлиб ишларди. Новвойхона ишчилари билан бирга овқатланарди-ю, аммо соҳибкор, яъни иш берувчи хўжайин деган номи бор эди. Еб-ичишда ўзгариш йўқ, муваффақият ва умид унинг зираворига айланган эди. Жуда қисқа бир муддатда қашшоқ ва ном-нишонсиз, жамият билан ўша ўз ишларидан бошқа ҳеч қандай алоқалари бўлмаган одамлар гуруҳидан арбоблар ва мулкдорлар гуруҳи ичига сакраб ўтганди. Машаққат ва курашлар ҳали олдинда эди, лекин ўз мамлақати чегарасидан бошқа мамлақатга ўтиб олган қочқин каби ўзини нисбатан хотиржам ҳис қиларди. Ўзи боғбончилик қилган даврларни эсларди, ўшанда тут қоқилаётганда катта чодирни тўрт киши тўрт бурчагидан ушлаб ёйишар, у эса дарахт тепасига чиқиб, дабдабали салавотлар жўрлигида тут қоқа бошларди. Мана энди ўзи ҳам бир қисмига эга бўлган новвойхона ўша тут қоқиладиган чодирга ўхшарди. Вазият нозиклигига қарамай, ўзининг янги мавқеидан мамнун эди, чунки ниҳоят ҳаётда калаванинг учини топгандек эди. Барибир, бундан ҳам яхшироқ вазиятнинг пайида эди. У ер-бу ерларда ўша даврларда новвойлар тоифасида маҳкамроқ алоқаларга эга бўлган ҳамкасблари орасида юриб, зимдан керакли маълумотларни тўплар, бургут баланд осмондан туриб ер юзидаги энг кичик нарсани ҳам кўра олганидек, ўзининг ўткир кўзлари билан ҳамма нарсани кузатар, тимирилланарди, агар қулай фурсат келса, уни қўлдан чиқармоқчи эмасди. Шаҳарда катта кўча қурилмоқда эди, ўша кўчада ҳозиргача уники бўлган новвойхонага пойдевор қўйилган эди.

¹ С о ж и п а з л и к – катта темир товада нон ёпиш.

Унинг эгаси пулга мухтож бўлиб қолганди. Сайид Мирон уddaбуронлик қилиб, усти ёпилмасдан олдиноқ арзимас маблағга ижара хужжатларини расмийлаштириб улгурди. Ўзининг асбоб-анжомларини ва сармоясини янги новвойхонага олиб ўтди ва шундай қилиб беш йилдан бери осифлик бўлган, аммо қайнамаган шериклик қозони ерга қўйилди. Муваффақият Сайид Мирон учун ҳеч қачон шу дамдагидек ширин бўлмаганди. Унинг саводи йўқ эди, лекин вазиятга тўғри баҳо бера олар даражада ақлли эди. Алдоқчи ва товламачи эмасди, қатъиятли ва ғайратли эди. Ўз касбининг икир-чикирлари, пасту баландини анча олдиндан пайқар эди. Айёрлик ва ғирромлик ишлатмасди, юмшоклик ва енгиллик билан иш сирларини ўзлаштириб оларди. Қўл остидагилар, ўзидан тепадагилар ва шерикларига нисбатан ўзини самимий тутиши, ҳар бири билан ўзига яраша муомала қилиши натижаси ўлароқ ҳамма ундан мамнун эди. Унинг табиатининг бир қисми бўлган бу хусусият, айниқса давлат идораларига кириб-чиқишлари бошланганда қор қилди. Янги кўча кун сайин ободлашиб, одамлар сони ортиб борарди. Иш энди бошланганида мўъжазгина новвойхонада кунига эллик мандан ортиқ нон ёпилмасди, лекин мўлжал қилинганидек, иш ривожига олиб кетди, эллик ман бир харворга, бир харвор энг юқори қувватга, яъни олти юкли икки шегердга етди. Бу пайтда Сайид Мирон Суробий ҳар куни юз туман тушум қабул қилиб олар, унинг қанчаси дастмоя, қанчаси соф фойда эканини ўзи ҳам билмасди. Аммо кўриниб турган ҳақиқат шундан иборат эдики, шу новвойхонани сотиб олгандан бери ўтган уч йил ичида жамғарган пули бутун бошли ҳовли сотиб олиб, хотини ва жондан азиз икки гўдагини ижара машмашаларидан озод қилишга, ундан кейин эса Имом Ризо мақбарасини зиёрат этгани муқаддас Машҳад шаҳрига сафар қилишига ва шу орқали ўзининг давлатмандлар доирасига кирганлигини билдириб қўйишига етарли бўлди. Уйни сотиб олиш, Охунинг фикрича, қанчалик муҳим бўлиб, унинг одамлар орасидаги обрўси ва салмоғини оширсан, Сайид Мирон учун Машҳадни зиёрат қилгани шу даражада аҳамиятли эди, жамиятда унинг обрў-эътиборини юқори кўтарарди, гўё касб-корининг гувоҳномаси остига босиладиган муҳр эди. Унинг мавқеига эга бўлмаган илгариги дўстлари ва ошнолари энди ҳавас қилишарди. Чунки Мирон Ховарэ, сарик чақа эвазига катта тоғорадаги гўра ёки узумни Суробдан шаҳарга олиб бориб берадиган, йил ўн икки ой ярим оч-ярим тўқ кун кечирадиган кечаги ҳаммол, мана бугун Машҳадий Мирон бўлиб қолганди. Хотин, бола-чақа, бойлик орттирганди. Шаҳарда ва қишлоқда таниқли одам бўлиб қолганди. Алихонлур кўчасининг орқасида жойлашган уйини ҳамкорлари ва дўстлари яхши билишарди. Зиёфатлар, меҳмондорчиликлар авжида эди. Катта дастурхонлар ёзарди. Одамларнинг шодлигига ҳам, қайғусига ҳам шерик эди. Никоҳ маросимлари ва тўйларга унга ва хотинига таклифномалар жўнатишарди. Келин кўрар маросимларида маҳаллий расм-русумга биноан патнисга, орқаси қирмизи ранг қоғоз пуллар ташлайдиган Суробий хонимнинг ўз ўрни бор эди. Одамлар унинг болалари исмларини биттама-битта билишарди. Баҳром ва Бижаннинг хатна тўйлари аъёнларнинг тўйларидан қолишмаган эди. Уларнинг меҳмонлари орасида Ҳожи Маҳмудоға Тожир ва шаҳар ҳокимлигининг собиқ ҳоким ноиби Озарнуш каби машҳур ва мухтарам шахслар бор эди. Улар келиб бир неча дақиқа ўтиришди, шарбат ва мевалардан тотиб кўришди, мақтовлар ва офаринлар айтишди. Катта ҳовлининг саҳни ва деворлари ажиб бир тарзда гиламлар билан безатилган эди. Бир гуруҳ обрўли машҳур созандалар икки нафар қувнок

ва шўх раққослар билан ҳовли атрофига териб қўйилган ўриндикларни тўлдириб ўтирган меҳмонларнинг кўнглини олиб хушнуд этардилар. Мевалар, ширинликлар ва шарбатлар бадастир эди. Гулзорнинг четида табиий ва сунъий гуллар билан безатилган каравот кўзга ташланар, унинг устига атлас кўрпачалар тўшалган, ёстиқлар қўйилган ва ипак чойшаб ёпилган эди. Мирзонаби лавошпаз хушбичим кийимлар кийдирилиб, капалак нусха галстуклар тақилган ва шиша қутичадаги қўғирчоқдан ҳам чиройли бўлиб кетган уч ва олти яшар болакайларни ҳовли саҳнига олиб чиққанида йиғилганлар шодлик ва қувончга тўлиб қарсак чалишди, миллий куйлардан “Бодобод”ни чалишиб, раққослар меҳмонлар ва эшигу томларни тўлдириб турган томошабинлар олқишида завқ-шавққа тўлиб ўйинга тушдилар ва шодлик ҳамда ҳаяжондан шундай бир тўфон кўтардиларки, бу тўйнинг охириги лаҳзасигача тинмади. Болалар икки нафар бўлгани учун яхшилик аломати деб ўша заҳоти улар ўртасида бир хўрозни сўйишди.

Сайид Мирон жилмайганча ҳовлининг бир чеккасида каравотга ва устанинг қўлига тикилиб турар, кўнгли ғурурга тўлган, лекин ранги ўчган эди. Болаларнинг онаси Оху чидамсизроқ бўлганидан кўрқмаслик учун хоналарнинг бирида оёғини тоғорадаги совуқ сувга солиб турар, Нукура ва Сафия бону унинг ёнида эдилар. Дабдабали ва ажойиб тўй яхшилик билан тугади, ўша куни у ерда бўлганлар хотирасида умрбод сақланиб қолди. Ҳатто энг камбағаллар ҳам тўйга таклиф этилган бўлиб, новвойлар ўн йиллик таназзулдан кейин биринчи марта ўзларининг кенг тарқалган тоифалари аъзоларининг катта қисмини бир ерда жам қўришлари эди. Уларнинг баъзилари ҳатто бир-бирларини танимас ҳам эдилар. Сайид Мирон ҳамкорларидан бири тўй тугаётган пайтда табриклаш ва хайрлашиш учун унга яқинлашиб келганда энгашиб андишали, аммо яхшигина кесатиқ ва танбиҳ оҳангида унинг қулоғига деди:

– Сал пастроқ тушинг, биродар, жуда ошириб юбормаяпсизми?

Унинг орқасидан бошқа пичир-пичирлар, шивир-шивирлар кучайган эди, лекин Сайид Мирон уларга қулоқ солмаётганди. Худонинг ўзи етказди, у ҳам ўзида йўқ хурсанд, борини аямай тўкиб сочарди. Ҳасадгўйлар ўйлашганидек, унинг ишлари ҳисоб-китобсиз эмасди, албатта. Ҳатна тўйидан икки кун кейин унинг таклифи билан ва унинг уйида бўлиб ўтган новвойлар тоифасининг йиғилишида Сайид Миронни бир овоздан новвойлар тоифаси вакили этиб сайлашди. Шу куни унинг болаларини хатна қилган ва ҳар куни икки-уч марта болаларни кўриб, яраларига дори сургани уйларига келиб турган уста Хуршид билан Нукуранинг ўғиллари Жавод билан Жамолнинг ҳам қўлларини ҳалоллаб кетди. Тўйдан қолган ширинликлар яна баҳам кўрилди. Савоб бутун бўлсин деб, яна уларнинг ўртасида хўроз сўйилди. Бу сафар катта хонага йиғилган жамоа асосий иш тугаб, баъзи оқсоқоллар кетишгач, мезбондан ўша кунги шўх раққослари билан келган Ҳусайнхоннинг созанда ва доирачиларини олиб келишни сўрашди. Исрофгар ва бепарво, айниқса, энди раислик нишонини ҳам қулоғига тақиб олган бу одам, дўстларининг юзини ерга қаратишни истамасди; хизматга шай турган Гулмуҳаммадни ўша раққослар гуруҳини олиб келишга жўнатди; жуда кеч бўлса-да, раққосларидан бири олиб келтирилди ва тунги соат иккигача хонада базмни қизитиб, шунақанги шовқин-сурон кўтаришдики, бунақаси ҳали ҳеч бўлмаганди. Уларнинг йиғилиши умуман сиёсатдан холи эди, ҳамма шу нарсани билардики, шаҳар ҳокимлиги, ғалла ва нон бошқармаси бошлиқлари ва ҳатто

хокимнинг ўзи ҳам бу каби тоифа фаолиятларига қарши эмасдилар.

Тоифага раис бўлган пайтдан бошлаб Сайид Мироннинг иши ва ҳаётида янги тартиб-қоидалар юзага келди. Тоифа раислигининг масъулияти янги югур-югурларни келтириб чиқарди, унинг шаҳар ҳокимияти, армия штаби, ҳукумат идоралари, ғалла ва нон бошқармаларига бориб туришига тўғри келарди. Янги масъулият янги одамлар билан, гарчи улар яқинлари бўлмаса-да, хушмуомала бўлишини тақозо қилар эди. Аксарият идора ходимлари бўлган бу одамлар учун вақти-вақти билан Суроб ва Сарчамандаги боғларда, тегирмонларда, Тоқ Бўстонда ёки агар ҳаво яхши бўлмаса, уйда зиёфатлар берарди. Хотини Оху бу каби зиёфатларда фақат парда орқасида туриб иштирок этарди. Фақат оилавий меҳмондорчиликдагина бевосита қатнашарди, масалан, шаҳар ҳокимининг ноиби Озарнушнинг ўзи Сайид Миронни бир жума куни хотини ва болалари билан эрталабдан ўз боғларига таклиф этганда шундай бўлган эди.

Эрининг обрўси ошиб, ишининг равнақ топаётганига белги ва ўзининг мағрурлигига асос бўлган бундай зиёфатларни, гарчи борган сари сермашаққат бўлиб бораётган бўлса-да, кўпроқ маъқулларди. Унинг ўзи ҳам қиз ўртоқлари ва дугоналари билан гап ўйнар, уларнинг жўрабошиси Ризохон тегирмончининг қувноқ онаси Ширинжон хоним бўлиб, ҳар ой бошида ва охирида турли баҳоналар билан аёллар ва қизларни тўпларди. Унинг зиёфатларида эркакларга ўрин йўқ эди, шунинг учун ҳаммаси бир жинсдан бўлган иштирокчилар ўзлари истаган шаклда дилларидаги ғам-ғуссани тарқатар эдилар.

Сайид Мироннинг ўз ҳамкорлари ва баъзи идора ходимлари билан борди-келдилари, хотинининг ўз одамлари билан учрашиб туриши ва бир-бирлариникига бориб-келишлари ҳамда рақобат масалалари уларнинг уйи касбларига яраша тартибли ва обрўли бўлишини талаб этарди.

Кудук, ховуз ва гулзорли, тўртта бир хилда қурилган айвон ва иккита баланд арк, катта ва кенг ховли саҳнига кўрк қўшиб турган саккиз хонали уйдан иккита хона, агар хужраларни ҳам ҳисобласак, ҳаммаси бўлиб бешта хона уларнинг ихтиёрида эди. Булардан бири улар ўтирадиган хона, иккинчиси меҳмонхона бўлиб, ҳар иккисига бошқа-бошқа айвондан кирилларди. Яна чоғроқ учинчи хона ҳам бўлиб, у меҳмонхонага туташ эди ва доим эшиги очик турар, у ерда болалар ўйнашарди. Меҳмонлар келадиган ёки тоифа мажлислари ўтказиладиган кунларда унда чой ва қаҳва дамланарди. Булардан ташқари катта бир ертўла ҳам бўлиб, унда буғдой сақланарди, кузда у буғдойга тўлар, нархлар кўтарилиб, буғдойни бозордан сотиб олиш фойда бермай қўядиган баҳор фаслида бу омборнинг муҳри бузиларди. Сайид Мирон пулнинг қудрати ифодаси бўлган ва ҳар ким ҳам уддасидан чиқа олмайдиган мана шу ажойиб фикр билан иш тутиб, охириги бир неча йилда анча ўзини ўнглаб олган эди. Агар фойда қилишини билса, аллофлар ёки бошқа кишилар билан ҳам муомала қилаверарди. У қосиб эди ва қасбни юрғизишда қилишувдан ҳалолроқ нарса йўқ эди. Эскифуруш Фарҳодхондан болаларнинг хатна тўйида ижарага олгани икки ўриндик тўплами ва бир нечта энг яхши гиламларни Сайид Мирон уйда қолдирди ва қайтариб бермади. Гиламлар Кошонники бўлиб, бир навдаги ипакдан тўқилган эди ва уларни қайтаришга ҳеч қўзи қиймади. У ўсиш ва омад остонасида эди. Омад гўё тунда пайдо бўладиган тиллақўнғизлар каби уни ўнги ва сўлидан ўраб олиб, ирғишлар ва тобора ҳавасини келтирарди. Шу сабабдан ҳар гал кўчадан уйга қайтаётганида кўпинча бирон-бир антиқа буюмни харид қилиб келарди. Буюм харид

килишда унинг ғаройиб одати бор эди, чунки у қўли очик одам бўлиб, сотиб олган нарсасидан эса, гарчи кераксиз нарса олиб қўйган бўлса ҳам, ҳеч қачон пушаймон бўлмасди.

Сайид Мироннинг ишлари яхшиланиб бораётганига сабаб унинг ўз кучига таяниши эди. Бировнинг молига кўз тикмасди, одамларга яхшилик қилар ва ҳамманинг хурматига сазовор эди, энг муҳими, хотинининг фахру жилваси иш бераётганида эди. Шундай бўлгач, Оху Худодан яна нима исташи мумкин эди? Яхши ва омадли эри, соғлом ва қувноқ болалари, ҳар жихатдан тўқис ва ширин ҳаёти, уйи бор. У энди на холасининг уйидаги бахтсиз бир қизалоқ, на чорраҳадаги новвойхонанинг кечаю кундуз тер тўкадиган чиркин аёли эди. Бу дунёнинг ишлари қандай ажойиб томоша. У ғариблик қаёқда-ю, бу шоҳона ҳаёт қаёқда! Қайси фолбин бундай бўлишини башорат қила оларди?! Чап тарафга юрса эрининг номини эшитади, ўнгга юрса ўзининг. Унинг назарида одамларнинг ва қўшниларнинг ҳаёти у ва унинг эрисиз қизиқарли бўлолмас эди. Тўй бўладими, аза бўладими, унинг эшигини тақиллатиб келишади. Бир ярим манлик қозон, дастурхон анжомлари, қаҳва ичиладиган идишлар, чилим, стол-стул ва шунга ўхшаган нарсаларни улардан олиб туришади. Ҳатто аёллар унинг зеб-зийнатларини тўйларда тақиб туриш учун сўрашар, у йўқ демасди. Уч манотли¹ бир жуфт билакузуги, ўн манотли маржони, кунгираддор зираклари ва иккита фируза кўзли узуги – унинг қимматбаҳо тақинчоқлари ана шулардан иборат эди ва Оху уларни шиппак тўқиб сотиб ва баъзан рўзғордан орттириб йиққан пулларига олган эди. Шиппак тўқишда у айна пайтда устозлик ҳам қилар, қўли остида бошқа хонадонларнинг қизларидан бир неча нафари, шу жумладан Хуршид ва Нукранинг қизлари Зари ва Рубоб шогирдлик қилишарди. Улар орасида Рубоб кўпроқ истеъдодли эди, бошқалар ҳали тўғри чок тикишни ўрганиб ололмаганда, у бошлиқни тика бошлаган эди. Унинг иши тоза ва харидоргир эди. Оху тўғри чок ва бошлиқнинг ҳар иккиси учун унга тўрт қирон иш ҳақи тўларди. Охирги якунловчи ишлар, яъни тўрлар ва кунгиралар билан безашни ўзи бажарарди ва бир жуфт шиппакни етти қиронга пулларди. Ҳар бир қизга ширинлик берар ва иш ҳақига бир қирон қўшарди. Шундай экан, содда ва камтарин аёл учун бундан бошқача бахт ҳам бўлиши мумкинми? Оёғи остида Кошон ва Кермон гиламлари тўшалган бўлиб, уларнинг гулу райҳонга тўла чаман каби ёқимли нақшлари дилларга фараҳ бағишларди. Бошида фарзандлари ва эрининг осойишталигини таъмин этувчи ўз бошпанаси бор. Атрофида ҳар қандай ғам-ташвишдан холи, ўйнаб-кулиб катта бўлаётган дилбандлари – болалари. Ҳар бир ўтаётган кунда уларнинг вужуд ниҳолларида табиатнинг ажойиб янги бир рамзи куртак отар, ғунча боғлар ва гул бўлиб очилар, ҳаётга тароват, ширинлик, янгилик, латофат ва сафо бағишларди. Саодатнинг бахмал гуллари билан безанган уларнинг сокин ва осойишта ҳаётлари мисоли энгил кема бўлиб, замон тўлқинлари кўксини юмшоқ ёриб ўтар ва оҳиста илгарилаб борарди. Оху бу кеманинг энг баланд саҳнида маликалардек хиром айлар, фараҳга тўлганча узун зулфларини шамолнинг ихтиёрига топширар, заррин уфқнинг ёрқин нурларидан кўзларини ярим юмганча ўзи, азиз фарзандлари ва эрининг ёрқин ва орзу-умидларга тўла келажагини томоша қиларди. Болалигидан ҳаётнинг мусибатлари ва аччиқ-чучугига ўрганиб кетган Оху, мана энди бахтсизлик ва бахт ўртасидаги кўприқдан катта қадамлар ташлаб ўтиб олгач, ўзи доимо ишонган тақдирдан ва Худо

¹ М а н о т – қадимги тилла танга.

берган насибадан тасаввур қилиб бўлмас даражада рози эди. Бошқалар зўрға нон-пиёз билан кун кечираётган бир пайтда унинг омборхонасида ҳали оғзи очилмаган пишлоқ тўла хумлари ва ёғ тўла мешлари бор. Яқинда бойликка эришгани боис йўқчилик ва оғир ҳаётнинг аччиқ таъми ҳали тили учида сақланиб қолганди. Ҳа, ўзига етганча меҳнаткаш аёл эди у, уй ишлари ва болаларига қарашдан бўшади дегунча қўлига игна-ип олиб қатим тортишга ёки шиппак тўқишга тушиб кетарди. Хуллас, бирпас иш қилмаса туrolмасди. Егани олдида, емагани кетида бўлса-да, таралабе-дод яшашдан узоқ эди. Хушахлоқ ва кўнгилчан аёл бўлгани учун маънавий қашшоқлик белгиси бўлган ва энг ёмони, кўпроқ одамнинг ўзига қайтувчи хотинларнинг ножўя ғийбатлари ва ҳасадгўйликлари унга ёт эди. Маъноли чехрасида ҳамма нарсадан мамнунлик ифодаси бўлиб хуш табассум жилва қилиб турарди. Унга ҳақиқатда азоб берадиган нарса – бу бошқаларнинг ғам-ташвиши эди, чунки ғам ва ғамхўрлик нима эканини у бошидан кўп ўтказган эди. Шон-шуҳрат ва ҳашамат дунёси замиридаги сирлардан озми-кўпми хабардор эди. Хизматқору ошпазлари, този итлари бўлган, шоҳона дарвозали, ичкари-ташқари ҳовлили, хизматқорлари учун алоҳида хоналари бўлган, электр чироқларидан чароғон, эшикларининг тепасига бринч рақамлар ва кўнғироқ тугмалари қоқилган оилаларни ҳам биларди. Уларнинг қўл остидаги ўша уйда бир арман оиласи яшарди. Гарчи бу оила аъзолари ижарада туриб, хизматқору ошпазлари бўлмаса-да, эр-хотиннинг тиниб-тинчимаслиги, мўрисида тинимсиз тутун чиқиб туриши, ҳовлида гул ва кўкатларнинг барқ уриб ётиши, болаларининг турфа ўйинчоқлари кўплигидан уларнинг турмуш даражаси анча юқори эканини пайқаш мумкин эди. Бу нарсалар ўттиз ёшли аёл қалбида узоқ ўтмишдаги орзуларини кўзгатиши турган гап эди, лекин Оху хоним ҳеч кимга ҳасад қилмасди. Чунки ҳасад ёмонлик нишонаси эди. Агар замон ай-ланиб унинг эри Ҳорун саройидаги бойлигини қўлга киритса, улар ўзлари бошларидан ўтказган кунлар билан боғлиқ ҳамма ришталарни узиб, четга улоқтира олармидилар ва шуни истармидилар – айтиш қийин эди. Унинг ўзи ва эри учун ҳам фақир оилалар билан бирга яшаш ва уларга кўшилиш бойлар билан яшашдан кўра кўпроқ ёқарди. Уйда яшовчиларнинг ҳаммаси “хоним” деб қақирадиган бу аёлнинг юмшоқ ва беозор табиати ҳаётида юз берган унча-мунча катта ўзгаришдан сўнг ҳам, гўё онасидан ҳеч қачон ажралишни истамайдиган жўжадек, ўша-ўша ўзгармай қолганди. Агар замон талотўплари ва кутилмаган воқеалар аччиқ ва мавҳум ўтмишни унинг ёдидан кўтаришга сабаб бўлса, у ерда, қўшнилари орасида шундай одамлар бор эдики, доимо унинг кулоғи остида “Ассалому алайкум, Оху хоним, бунча тез ўзингни йўқотиб қўйдинг?! Ҳа, ҳаққинг бор!” деган ҳикматли жумлани ёки шуларга ўхшаш гапларни такрор-такрор айтишган бўларди. Бу кишиларнинг ҳаёти Аёзнинг¹ йиртиқ-енгсиз босма чопонидек ўзининг ўтмишидан жонли бир тасвир эди ва ҳар лаҳза уни огоҳлантириб турарди. Ҳаёт жангида у ўз кўзи билан кўрганидек, бошқалар пастликка қулаб кетсалар, булар юқорига чиқиб олишарди. Оққўнгил ва соддадил бу аёл шод бўлиш ва Худога шукрона айтишдан бошқа бу ҳақда қандай фикрда бўлиши ёки қандай муносабат билдириши мумкин? Баъзи вақтларда ҳамма мириқиб дам олиб, суҳбатлашиб ўтирганда бошини осмонга кўтариб астойдил Худога нола қиларди:

– Эй парвардигор, Оху хоним сендан яна нима исташи мумкин,

¹ А ё з – Султон Маҳмуднинг сарой аъёнларидан бири. У ғуломлик ва чўпонликдан олий мақомга етишган, чўпонликдаги жулдур кийимини сандикда сақлар ва гоҳ-гоҳида сандиқни очиб, кийимига қарар ва ўтмишини эслар экан.

Махдийимни менга қайтиб берган азиз Имом Ризони бир марта бўлса ҳам зиёрат қилишни менга насиб эт!

Худодан фақат шуни сўрайсанми, дейишганда табассум билан бундай жавоб берарди:

– Худо ҳеч қачон ҳамма орзуларни бирдан рўёбга чиқармайди. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Ҳозирча менга шунинг ўзи етарли.

Бир куни кечқурун Сайид Мироннинг тутинган укаси ва ҳамкори Мирзонаби лавошпаз хотини Ҳожар билан уларникига меҳмонга келишганда мана шу суҳбат бўлиб ўтган ва Сайид Мирон дабдаба билан шундай деганди:

– Менинг бўйнимда болаларим онасининг ҳаққи кўп. Иншооллох, шайтоннинг қулоғи қар бўлсин, Машҳадга кейинги йил уни бирга олиб бормоқчиман. Яна нима истайсан, Оху хоним, шунда мендан рози бўласанми?

Бу гап ўшанда эндигина йигирма еттига кирган ёш аёлнинг қалбини шодликдан ҳаяжонга солганди. Кўзлари миннатдорчилик ва завқ-шавқдан ёшга тўлиб, беихтиёр деганди:

– Азизим, сиз мендан рози бўлсангиз бўлди. Мен ҳам сизга ортиқча юк бўлмайин ва савоби ҳам ўзимга тегсин деб йўлкира ва харажатларни ўзим тўлайман, бироз туғиб қўйган пулим бор, сизга шу пайтгача айтмаган эдим, ўттиз туман етадимми?

Сайид Мирон кулиб, ғамгин ва маънос ўтирган Мирзонаби ва хотини томон юзланиб, деганди:

– Уни қаердан олдинг! Ҳойнаҳой, уй-рўзгордан қисиб-қимтиб йиққан бўлсанг керак? У ҳолда у пуллар ҳам ўзимники.

Оху хоним доводириб, бироз қизарган ҳолда деганди:

– Йўқ, Машҳадийнинг жони ҳаққи, болаларим ҳаққи қасам ичаман. Бу пулнинг бир шохиси ҳам рўзгорга берган пулларингиздан эмас. Ҳаммаси ўз қўл меҳнатимдан. Кунда шиппак тикиб сотиб, топганларимни тўпладим. Сизга ёлгон гапириб гуноҳга ботайми? Тўғри, рўзгор харажатларидан ҳам тежаганман, аммо уларнинг ҳисоби бўлак, бошқа кам-кўстларга ишлатганман.

Ҳожар хоним ёш эди ва нукул, уйдан ташқарига жуда кам чиқаман, деб нолирди. Бошидаги чодирин билан эрининг дўстидан юзини яшириб деганди:

– Оху хоним, ҳозиргача фақат ўттиз туман жамғардим, деб тўғриси айтмасизми? Йиққан тилла тақинчоқларингизни юз туманга олишга тайёрман.

– Сотганим бўлсин.

– Улар қаерда, кўрсатинг!

– Улар мана шу қутида. Юз туманни кўрсатсанг, калитини қўлингга тутқазаман. Қанақа ранг, қайси шаклда, тиллами, кумушми, мисми, қоғоз пулми, фарқи йўқ, нақд берсанг, улар сеники.

– Хонанинг хужрасидаги бир бурчакка Аҳмадшоҳнинг беш қиронли тилла тангаларини кўмиб қўймаганингга қасам ич, биз сенинг сўзларингга ишонамиз. Сенинг бундай ишларда тажрибанг бор. Мен чорраҳадаги ўзингиз айтган сожипазлик новвойхонангизни назарда тутяпман. Шундай одам ҳеч қачон пулларини осонгина топиб олса бўладиган жойга яширмайди.

Кичик бир маҳаллий рўзномани ўқиётган Мирзонаби суҳбатга қўшилди:

– Агар қасам ичса, савдо ўз кучида қолади ёки сўзингни қайтиб олмоқчимисан? Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда хоҳ ютай, хоҳ ютқизай, ҳатто қасам ичишдан олдинроқ сўзимда турган бўлардим.

Сайид Мирон деди:

– Аёл шайтонни ҳам йўлдан уради. Агар қасам ичса, аниқ билингки, кўмилган тангалар беш қиронли эмас, бир туманлидир ёки Аҳмадшоҳники эмас, пахлавийдир.

Оху хоним самимий эътироз билан қалин соч ўримларини чодир остида бир силкитиб ва бошини бир томонга буриб деди:

– Ҳеч қанақа қасам-пасам ичмайман. Мен унинг ўрнини эгаллаб олганмидим ёки бекитикча ишлар қилганмидимки, пулларимни жин топмас жойларга яширсам. Бундай гапларни айтаётган одамнинг ўзидан кўрқиб керак, кофир одам ҳаммани ўзига ўхшатади.

Хотинининг охириги сўзлари Сайид Миронга ёқмади. Меҳмонларга билдирмай унга ўқрайиб қўйди. Оху хоним ўйламай айтган сўзларидан пушаймон бўлди. “Бекитикча” иш дейишдан мақсади шу эдики, айтишларича, Ҳожар доим орқадаги хужрада Мирзонаби учун жавҳар янчирди, яширинча олиб келинган бу жавҳарнинг ҳар мисқолидан бир қирон фойда қоларди. Мирзонаби деди:

– Гадоё ўз тўрвасида нима бўлса, бошқа гадоёнинг тўрвасида ҳам шу нарса бор, деб ўйлайди. Мен Оху хонимнинг гапларига ишонаман, у ҳеч қачон ёлғон сўзламайди, ўз меҳнати ва иши орқали топган пули бўлгани учун, гарчи эрининг уйида яшаб топган бўлса-да, шариятга ва қонунга мувофиқ унинг ўзига тегишлидир ва Машҳадийнинг унда ҳаққи йўқ. Кўпчилик, аёл киши ҳаммом пули ва отасининг уйдан ўзи билан олиб келган нарсалардан бошқа ҳеч нарсага ҳаққи йўқ, деб ўйлайди. Ҳатто агар ўзидан ўтиб кетганлар хотираси учун хайр-эхсон қилмоқчи бўлса, эри унга рухсат бериши керак. Мен бундай ақидаларни нотўғри деб биламан.

Шундан сўнг икки дўст ўртасида хотинларининг аралашувисиз аёлларнинг ҳуқуқлари тўғрисида баҳс қилиб кетди ва кечанинг охиригача давом этди.

Мирзонаби ҳарсинлик¹, ўқимишли ва тушунган одам эди. Ҳаётда ва ижтимоий муносабатларида ҳамма нарсани ҳисобга олиши ва эҳтиёткорлигига қарамай, дўстларидан, айниқса, Сайид Мирон Суробийдан ҳеч нарсани аямасди. Жуда камтарин одам эди, болаларни кўрса аввал салом берарди. Уч болали хотини ҳам ўша диёрнинг ширинсўз ва ҳозиржавоб аёлларидан эди, лекин эркак киши бор жойда ўзини бемалол ва эркин тутиш бобида улардан жуда фарқ қиларди. Ҳар бир зиёфат ва йиғинда Сайид Мирон Хуросон сафарига кўрганларини оғзини кўпиртириб гапирарди. Шу сабабдан Оху хоним ҳам қаерда бўлмасин, ўз орзусини такрорларди. Гавҳаршод масжиди ва Исмоил Тиллоий саққохонасида эшитган сўзлари унинг қулоғи остида бошқача жаранларди. Эшик олдида ечган оёқ кийими бир-бирининг устига миниб қолганини кўрса, хурсандчиликдан сакраб кетарди:

– Ана, сафарга чиқарканман, зиёратга бораман!

Зиёратга бориш гўё унинг учун албатта бажариши фарз бўлган вазифа эди. Аммо Сайид Мирон иккинчи марта Хуросонга ўзи ёлғиз кетаётганида ҳам сабр билан ўзига тасалли берди:

– Балки Ҳазрат ҳали мени чақирмагандир.

У пайтда Оху хоним Маҳдига тўрт ойлик ҳомиладор эди. Зиёратга

¹ Ҳ а р с и н – Эрондаги вилоят (тарж.).

бориш фикри тўсатдан пайдо бўлганди. Сайид Мироннинг дўстлари ва шерикларидан бир неча киши Хуросонга кетаётган эди. Сайид Мирон ҳам ногихон улар билан бирга боришга қарор қилди. Агар ҳамсафарлари ўзлари билан аёлларини ҳам олиб кетаётган бўлганда, Сайид Мирон Охуни ҳам ҳомиладор бўлишига қарамасдан олиб кетарди, лекин уларнинг ҳаммаси хотинларини уйда қолдирганди, бундан ташқари сафар тараддудини кўриш учун Охуга вақт ҳам қолмаганди. Ўша куни эри уйга келибоқ сафарга кетаётганини айтди ва зарур кўрсатмаларни берди, новвойхонани Мирзонабига топширди ва индинига ўн беш кундан кейин қайтишини айтди-да, кетди-ворди. Қизиғи шундаки, йўлга чиқиш олдидан бекатда машинага чиқаман деб турганда Бижаннинг ҳозирги ёшида бўлган ва онаси билан башанг габардин кийимларида уни кузатиш учун чиққан Баҳром ўзини ерга отди ва мен ҳам бораман, деб йиғлай бошлади. Ораларида бир неча араб зиёратчилари бўлган йўловчилар машинага ўтириб бўлишган, машина кўзгалай деб турган паллада Сайид Мирон ҳамсафар дўстларидан бири марҳум Машҳадий Наврўзалининг таклифи билан ногаҳон болани ўзи билан олиб кетишга қарор қилди. Ғафлатда қолган Оху дук-дук ураётган юрагини бу жудоликка кўндиришга улгурмай таслим бўлди, лабларида табассум-у, кўзларида ёш эди. Шундай қилиб, хайрли дуога қўл очиб ва кутиш ваҳмидан юраги эзилиб икки азиз кишиси билан хайрлашди. Уч кундан кейин сафар оши пишириб, қўшниларга улашди. Бахтиёр аёл учун бир йилдек туюлган бир ойлик айрилиқдан, Машҳад ва Техрондан юборилган иккита телеграмма ва Ҳамадондан туриб Мирзонаби билан телефон орқали суҳбатдан сўнг унинг шаҳаргашта кичкинтойи отаси билан соғ-саломат қайтиб келди. Кермоншоҳ халқи қизиққон, қувноқ ва шоду хуррамлик кетидан қувган халқ. Ўрдибеҳешт¹ ойи кунларининг бирида аср пайти эди. Ҳаммалари Сайид Мироннинг дўстлари бўлган ўн беш нафарча новвойлар ва бир-иккита тегирмончи иккита усти очик “Форд” машинасида созу дўмбира билан Бисутунгача зиёратчиларнинг истиқболига чиқишди ва дабдаба билан уларни шаҳарга олиб келишди. Болалар учун бир дунё оёқ ва бош кийимлар, камзуллар, ўйинчоқлар, Охуга бир кийимлик хаворанг бахмал, ўзига Хуросон пўстини, бир тўп тивитдан тўқилган қалин мато (бир бўлагини Мирзонаби олди), Озарнушга заъфарон, қўшнилар ва танишларга зира, уноби, елпиғич, тасбех, эгов ва совунлар, қисқа қилиб айтганда, олиб келган нарсалари ана шулар бўлиб, ҳаммага етди ва ҳамма хурсанд бўлди. Аммо асосий нарса – мўҳрэ ясаш учун асл тупроқдан олиб келишни унутган эди. Агар Оху хонимнинг ўзи шунчалар ёниб орзу қилган зиёратига эри билан бирга кетганида, шубҳасиз, ҳозир насиб этиб турган мана шундай шодлик ва таърифга сиғмайдиган ҳаяжонлардан маҳрум бўлган бўларди, нега уни олиб кетмагани ҳақида асло ўйламасди. Ниҳоят, бир кун келиб у ҳам дилидаги орзуси ушалишига кўзи етиб турарди. Одамлар Сайид Мироннинг бобоси ҳурмати аввал уни кўргани келишди. Шон-шуҳратга берилмаган ёки уйда меҳмон кутишга имкони бўлмаган баъзи ҳамсафарлари Сайид Мирон уйига меҳмонга чақирган куни уникага бориб зиёфатнинг охиригача ўтиришди ва дўстларига ҳам уларни кўриш учун ўша ерга келишни хабар қилишди. Уларнинг мақсади харажатларни қанча бўлмасин, ўртада тўлашмоқчи эди. Лекин Сайид Мирон бунга кўнадиганлардан эмасди. Умуман, бу ҳақда эшитишни ҳам истамади.

Бу сафардан у яна бошқа совғалар ҳам олиб келганди. Улар янги та-

¹ Ў р д и б е ҳ е ш т – Эрон куёш тақвимининг иккинчи ойи (21апрель-21майга тўғри келади).

ассуротлар ва хотиралар бўлиб, умрининг охиригача эслаб юриладиган ва олдингисидан янада бойроқ ва қизиқроқ хотиралар эди. Айниқса, Баҳромни олиб кетгани, барча қийинчиликлар, бош оғриғилар, боланинг инжиқликлари, тиниб-тинчимасликлари ва ҳатто бир-икки марта ҳақиқатда қаттиқ жаҳлини чиқариб юборганига қарамасдан, нафақат ёмон иш бўлмади, балки ҳамма учун ёқимли бир эрмак бўлди. Бутун йўл давомида дўстлари учун вақтичоғлик ва ўйин-кулги воситаси бўлди. Довон бурилишларида ва сафарнинг ҳаяжонли дамларида йўловчиларнинг мудроғини тарқатиб юборган диний ашулалари, манзилга етиб боргунларигача йўл четидаги масофа кўрсаткичлари қилиб қоқилган уч юз ўттиз олти тош устунларини санаб боргани, машина бузилиб, маълум бир масофани мажбуран пиёда босиб ўтишганда ўртоқларининг елкаларига миниб олишлари, уйқураб паловни майиз деб ўйлаб, қисимлаб чўнтагига солиб қўйган Ҳожи Латиф Техронийнинг уйида бўлган қойилмақом зиёфатдаги хушчақчақ кулишлари ва жуда кўп бошқа воқеалар отасининг тилидан тушмасди. Бу унутилмас хотиралар орасида Машҳаднинг этикдўзлар бозорида ўғлининг ёнини олиб ҳамоя қилган обрўли бир хоним воқеасини эсламай ўтолмасди. У ҳарамга кетган дўстларига етиб олмоқчи эди. Унинг орқада қолиб кетишига сабаб бўлган Баҳром бозор олдида унинг қўлини қўйиб юборган, ер депсиниб, ҳарамга боришни хоҳламайман, деган эди. Сайид Мирон сўз билан уни кўндиролмагач, тоқати тоқ бўлиб унинг бу ўринсиз инжиқлигидан қаттиқ жаҳли чиққан ва шунақа қаттиқ тарсаки туширгандики, боланинг юзида беш панжасининг изи қолганди. Шу орада иттифоқо ота-бола ўртасидаги тортишувни аввал-бошдан кузатиб турган икки аёл боланинг қаттиқ йиғисига чидай олмай унинг олдида югуришган, гўё ўз боласидай қўлидан ушлаб олишганди. Улардан бири баланд бўйли, ёш ва хушсурат аёл бўлиб, файदेशин¹ чодирининг товланиши ва кийимидан анқиётган ёқимли атир ҳидининг ўзиёқ унинг обрўли, таглихтадли хонадондан эканини кўрсатиб турганди. У юзидаги ипак тўрни кўтарган ва ширин бир оҳангда танбеҳ берганди:

– Нега бу болани урасиз, ё отаси эмасмисиз? Унинг онасини ҳам бирга олиб келганмисиз? Вой ўлай, демак, бола бечора онасидан узокда экан, бунчалар шафқатсизлигингиз уни қанчалар изтиробга солишини билмайсизми?!

Аёл ўшанда бир меҳрибон ва тажрибали она сифатида уни эркалаб овутган, кўз ёшларини рўмолчаси билан артган эди. Ҳақиқатан ҳам бу илоҳий тухфа, яъни муҳаббат гул атри каби қаерда ва кимдан бўлмасин, кўнгилга хуш ёқади, Сайид Мирон хато қилганини тушунганди. Ҳаддан ташқари таъсирланиб кетганди. Ўша ерда ҳалиги аёллар олдида боласини юпатиш учун самимийлик билан, ҳатто савдолашиб ўтирмай, атторлик дўконида бир нечта ўйинчоқ сотиб олганди, булар орасида калит билан бураладиган чиройли ўйинчоқ хўроз бўлиб, гўё дон чўқиётгандек ҳаракат қиларди. Сафардан қайтгач, биринчи марта бу воқеани хотинига айтиб берганида, Оху хонимнинг оналик ҳиссиётлари жўшиб кетиб шундай деганди:

– Оҳ, қандай нозанин ва меҳрибон аёл! Агар мен ўша ерда бўлганимда, ундан бўса олган бўлардим.

Кўшнилардан бири кўзи кўр, ўқимишли ва нозик табиатли қария Аббос Карбалоий ҳам ўша ерда эди ва зийраклик билан кўшиб қўйди:

– Кўнглинг хотиржам бўлсин, қизим, хойнаҳой сенинг ўрнингга Сайид

¹ Ф а й д е ш и н – ипак газлама тури.

Мироннинг ўзи бу ишни қилган бўлса керак.

Чолнинг фикрини энди тушуниб етган Оху хоним таънаомуз чўзиб сўради:

– Шу тўғрими, Машҳадий, тўғриси айтинг?

Тили қичиб турганмикан, Сайид Мирон ҳам аста мийиғида кулиб деди:

– Шундай қилмоқчи бўлдим, аммо имкони бўлмади. Ундан кейин яна харам сахнида кўрдим, кабутарларга дон сочаётган экан. Уни марҳум Наврўзалига кўрсатиб, бу аёл жуда сенбоп, бир кечада сени қирқ ёшга яшартириб қўяди, дедим. Худо раҳмат қилгур суюнганидан эриб кетди. Ҳатто у билан бир неча оғиз гаплашдик ҳам. Баҳромнинг аҳволини сўради, у мен билан эмасди. Унинг айтишича, ёнида доим бирга юрадиган аёл онаси экан. Уларнинг лаҳжасидан Техрондан эканликлари кўриниб турарди. Ўша куни зиёратни тугатиб, Ҳожа Раби зиёратгоҳига кетишмоқчи экан. У ер айна пайтда жуда яхши дам оладиган жой ҳам экан. Биз ҳам бормоқчи бўлдик, аммо Баҳром ёнимда йўқ эди, ундан ташқари дўстларим хар томонга тарқалиб кетишгани учун бундан беҳабар эдилар.

Оху эрининг сўзларидан хафа бўлгани ҳам йўқ, рашк қилгани ҳам йўқ, мулойимлик билан узиб олди, холос:

– Яхши, яхши, “шундай қилмоқчи бўлдим, аммо имкони бўлмади” эмиш! Энди жанобларимизнинг зиёратга боришларининг маъносини ҳам тушуниб олдик. Мана энди биринчи марта ҳаммаси бўлиб ўн етти кундан ошмаган зиёрат сафари нима учун бу гал бир ойдан ошиб кетгани ҳам маълум бўлди. Ҳатто пулингиз қолмаган тақдирда битта телеграмма юбориш учун Ҳожи Маҳмудоғадан пул олишингиз мумкин эди-ку. Мени ўзингиз билан олиб кетмаганингиз бежиз эмас. Техронлик ойимча нимадан яратилган эканки, юрагингиздан урибди. Илло-билло айб сизларда.

Сайид Мирон қаҳ-қаҳ отиб кулди ва ўзини камтарликка олиб айтганлари пуч гаплар эканига иқроп бўлди:

– Ҳазиллашяпман, хотин. Нима деркансан, деб айтдим, холос. Бундан ташқари сен эрингни беш қўлингдай яхши биласан. Мен ўша оғзим тўла тиш, сочларим қоралигида ҳам бундай ножўя ишлар қилмаганман, нахотки энди шартим кетиб, партим қолганда қилсам? Тўғри, у чиройли, гаплашадиган ва энг муҳими, меҳрибон аёл эди, лекин сен шубҳаланмаслигинг керак. У бориб турган эркакнинг ўзи. Техронлик аёлларнинг ҳаммаси шунақа.

Аббос Карбалой қарияларга хос равишда бошини қимирлатди:

– Ҳм, хм! Оху хоним, мен дунёда кўп нарсани кўрганман. Худога шукр қилишинг керак, чунки мана шундай яхши ва жонон эринг бор. Дунёда яхши одамлар кўп, аммо яхши эр кам. Камдан-кам одамларда ундаги ахлоқий софлик ва вазминликни учратиш мумкин. Унинг яхшиликлари гўё гилам гуллари ва уларнинг асоси фақат сендек олийжаноб ва одобли бека эканига гап йўқ. Ҳар доим хотиним Нозпарига, Оху хоним бизнинг еримизда камдан-кам пайдо бўладиган учар юлдуз, деганман. Худо ҳақки, Машҳадий Мирон, сен бу аёлга тилладан ҳайкал қўйдиришинг керак, токи у ҳаёт экан, ҳеч бир бошқа аёлнинг исмини, гарчи у хуру пари бўлса ҳам, тилингга олмаслигинг керак.

Аббос Карбалой ва хотини Нозпари бу уйнинг энг қадимий кўшнисини эди ва ҳақиқатда Суробий оиласи назарида унинг кўзгуси эди. Қария аслида Исфаҳоннинг Фаридон деган еридан эди. Машрута учун бўлган жанглар қизиган бир пайтда Карбалони зиёрат қилгани кетган эди. Қайтишда Кермоншоҳга тушиб, пуллари тугатиб қўйган ва ўша ерда қолиб кетган эди. Кейинрок

бошига дурра ўраб юрадиган, бирорта ҳам форсча сўз билмайдиган бу курд аёлга уйланган эди. Ундан фарзанд орттирмаган эди. Маккор замона кўзларига нил тортмасдан олдин бирмунча вақт Сайид Миронда дўкондор бўлиб ишлаганди. Қизиғи шундаки, бахтли ва ёш даврида бир неча йил новвойлик билан ҳам шуғулланганди. Аммо энди эса кўр бўлиб, уйда ўтириб қолгач, кунини нафл намози ўқиш, фитр ва шунга ўхшаш диний садақалар билан ўткази бошлаган. Асли бадавлат Сайид Мирон ўзининг берадиган закоти ўрнига йилига беш ман нон ва тандирга ёқиладиган кўмирнинг фақат танчага ярайдиган майдасидан икки қоп унга берарди. Ундан уй учун ижара ҳақи олмасди. Бошқа ёрдамлар беришни ҳам дариф тутмасди. Чунки у ўша уйнинг баракаси эди. Муҳтарам ва улуғ инсон эди, саксон йиллик умрини обрў билан яшаб, ҳаётнинг аччиқ-чучугидан қимматли тажриба тўплаган эди. Аммо замона қарилик, кўрлик ва йўқчилик билан унинг қўл-оёғини боғлаб қўйган эди. Кўр эди, аммо ҳаёт ҳақиқатларига оддий одамлардан кўра очикроқ кўз билан ва юқорироқ жойдан туриб қарарди. Шошмасдан секин гапиргани каби ана шундай шошмасдан фикр юритарди. Жаҳонни ёвузлик макони, инсониятни эса яхшилик қули деб биларди. Қўлидан келганча мақтарди, ёмонлашга тили айланмасди. Ғийбатни энг ёмон гуноҳ деб билар ва унинг бу табиати Сайид Миронга ҳам таъсир кўрсатганди. Биринчи хотинидан бўлган ва алоҳида яшаётган катта ўғлини баъзи гапларига қулоқ солмагани ва пасткашликлари учун оқ қилганди. Кўзи кўр бўлишига қарамасдан анорни шундай кесиб ердикки, бирорта донаси ерга тушмасди; анор доналаридан биттаси жаннатники бўлади, дерди. Сайид Мирон ўзига хос фикр ва меҳр билан уни ўзгача ҳурмат қиларди, уйига келиб бекор қолган пайтларида унинг ягона эрмаги қария билан суҳбат қуриш эди. Ҳар доим ва ҳатто кейинги йил ёзида вафот этганидан кейин ҳам уни эслаб турарди. Ўзининг ривоятлар, ўхшатишлар, изоҳлар билан қоришиб кетган суҳбатларида қариянинг сўзларидан кўплаб келтирарди.

*Форс тилидан
Миродил ОБИДОВ таржимаси*

Давоми бор



НАЖИБ ФОЗИЛ ҚИСАКУРАК

XX аср турк шеъриятида шоирлар султони дея улуғланган Нажиб Фозил Қисакурак 1904 йилда Истанбулда туғилган. Болалалик йиллари шу шаҳарда ўтди. 1924 – 1925 йилларда Францияда фалсафадан таҳсил олди. Бироқ ўқишни тугатмасдан қайтгандан сўнг ҳар хил ишлар билан шуғулланди. Университетда дарс берди (1939 – 1943). 1945 йилдан сўнг фақат нашриёт ишларига берилди. 1922 йилдан эътиборан нашр этилган шеърлари шакл ва мазмунан янгилиги ва чуқурлиги билан жуда машҳур бўлди. “Ўргимчак тўри” номли илк шеърий китоби 1925 йилда нашр қилинди.

Нажиб Фозил 30-йилларда чуқур фалсафий изланишлар йўлига кирди. Унинг фикрий дунёқараши ўша йилларда кенг шакллана бошлади. Уша даврда турк драмасининг шоҳ асарлари орасидан жой олган “Бир одам яратмоқ” пьесаси билан биргаликда бошқа сахна асарларини ҳам ёзди. 1936 йилда “Оғоч” номли санъат ва адабиёт ойномасини нашр қилди.

Нажиб Фозил шоир ва санъаткор, мутафаккир сифатида, айниқса, 1943 йилда нашр этилган “Буюк Шарқ” ойномаси билан кенг танилди. Бу ойномани турли вақтларда умрининг охиригача нашр эттирди.

Нажиб Фозил ўзи яшаган даврнинг сиёсий тизимига қарши жиддий танқидий қарашлари билан ҳам ажралиб турарди. У баъзи мансабдорларнинг диний ва миллий унсурларни рад этган фикрларига қарши матбуотда чиқишлар қилди. Шу сабабли уни вақти-вақти билан айблаб, жазоладилар. 1983 йилда вафот этмаганида қамалиши мумкин эди.

Нажиб Фозил – XX аср турк шеъриятининг энг улуғ вакилларида бири. Туркияда Нажиб Фозилчалик таъсири бўлмаган, бироқ ғоявий сабаблар тўғрисида кўпроқ танилган Нозим Ҳикмат билан қиёслаганда Нажиб Фозил шеърларининг теранлиги ва маънодорлиги билан ажралиб туради.

Нажиб Фозил фақат кўплаб шеърий тўпламлари, “Сайланма”лари қайта-қайта нашр этилган буюк шоиргина бўлиб қолмай, балки “Бир одам яратмоқ”, “Раис бей” каби асарлари билан пешқадам драматурглардан бири ҳисобланади. Унинг ҳикоялари ҳам шеър ва дарамлари каби маънодор ва таъсирлидир.

Айни пайтда Нажиб Фозил ўз даври турк ижтимоий тафаккур тарзига кучли таъсир этган шахс сифатида ҳам ном қозонган. Айниқса, у Туркияда зиёлилар орасида янгича диний қарашларнинг пешволаридан бири саналади. Унга ҳаётининг сўнги йилларида Султонлушшуро (шоирлар султони) унвони берилган.

Нажиб Фозилнинг 100га яқин китоблари нашр этилган. Шеърлари асосан “Чила” (“Фусса”) китобида жамланган бўлиб, бу китоб кейинги давр турк шеъриятининг энг муҳим асарларидан биридир. Драмалари, ҳикоялари билан бир қаторда жуда кўп ижтимоий-сиёсий фикрлари, эссе ва хотиралари ҳам китоб ҳолида нашр этилган.

Таржимон

ҒУССА

Ғойибдан бир садо келди: бу – одам,
 Бўшлиқни гарданда тутиб турсин шан.
 Дафъатан тепамдан қулаб тушди том,
 Кўк қулади... кишан устига кишан.

Айвон томон қочдим– қизил қиёмат!
 Башоратинг тўғри чикди, момом, дод!
 Сўнгсизлик... Эгнидада мовий бир хилъат –
 Фалакдан бошимга ўқ узди сайёд.

Захрини чекдим-ку бул оташ-ўқининг,
 Бир онда кул этди жон-жўягимни.
 Гўё бурним тегди бурнига “Йўқ”нинг,
 Қусдим ўз оғзимдан бош суягимни.

Бир бордоқ сув каби чайқалди дунё,
 Сўнди истиқомат, йиқилди бўшлиқ.
 Ол – сенга ҳақиқат, ол – сенга рўё,
 Ҳушёрлик мана шу, шудир сархушлиқ.

Темир чўкич тушган энсам – бир сандон,
 Бекиндим ётоққа сўнг чора дея.
 Бир қонли шафақда чил хўроз бу тонг
 Яп-янги бир дунё этди ҳадия.

Бу дунё гоҳ росту гоҳида ёлғон,
 Макони – бир сатҳу замони – ваҳм.
 Бутун бир коинот – елим дастурхон,
 Бутун бир инсонлик риёга таслим.

2

Недурсан, ҳақиқат бўлсанг-да чекил,
 Қўр бўлай, кўзойнак эмасдир лозим.
 Ўрнин эгалласин ҳар мазмун, шакл –
 Ватаним, севгилим, дўстим, устозим!

Ойларча кезиндим йиқиқ ва шошқин,
 Ўзлигим – бир қозон, ақлим – бир капкир.
 Кўнгил, сен телбалик кўйинда ол тин,
 Ҳар фикр ичимда бир жуфт кишандир.

Нечун кичраядир ашё узокда,
 Кўзсиз мен кўрурман рўёда қандоқ?
 Замоннинг ўйини – думаламоқ-да!
 Кўрганим ундоғ-у аслида бундоқ.

Бир ўйки – ярага босилган каззоб,
 Бир ўйки – миямга ёпишган зулук.

Салом, салом сенга, ҳашамат азоб,
Салом, ёнган сари эриган илик.

Ёлвордим: кўрсатгин мен сўқирга йўл,
Эй сен, арши аъло, асрорингни оч.
Онамнинг дуоси, менга паноҳ бўл,
Бир асо бер менга, нуроний оғоч.

Уйку – қотилларнинг суянган тоғи,
Кўрпа – худосизга ёлғиз бошпаноҳ.
Тасалли чашмаси, сабр булоғи,
Сизга шарбат, менга қум тўла чанок.

3

Шуми рўёларда ичганим жиннат,
Сиррин ахтараркан, отилган бир ўқ.
Яшил ҳавозада зилзила, ваҳшат,
Чумоли саройи, калла куп-қуруқ....

Чаён қайта-қайта руҳимни чакмиш,
Мавсумдан мавсумга кирдим мен шитоб.
На оташ, на оташкуракда йўқмиш
Фикрат ғуссасидан оғирроқ азоб.

* * *

Ҳар нарса, эвоҳки, руҳимда тугун,
Ҳар ўлим терларин тўқдим, не ажаб.
Туби йўқ кўклардан қўркмайман бугун,
Етар олислардан чекканим азоб.

Уфқ бир тулки эрур – қочқин ва айёр,
Йўллар – копток ипдир, узун чувалган.
Ҳар кеча рўёмни ёзган сеҳргар
Олдимга мовий бир шуълалар солган.

Жодугар, айт, менда бордир не ўчинг,
Оғули бир туман тушди бу дамда...
Шишадек кескирдир қилдай қиличинг,
Фикримни кесганча кезар миямда.

Луғат, бир исм бер менга ҳолимдан,
Ҳар кимса тушунган тилда бир исм.
Қадим либосларим, тутинг қўлимдан,
Кўзгулар, айтинг-чи, кимман мен ўзим?

4

Айтингиз, менмасми ҳар кун, ҳар замон
Арзни шохларида кўтарган ҳўкиз?
Балонинг меъмори танлаган майдон,

Ҳаётдан қувилган, юртида ўксиз?

Ўзим бир капалак каби шомилман,
Шу митти елкамда улкан Қоф тоғи.
Бир зарра бўлсам ҳам, Аршга ҳомилман,
Тўлғоқлар, дардларнинг шудир қайноғи.

Бордир на ёлғонда, на ҳақиқатда –
Кўзимни юмганда кўрганим ёниш.
Беҳуда кезмишман, йўқ табиатда
Ичимдаги каби юксалиш, эниш.

* * *

Хандақ зинасидан бир кечасида
Ногоҳ кучоғига тушдим мен ҳақнинг.
Гўё тентир эдим берккўчасида
Ҳам кечмиш замоннинг, ҳам келажакнинг.

Сим-сим, оч эшигинг!.. Очилди эшик,
Атлас тўшакларда ётган эй дада,
Ёнди шиша сарой, Илоҳий бешик,
Минг бир жило берган юмруқ моддада.

Атомларда жумбуш, эврилиш, шанлик,
Ва халқа-ҳалқа нур, ҳалқа-ҳалқа нур.
Ичи – нақшин эрур, ичида – менлик,
Билдим сени, ё Раб, пинҳоний машхур.

5

Низом кўпирмоқда, Мис даври – денгиз,
Низом кўпирмоқда, бўғзимгача сув.
Сувда бир пинҳон йўл, ялтираган из,
Сувда азал фикри, абад туйғуси.

Опқоч мени, оҳанг, ол мени, ваҳдат,
Ортиқ турулмаيمان кўлка борликда.
Барча майибларга бўлсин шеърият,
Ниятим – буюк бир санъаткорликда.

Қолгани, қолгани ғоямнинг мулки,
Масофа – экиним, замон – маъданам.
Кўкда Сомон йўли бўлмай меники,
Туби йўқ кўлларда инжулар – манам.

Тиз чўк, эй олғир нафс, қаршимда тиз чўк,
Хумларим ҳаётга тўлуғ бир қаймоқ.
Сен, бутун шажарни бирлаштирган кўк,
Ягона мақсадим – сўнгсизга қайтмоқ...

САНЪАТ

Англадим шуни: санъат Оллоҳни излаш эрур,
Моҳият шу, қолгани шунчаки ғимир-симир.

ВАСИЯТ

Сўнг кун бўлмасин дўстим, гулчамбару зўр ҳашам,
Элтсин сўнгги манзилга энг ишончли тўрт одам.

ЎТТИЗ УЧ ЙИЛ

Ўттиз уч йил соатим юрди, мен тўхтаб турдим,
Самолардан хабарсиз қоғоз қушлар учирдим.

ШОИР

Мен шоирман – ғойибни кавлаган уста, ахир,
Тирик мурдалар боши устинда Мункир-Накир.

ОЛЛОҲНИНГ ДЎСТИ

Оллоҳ дўстини кўрдим бундан олти йил аввал,
Бир оқшом эди, замон эврилажақдай гўзал...

ПАЙҒАМБАР

Ўйлайманки, ундан ҳам аввал замон бормиди?
Ҳақиқатлар бўшлиққа боққан ойналармиди?

НАРВОН

Менга дерлар, ёзмагил шеърлар койитиб жонни,
Сен изла кўкка олиб чиқадиган нарвонни.

НАФС

Кечалар заминга мен билан инмиш,
Тўфонлар мен боис қўпмиш денгизда.
Ваболи қўлларим гўё кезинмиш
Чириган оғочда, заъфарон юзда.

Телба шубҳа, кўрқув билан собитман,
Иссиқ бағрингизда қурибон юрт ман,
Ич-ичдан кемириб боргувчи қуртман,
Ҳар кун кезгум сизнинг либосингизда.

ЎРГИМЧАК ТЎРИ

Деворда бир титроқ ўргимчак каби
Инжа дардларимдан тўр солдим гўё.
Руҳим тонг отгунча сўнажак каби
Ҳозирдан айтмоқда ҳаётга видо.

Қалбим узилмоқда ҳар нафасинда,
Қулоғим руҳимнинг қанот сасинда.
Титрайман деворнинг кунж гўшасинда,
Чикмагай кўксимдан бирон-бир садо...

АЗОБ

Азоб сочларимга оқ,
Юзга ажин нақш этди.
Урён руҳим сўйибок
Тортди, чормихга тортди.

Бағрим лахта-лахта қон;
Менга термулди ҳайрон,
Бир аёл бўлиб бу он
Ўзин менга бахш этди...

СУКУТДАГИ ДЕНГИЗ

Юравердим олмай тин,
Денгиз бўйига бордим.
Ҳолинг менга ҳам ўтсин! –
Дея унга ёлвордим.

Бир телба талвасада
Ичим ит тирнаса-да,
Шу денгиздек ғуссада
Жим турсайдим, Худойим...

ОЁҚ САСЛАРИ

Ох, бу оёқ саслари, ох, бу оёқ саслари,
Тинмайди ташқарида куёш ботгандан бери.
Бу саслар санчилади энг оғриқли еримга,
Сизлоғичдай тўқинар менинг жон томиримга.
Ҳозиргина шум хабар каби мен томон шошган,
Сўнгра саодат бўлиб ёнимдан узоқлашган
Саслар, оёқ саслари, эҳтимол ҳорди улар,
Менга келган муждани буриб юборди улар!
Шундай одим отарлар айрилганлар эшидан,
Шундай юрар юрганлар бир тобутнинг пешидан.
Кимсасиз кечаларим шу товуш билан тўлди,
Дук-дук урган юрагим оёқ саслари бўлди.
Бир кун жонсиз кўксимга осилиб тушса бошим,
Мендан жудо бўлгандек жон дўстим, жон йўлдошим,
Узоқлаб бораётган бу сасни тинглаб тугал,
Аста-секин толаман мен абадий уйқуга.

НАҚОРАТ

Кичрайди дардим, кичрайди,
Кўпи кетди, ози қолди.
Улғайдим, қариб-қартайдим,
Кўпи кетди, ози қолди.

Ур тешангни тоққа, Фарҳод,

Кўпи кетди, ози қолди.
Кишнайвергил, эй бурул от,
Кўпи кетди, ози қолди.

Туғар бир кун менинг куним,
Кўпи кетди, ози қолди.
Тўйда ўтди қирқ кун-туним,
Кўпи кетди, ози қолди.

Эқдик, эқдик, унар-кетар,
Кўпи кетди, ози қолди.
Барча йўллар тугар-битар,
Кўпи кетди, ози қолди.

Шеър ҳам бир кун англашинар,
Кўпи кетди, ози қолди.
Нон сингари азиз бўлар,
Кўпи кетди, ози қолди...

ОЙНАЛАР ЙЎЛИМНИ ТЎСДИ

Ойналар, юзимга боқмангиз тушдек,
Мана, қўлга тушдик, кишанга тушдик!
Чикдингиз қўққисдан менинг қаршимга,
Бошимнинг чўқмори тушди бошимга.
Суратимда ҳар айб айри бир сазо,
Мен ўзим ўзимга энг оғир жазо.
Эй чексиз шаффофлик, олий маҳкама!
Эвоҳким, банд солдинг шўрлик қўлкама.
Шуълавор кунларни аямай кирдим,
Қудсий омонатни едим, битирдим.
Чикмас қуёшларга боғланди ваъда,
Ит нафснинг оғзида бу кун ирода.
Гуноҳу ҳасадлар учун шуҳрат-шон,
Ишқнинг гуноҳидан омонлик, омон!
Кофийми дунёдан юз бурсам агар,
Кўз ёши тўксам Нух тўфони қадар?
Чиқолмам, ойналар, ойналар зиндон,
Боқолмам, ойнада, ойнада виждон;
Мени кутманг энди, бир тўсик ўсди,
Боролмам, ойналар йўлимни тўсди!..

САДО

Ҳар томон жимир-жимир,
Тўз ёмғири – осмондан.
Рўё остинда қолдим,
Садо келур ўрмондан...

Эзилгандан эзилмиш

Сўнги сўз тегирмондан.
Олтиндан бир калитдир,
Садо келур ўрмондан.

Битта топишмоғим бор –
Қолган қадим замондан.
Сим-сим, оч эшигингни!
Садо келур ўрмондан.

Орқаларда шаҳарлар
Учкунлардан, тумондан.
Ҳасратдан ҳам илиқроқ
Садо келур ўрмондан.

Қочинг, қочинг овлоққа
Оҳ-нолаю фиғондан.
Қоф тоғига кетар йўл,
Садо келур ўрмондан.

Бир тоқ-танҳо юлдуздан,
Бир соҳилсиз уммондан
Ғарибларга бир хабар,
Садо келур ўрмондан.

ТОҒЛАРГА ҚЎШИҚ СЎЙЛА

Қўлингга ол бир таёқ,
Тирмаш, тоғларни бўйла.
Шаҳарнинг ҳеч фарқи йўқ
Қоғоз уйлардан ўйла!

Юксал қўқдан олиб руҳ,
Юрма шаҳарда мажруҳ,
Топаин десанг шуқуҳ,
Тоғларга қўшиқ сўйла.

ЮЛДУЗЛИ БИР КЕЧАДА

Само бизга, қолма, дер,
Ғам деган исканжада.
Рухимиз абадийдир
Олам отлиғ ганжада.

Умрки, тап-тақир чўл,
Манзили – беш кунлик йўл.
Шабнам каби туғил, ўл
Юлдузли бир кечада!..

НУР

Сен бўл дерсан ва бўлур!
Шуълалар тўла биллур,

Чиннилар фиғон қилур.
Мозийдан келур бир ранг
Ва қадимий бир оҳанг:
Нур ёғдир, Оллоҳим, нур!

Буюк сўроқ ва ҳузур...
Кутар қабристонни Сур.
Сўнгсизлик, жовидонлик;
Туганмас бепоёнлик:
Нур ёғдир, Оллоҳим, нур!

Қуёш – мисоли кўмир,
Олмос – маҳжур¹, мум – мағрур.
Ёқинг қандилни, ёқинг,
Бу не эврилиш, ёнғин;
Нур ёғдир, Оллоҳим, нур!

Сен бўл дерсан ва бўлур!

СЕН

Сен хаёл қадар гўзал,
Ва тоқсан, бирдан ҳам тоқ.
Атрини сочган Азал,
Сен – бол, чаман ҳамма ёқ.

Сенсан ажалга сарҳад,
Қолгани ёлғон фақат...
Бағринга ол, йўл кўрсат,
Бошла бизни, сен – маёқ!

НАФСИ ЛАВВОМА

Итдан кўрққан каби кўрқдим ўлимдан,
Ўлимдан ўлимни фарқлай олмадим.
Не қуёшлар чиқиб ботди устимдан,
Бир кунни бирига боғлай олмадим.

Ҳирсимни қондирди на шуҳрат, на шон,
Мендаги ҳар нуқта дунёдан нишон...
Нафсимнинг ортидан чопдим паришон,
Ундан ҳатто бир тук сақлай олмадим.

ЧАҚАЛОҚ

Малаклар чарх урар бу овлоқ ерда,
Ухла, ширин болам, қўйгил шов-шувни.
Бир кун ҳасратлардан ичинг титрар-да,
Эсларсан бу чуқур, ширин уйқуни.

¹ Маҳжур – айрилган, ҳижронда қолган.

Ухлагин, кундузлар сув каби тинсин,
Бинафша кўзингга киприклар инсин,
Эрта тонг маҳали руҳингга сингсин
Куёш-ла уйғонган қушлар қий-чуви.

Ухла, бағрим, оқшом секин кезмоқда,
Мана, кўзларингга уйку сузмоқда,
Уйқунинг қўлида бошинг юзмоқда
Долғалантирмайин бу турғун сувни...

*Турк тилидан
Усмон ҚўЧҚОР таржималари*



Ф.М. ДОСТОЕВСКИЙ

ИБЛИСЛАР

Роман¹

Учинчи боб

ЎЗГАНИНГ ГУНОҲЛАРИ

IV

Тавба! Нега Липутин уни тамом қиларкан, билолмадим, бу сўзга аҳамият ҳам бериб ўтирмадим; ҳаммасини асаблардан кўрардим. Аммо ҳар ҳолда у хайрон қоларли даражада кўрққан, шунинг учун мен диққат билан кузатишга қарор қилдим.

Кириб келаётган Липутиннинг авзойидан кўриниб турардики, у қанча ман этилишига қарамасдан ҳозир бу ерга кириб келишга алоҳида ҳақ қозонганди. У орқасидан нотаниш бир одамни эргаштириб келар, афтидан, бошқа ёқдан келган бўлса керак. Қаққайганча қотиб қолган Степан Трофимовичнинг маъносиз боқишига жавобан Липутин дарҳол овозини баландлатиб, деди:

– Меҳмон олиб келяпман, жуда антиқа! Тинчингизни андак бузамиз. Жаноб Кириллов ажойиб қурувчи муҳандис. Энг муҳими, ўғилчангиз кўп хурматли Пётр Степановични яқиндан билади, у кишидан топшириқ билан келган. Ҳозиргина етиб келдилар.

– Топшириқ ҳақидаги гапни сиз кўшдингиз, – кескин жавоб қилди меҳмон, – ҳеч қандай топшириқ йўқ, Верховенскийни эса, рост, биламан. Х. вилоятида қолдириб келдим, бунга ўн кун бўлди.

Степан Трофимович беихтиёр кўлини узатди ва ўтиргани жой кўрсатди; менга бир қаради, бир Липутинга, кейин бирдан ҳуши жойига келгандай ўзи ҳам тезгина ўтирди, аммо ҳамон ўзи сезмай кўлида шляпаси билан таёғини ушлаб турарди.

– Вой, ташқарига чикмоқчимидингиз! Менга эса сизни машғулотлардан чарчаган, тоби йўқ, дейишди.

– Ҳа, тобим йўқ, мен бироз айланмоқчи эдим, мен... – Степан Трофимович тин олди, шляпаси ва таёқни тез диванга отди ва қизариб кетди.

Мен орада меҳмонга тез разм солдим. Бу йигирма етти ёшлардаги йигит, яхши кийинган, қорачадан келган, келишган, қотма, оқ юзи бирмунча бўзарган, кўзлари қора, сўник. Ўйчан ва паришон кўринар, гапла-

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

ри узук-юлук, нотўғри жумлалар тузар, агар узунчокроқ жумла тузишга тўғри келса, сўзларни айқаш-уйқаш қилиб юборар ва чалкашиб кетарди. Липутин Степан Трофимовичнинг жуда ҳам кўрқиб кетганини дарров пайқади-да, афтидан, бундан мамнун бўлди. Меҳмон билан уй соҳиби қарама-қарши қўйилган юмшоқ ўриндикларга ўтиришди, Липутин кажаваси курсини олиб, уйнинг ўртасига, меҳмон билан хўжа орасига жойлашди. Унинг олазарак кўзлари уйнинг барча бурчакларига югурарди.

– Мен... анча бўлди Петрушани кўрмаганимга... Сиз чет элларда учрашиб қолдингизми? – овози зўрға чиқиб сўзлади Степан Трофимович меҳмонга.

– Бу ерда ҳам, чет элда ҳам учрашдим.

– Алексей Нилич ўзлари яқинда чет элдан келдилар, тўрт йил ўша ёқларда бўлдилар, – илиб кетди Липутин, – ихтисосларини ошириш, билим-малакаларини кенгайтириш учун борганлар, мана энди бизга келдилар, бизда темир йўл кўприги қурилишида ишласам, деб умидворлар, ҳозир жавобини кутяптилар. Пётр Степанович орқали бу киши жаноб Дроздовлар ҳамда Лизавета Николаевна билан ҳам танишлар.

Муҳандис қандайдир ҳурпайиб ўтирар ва ноқулай сабрсизлик билан эшитарди. Назаримда, нимадандир унинг жаҳли чиққанди.

– У киши Николай Всеволодович билан таниш бўладилар.

– Николай Всеволодовични ҳам биласизми? – сўради Степан Трофимович.

– Уни ҳам биламан.

– Мен... мен Петрушани кўрмаганимга кўп вақт бўлди, ва ўзимни ота деб аташга ҳам... *c'est le mot*;¹ мен... унинг аҳволи яхшими?

– Аҳволи жойида... ўзи келади, – шоша-пиша гапни калта қилди жаноб Кириллов. Роса зардаси қайнади.

– Келади! Ниҳоят мен... биласизми, мен Петрушани кўрмаганимга талай замонлар бўлди! – шу жумладан сира нарига ўтолмади Степан Трофимович. – Шўрлик ўғилчамни кутяпман, унинг олдида... о, унинг олдида мен айбдорман! Яъни, мен, умуман, айтмоқчиманки, унинг ўша пайтда Петербургда қолдириб, мен... бир сўз билан айтганда, мен уни ҳеч эпи йўқ дегандим, *quelque chose dans ce genre*.² Биласизми, бола ғоятда асабий, ғоятда ҳиссиётчан ва... ҳадиксираган. Ухлашга ётаётганда тавба-тазаррулар қилар ва кечаси ўлиб қолмаслик учун ёстикни чўқинтирарди... *je m'en souviens. Enfin*³, ҳеч қандай нафосат туйғуси йўқ, яъни, қандайдир олий, асосий, қандайдир бўлажак ғоянинг куртаги... *c'était comme un petit idiot*⁴. Дарвоқе, чамаси, мен ўзим чалкашиб кетдим, кечиринг, мен... мени тўсиндан...

– Жиддий айтяпсизми у ёстикни чўқинтирган деб? – қандайдир ўзгача бир қизиқсиниш билан ўсмоқчилади муҳандис.

– Ҳа, чўқинтирган...

– Йўқ, ўзим шундай, гапираверинг.

Степан Трофимович Липутинга савол назари билан қаради.

– Келганингиз учун ғоятда хурсандман, аммо, тушунинг, мен ҳозир... аҳволим... Айтмоқчи, ҳозир қаерда турибсиз?

– Богоявленский кўчасида, Филипповнинг уйида.

1 Айнан шунақа (франц.).

2 Шунга ўхшашроқ (франц.).

3 Бу эсимда бор. Ниҳоят (франц.).

4 У тентакка ўхшарди (франц.).

– Э, бу Шатов яшайдиган уй, – оғзимдан чикиб кетди беихтиёр.

– Айни ўша унинг ўзида, – тасдиқлади Липутин, – фақат Шатов юкоридаги айвонда, бу киши пастда капитан Лебядкинникида. Бу кишим Шатовни ҳам, унинг рафиқасини ҳам билади. У билан чет элда яқин бўлиб қолишган.

– Comment!¹ Нахотки сиз de se раувге ami² ана шу бахтсиз никоҳи ва ўша хотинни биласизми? – хитоб қилди бирдан Степан Трофимович хиссиётга берилиб. – Бундай шахсан биладиган кишини энди учратишим; ва агар фақат...

– Бўлмағур гап! – шартта кесди муҳандис қизариб-бўзариб. – Сиз, Липутин, тоза қўшиб-чатаркансиз! Шатовнинг хотинини ҳеч кўрмадим; бир марта узоқдан, ҳеч яқиндан эмас... Шатовни биламан. Нега сиз ҳар ҳил нарсаларни қўшиб юбораверасиз?

У ўриндиқда кескин ўтирилди, шляпасини қўлига олди, кейин яна жойига қўйди ва яна илгаригидай ўтириб, қандайдир дағдаға ва ўт чақнаган кўзларини Степан Трофимовичга қадади. Мен бу жуда ғалати дағдағани сира тушуна олмаётган эдим.

– Мени кечиринг, – салмоқланиб деди Степан Трофимович, – эхтимол, бу ғоятда нозик иш бўлиши мумкин...

– Ҳеч қандай нозик иш йўқ бу ерда, жуда уят бу, лекин “бўлмағур гап” деб сизга қичқирмадим, Липутинга айтдим, нега у қўшилаверади орага. Агар ўзингизга олган бўлсангиз, мени кечиргайсиз. Мен Шатовни биламан, аммо хотинини ҳеч билмайман... мутлақо билмайман!

– Тушундим, тушундим, агар ижикилаб сўраган бўлсам, фақат, бу шўрлик дўстни жуда яхши кўраман, notre irascible ami,³ доим сўраб-суриштириб юраман... Назаримда, бу киши ўзининг аввалги, балки ҳаддан зиёд навқирон, аммо бари бир тўғри фикрларини ҳаддан ортиқ кескин ўзгартириб ташлади. Эндиликда notre sainte Russie борасида турли нарсаларни шунчалар кўп қичқирадики, унинг аъзойи баданидаги – мен буни бошқача айтолмайман – бу ўзгаришни анча вақтлардан бери жуда оғир оилавий ларза, яъни баайни унинг ўғурсиз уйланиши билан изоҳлайман. Мен шўрлик Россиямни мисоли икки бармоғимдек ўргандим, рус халқига эса бутун ҳаётимни бағишладим, мен сизни ишонтириб айта оламанки, у рус халқини билмайди, ва алҳол...

– Мен ҳам рус халқини умуман билмайман, ҳам... ўрганишга вақт ҳам йўқ! – гап сўқди яна муҳандис ва яна диванда кескин ўтирилди. Степан Трофимович гап ўртасида тилини тишлаб қолди.

– У киши ўрганияпти, ўрганияпти, – илиб кетди Липутин, – у киши ўрганишни бошлаб юборганлар, Россияда ўз-ўзига суиқасд қилиш ҳоллари кучайган, мана шунини ўрганиб, келиб чиқиш сабаблари тўғрисида ниҳоятда қизиқарли рисола битмоқдалар, ва умуман, жамиятда ўз-ўзини ўлдиришнинг кўпайиши ёки бунинг олдини олиш йўллари қараб чиқмоқдалар. Ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Муҳандис қаттиқ ҳаяжонга тушди.

– Бунга сизнинг ҳеч қандай ҳақингиз йўқ, – ғазаб билан тўнғиллади у, – рисола ҳам эмас бу. Аҳмоқона гапларга тоқатим йўқ. Мен фақат ўзингиздан холис сўраган эдим, бехос. Рисолага бало борми; мен босишга бермайман, сизнинг ҳеч ҳақингиз йўқ...

1 Қандай! (франц.)

2 Шу шўрлик дўстнинг (франц.).

3 Бизнинг жаҳлдор дўстимиз (франц.).

Липутин, афтидан, жуда рохатланарди.

– Айб менда, балки сизнинг адабий ижодингизни рисола деб хато қилгандирман. У киши фақат кузатишлар олиб боряптилар, масаланинг мохиятига эса, нима десаикин, унинг маънавий томонига тўхталаётганлари йўқ ва ҳаттоки, маънавийнинг ўзини мутлақо инкор этадилар, ҳаммасини умум тарзда бузиб ташлаш керак, деган энг янги нуқтаи назарни ёқлайдилар, мутлоқ эзгу мақсадлар йўлида. Европада соғлом фикрни ўрнатиш учун юз миллиондан ошиқ бошни ҳозирданок талаб қилиб чиқмоқдалар, бу охири дунё конгрессида талаб қилинганидан анча кўпроқдир. Шу маънода Алексей Нилич ҳаммадан олдинда бормоқдалар.

Муҳандис нафратангиз ва сўник илжайганча тингларди. Ярим дақиқа ҳамма сукутга чўмди.

– Булар бари аҳмоқлик, Липутин, – тўнғиллади ниҳоят жаноб Кириллов бироз керилиб. – Сизга баъзи нарсаларни бехос айтгандирман, сиз дарров илиб олган бўлсангиз, ўзингиз биласиз. Лекин сизнинг ҳақингиз йўқ, чунки мен ҳеч кимга гапирмайман. Мен гапиришдан нафратланаман... Агар нуқтаи назарлар бор экан, унда менга равшан... Сиз аҳмоқлик қилдингиз. Мен барчаси тамом бўлган пунктлар ҳақида бош оғритмайман. Бош оғритишга асло тоқатим йўқ. Мен ҳеч қачон бош оғритишни истамайман...

– Балки, жуда ҳам яхши қиласиз, – чидамай деди Степан Трофимович.

– Мен сизга узр айтаман, лекин мен бу ерда ҳеч кимдан хафа эмасман, – давом этди меҳмон тез-тез бидиллаб гапириб, – мен тўрт йил одамларни кам кўрдим... Мен мақсадларим йўлида, тўрт йил кам гаплашдим, учрашмасликка ҳаракат қилдим. Буларга ҳеч кимнинг иши йўқ, тўрт йил. Липутиннинг гапи, у куляпти. Мен тушунаман ва бунга қарамайман. Мен хафақон эмасман, фақат ғашим келади ўзига эрк берганига. Агар сизга фикрларимни айтмаётган бўлсам, – кутилмаганда хулоса қилди у ҳаммамизга бир-бир қатъият билан қараб, – сиз буларни ҳукуматга етказасиз, деб қўрқаётган эмасман; бу ундаймас; илтимос, бу борада арзимаган хаёлга борманг...

Бу сўзларга ҳеч ким ҳеч нарса демади, фақат бир-бирларига қарашди. Ҳатто Липутин хихилашдан ўзини тийди.

– Жаноблар, кўп таассуфдаман, – дадил ўрнидан қўзғалди Степан Трофимович, – лекин менинг тобим йўқ, бироз ранжийдаҳолман. Кечирингиз.

– Оҳ, кетиш керак шекилли, – ҳушёр торгди жаноб Кириллов картузини қўлига тутиб, – айтганингиз яхши бўлди, менинг эсимда турмайди.

У ўрнидан туриб соддадил қиёфада қўлини узатганча Степан Трофимовичга пешвоз борди.

– Афсус, бетоб экансиз, мен келиб қолдим.

– Сизга бу ерда омад ёр бўлсин, – жавоб берди Степан Трофимович очиқ кўнгилик билан шошилмай унинг қўлини қисаркан. – Сизнинг сўзларингизни тушундим, чет элларда анча вақт яшабсиз, мақсадингиз йўлида одамлардан қочибсиз ва Россияни унутибсиз, шундай бўлгач, сиз табиий, биз туб рус кишиларига хайрон бўлиб қарайсиз, биз ҳам сизга худди шундай қараймиз. Mais cela passera.¹ Фақат бир нарса менга тушунарсиз: сиз бизнинг кўпригимизни қурмоқчисиз, айти пайтда умуман ҳамма нарсани бузиб ташлаш тарафдорисиз. Бизнинг кўпригимизни сизга қурдиришмайди!

¹ Аммо бу ўтиб кетади (франц.).

– Нима? Сиз нима дедингиз... оҳ шайтон! – хитоб қилди ҳайратланган Кириллов ва бирдан жуда қувнок, жарангдор кулиб юборди. Бир зум унинг чехрасида болаларча маъсум, беғубор ифода пайдо бўлди, бу эса унга ғоят ярашарди. Липутин Степан Трофимовичнинг топиб айтган сўзидан қувониб, кўлларини ишқарди. Мен эса ҳамон ўз ичимда ажабланирдим: нимага Степан Трофимович Липутиндан бунчалар кўрқиб кетди ва нима учун уни кўриб “мен тамом бўлдим”, деди.

V

Биз ҳаммамиз эшик зинаси олдида турардик. Мезбону меҳмонлар бир-бирларига лутфу таманнолар қилиб, сўнг хайрлашадиган бир дам эди.

Липутин ташқарига қадам қўяркан, жағи сира тинмасди:

– У кишининг қовоғи эргалабдан буён нега очилмаётганини айтайми, – деб нах урарди у, – бунинг сабаби, капитан Лебядкин билан уришиб қолишди унинг сингисини важдан. Капитан Лебядкин ўзининг гўзал савдойи сингисини ҳар куни, эргалаб ва кечқурун қамчи билан савалайди, унинг ҳақиқий казакча қамчиси бор. Шунинг учун Алексей Нилич қулоғим тинч бўлсин деб, ўша уйнинг ёнидаги қўшимча бинога жойлашдилар. Хў-ўп, хайр бўлмаса.

– Сингисини? Касалми? Савалайдими? – қичқириб юборди Степан Трофимович, худди ўзини қамчилангандай сезиб. – Қанақа сингисини? Ким у Лебядкин?

Бояги кўркув унга бир зумда қайтди.

– Лебядкин? Э, бу анов истеъфодаги капитан; илгари у ўзини штабс-капитан деб юрарди...

– Э, унвони билан нима ишим бор? Қанақа сингил? Худойим... Сиз Лебядкин деяпсизми? Лекин бизда бир Лебядкин бор эди-ку?..

– Ўшанинг ўзи бизнинг Лебядкин, ана, эсингиздами, Виргинскийнинг уйида?

– Аммо у қалбаки қоғозлар билан қўлга тушган эди-ку?

– Энди қайтиб келди, уч ҳафтача бўлиб қолди, яна жуда ғалатирок бир вазиятда.

– Э, аблаҳ одам-ку у!

– Нима, аблаҳлар йўқмиди бизда? – Липутин бирдан тишининг оқини кўрсатиб иржайди, у ўзининг ўғринча ўйноқлаган кўзлари билан Степан Трофимовични худди пайпаслаб кўраётгандай эди.

– Оҳ, худойим, ундай демоқчи эмасман... гарчи, майли, аблаҳ деганингизга тўла қўшиламан, сизга қўшиламан. Аммо кейин-чи, кейин? Бу билан нима демоқчисиз?.. Ахир сиз албатта нимадир демоқчисиз-ку!

– Э, ҳа, бари бўлмағур гаплар... яъни, ана шу капитан, афтидан, ўша пайтда қалбаки қоғозлар важдан кетган эмас, фақат мана шу сингисини кидириб топиб келмоқчи бўлган, сингисини эса ундан қочиб номаълум жойларда яшириниб юрган; энди уни топиб, бу ерга олиб келган, бор-йўқ воқеа шу. Нима учун бунча кўрқиб кетдингиз, Степан Трофимович? Айтмоқчи, бу гапларни мен у маст бўлиб валақлаганда эшитганим учун сўйляпман; хушёрлигида ҳеч оғиз очмайди. Сержахл одам, нима деса бўлади, ҳарбийча оҳанжамаси бор, дид-фаросати ҳам тубан. Сингисини эса савдойилигидан ташқари чўлоқ ҳам. Уни чамаси аллаким йўлдан уриб, номусига теккан, мана шу сабабдан жаноб Лебядкин йўлдан оз-

дирган одамдан кўп йиллардан бери йилига товон ундиради, еткизилган зарарнинг ўрнини қоплайди, ўзининг валдирашига кўра шундай – менинг наздимда буларнинг ҳаммаси бадмаст одамнинг лақиллашлари. Мақтанадим-да шундай. Асли ўзи бунақа ишларнинг нархи арзон. Пули борлиги эса аниқ; ўн кун бурун ялангоёқ юрган эди, ҳозир ўз кўзим билан кўрдим чангалида юз рублликлар. Синглисини кунда қандайдир тутқаноқ тутади, чинқиргани, чинқирган, акаси уни савалаб хушига келтиради. Хотин кишига ҳурматни ўргатиш керак, дейди. Билмайманки, бечора Шатов уларнинг тепасида қандай кун кўради. Алексей Нилич улар билан уч кунгина бирга турди, Петербургда танишган эканлар, энди ташвишдан чеккароқдаги уйга кўчиб ўтдилар.

– Булар бор гапларми? – мурожаат қилди Степан Трофимович муҳандисга.

– Сиз кўп валдираяпсиз, Липутин, – тўнғиллади у ғазаби келиб.

– Сирлар, хуфия гаплар! Бизга бирдан қайдан ёғилди бунча сирлар, хуфия гаплар! – ўзини тутолмай хитоб қиларди Степан Трофимович.

Муҳандис ковоғини уйди, қизариб-бўзарди, елкаларини учириб хона эшигига юрди.

– Алексей Нилич ҳатто унинг қамчисини тортиб олдилар, синдириб ташлаб, деразадан ташқарига отиб юбордилар, қаттиқ уришиб қолишди, – кўшиб қўйди Липутин.

– Нега валдираяпсиз, Липутин, бу аҳмоқлик, нима қиласиз? – шу заҳоти орқасига бурилди Алексей Нилич.

– Камтарлик қилиб қалбингизнинг олижаноб интилишларини берки-тиб ўтирасизми, мен сизнинг қалбингизни айтяпман, ўзимникини эмас.

– Қандай аҳмоқлик бу... ҳеч кераги йўқ... Лебядкин аҳмоқ, ичи бўм-бўш – ишга яроқсиз нобакор, ва ... мутлақо зиёнкор. Нега сиз ҳар хил нарсаларни валдирайверасиз? Мен кетаман.

– Оҳ, афсус! – хитоб қилди Липутин очилиб қулиб. – Бўлмаса мен сизни, Степан Трофимович яна бир хангомани айтиб бериб кулдирмоқчи эдим. Ўзи ниятим шуни айтиш эди, ундай десам, балки сиз ўзингиз ҳам эшитгандирсиз. Майли, нима қилдик, бошқа сафар, Алексей Нилич кетаман деб шошиляптилар... Кўришгунча хайр. Варвара Петровна билан қизиқ бир воқеа бўлди-да ўзи, уч кун бурун тоза кулгимни қистатди, атай мени чақириб одам юборибдилар, кула-кула ўласан киши. Хайр бўлмаса, ҳа.

Лекин шунда Степан Трофимович унга маҳкам ёпишди: унинг елкасидан тутиб, хона ичига қараб кескин бурди-да, курсига ўтқизди. Липутин ҳатто кўрқиб кетди.

– Ҳа, бўлмасам-чи? – эҳтиёткорона сўз бошлади ўтирган жойида Степан Трофимовичга хавфсираб қараб. – Кутилмаганда мени йўқлаб келдилар, “махрамона” сўраб-суриштирдилар, сиз ўзингиз шахсан нима деб ўйлайсиз: Николай Всеволодович ақлдан озганми ё ақлу-хуши жойидами? Бунга ҳайрон қолмай бўладими?

– Сиз ақлдан озибсиз! – ғўлдиради Степан Трофимович ва бирдан ўзини тиёлмай қолди: – Липутин, сиз ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, бу ерга бирон-бир ифлос гапни айтиш учунгина келгансиз, мана шунга ўхшаган... ё ундан ҳам баттарини!

Бир зум ичида унинг менга Липутин ҳақида айтган гапи эсимга тушди: Липутин бизнинг ишимиз тўғрисида ўзимиздан кўпроқ гапни била-

ди, бунинг устига биз ўзимиз ҳеч қачон билолмайдиган алланарсалардан ҳам хабари бор.

– Раҳм қилинг, Степан Трофимович! – ғўлдирарди Липутин гўёки жуда қаттиқ кўрқиб кетгандай, – раҳм қилинг...

– Бас, қани айтинг! Сиздан ҳам ўтиниб сўрайман, жаноб Кириллов, орқангизга қайтсангиз-да, сиз ҳам эшитсангиз, ўтинаман! Ўтиринг. Сиз эса, Липутин, очиғини, тўғриси айтинг... гапни бошқа ёққа айланторманг!

– Сизни бу нарса қаттиқ ларзага солишини билсам, оғиз очмас эдим-а... Мен эса сизга Варвара Петровна аллақачон ҳаммасини айтгандир деб ўйловдим!

– Ҳеч бундай ўйламагансиз! Бошланг, қани, бошланг деяпман!

– Э, бу нима ахир, ўзингиз ҳам ўтиринг, нима, мен ўтириб, сиз тепамда тикка ҳаяжондан қалтираб турасизми?.. у ёқдан-бу ёққа чопасизми? Бу сира ярашмайди.

Степан Трофимович ўзини босди-да, креслога салмоқланиб ўтирди. Муҳандис булутдай тўрсайиб ерга тикиларди. Липутин чарақлаб, роҳат қилиб уларга назар соларди.

– Нимани ҳам бошлайман... одамни ўтакасини ёрдингиз...

VI

– Уч кун бурун бирдан менга одам жўнатдилар: эртага соат ўн иккига борар экансиз деб. Тасаввур қиласизми? Мен ишимни ташлаб эртасига туш чоғида эшикни тақиллатдим. Мени тўғри меҳмонхонага олиб киришди; бир дақиқа ўтиргандим – ўзлари чикдилар; мени ўтқизиб, ўзлари рўпарамга ўтирдилар. Ўтирибману ўз кўзимга ишонмайман. У киши мени доим қандай турткилаб юришини ўзингиз биласиз! Доимий одатлари бўйича, гапни айлантормай тўғриси бошладилар: “Эсингиздадир, бундан тўрт йил аввал Николай Всеволодович касалга чалиниб биров ғалати хатти-ҳаракатлар содир этган эди, бутун шаҳар бундан ажабланиб юрди, кейин ҳаммаси равшан бўлди. Шундай хатти-ҳаракатлардан бири сизга дахлдор эди. Менинг илтимосимга биноан Николай Всеволодович соғайгандан сўнг сизникига кириб чиққан эди. Илгарилар ҳам сиз билан бир неча марта гаплашганини биламан. Менга очик-ойдин, тўғриси айтинг, сизга ўшанда... (шу ерга келганда у киши биров тутилиб қолишди) – Николай Всеволодович қандай кўринди?.. Умуман сиз унга қандай қарайсиз... у ҳақда нима фикрга келдингиз... ва ҳозир қандай фикрдасиз?..”

Шу ерга келганда бутунлай тутилиб қолдилар, ҳатто бир дақиқача нафасларини ростлаб турдилар, кизариб ҳам кетдилар. Мен жуда ҳам кўрқдим. Кейин меҳрибончилик билан десаммикин, аммо меҳрибончилик у кишига ярашмайди, шундай вазмин товуш билан уқтирдилар:

“Мен шуни истардимки, дедилар, сиз мени яхшилаб, дедилар, тўғри тушуниб олинг. Сизни чақиртириб келдим, негаки, сизни огоҳ ва зехни ўткир одам деб ҳисоблайман, сиз яхши кузатиб, аниқ бир фикр айтоласиз (мақтовларни қаранг)! Сиз, албатта, тушунасиз, сиз билан бир она гаплашяпти... Николай Всеволодович ҳаётда баъзи бир бахтсизликлар ва тўс-тўполонларни бошидан кечирди. Буларнинг ҳаммаси, дедилар, унинг ақли ва кайфиятига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Албатта, гап ақлдан

озиш ҳақида бораётгани йўқ, ҳеч қачон бундай бўлмади! (қатъият ва ғурур билан айтилди бу гап). Лекин бошқа бир ғалати, ўзгача, қандайдир бошқача фикр, айрим алоҳида қараш майллари (булар ҳаммаси унинг ўз оғзидан чиққан сўзлар, мен Степан Трофимович, ҳайрон бўлиб қолдим, Варвара Петровна масалани жуда аниқ қилиб тушунтирар эканлар. Хонимнинг ақли бало)! Ҳар қалай, дедилар, у доим нимадандир безовта, негадир бошқача бир майлларга интилишини сезаман. Аммо, мен онаман, сиз эса бегона одамсиз, шунинг учун ўз ақлингиз билан мустақил бир фикр чиқаришингиз мумкин. Сиздан ёлвориб сўрайман (у худди шундай ёлвориб деб айтди), менга гапни жимжима қилмай, бор ҳақиқатни айтсангиз, яна сиз билан мутлақо махрамона гаплашганимни ҳеч қачон унутмасангиз ва бунга ваъда берсангиз, унда мен ҳамиша ва ҳар доим сизнинг бу яхшилигингизни муносиб тақдирлаш, имкон туғилган қадар миннатдорлик билдиришга ўзимни қарздор деб ҳисоблайман”. Хўп, ана шу гаплар, қалай экан, а?

– Сиз... Сиз мени шунчалар лол қилиб қўйдингизки... – бидирлади Степан Трофимович, – мен сизга ишонмайман...

– Йўқ, эътибор беринг, эътибор беринг, – илиб кетди Липутин худди Степан Трофимовичнинг гапини эшитмагандай, – шундай бир масала билан яна шундай юксакдан туриб, мендай бир одамга мурожаат қилишганда, қанчалар ташвиш ва ҳаяжонга ботиши мумкин киши, яна буни мутлақо сир сақланг, деб ялиниш. Ўзи нима бу? Ишқилиб, Николай Всеволодович тўғрисида кутилмаган бир хабарлар келиб қолмаганмикин?

– Мен ҳеч қандай хабарларни билмайман... мен бир неча кундан бери кўришганим йўқ, аммо... аммо сизга айтиб қўяй... – тили тутилиб бидирларди Степан Трофимович фикрлари пароканда бўлиб, – аммо сизга айтиб қўяй, Липутин, сизга ҳеч кимга айтмаслик шарти қўйилган бўлса-ю, сиз энди ҳамманинг олдида...

– Махрамона айтилди! Э, агар мен... Бу ерда бўлса нима... хўш, нима бўлибди? Нима, бегонамизми? Мабодо, Алексей Нилични кўшганда ҳам...

– Мен бундай қарашга кўшилолмаيمان; шубҳа йўқки, бу ердаги уч киши биз сирни сақлаймиз-а, аммо тўртинчи киши, сиздан мен кўрқаман ва сизнинг ҳеч қайси гапингизга ишонмайман!

– Нима деяпсиз ўзи? Мен ҳаммадан ортиқ манфаатдорман, ахир менга мангу миннатдорлик ваъда қилинган! Мен бўлсам худди мана шу муносабат билан фавқулдда ғалати бир нарсани айтмоқчийдим, уни ғалати дейиш ҳам оз, балки руҳий дейиш керақдир. Кеча кечкурун Варвара Петровна билан гаплашгандан кейин унинг таъсирида (ўзингиз бир тасаввур қилинг менга қандай таъсир қилганини) мен Алексей Ниличга узоқроқдан бир савол бердим: сиз, дедим, чет элда ҳам, Петербургда ҳам илгари Николай Всеволодовични билар эдингиз; унинг ақли ва қобилиятлари сизга қандай туюлган? У киши одати бўйича шундай қисқа жавоб берди: у ақли нозик ва ўткир, соғлом фикр юритувчи одам деди. Бир неча йиллар ичида, дедим, унинг фикри чалғигани ёки бошқача бир тарзда бўлиб қолгани, ёки айрим ҳолда, дедим, ақли-хуши чалкашганлигини сезмадингизми, дедим. Гапнинг қисқаси, Варвара Петровнанинг менга берган саволини қайтардим: Ўзингиз тасаввур қилинг! Алексей Нилич бирдан ўйланиб қолди ва мана, ҳозиргидай юзини буриштирди: “Ҳа, дедилар, менга гоҳо қандайдир жуда ғалати туюларди”. Эътибор бе-

ринг, агарда нақ Алексей Ниличга нимадир ғалати кўринган бўлса, унда аслида нима бўлиши мумкин, а?

– Тўғрими? – сўради Степан Трофимович Алексей Ниличдан.

– Мен бу тўғрида гапиришни истамасдим, – деб жавоб берди Алексей Нилич бирдан бошини кўтариб ва кўзларида ўт чакнаб, – мен сизнинг ҳақингиз хусусида эътироз билдирмоқчиман, Липутин. Сиз мана шу нарсада мени ўртага солманг, ҳақингиз йўқ. Мен бутун барча фикрларимни айтган эмасман. Мен Петербургда таниш бўлсам-да, бунга анча вақт ўтди, эндиликда учратган бўлсам ҳам, бироқ Николай Ставрогинни яхши билмайман. Илтимос, мени бунга аралаштирманг, бу... бу ҳаммаси ғийбатга ўхшайди.

Липутин беайб эзилган кишидай қўлларини ёзди.

– Ғийбатчими! Айғоқчи эмасми? Алексей Нилич, ўзингизни ҳаммасидан четга тортиб, танқид қилишингиз осон. Сиз, мен, айтсам ишонмайсиз, Степан Трофимович, нима деган кимса ўша капитан Лебядкин, ахир тентакнинг тентаги, худди... қанчалар тентаклигини айтишга уяласан; русларнинг бир ўхшатиши бор даражани кўрсатадиган, мана шу кимса ҳам ўзини Николай Всеволодович хафа қилган, деб ҳисоблайди, аммо унинг ақл-заковати олдида таъзим қилади: “Бу одамдан ҳайратдаман; донишманд илон” (унинг ўз сўзлари). Мен эса унга (яна ўша кеча ўтган гап таъсирида ва Алексей Нилич билан суҳбатдан сўнг): хой, капитан, менга қаранг, айтинг-чи, бу сизнинг донишманд илонингиз ақлдан озганми, йўқми? Ишонасизми, худди бирдан уни елкасига қамчи билан ургандай бўлдим бехосдан; турган жойида сакраб тушди: “Ҳа, дейди... ҳа, дейди... фақат бу, дейди, таъсир қилмайди...” дейди; аммо нимага таъсир қилмаслигини айтмади; фақат бари дунё кўзига қоронғу кўришиб, ўй-хаёлга ботди, шундай хаёлга ботдики, кайфи ҳам тарқаб кетди. Биз Филиппов қовоқхонасида ўтирган эдик. Фақат ярим соатлардан сўнг шу, тарс, этиб столни урди: “Ҳа, дейди, эҳтимол ақлдан озгандир, фақат бу таъсир қилмайди...” – ва яна нимага таъсир қилмаслигини гапирмади. Мен сизга фақат бўлиб ўтган гапнинг жавҳарини етқизяпман, аммо ахир фикр шундоғам равшан-ку; кимдан сўраманг, ҳаммаси бир гапни айтади, ҳолбуки, илгари ҳеч кимнинг калласига бу фикр келмаган: “Ҳа, дейишадди, ақлдан озган; жуда ҳам ақлли, аммо, балки ақлдан озгандир”.

Степан Трофимович хаёлга чўмиб ўтирар ва зўр бериб мулоҳаза юри тарди.

– Лебядкин қаердан биларкан?

– Бунга Алексей Ниличдан сўрасангиз қандоқ бўларкин, у мени ҳозир бу ерда айғоқчига чиқарди. Мен айғоқчиман-у, лекин билмайман, Алексей Нилич эса тирноғининг тагигача билади-ю, яна миқ этмай ўтиради.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, билганларим оз, – яна ўша тажанглик билан деди муҳандис, – сиз Лебядкинни ичириб, ундан гап оляпсиз. Мени ҳам бу ерга гап олиш учун бошлаб келдингиз, мени гапиртирмоқчисиз. Алалхусус, сиз айғоқчисиз-да!

– Мен ҳали уни ичирганим йўқ, бунақа пул сарфлашга ҳам у арзи майди барча сир-асрорларини жам қилганда ҳам, мен у кишига шундай қарайман, билмадим, сиз қандай. Аксинча, унинг ўзи пул сочиб юрибди, ҳолбуки, ўн икки кун илгари менинг олдимга ўн беш тийин сўраб келувди, у менга шампан ичирыпти, мен унга эмас. Бироқ, сиз менга фикр беряпсиз, агар зарур келса, мен ҳам уни ичираман, ҳа, айнан гап олиш учун

ва эҳтимол, билиб оларман ҳам, сизларнинг бутун сир-синаотларингизни, – ўдағайлади қаҳри келиб Липутин.

Степан Трофимович ҳар икки гап талашаётганга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Ҳар иккови ҳам ўзини фош қилар ва бир-бирини аямасди. Мен ўйланиб қолдим, Липутин бизнинг ҳузуримизга Алексей Нилични ҳақиқатан учинчи бир кимса воситасида гапга солиш учун олиб келган эди, унинг яхши кўрган усули ўзи шу.

– Алексей Нилич жуда ҳам яхши биладилар Николай Всеволодовични, – тажанглик билан давом этди у, – фақат бунини яширадилар. Сизнинг капитан Лебядкинни сўраётганингизга келганда, у ҳаммамиздан бурун у билан Петербургда танишган, бунга беш-олти йил бўлиб қолди, у пайтда, Николай Всеволодовичнинг таъбир жойиз бўлса, ҳаёт даври кўпчиликка маълум эмасди, у пайтлар бизга меҳмон бўлиб келиб, ҳаммамизни бахтиёр этишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмасди. Бизнинг шахзодамиз ўшанда Петербургда ўзининг атрофига бирмунча ғалатиноқ одамларни йиғиб, таниш-билишчилик қилиб юрди, ҳуллас. Мана, Алексей Нилич билан ҳам, менимча, танишиб олишган.

– Эҳтиёт бўлинг, Липутин, сизни огоҳлантириб қўяй. Николай Всеволодович тезда бу ерга келмоқчи, у ўзининг қадрини яхши биледи. Ҳеч кимга ўзини хафа қилдириб қўймайди.

– Мен нима қилдим? Ҳаммадан олдин мен айтдим жуда нозик ақл-заковатли одам деб, Варвара Петровна ҳам кеча шу маънода хотиржам қилиб қўйдим. “Лекин унинг феълига кафолат беролмайман”, дедим. Лебядкин ҳам кеча шунга ўхшаш сўз айтди: “Унинг феълидан, дейди, азият чекдим”. Эҳ, Степан Трофимович, сизга айғоқчилик, ғийбатчилик булар деб айтиш осон, яна эътибор бериб қўйинг, ўзингиз сўраб ҳол-жонимга қўймадингиз, ижикилаб суриштиравингиз. Варвара Петровна бўлса, нақ тўғри нишонга урди: “Сиз, дейди, шахсан бу ишга қизикқан эдингиз, шунинг учун ҳам, сизга мурожаат қиляпман”. Бўлмасам-чи! Мақсад нима қилиб юрибди бу ерда, бунинг устига бутун жамоатнинг кўз ўнгида олий ҳазратларидан шахсан ҳақоратландим ва бунини ичимга ютдим! Мен фақат ғийбат учун қизиқаётганим йўқ, чамаси, бошқа бир сабаб-асбобларим ҳам бор. Бугун қўлингизни қисиб кўришади, эртасига эса бутун пок жамоат олдида сизнинг нон-тузингизни еб, ҳушига келиб қолса, яна башарангизга туширади. Кучи ошиб-тошиб кетган! Ақлу ҳуши хотин зотида: капалаклару жўжа хўрозлар! Қадимги ишқ эски амурлару¹ қанотли помешчиклар, ишқбоз печоринлар. Сиз, Степан Трофимович, эски бўйдоқ, сўққабош одамсиз, сизга айтиш осон, жаноб олийларини деб, мени ғийбатчига чиқариш осон. Ўзингиз ҳалиям йигитлардай келишган киши-сиз, қани, бир ўйланиб кўринг-чи, ёш суксурдай бир қизни топиб, ана унда кўрасиз, шахзодамизнинг дастидан ўз уйингиз, ўлан тўшагингизда эшик-тешикларингизни тақа-тақ беркитиб, тамбалаб, занжирлаб юришдан бошқа чорангиз қолмайди! Нимасини айтасиз: ана ўша mademoiselle Лебядкинани олинг, шўрликни қамчи билан савалашади, у бечора агарда савдойи ва чўлоқ бўлмаганда, худо ҳақи ўйлардимки, шўрликкина генералимизнинг хирсу эҳтирослари қурбонига айланмадимикин ва худди мана шундан капитан Лебядкиннинг ўз тили билан айтганда, “Оилавий шаъни-номуси барбод бўлиб” азият чекмадимикин. Фақат нозик таъбларига озор етмасмикин, лекин уларга бу ҳам чўт эмас. Уларнинг кайфиятлари-

¹ Амур – ишқ маъбудаси.

га мос тушса, ҳеч қандай тар мевани чикитга чиқармайдилар. Сиз, мана ғийбат дейсиз, нима, мен жар соляпманми, холбуки, бутун шаҳарнинг жағи тинмай сайраяпти, мен эса фақат тинглайману бошимни сараклатаман: бошни қимирлатиб туриш ман қилинмагандир ахир.

– Шаҳар сайраяптими? Нимани сайрайди шаҳар?

– Тўғрироғи, капитан Лебядкин маст бўлиб бутун шаҳарга жар соляпти, буни бутун майдон тумонот қичкиряпти деяверинг, тўғрими? Менинг айбим нима? Мен фақат дўстларим орасида қизиқиб сўйлайман, чунки мен бу ерда ўзимни дўстлар даврасида деб биламан, – у бизга бирин-бирин маъсумона нигоҳ солди. – Яна бир воқеанинг учи чиқиб турибди, бир ўйлаб кўринг: Эмишки, жаноб олийлари Швейцариядан ғоятда нажиба бир қиз, нима десам экан, камтарин камсукум ятима, камина ҳам уни таниш бахтига муяссар, ана шу қиз билан капитан Лебядкинга бериб қўйиш учун уч юз рубль жўнатади. Лебядкин эса, кимлигини айтолмайман-у, лекин жуда олижаноб фалончидан, демакки, ишончга молик зотдан пул уч юз эмас, аниқ минг рубль бўлганини эшитади!.. Ана энди Лебядкин бақириб-чақириб юрибди: қизгина менинг етти юз рубль пулимни ўмарди деб! Полицияга хабар қиламан, деб дўқ-пўписани авжга чиқаряпти, бутун шаҳарга шовкин-сурон кўтаряпти...

– Паст, паст одам экансиз! – бирдан ўрнидан туриб кетди муҳандис.

– Э, Лебядкинга Николай Всеволодович уч юз эмас, минг рубль юборган деб айтган ўша олижаноб ишончли одам нақ сиз ўзингиз эмасмидингиз. Ахир капитаннинг ўзи маст бўлиб шундай деди.

– Бу... бу бадбахт бир англашилмовчилик. Кимдир хато қилгандир, натижада... Бекор бу, сиз пастлик қилдингиз!..

– Бекор гап деб мен ҳам ишонгим келади, эшитиб хафа бўлиб кетаман, нега деганда, истайсизми-йўқми, орада олижаноб бир қиз аралашган, аввало етти юз рублга, қолаверса, Николай Всеволодович билан дон олишган деган маънода. Аммо жаноби олийлари парвойига ҳам келтирмайди, маъсума нажиба қизни шарманда қилдим, ё бировнинг хотинини обрўсини тўқдим деб, худди шундай ажабтовур воқеани мен ҳам бошимдан ўтказдим. Уларга бағри кенг нажиб бир одам дуч келиб қолса, уни ўз ҳалол номи билан бошқаларнинг гуноҳини ёпишга мажбур қилишади. Худди шундай нарса бошимдан ўтди; мен ўзимни айтаётирман...

– Эҳтиёт бўлинг, Липутин! – ўрнидан турди Степан Трофимович ва ранги оқариб кетди.

– Ишонманг, ишонманг! Кимдир адашган, Лебядкин эса бадмаст... – хитоб қиларди муҳандис ифодалаб бўлмас ҳаяжонга тушиб, – ҳаммаси ойдин бўлади, мен бошқа чидолмайман... бу тубанлик... етар энди, етар!

У хонадан чошиб чиқиб кетди.

– Сизга нима бўлди? Мен ҳам бирга бораман! – саросимага тушди Липутин ва сакраб туриб, Алексей Ниличнинг ортидан югурди.

VII

Степан Трофимович бир зум ўйланиб турди, кўзлари мени кўрмай менга қаради, шляпаси билан таёғини олиб, оҳиста хонадан чиқа бошлади. Мен боягидай унинг орқасидан тушдим. Дарвозадан чиқаркан, менинг кузатиб бораётганимни пайқаб, деди:

– Оҳ-ҳа, сиз гувоҳ бўлишингиз мумкин... de l'accident. Vous

m'accompagnez, n'est-ce pas?¹

– Степан Трофимович, нахотки сиз яна у ёкка борсангиз? Ўйлаб кўринг, нима бўлишини?

Аянч ва ночор табассум, уят ва мутлак ноумид табассум ва айни чокда аллақандай ғалати шодмонлик билан у андак тўхтаб менга шивирлади:

– Мен “ўзгаларнинг гуноҳи”га уйланолмайман-ку ахир!

Мен фақат шу сўзни кутаётган эдим. Мана, ниҳоят орули, мендан шунча вақт яшириб келинган сўз бир ҳафта давомидаги айлангиришлару, оҳанжамалардан сўнг тилга олинди. Мен мутлақо ўзимни тутолмай қолдим:

– Мана шунақа ифлос, мана шунақа... тубан фикр Степан Трофимовичдай теран ақл, оқил юрак соҳибидан чиқади деса, ким бунга ишонди... яна Липутингача-я!

У менга қараб қўйди-ю, жавоб бермай ўз йўлига кетди. Мен орқада қолишни хоҳламадим. Мен Варвара Петровна қошида шоҳидликка ўтмоқчи эдим. У ўзининг хотинларча ожизлиги боис фақат Липутинга ишонганида, мен уни кечирган бўлардим, лекин энди равшан бўлдики, у Липутиндан анча илгарироқ ўзи бу нарсаларни тўқиб чиқарган, Липутин эса энди унинг барча шубҳа-гумонларини тасдиқлаган ва ёниб турган ўтга мой қуйганди. У ҳали ҳеч қандай, ҳаттоки Липутин тилга олган асосларга эга бўлмай туриб, биринчи кунларданок ўйлаб ҳам ўтирмай қиздан шубҳаланганди. Варвара Петровнанинг зўравонларча хатти-харакатларини эркатой Nicolasнинг дворянча гуноҳларини обрў-эътиборли одамнинг тўйи воситасида тезроқ суваб ташлашга бўлган ашаддий бир уриниш деб тушунди! Ўзининг бу иши учун унинг албатта жазо тортишини истардим.

– О! Dieu qui est si grand et si bon!² Ким менга раҳм қилади! – хитоб қилди у яна юз кадамларча юриб ва бирдан юришдан тўхтади.

– Ҳозир уйга қайтайлик, мен сизга ҳаммасини тушунтираман! – қичқирдим мен уни зўр билан уй томонга буриб.

– Ана у! Степан Трофимович, бу сизмисиз? Сизми? – тароватли, шўх, навқирон овоз худди алланечук мусиқа каби жаранглади шундоқ ёнимизда.

Биз кўрмай қолибмиз, шундоқ яқинимизда кутилмаганда, от минган Лизавета Николаевна ўзининг доимий ҳамроҳи билан пайдо бўлди. У отни тўхтатди.

– Келинг, келинг тезроқ! – деб янгроқ, қувноқ овоз билан чорларди у. – Мен ўн икки йил бўлди уни кўрмаганимга, лекин дарров танидим, у эса... Нахотки, мени танимадингиз?

Степан Трофимович унинг узатилган қўлини ушлади ва лутфу навозиш билан ўпди. У қизга худди дуо ўқиётгандек қарар, лекин сўз айтишга мажоли етмасди.

– Таниди ва хурсанд! Маврикий Николаевич, у мени кўриб лол бўлиб қолди! Нега икки ҳафтадан бери сира келмайсиз? Холам сизни касал, безовта қилмайлик деб айтди; аммо билиб турибман, холам алдаяпти. Мен оёғимни тапиллатиб, сизни уришдим, аммо албатта, албатта сиз биринчи бўлиб келишингизни истадим, шунинг учун сизга киши юбормадим. Вой, худойим, у ҳечам ўзгармабди! – қиз эгардан эгилиб уни кўздан кечирарди, – кулгим келяпти, ҳеч ўзгармабди-я! Оҳ, йўқ, ажинлар тушибди, кўзи атрофига, икки чеккасига, сочларига оқ оралабди, аммо кўзлари

¹ Ҳодисалар. Сиз менга ҳамроҳ бўласиз, тўғрими? (франц.)

² О, худойим, ўзинг азизу раҳимсан! (франц.)

ўша-ўша! Мен ҳам ўзгарибманми? Ўзгарибманми? Вой, нега ҳеч индамайсиз?

Ушбу дамларда уни ўн бир ёшларида Петербургга олиб кетишганда анча тоби бўлмагани ҳақидаги гаплар ёдимга тушди; касал экан, йиғлар ва Степан Трофимовични йўқларди.

– Сиз... мен... – ҳаяжондан тугилиб-тутилиб ғўдирлади Степан Трофимович, – мен ҳозиргина: “Ким менга раҳм қилади!” деб турган эдим ва шу заҳоти сизнинг овозингиз келди... Мен буни мўъжиза деб ҳисоблайман et je commence a croire¹.

– En Dieu? En Dieu, qui est La-haut et qui est si grand et si bon?² Кўрдингизми, мен ҳамма маърузаларингизни эсимда сақлайман. Маврикий Николаевич, у менга ўша пайтларда худони қандай тушунтирарди денг en Dieu, qui est si grand et si bon! Колумб Американи очгани ҳақидаги ҳикояларингиз эсингиздами, ҳамма “Ер, ер!” деб қичқириб юборган экан. Энагам Алёна Фроловнанинг айтишича, мен ўшандан кейин кечаси алахсираб “Ер, ер!” – деб қичқириб чиққан эканман. Эсингиздами, менга шахзода Ҳамлетнинг тарихини айтиб берганларингиз? Эсингиздами, Европадан Америкага бечора муҳожирларни қандай олиб боришгани ҳақидаги ҳикояларингиз? Ҳаммаси ёлғон экан, кейин билдим, қандай олиб боришганини, лекин ўшанда у ёлғонни жуда бопларди, Маврикий Николаевич, унинг ёлғони чиндан яхшироқ эди! Нега сиз Маврикий Николаевичга бундай қараяпсиз? У бутун ер юзидаги энг яхши ва энг садоқатли инсон, сиз уни, албатта, худди мени яхши кўргандек севишингиз керак! Il fait tout ce que je veux³. Аммо, отахоним, Степан Трофимович, бу кўчанинг ўртасида туриб ким менга раҳм қилади, деб қичқираётган бўлсангиз, нима яна бахтсиз бўлиб қолдингизми? Бахтсизмисиз, шундайми? Шундайми?

– Энди бахтлиман...

– Холам хафа қиялпими? – давом этарди киз унга қулоқ солмай, – ҳамон, ҳамон ўша сержаҳл, адолатсиз, ва ҳамишалик қимматли холамиз! Эсингиздами, боғда мени кучоқлаб йиғлардингиз, мен ҳам сизни юпатиб, ўзим ҳам йиғлардим, – вой, сира чўчиманг бу Маврикий Николаевичдан; у сизни биларди, ҳамма-ҳаммасини биларди, анчадан бери, унинг елкасига бош қўйиб истаганча йиғлашингиз мумкин, у истаганча индамай тураверади!.. Шляпангизни кўтаринг, бирпас бошингиздан олинг, бошингизни яқин олиб келинг, оёқ учида туринг, мен ҳозир пешонангиздан ўпиб қўяман, хайрлашаётганимизда мен сизни шундай ўпиб қўйган эдим. Қаранг, анави ойимқиз деразадан бизга ҳаваси келиб қараяпти... Қани, яқинроқ, яқинроқ. Вой, худойим, сочлари намунча оқариб кетмаса!

Қиз эгардан эгилиб, унинг пешонасидан ўпди.

– Ана, энди сизникига борамиз! Қаерда яшашингизни биламан. Мен ҳозир, шу тобда сизникига бораман. Сиз қайсарникига ўзим биринчи бўлиб кираман, кейин кун бўйи менинг уйимда бўласиз. Боринг, боринг, мени кутиб олишга тайёрланинг.

Шундай деб, у ўз ҳамроҳи билан от чоптириб кетди. Биз орқага қайтдик. Степан Трофимович диванга ўтириб, йиғлаб юборди.

– Dieu! Dieu! – нидо қиларди у, – enfin une minute de bonheur⁴.

¹ Мен имон келтира бошлайман (франц.).

² Худогами? Худогами? Парвардигори аъло ва азиз ва раҳимгами? (франц.)

³ У мен нима десам, шуни қилади (франц.).

⁴ Худойим! Худойим! Ниҳоят, бир дам бахт келди! (франц.)

Ўн дақиқалардан сўнг у ваъдасига кўра ўзининг Маврикий Николаевичи билан бирга кириб келди.

– Vous et le bonheur, vous arrivez en meme temps! – Степан Трофимович уни ўрнидан туриб қаршилади.

– Мана, сизга гулдаста; ҳозир madame Шевалйе ҳузурига бордим, қишда ҳам у байрамларга гул ўстиради. Маврикий Николаевич ҳам шу ерда, танишиб олинг. Мен гул ўрнига пирог келтирмақчийдим, лекин Маврикий Николаевич бу русларга тўғри келмайди дейди.

Ушбу Маврикий Николаевич деганимиз ўттиз уч ёшлардаги баланд бўйли, ташқи томондан саранжом-саришта, батартиб кийинган, кўркем тўпчи капитан бўлиб, биринчи қарашда афт-башараси катта ва ғоятда жиддий кўринар, аммо ўзи хайрон қоларли даражада назокатли ва оқкўнгил, бу унга дастлаб қарагандаёқ дарҳол кўзга ташланарди. Шу билан бирга у кўп гапирмас, совуққон кўринар ва дўстлашиш учун суйқалмасди. Бизда кўплар уни ақли калта дейишарди; лекин бу унчалар тўғри эмасди.

Мен Лизавета Николаевнанинг гўзаллигини таърифлаб ўтирмайман. Унинг гўзаллиги бутун шаҳарда дув-дув гап бўлиб кетганди, бироқ бизнинг айрим хонимларимиз ва ойимқизларимиз бу гапларни ғазаблари келиб рад этишарди. Уларнинг ичида Лизавета Николаевнани дарҳол ёмон кўриб қолганлар ҳам бор эди, аввало, мағрурлиги боис: Дроздовлар ҳали ҳеч кимни бу ерда йўқлашмаганди, ранжишнинг аввал сабаби шу, аммо йўқловлар кечикаётганлигига сабаб, ҳақиқатда Прасковья Ивановнанинг бетоблиги эди. Иккинчидан эса у ҳоким рафикасининг қариндоши бўлгани учун кўришолмас эди; учинчидан эса, у ҳар куни отда сайр қилишига тоқатлари чидолмасди. Бизда шу пайтгача хотин-қизлардан суворалар чиқмаганди; табиийки, отда сайр қилиб юрадиган ва ҳали ҳеч кимни менсиб йўқламаган Лизавета Николаевнанинг пайдо бўлиб қолиши жамоатни озурда қилиши турган гап эди. Дарвоқе, у докторларнинг тавсияси билан от минишини ҳаммалари аллақачон билишар ва зотан қизнинг касаллиги ҳақида захарханда ҳам қилишарди. Қиз чиндан ҳам касалманд эди. Унинг оғриқли, асабий, тинимсиз безовталиги бир кўргандаёқ кўзга ташланарди. Эвоҳ! Шўрлик қиз ғоятда азоб чекарди, булар бари кейинчалик маълум бўлди. Эндиликда ўтган вақтларни эсласам, уни чиройли эди деб айтолмайман, лекин ўша замон кўзимга гўзал бўлиб кўринарди. Балки ҳатто унчалар ҳам хушрўй эмасди. У баланд бўйли, хивичдай ингичка, аммо чайир ва кучли, юз тархининг ҳатто номавзунлиги билан ҳайратга соларди. Кўзлари қандайдир қалмоқи қисик эди; ранги оқ, ёноқлари бўртма, ўзи буғдой мағиз ва юзи ориқ эди; лекин унинг юзида ғолиб келувчи ва ўзига тортувчи оҳанграбо зоҳир эди! Қора кўзлари ёниб турар ва ундан қандайдир қудрат ёғиларди; у “ғолиба ва ғолиб чиқиш учун” намоён бўларди. У мағрур ва гоҳо такаббур туюларди; билмайман, у оқкўнгил бўлганми ё йўқми; лекин у шундай бўлишни ўлардай хоҳларди ва ўзини бироз бўлса-да, оқкўнгил кўрсатишга мажбур қилиб, тоза ҳам қийналарди. Бу хилқатда жуда ҳам кўп гўзал интилишлар ва энг адолатли ташаббуслар бўй кўрсатарди; унда ҳамма нарса доимо ўз даражасини топишни истар, аммо тополмас, бари-бари бошдан-оёқ бесару сомон, туғён ва безовталиқда эди. Эҳтимол, у ўзига нисбатан ҳаддан ташқари жиддий талаблар билан ёндашар, ҳеч қачон ушбу талабларни қондириш учун ўзида куч тополмасди.

¹ Сиз ва бахт, бир пайтда келдингиз (франц.).

У диванга ўтириб хонани кўздан кечира бошлади.

– Нега мен шундай дамларда доим жуда ғамгин бўлиб қоламан, қани, топинг-чи, алломайи замон? Мен бутун ҳаётимда ўйлардимки, сизни кўрсам, ва ҳаммасини ёдимга солсам, худо ҳам билади, қанчалар хурсанд бўлардим, мана энди унчалар ҳам хурсанд эмасга ўхшайман, ваҳоланки, сизни яхши кўраман... Оҳ, худойим, у менинг суратимни осиб қўйибди! Беринг менга, у менинг эсимда, эсимда!

Бундан тўққиз йиллар илгари Дроздовлар Степан Трофимовичга Петербургдан ўн икки яшар Лизанинг акварель бўёқда ишланган мўъжаз ажойиб суратини тортиқ қилиб жўнатишган, ўшандан бери сурат доимо деворда осифлик турарди.

– Вой, мен шунақа чиройли қизмидим? Вой, менинг юзим шунақамиди? У ўрнидан туриб, қўлида сурат ойнага қаради.

– Олинг тезроқ бунингизни! – хитоб қилди у суратни қайтараркан. – Ҳозир османг, кейин, унга қарагим келмаяпти. – Қиз яна диванга ўтирди. – Бир ҳаёт ўтди, бошқаси бошланди, кейин бу ҳам ўтди, учинчиси бошланди, ҳаммаси – охири йўқ. Охирини худди қайчи билан қийиб қўйгандек. Кўрдингизми, қандай эски гапларни гапиряпман, қанча ҳақиқат бор уларда!

Қиз кулимсираб менга қаради; у менга бир неча маротаба кўз кирини ташлаб қўйган эди, аммо Степан Трофимович ҳаяжон ичида мени таништиришни унутган эди.

– Нега менинг суратим ханжарлар тагига осилган? Яна шунча ханжару қиличларни нима қиласиз?

Унинг уйи деворида, ҳақиқатан, билмадим нимага, иккита ётагон қилич чалиштириб осилган, улар устида чинакам чарқасий шамшир ўрнатилганди. Қиз буни сўраркан, менга тик қаради, мен нимадир деб оғиз жуфтлаган эдим, тилимни тишлаб қолдим. Степан Трофимовичнинг ниҳоят эсига тушиб, мени унга таништирди.

– Биладан, биладан, – деди қиз, – мен жуда хурсандман. Онам ҳам сиз ҳақингизда кўп эшитган. Маврикий Николаевич билан ҳам танишинг, бу ажойиб инсон. Сиз ҳақингизда қизиқ бир нарса ўйладим: сиз Степан Трофимовичнинг сирдошисиз, тўғрими?

Мен қизариндим.

– Оҳ, мени кечиринг, мен бунақа демокчимасдим; ундоқ кулгили эмас, бошқа... (қиз қизарди ва уялиб кетди.) – Айтганча, ажойиб одам экансиз, уялиб нима қиласиз? Вақтимиз бўлди, Маврикий Николаевич! Степан Трофимович, ярим соатдан кейин бизни кига борасиз. Худойим-ей, тўйиб-тўйиб гаплашамиз! Энди мен сизнинг сирдошингизман, ҳаммаси, ҳаммасини гаплашамиз, тушундингизми?

Степан Трофимович дарров кўрқиб кетди.

– О, Маврикий Николаевич ҳаммасини билади, ундан хижолат бўлмаг!

– Нимани билади?

– Вой, сизни қаранг! – деб қичқирди қиз ҳайратланиб. – Вой, рост экан-да, яшириб юришгани! Ишонгим келмаган эди. Дашани ҳам яшириб юришибди. Холам кеча мени Дашанинг олдига қўймади касал деб.

– Аммо... аммо сиз қаердан билдингиз?

– Оҳ, худойим, ҳамма қатори. Шу ҳам гап бўлди-ю!

– Наҳот, ҳамма билса?..

– Бўлмаса-чи? Ойим, рост, аввалига менинг энагам Алёна Фроловна-

дан эшитибдилар; унга сизнинг Настасьянгиз югуриб келиб айтибди. Сиз Настасьяга айтганмисиз ахир? У сизни айтди деган.

– Мен... мен бир гапиргандим... – ғудранди Степан Трофимович юзи қизариб, – аммо... мен сал учини чиқаргандим... j'étais si nerveux et malade et puis...¹

Қиз хахолаб кулиб юборди.

– Ёнингизда сирдош махрамингиз йўқмиди, Настасья дуч келиб қолувдими, – майли, бас! Унинг эгачилари шаҳарда тўлиб ётибди! Ҳай, ҳечқиси йўқ, барибир эмасми; билса билавермайдим, қайтага яхши. Тезроқ боринг, биз эрта овқатланамиз... Э-ҳа, эсимдан чиқибди, – у яна жойига ўтирди, – менга қаранг, Шатов дегани ким?

– Шатовми? У Дарья Павловнанинг акаси...

– Биладан, акаси, вой, сизга нима бўлган ўзи! – унинг сўзини кесди қиз тоқатсизланиб. – Унинг кимлигини, қандай одамлигини билмоқчиман?

– C'est un pense-creux d'ici. C'est le meilleur et le plus irascible homme du monde...²

– Мен ҳам эшитган эдим унинг ғалати одамлигини. Аммо, гап бунда эмас. Мен у уч тилни ва инглиз тилини билади, деб эшитгандим. Адабиёт ишлари билан ҳам шуғулланар эмиш. Шунинг учун унга лойиқ менинг ишларим кўп; менга ёрдамчи керак, қанча тез бўлса, шунча яхши. У ишга рози бўлармикин, йўқми? Уни менга тавсия қилишган эди...

– О, биззаруратан, et vous fairez un bienfait...³

– Менга beinfait учун эмас, менга ёрдамчи керак.

– Мен Шатовни анча яхши биладан, – дедим унга, – агар унга айтадиган гапингиз бўлса, мен дарров бориб келаман.

– Унга айтинг, эртага соат ўн иккига келсин. Аъло! Миннатдорман. Маврикий Николаевич, тайёрмисиз?

Улар жўнаб кетишди. Мен шу заҳоти Шатовнинг олдига югурдим.

– Mon ami! – остонага етганимда орқамдан Степан Трофимович келди. – Мен қайтиб келганимдан сўнг соат ўн ёки ўн бирларда албатта олдимга келинг. О, мен сизнинг олдингизда жуда, жуда хижолатдаман ва умуман... ҳамма-ҳамманинг олдида.

VIII

Шатов уйда йўқ экан; икки соатдан сўнг яна бордим – яна йўқ. Ниҳоят, соат саккизда ё топарман, ё хат ёзиб қолдирарман деб бордим; яна топмадим. Унинг уйи берк, ўзи ҳеч қандай хизматкорсиз ёлғиз турарди. Пастга тушиб Лебядкиндан сўрасаммикин, деган хаёл ҳам келди калламга, лекин бу ер ҳам берк, худди бўм-бўш жойдек сас ҳам эшитилмасди. Мен ўзим эшитган ҳикоялар таъсирида Лебядкиннинг эшиги олдида қизиқсиниб ўтдим. Охир-оқибат эртасига эртароқ келишга қарор қилдим. Рост, хат ёзиб қолдиришга ҳам унчалик кўнглим чопмади; Шатов уни олиб ўқимаслиги ҳам мумкин эди, у қайсар ва тортинчоқ одам. Иш юришмаганидан дилгир бўлиб, дарвозадан чиқаётганимда кутилмаганда жаноб Кирилловга дуч келдим; у уй томонга келатуриб, мени биринчи бўлиб пайқади. У мендан сўраб-суриштира бошлади, мен бор гапни айтдим, хат ҳам ёзиб қўйганман дедим.

1 Мен тобим қочиб тургандим, бунинг устига...*(франц.)*

2 Шу ерлик хаёлпараст. Дунёдаги энг яхши жаҳлдор одам...*(франц.)*

3 Сиз савоб иш қилган бўласиз *(франц.)*.

– Юринг, – деди у, – мен ҳаммасини қиламан.

У, Липутиннинг сўзига қараганда, эрталабдан ҳовлидаги қўшимча ёғоч уйда жойлашганини эсладим. Унинг бир ўзига кенглик қиладиган бу уйда у билан бирга қандайдир қари кар кампир ҳам турар ва унинг хизматларини ҳам қиларди. Бу уйларнинг асл эгаси ўзи янги солган бинода истикомат қилар, бошқа бир кўчада қовоқхонаси ҳам бўлиб, кампир, ҳойнаҳой, унинг қариндоши чоғи, эски уйларга қараб туриш учун қолганди. Ҳовлидаги уйнинг хоналари озода, аммо деворга ёпиштирилган қоғозлар эскириб кетганди. Биз кирган уйнинг мебеллари ҳар жойдан йиғиб келинган, ҳар хил катта-кичикликда ва яроқсиз эди: устига мовут тортилган иккита қарта столи, зирк ёғочидан ясалган паст жавон, қайси бир кулба ё ошхонадан келтирилган катта тахта стол, болишлари каттиқ теридан ишланган, суянчиғи панжарасимон диван ва стуллар. Бурчак тўрига қадимий санам қўйилган, унинг олдида ҳали биз келмасдан илгарийёқ кампир томонидан шамчироқ ёқилганди, деворларга эса мойбўёқда чизилган иккита катта хира сурат осилган: уларнинг бири, чамаси, асрнинг йигирманчи йилларида туширилган мархум император Николай Павловичнинг сурати; иккинчисида аллаким архиерей¹ тасвирланганди.

Жаноб Кириллов ичкарига кириб шам ёқди, бурчакда турган, ҳали очилмаган чамадонидан конверт, сурғич ва биллур тамғани олди.

– Хатингизни сурғичланг ва конвертга исмингизни ёзинг.

Мен керакмас, деб рад этмоқчи бўлдим, аммо у қўймади. Конвертга ёзиб, мен фуражкамни қўлга олдим.

– Мен чой ичасиз девдим, – деди у, – чой сотиб олдим. Ичасизми?

Мен, майли, дедим. Кампир тезда чой олиб кирди, чой дегани катта чойнакда қайнаган сув, қуюқ қилиб дамланган кичкина чойнак, иккита катта йирик гулли сопол идиш, курсилдоқ нон кулча ва бир ликопча тўла ушатирилган оқ қанд.

– Чойни яхши кўраман, – деди у, – айниқса, кечаси; кўп, хонада юриб ичаман, то тонг оқаргунча. Чет элда кечаси чой ичиш ноқулай.

– Тонггача ухламайсизми?

– Ҳар доим; анчадан бери. Оз овқатланаман; доим чой ичаман. Липутин муғамбир, аммо енгилтак.

Унинг тили ечилганига ҳайрон қолдим; мен бундан фойдаланмоқчи бўлдим.

– Кеча кўнгилни ғаш қиладиган гаплар бўлди, – деб қўйдим.

У қовоғини уйди.

– Бу аҳмоқлик; жуда арзимаган гаплар. Бу ерда ҳаммаси пуч гаплар, чунки Лебядкин маст. Мен Липутинга гапирганим йўқ, фақат арзимаган нарсаларни тушунтирдим; негаки, ғирт ёлғон сўзляпти. Липутинда ҳавойилик кўп, кўпикдан тоғ ясайди. Кеча мен Липутинга ишонган эдим.

– Бугун эса менгами? – кулиб юбордим мен.

– Ахир сиз энди ҳаммасини биласиз. Липутин ё бўш, ё сабрсиз, ё ғаламис, ё... ҳасадгўй.

Кейинги сўз мени ҳайратга солди.

– Сиз шунча кўп сифатини тилга олдингизки, ажабмас, биронтаси баногоҳ тўғри келиб қолса.

– Балки бари тўғридир.

¹ Юқори даражали черков руҳонийси.

– Бу гапда ҳам жон бор. Липутиннинг – бош-кети йўк! У сизнинг қандайдир асар ёзаётганингизни айтди, шу гап тўғрими?

– Нега тўғри бўлмасин? – яна қовоқ солиб ерга тикилди у.

Мен узр сўрадим, буни унчалар билгим келаётгани ҳам йўк, дедим. У кизариб кетди.

– У тўғри айтди, мен ёзаман. Фақат бу бари бир...

Бир зум жим қолдик; у бирдан яна бояғидай болаларча жилмайди.

– Қаллалар ҳақидаги гапни ўзи тўқиб чиқарган, китобдан олган, менга ўзи гапириб берди, яхши уқмайди, мен эса нима учун одамлар ўзларини ўлдиришга журъат этмасликларининг сабабларини қидираман; бор гап шу. Бу ҳам аммо бари бир.

– Нега журъат этмайдилар? Ўз-ўзини ўлдиришлар озми?

– Жуда оз.

– Наҳотки сиз шундай десангиз!

У индамади ва ўйга ботиб хона ичида юра бошлади.

– Одамларни ўз-ўзини ўлдиришдан нима сақлаб туради? – сўрадим ундан. У нима ҳақида гаплашаётган эдик дегандай, менга фаромуш бокди.

– Мен... мен ҳали унча кўп билмайман... икки хурофий фикр тутиб туради, икки нарса; фақат иккита; биттаси жуда кичкина, иккинчиси жуда катта. Лекин кичкинаси ҳам жуда катта.

– Кичкинаси нима?

– Оғрик.

– Оғрик? Наҳот бу муҳим бўлса... бу ерда?

– Энг муҳими. Икки тоифа мавжуд: бировлари ўзларини ё қайғу-ғамга ботиб, ё аччиқлари келиб, ё телбалиқдан ўлдирадилар, ё унга бари бир..., бирданига. Улар оғрик ҳақида оз ўйлашади, бирданига. Ақлу ҳуши жойида бўлганлари эса – булар кўп ўйлашади.

– Ақлу ҳуши жойида бўлганлари ҳам борми?

– Жуда кўп. Агар хурофий фикр бўлмаса, яна ҳам кўпаярди; жуда кўп; ҳамма.

– Наҳот ҳамма бўлса?

У индамади.

– Ахир оғриксиз ўлишнинг йўли йўқми?

– Бир тасаввур қилинг, – у менинг қошимда тўхтади, – каттакон уйдай келадиган бир харсанг тошни тасаввур қилинг; у осилиб турибди; сиз эса унинг тагидасиз; агар у устингизга тушса, бошингизни мажақласа – жонингиз оғрийдими?

– Уйдай тош бўлсами? Одам кўрқади.

– Мен кўрқувни айтаётганим йўқ, – жонингиз оғрийдими?

– Тоғдай харсанг тош, бир миллион пуд келар? Турган гап, ҳеч нарса оғримайди.

– Ростдан ҳам тулинг-чи, тош осилган, сиз эса кўрқасиз, ёмон оғрийди деб. Ҳар қандай катта олим, катта доктор, ҳамма, ҳамма жуда кўрқади. Ҳар ким оғримайди, деб биледи ва ҳар ким оғрийди, деб жуда кўрқади.

– Иккинчи сабаб нима, каттаси-чи?

– Нариги дунё.

– Яъни жазоми?

– Бу бари бир. Нариги дунё; фақат нариги дунё.

– Нариги дунёга мутлақо ишонмайдиган дахрийлар йўқми?

У яна индамади.

– Сиз балки, ўзингиздан қиёс қиларсиз?

– Ҳар ким ҳеч ўзига қиёс қилолмайди, – деб қўйди у қизариб, – қачонки яшаш ва яшамаслик бари бир бўлганда, ана ўшанда бутунлай эрк бўлади. Ҳамма мақсад мана шунда.

– Мақсад? Э унда, балки, ҳеч кимнинг яшагиси келмас?

– Ҳеч ким, – деди у қатъият билан.

– Инсон ҳаётни севгани учун ўлимдан қўрқади, мен бунини шундай тушунаман, – дедим мен, – табиатнинг амри ҳам шундай.

– Бу қабоҳат, барча ёлғон шунда! – Унинг кўзларида учқунлар сачради. – Ҳаёт бу – оғриқ, ҳаёт бу – қўрқинч ва одам боласи – бахтсиз. Энди ҳаммаси оғриқ ва қўрқинч. Энди одам ҳаётни севади, негаки, оғриқ ва қўрқинч севади. Шундай қилишган. Ҳаёт энди оғриқ ва қўрқинчдан келади, ана шу батамом ёлғон. Энди одам ҳали ундай одам эмас. Янги одам бўлади, бахтиёр ва мағрур. Яшаш ва яшамаслик бари бир бўлган одам, ана ўша янги одам бўлади. Оғриқ ва қўрқинчнинг энгган одам ўзи худо бўлади. Анов худо бўлмайди.

– Демак, сизнингча, ўша худо бор экан-да?

– У йўқ, лекин у бор. Тошда оғриқ йўқ, лекин тошдан қўрқишда оғриқ бор. Ўлим қўрқинчининг оғриғи худодир. Ким оғриқ ва қўрқинчнинг энгса, ўша ўзи худо бўлади. Янги ҳаёт ўшанда, янги одам ўшанда, ҳаммаси янги... Ўшанда тарихни икки бўлакка бўлишади: маймун горилладан то худони йўқотгунча ва худони йўқотишдан то...

– То маймун гориллагачами?

– ... Ер ва инсонни жисмонан ўзгартиришгача. Инсон худога айланади ва жисмонан ўзгаради. Дунё ҳам ўзгаради, ишлар ҳам ўзгаради, фикрлар ҳам, ҳиссиётлар ҳам. Сиз нима деб ўйлайсиз, ўшанда инсон жисмонан ўзгарадими?

– Агарда яшаш ва яшамасликнинг фарқи бўлмаса, унда ҳамма ўзини ўлдиради, балки мана шунда ўзгариш бўлади.

– Бари бир, фарқи йўқ. Ёлғонни ўлдиришади. Ҳар кимки, асосий эркини истаркан, у ўзини ўлдиришга журъат этсин. Кимки ўзини ўлдиришга журъат этса, у ёлғоннинг сирини билгай. Ундан у ёғига эрк йўқ; бари шунда, ундан нари ҳеч нарса йўқ. Кимки ўзини ўлдиришга журъат этса, ўша худо. Энди ҳар ким қила олади, шунда худо бўлмайди ва ҳеч нарса бўлмайди. Лекин ҳеч ким ҳали бирор мартаба ҳам қилмади.

– Ўзини ўлдирганлар миллионларча.

– Лекин ҳаммаси унчамас, ҳаммаси қўрқув ичида ва унга эмас. Қўрқувни ўлдириш учун эмас. Қўрқувни ўлдириш учунгина кимда-ким ўзини ўлдирса, у ўша захоти худо бўлади.

– Улгурмаса керак, балки, – дедим.

– Бунинг фарқи йўқ, – секин, осуда ғурур билан андак ғижиниб жавоб берди у. – Таассуфки, сиз худди кулаётганга ўхшайсиз, – қўшиб қўйди у бироздан сўнг.

– Сизнинг кеча жуда аччиғингиз чиққан эди, бугун эса алангали сўзлаётган бўлсангиз ҳам, лекин жуда хотиржамсиз, ана шу менга қизик туюляпти.

– Кечами? Кеча кулгили бўлди, – жавоб берди у жилмайиб, – мен сўкишишни ёмон кўраман ва ҳеч қачон кулмайман, – қўшиб қўйди у маъюсланиб.

– Ҳа, кечалари чойхўрлик қилиб тунингизни ношод ўтказаркансиз, – мен ўрнимдан туриб фуражкамни қўлга олдим.

– Шундай деб ўйлайсизми? – жилмайганча биров хайрон бўлиб деди у. – Нега экан? Йўқ, мен... мен билмадим, – чалкашиб кетди бирдан у, – бошқалар қандай, билмайман, бошқалардай бўлолмайман, шуни сезиб турман. Ҳар ким ўйлайди, ундан кейин ҳозир бошқа нарсани ўйлайди. Мен бошқа нарсани ўйлолмайман, мен бир умр бир нарсани ўйлайман. Худо менга бир умр азоб беради, – деб хулоса чиқарди у бирдан шахд билан.

– Бир нарсани сўрасам бўладими, нега сиз рус тилини тўғри гапирмайсиз? Наҳотки чет элда беш йил ичида унутган бўлсангиз?

– Тўғри гапирмаяпманми? Билмадим. Йўқ, чет элда бўлганим учун эмас. Мен доим шундай гапирман... менга бари бир.

– Яна бир нозикроқ савол берсам бўладими? Мен сизга тўла ишонман: сиз одамлар билан учрашишни ёқтирмайсиз ва улар билан кам сўйлашасиз. Нима учун бирдан мен билан очилиб гаплашдингиз?

– Сиз биланми? Сиз кеча яхши ўтирдингиз ва сиз... айтганча, бу бари бир... сиз менинг акамга ўхшайсиз, жуда, ҳаддан ташқари, – гўдранди у кизариб, – у етти йил бўлди, ўлди; акам, жуда кўп, кўп...

– Сизга қаттиқ таъсир кўрсатган бўлса керак-да?

– Й-йўқ, у камгап эди; ҳеч нарса гапирмасди. Мен сизнинг хатингизни бериб қўяман.

У қўлида фонар билан мени дарвозагача кузатиб чиқди, дарвозани ёпмоқчи шекилли, “Девонага ўхшайди”, деб қўйдим ичимда. Дарвозада бошқа учрашув рўй берди.

IX

Мен эшикнинг баланд остонасига энди қадам қўйган эдим, шунда аллақимнинг кучли қўллари кўкрагимдан тутди.

– Ким бу? – бўқирди кимнингдир овози, – дўстми, душманми? Бўйнингга ол!

– Ўзимиздан, ўзимиздан! – чинқирди шу орада Липутиннинг овози, – бу кишим жаноб Г-в бўладилар, зўр тарбия кўрган, энг юқори доиралар билан алоқадор йигит.

– Юқори доиралар билан бўлса, яхши, 3-зўр т-тар-бия... демак, б-билимдон... истеъфодаги капитан Игнат Лебядкин, дунёнинг ва дўстларнинг хизматларига ҳозир нозир... содиқмисиз, содиқмисиз, аблаҳлар!

Капитан Лебядкин хода ютгандай баланд бўйли, семиз, гўштдор, сочлари жингалак, афт-башараси кип-қизил, оёқда туролмайдиган даражада маст, сўзларни алжиб талаффуз қиларди. Мен уни илгари ҳам узоқроқдан кўрган эдим.

– Ў, манов-ку! – бўқирди у ҳамон шу ерда фонарини кўтариб турган Кирилловга кўзи тушиб; у муштини кўтармоқчи бўлди-ю яна дарҳол туширди.

– Билимлини кечиранман! Игнат Лебядкин жу-уда юксак маълумотли...

*Портлаб муҳаббат оташи
Игнат кўксига туташди.
Севастополь деб, бир қўлсиз
Аччиқ кўз ёшлар тўкишиди.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

– Майли Севастоплда бўлмай, майли, икки кўлим ҳам соғ, аммо кофиясига боқинг! – у маст башарасини менга тикиштириб келарди.

– У кишининг вақти йўқ, вақти йўқ, уйига бориши керак, – деб уни кўндирмоқчи бўларди Липутин, – у киши эртага Лизавета Николаевнага айтиб беради.

– Лизаветагами?.. – деб бўқирди у яна, – тўхта, тек тур! Бош-шқаси!

*Отда юлдуз учади
Суворалар ичинда;
Табассумлар сочади –
Аслзода у чиндан.*

“Сувора юлдузга”.

– Ахир бу гимннинг ўзи! Эш-шак бўлмасанг агар, бу гимн! Валакисаланглар билмайди! Тўхта! – Мен ташқарига чиқиш учун кучим борича силтаниб уринаётган бўлсам-да, у пальтомдан чангаллаб ушлаб олди. – Унга айтиб қўй, мен номусли валломат одамман, Дашка деганинг эса... Дашкани мен икки бармоғим билан... хўжасининг кули, ботинолмайди...

Мен бор кучим билан уриниб, унинг қўлидан юлкиниб чиқдим ва кўчадан чопиб кетдим, у ерга йиқилди. Липутин ортимдан чопди.

– Уни Алексей Нилич кўтариб қўядилар. Биласизми, у ҳозир менга нима деди? – оғзи тинмай гапирарди у ўпкаси шишиб. – Байт-барагини эшитдингиз-ку? У мана шу “Сувора юлдуз”ини эртага тўла исмини қўйиб конвертга солиб Лизавета Николаевнага жўнатади. Қалай, а!

– Гаров ўйнайман, бунга уни сиз кўндиргансиз.

– Ютқазасиз! – хахолади Липутин. – Яхши кўриб қолган, яхши кўриб қолган, мушукдай мов бўлган, бўлмаса, жонидан ҳам ёмон кўрарди, биласизми. У Лизавета Николаевнани отда гашт қилиб юргани учун шунчалар ёмон кўриб қолдики, кўча-куйда сўкиб юборай деди; сўқди ҳам! Уч кун бўлди, у ўтиб кетаётганда, ёмон сўқди, – хайриятки, эшитмади, кутилмаганда бугун унга бағишлаб шиғир ёзганини қаранг! Биласизми, у таваккал қилиб кизга оғиз солмоқчи? Рост, рост!

– Сизга жуда хайрон қоламан-да, Липутин, қаерда мана шунақа ярамас иш чикса, дарҳол ўша ерда ҳозир у нозирсиз! – деб қўйдим унга ғазабланиб.

– Аммо сиз, жаноб Г-в, чуқур кетяпсиз; юрак орқага тортиб кетдим дейман, рақибдан қўрқиб, а?

– Нима-а-а? – деб кичкирдим йўлимдан тўхтаб.

– Жазангиз, бошқа бир оғиз ҳам айтмайман! Лекин эшитсангиз эди? Бошқасини қўяверинг-у, мана шу тентак энди оддий капитанмас, балки вилоятимиздаги анча салмоқли помешчиклардан бири бўлиб қолди, нега деганда шу яқин кунларда Николай Всеволодович собиқ икки юз жондан иборат мулкларини сотдилар, худо ҳақи, рост айтаяпман!.. Ғоятда ишончли одамдан ҳозир билдим. Ана энди бу ёғини ўзингиз пайпаслайверинг; бошқа ҳеч нарса айтмайман; кўришгунча хайр!

X

Степан Трофимович мени асабий сабрсизлик билан кутарди. Қайтиб келганига бир соатча бўлган эди. Кўзимга худди мастга ўхшарди; дастлаб мен ҳар ҳолда маст бўлса керак, деб ўйладим. Таассуфки, Дроздовларни-

кига боргач, мияси янада каттиқроқ чалкашди.

– Mon ami, бутунлай ишим чувалашиб кетди... Lise... мен бу парини аввалгидай севаман ва эъзозлайман; ҳа, айнан аввалгидай; аммо, афтидан, мени ҳар икковлари интиқ бўлиб кутишган, фақат мёндан гап олмоқчи бўлишган, яъни сирни билиб оламиз дейишган, кейин ўз йўлига кетаверсин, худо хайрини берсин... Аниқ шундоқ.

– Уялмайсизми бундай дегани! – кичқириб юбордим мен чидолмай.

– Азиз дўстим, мен ёлғизланиб қолдим. Enfin, c'est ridicule¹. Тасаввур қилинг, ҳаммаси сир-синаотга қоришиб ётибди. Менга бурунлару қулоқлар хусусида ташланишди, яна аллақандай Петербург сирларини сўраб-суриштиришди. Тўрт йил илгари бўлиб ўтган Nicolas хангомаларини улар биринчи марта шу ерга келиб эшитишибди-да ахир: “Сиз шу ерда эдингиз, сиз ўз кўзингиз билан кўргансиз, у телба эмиш, тўғрими?” Тушунмайман сира, бу фикр асти қаердан чиқди. Nicolasнинг баайни жинни бўлиб чиқиши Прасковьяга нимага керак бўлиб қолди? Бу хотин шуни жуда хоҳлайди, жуда хоҳлайди! Се Maurice², отинг қурғур Маврикий Николаевич, Grave homme tout de meme³, нахот уни кўз остига олишган, ахир унинг ўзи биринчи бўлиб cette pauvre amie⁴ деб хат ёзиб юбормагандими Париждан. Enfin, ўша Прасковьяни хоним cette chere amie дейди, мана шу бир нусха, Гоголнинг ўлмас ижод намунаси Коробочка, фақат қутурган Коробочка, жиззаки Коробочка, яна энг каттайтирилган кўринишда.

– Ундай бўлса, сандиқдай экан-да, яна жуда каттайтирилган бўлса?

– Майли, кичрайтирилган бўлсин, бари бир, фақат гапимни бўлманг, чунки бошим айланиб кетяпти. Ҳаммалари тоза чиртиллатиб тупуришди; Lisедан бошқа; бир қиз эса тўхтамай: “Хола, хола” дейди, аммо Lise муғомбир, яна нимадир бор бунда. Сирлар. Аммо кампир билан уришиб қолишди. Cette pauvre⁵, хола, рост, ҳаммага зуғум ўтказди... бунинг орасида яна ҳокимнинг рафикаси-ю, жамоатнинг эътиборсизлиги-ю, Кармазиновнинг “эътиборсизлиги”; орага яна бирдан телбалик ҳақидаги гап ҳам сукулиб кириб турибди, се Lipoutine, се que je ne comprends pas⁶, я-яна, айтишадикки, бошини сирка билан хўллаган эмиш, яна бу ўртада сиз билан биз ҳам бормиз, бу хатларимиз-у бу шиква-шикоятларимиз... О, хонимни мен қанчалар қийнаб қўйдим, яна шундай бир вақтда! Je suis un ingrat!⁷ Қаранг, қайтиб келсам, хоним хат ёзган экан; ўқинг, ўқинг! О, қандоқ паст кетдим, қандоқ паст одам бўлдим мен.

У менга ҳозиргина Варвара Петровнадан олган хатни кўрсатди. Чамаси, хоним ўзининг эрталаб айтган, “уйда ўтиринг”, – деган сўздан пушаймон бўлганга ўхшайди. Қисқагина хат одоб-икром билан ёзилган, лекин сўзлар қатъиятли эди ҳар қалай. Индинга, якшанба куни у Степан Трофимовични уйга чақирган, соат ўн иккида келишни тайинлаган, ўз дўстларингиздан биронтасини (қавс ичида менинг номим турарди) ҳамроҳ қилиб олиб келинг, дейилганди. Ўз томонидан Дарья Павловнанинг акаси бўлмиш Шатовни чақиршини билдирганди. “Сиз қиздан узил-кесил жавоб олишингиз мумкин, сиз мамнунмисиз шундан? Сиз шу

1 Ниҳоят, бу кулгили (франц.).

2 Ҳар ҳолда ажойиб, яхши йигит (франц.).

3 Ана шу шўрлик дўстга (франц.).

4 Шу азиз дўст (франц.).

5 Бу шўринг қурғур (франц.).

6 Манави Липутин, нимаси бор, ҳеч тушунмайман (франц.).

7 Мен ношукур одамман (франц.).

расмиятчиликни иликиб истаганмидингиз?”

– Охирги расмиятчилик ҳақидаги ғижиниб ёзган сўзини қаранг. Шўрлик, шўрлик ҳабибам, бутун умримнинг ҳабибаси! Тан оламан: тақдирнинг қутилмаган бу инояти устимга тошдай кулади... Мен, тан оламан, ҳамон ишонардим, энди эса, *tout est dit*¹, мен аниқ биламанки, тамом бўлди; *c'est terri ble*². О, қанийди, шу якшанба бутунлай бўлмаса, ҳаммаси-ҳаммаси эскисидай қолса: сиз келардингиз, мен эса бу ерда...

– Сизни анави Липутиннинг мағзавалари, ғийбат чақимчиликлари чалкаштириб юборди.

– Азиз дўстим, сиз ўзингизнинг дўстона бармоғингиз билан менинг яна бир оғриқ жойимга тегиб кетдингиз. Бу дўстона бармоқлар умуман шафқатсиз, гоҳида эса бемаъно, *pardon*³, аммо, ишонасизми, *Lise* ёнида бўлган пайтимда буларнинг ҳаммасини, ярамасликларни айтяпман, унутгандай бўлдим, яъни мен бутунлай унутмасам ҳам, тентаклигимдан ўзимни бахтиёр кўрсатишга уриндим ва ўзимни мен бахтлиман деб ишонтирдим. Аммо энди... о, энди ушбу олижаноб, одампарвар, менинг қабих камчиликларимга сабр-тоқатли аёлни, – дарвоқе, унчалар сабр-тоқатли ҳам эмасдир-ов, лекин мен ўзим шу пуч, ғализ феъл-атворим билан нима деган одамман асти! Ахир, мен бир тантик, инжик боламан, боладай бутунлай худбинман, фақат боладай маъсумлик йўқ менда. Ҳабибам, йигирма йил менинг орқамдан энагадай юрди, *cette pauvre* хола, *Lise* буни жуда антиқа қилиб айтади... Шунда бирдан қутилмаганда бола уйланишни хоҳлаб қолди, уйлантир, уйлантир, хат кетидан хат, унинг эса боши сиркаланган ва... ва мана етишди, якшанба келса, уйланиб олади, ҳазилакам гапми... Нега мен талаб қилдим, нега шунча хатлар ёздим? Айтгандай, унутаи дебман: *Lise* Дарья Павловнани оғзидан бол томиб мақтагани мақтаган; тилидан қўймайди ҳар қалай; уни: “*C'est un ange*⁴, фақат ичимдагини топ дейдиганлар хилидан”, дейди. Икковлари маслаҳат беришди, ҳатто Прасковья... дарвоқе, Прасковья маслаҳат бермади. О, мунча заҳар босган шу Коробочкани! Э, *Lise* нинг ўзи ҳам умуман маслаҳат бергани йўқ: “Уйланиб нима қиласиз, олимона роҳат-фароғатда юравермайсизми”. Хахолаб кулади. Мен унинг хахолаб кулганини кечирдим, нега деганда, унинг ўзининг юрагини ит тирнаб ётибди. Бироқ, улар, сиз аёл кишингиз бўлмаса, қийналиб қоласиз дейишади. Кексалик яқинлашяпти, хотин эса сизга қарайди, яна нима... *Ma foi*⁵, мен ўзим ҳам, сиз билан гаплашиб ўтириб, ичимда шуни ўйлайман, алғов-далғовда ўтган кунларимнинг адоғида қисмат менга уни тухфа қилиб юборди, у менга қарайди, ёки яна нима... *enfin*⁶, уй ишларида керак бўлади. Қаранг, уйим бесаранжом бўлиб ётибди, ҳаммаёқ тартибсиз, қаранг, ивирсиқ, боя йиғиштириб қўй, деб буюрдим, қаранг, китоб полга тушиб кетган. *La pauvre amie* уйингиз ивирсиқ деб жахли чиқади... О, энди унинг овози янграмайди бу ерда! *Vingt ans!*⁷ Тағин денг, уларнинг қўлларида имзосиз хатлар бор, тасаввур қилинг, эмишки, *Nicolas* мулкни Лебядкинга сотган. *C'est un monstre, et enfin*⁸. Ким ўзи Лебядкин? *Lise* эшитгани эшитган, унинг эшитганини кўрсангиз! Мен унинг хахолаб

1 Ҳаммаси ҳал бўлди (франц.).

2 Жуда расво (франц.).

3 Кечиринг (франц.).

4 Бу фаришта (франц.).

5 Бинобарин (франц.).

6 Ниҳоят (франц.).

7 Йигирма йил (франц.).

8 Бу баднамо; ва ниҳоят (франц.).

кулганини кечирдим, унинг қандай тинглаб ўтиришини кўрдим, яна шу анов се Maurise... мен унинг ўрнида ҳозир бўлишни истамасдим, brave homme tout de meme, аммо бироз тортинчок; э, худо хайрини берсин...

Унинг овози ўчди; у чарчаб, фикрлари чувалашиб, толиққан кўзларини ерга тикканча қимирламай мунғайиб ўтирарди. Мен орага тушган сукунатдан фойдаланиб, Филипповнинг уйига борганимни айтдим, ҳақиқатан Лебядкиннинг синглиси (мен уни кўрганим йўк) бир пайтлар Nicolasнинг Липутин таъбири билан айтганда, ҳаётининг сирли бир даврида қандайдир ва қайси бир аҳволда унинг қурбонига айланган бўлиши мумкин ва Лебядкин қандайдир сабаб билан Nicolasдан пул олиб турса керак, бор-йўк гап шу, деб ўз фикримни қуруқ, аммо кескин баён қилдим. Дарья Павловна ҳақидаги ғийбатларга келганда, булар бари бекор гаплар, аблах Липутиннинг иғволари, дедим, Алексей Ниличнинг ўзи ҳам буни ёниб-қуйиб тасдиқлапти, унга ишонмасликка эса ҳеч қандай асос йўк. Степан Трофимович менинг бу ишонч билан айтган сўзларимни худди ўзига ҳеч қандай алоқаси йўқдай паришонхотир эшитди. Яна мен Кириллов билан гаплашганимни ҳам эслатиб ўтдим-да, Кириллов балки жинни бўлса керак, деб қўшиб қўйдим.

– У жинни эмас, лекин булар калтафаҳм одамлар, – истар-истамай минғирлади у. – Ces gens-la supposent la nature et la Societe humaine autres que Dieu ne les a faites et qu'elles ne sont reelement¹. Улар билан мушуксичқон ўйнашади, аммо Степан Верховенский бу ўйинга қўшилмайди. Мен уларни у пайтлар Петербургда кўрганман, avec cette chere amie (о, ўшанда мен ҳабибамни қанчалар ранжитардим!) ва уларнинг сўкишларидангина эмас, ҳатто мақтовларидан ҳам асло кўркмаганман. Энди ҳам кўркмайман, mais parlons d'autre chose...² афтидан, мен ёмон ишлар қилиб қўйдим; буни қаранг, мен кеча Дарья Павловнага хат ёзиб юбордим ва... энди ўзимни қўйишга жой тополмай турибман!

– Нима деб ёздингиз?

– О, азиз дўстим, менга ишонинг, жуда олижаноб гаплар ҳаммаси. Унга Nicolas га ҳам хат ёзганимни маълум қилиб қўйдим беш кун бурун, яна ҳаммаси олижаноб гаплар.

– Энди билдим! – деб ҳовлиқиб кичқирдим мен. – Нима ҳақингиз бор эди уларни бундай қиёслашга?

– Аммо, mon cher, мени бундай қаттиқ эзманг, менга кичқирманг; ўзим эзилиб адо бўлдим, худди... худди суваракдай, яна ниҳоят, назаримда, буларнинг бари нажиб бир алфозда... en Suisse...³ эхтимол, нимадир бўлгандир деб тахмин қилсангиз, балки ўша ердан бошлангандир. Ахир мен олдиндан уларнинг қалбларида нима борлигини билишим керакдирку, чунки... enfin, чунки қалбларга ғов бўлиб қолмаслик, улар орасида қоқилган қозикдай турмаслик учун... Мен фақат олижаноб бир ниятда.

– О, худойим, мунча тентаклик қилмасангиз! – беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

– Тентаклик, тентаклик! – илиб кетди у жон-жаҳди билан. – Сиз ҳеч қачон бундан кўра ақллироқ гап айтмагансиз, c'etait bete, mais que faire, tout est dit⁴. Бари бир, “ўзгаларнинг гуноҳи”га бўлса ҳам, уйланаман, шундоқ бўлгач, нега ҳам хат ёздим? Тўғрими?

1 Бу одамлар табиат ва инсон жамиятини худо яратганидан кўра бошқача тасаввур қиладилар, аслида эса тамомила бошқача (франц.).

2 Аммо бошқа гапга ўтайлик (франц.).

3 Швейцарияда (франц.).

4 Бу тентаклик, лекин нима қилай, ҳаммаси ҳал бўлган (франц.).

– Яна шу гапми!

– О, энди мени кичикириб кўрkitолмайсиз, энди сизнинг олдингиздаги бу Степан Верховенский бошқа; олдингиси ўлди, кўмилди; enfin, tout est dit¹. Нега кичқирасиз? Ўзингиз уйланмаяпсиз-да, а, сиз мугузли бош кийим киймайсиз-да, а. Яна ғашингиз келяптими? Оҳ, менинг шўрлик дўстим, сиз аёл зотини билмайсиз, мен эса уни билиш учун умримни бағишладим. “Агар дунёни энгишни истасанг, аввало ўзингни енг”, сизга ўхшаган хаёлпараст Шатовнинг битта ақлли, жўяли гапи шу, менинг рафиқамнинг акаси. Унинг бу ҳикматли сўзини жону дилим билан қабул қиламан. Ана шундоқ, мен ўзимни энгишга тайёрман ва уйланаман, аммо бутун дунёнинг ўрнига нимага эга бўламан? О, азиз дўстим, уйланиш – ҳар қандай мағрур қалб учун, ҳар қандай эрк учун бу – маънавий ўлим. Уйланиш, хотинли бўлиш мени адойи тамом қилади, куч-қувватим, матонатим, оёмол учун хизматимни тортиб олади, бола-чақа туғилади, бунинг устига балки, улар меники ҳам бўлмайди, ҳа, албатта мендан бўлмайди; доно одам ҳақиқатнинг юзига тик қарашдан кўркмайди... Липутин кеча Nicolasдан тўсиқ, ғовлар ўртага қўйиб кутулишни айтди; ўша Липутин дегани аҳмоқ. Аёл зоти ҳамма нарсани кўриб-билиб тургувчи зотни ҳам алдайди. Le bon Dieu², аёл зотини яратиб нима балога гирифтор бўлажагини билган, лекин ишончим комилки, аёл ўзи унга халал берган ва охир-окибат ўзини ўзи мана шундоқ яратган ва... шундоқ сифатлар касб этган; акс ҳолда ким бундай офатларни ўз бошига текинга орттиришни истарди? Настасья балки менинг бу даҳриёна фикрларимдан дарғазаб бўлар, аммо... Enfin tout est dit.

Албатта, у мана шундай арзон, қочирик сўзларни ишлатиб, ўзини эркин фикрловчи одамдай кўрсатмаса, сира ўзига ўхшамай қоларди, зеро, унинг даврида бундай жайдари сўз ўйинларини қўллаш гуллаб яшнаган, мана ҳозир ҳам шундай қочирик-киноя билан ўз-ўзини юпатар, аммо бу ҳеч қачон узокқа чўзилмасди.

– О, қанийди индин дегани, уни ўша якшанбаси ҳеч қачон етиб келмаса! – деб хитоб қилди у кутилмаганда қаттиқ умидсизлик билан, – ёлғиз шу биттагина ҳафтанинг якшанбаси бўлмаса нима қилади – si le miracle existe?³ Худо ўз йил, ой, кун ҳисобидан биттагина шу якшанбани ўчириб ташлай қолса, нима қиларди, а, жиллақурса, худосизга ўзининг куч-қудратини намоёиш қилиб кўрсатмасмиди? Et que tout soit dit⁴. О, мен уни қанчалар севардим! Йигирма йил, тўла йигирма йил, яна у мени ҳеч қачон тушунмаган!

– Лекин сиз кимни айтяпсиз; мен ҳам сизни тушунмаяпман! – сўрадим камоли ажабланиб.

– Vingt ans! Бир марта ҳам мени тушунмади, о, бу шафқатсизлик! Наҳот у мени кўрқиб, муҳтожликдан уйланыпти деб ўйласа? О, шармандалик! Хола, хола, мен сенга бола!.. О, билсин, майли, ўша хола, мен йигирма йилдан бери ўз бошимга кўтариб келган бирдан бир ягона аёл эканини! У худди мана шуни билиши керак, бошқача бўлмайди, аксинча, мени ана шу се qu'on appelle le⁵ никоҳ чамбараги тагига фақат зўрлаб киритишлари мумкин!

Мен бунчалар шахд-шиддат билан айтилган танбех сўзларни бирин-

1 Қисқаси, ҳаммаси ҳал бўлган (франц.).

2 Яратган парвардигор (франц.).

3 Агар мўъжизалар бўлса (франц.).

4 Майли, бари барбод бўлсин (франц.).

5 Отинг қурғур (франц.).

чи марта эшитишим эди. Ростини айтсам, ўлгудай кулгим кистаётганди. Мен ноҳақ эдим.

– Битта, битта менга шу қолди, битта нажот қолди! – қўллари билан қарсақ уриб юборди у бошига келиб қолган янги бир фикрдан ларзага тушиб, – энди фақат у менинг бечора ўғлим, мени кутқаргай, эвоҳ, о, нега у шу чокқача келмаётир! О, ўғилчам, о, менинг Петрушам... гарчи мен ота деб аталмоққа номуносибдирман, тўғрироғи, менким, йўлбарсдирман, бироқ... *Laissez-moi, mon ami*¹, мен бироз чўзилай, фикр-ўйларимни йиғиштириб олай. Чарчадим, ғоятда чарчадим, сиз ҳам энди ётиб ухланг, *voyez-vous*², соат ўн икки бўлди...

Тўртинчи боб

ЧЎЛОҚ ХОТИН

I

Шатов қайсарлик қилмай мен қолдирган хат бўйича пешин чоғида Лизавета Николаевнанинг ҳузурига келди. Биз бирга қадам ранжида қилдик десак ҳам бўлади; мен ҳам бу ерга биринчи келишим. Улар барчалари, яъни Лиза, ойиси ва Маврикий Николаевич катта залда баҳслашиб ўтиришарди. Ойиси Лизадан фортепианода қандайдир бир вальсни ўйнаб беришни сўраган, қизи ўша вальсни чала бошлаганда, бу ўша вальс эмас, деб тихирлик қиларди. Маврикий Николаевич соддадиллик қилиб, Лизанинг ёнини олган ва бу айни ўша вальснинг ўзи деб ишонтиришга уринарди; кампир алами келиб, йиғлаб юборганди. У касалга чалинган, оёқда базўр юрарди. Унинг оёғи шишиб кетган ва мана бир неча кундан буён инжиқлик қилар, арзимаган нарса учун тирноқ остидан кир излар, шунга қарамай Лизадан бироз чўчиб ҳам турарди. Бизни хурсанд бўлиб кутиб олишди. Лиза мамнуниятдан қизариб, Шатовни олиб келганим боис тегси деб кўйди-да, унга қизиқсиниб қараганча пешвоз юрди.

Шатов эшик олдида ўнғайсизланиб туриб қолди. Лиза унга яхши келибсиз, деб миннатдорлик билдириб, ойисининг олдига олиб борди.

– Бу кишини сизга айтган эдим, жаноб Шатов, буниси жаноб Г-в, менинг ва Степан Трофимовичнинг яқин дўстимиз. Маврикий Николаевич ҳам кеча танишиб олди.

– Профессори қайси бири?

– Профессор йўқ бу ерда, ойи.

– Йўқ, бор, сен ўзинг айтгансан, профессор келади деб; балки манави бўлса керак, – деб у ижирғаниб Шатовни кўрсатди.

– Мен сизга ҳеч қачон профессор келади деб айтганим йўқ. Жаноб Г-в хизматда, жаноб Шатов эса собиқ талаба.

– Талабами, профессорми, бари бир университетдан. Сен баҳслашсанг, бас. Швейцариядагиси эса сокол-мўйловли эди.

– Ойим Степан Трофимовичнинг ўғлини доим профессор дейди, – деб Лиза Шатовни залнинг нариги ёғига олиб бориб, диванга ўтқизди.

– Оёғи шишиб кетган маҳалларда доим шунақа бўлиб қоладилар, тушунгандирсиз, касал, – деб шипшиди Лиза Шатовга, ҳамон уни хаддан ортиқ қизиқсиниб кузатиб, айниқса, бошидаги бир тутам хурпайган сочи

¹ Мени ўз холимга қўйинг, азиз дўстим (франц.).

² Кўриб турибсиз-ку (франц.).

тўхтовсиз эътиборини тортарди.

– Сиз ҳарбиймисиз? – деб сўради кампир мендан, Лиза мени раҳмсиз сурада у билан бирга қолдирган эди.

– Йў-ўк, мен хизмат қиламан...

– Жаноб Г-в Степан Трофимовичнинг кадрдон дўсти, – деб яна изоҳ берди Лиза шу заҳоти.

– Степан Трофимовичда хизмат қиласизми? Ахир у ҳам профессор эмасми?

– Оҳ, ойижон-ей, сиз кечаси ҳам профессорларни туш кўриб чиқсангиз керак, – гаши келиб қичқирди Лиза.

– Ўнгимдагилари ҳам етиб ортади. Сен доим онангга гап қайтарасан. Сиз бундан тўрт йил аввал Николай Всеволодович келганда, шу ердамингиз?

Мен тасдиқлаб, жавоб бердим.

– Аллақандай инглиз киши ҳам сизлар билан бўлганмиди?

– Йўк, бўлмаган.

Лиза кулиб юборди.

– Ана, кўрдингизми, ҳеч қанақа инглиз бўлмаган, ҳаммаси ғирт ёлғон. Варвара Петровна ҳам, Степан Трофимович ҳам икковлари ёлғон айтишган. Ҳаммалари ёлғончи.

– Холам ва Степан Трофимович кеча Николай Всеволодовични Шекспирнинг “Генрих IV” асаридаги шахзода Гаррига ўхшайди, деб гапиришган эди, ойим шундан келиб чиқиб, инглиз йўк эди-ку, деяптилар, – тушунтирди Лиза.

– Гарри бўлмаса, демак, инглиз ҳам бўлмаган. Фақат Николай Всеволодовичнинг ўзи айланиб юрган.

– Ишонинг, ойим атай шундай деб айтяпти, – Шатовга тушунтиришни зарур топди Лиза, – ойим Шекспирни жуда яхши билади. Мен ўзим унга “Отелло”нинг биринчи қисмини ўқиб берганман; аммо ҳозир касали унга қаттиқ азоб беряпти. Ойи, эшитдингизми, соат ўн иккига занг уряпти, дори ичадиган вақтингиз бўлди.

– Доктор келди, – эшикда хизматкор қиз кўринди.

Кампир ўрнидан кўзгалди ва кучукчасини чақира бошлади: “Замирка, Замирка, лоақал сен юр, мен билан”.

Қари, хунук, кичкина кучук Замирка унга кулоқ солмай, Лиза ўтирган диваннинг тагига кириб кетди.

– Хохламайсанми? Мен ҳам сени хохламайман. Яхши қолинг, отагинам, сизнинг исми шарифингизни билмайман, – менга қараб деди у.

– Антон Лаврентьевич...

– Э, бари бир, бир кулоғимдан кириб, иккинчи кулоғимдан чиқиб кетади. Мени кузатиб ўтирманг, Маврикий Николаевич, мен фақат Замиркани чақирдим. Худога шукур, ҳали ўз оёғим билан юриб бораман, эртага эса сайрга чиқаман.

У жаҳл билан залдан чиқиб кетди.

– Антон Лаврентьевич, сиз Маврикий Николаевич билан гаплашиб ўтиринг, ишонинг, агар яқиндан танишиб олсангизлар, ҳар икковларингизга фойда бўлади, – Лиза шундай деди-да, Маврикий Николаевичга дўстона жилмайиб кўйди, унинг бу нигоҳидан Маврикий Николаевич ял-ял яшнаб кетди. Мен бошқа қиладиган иш-хуш бўлмагач, Маврикий Николаевич ёнида қолдим.

II

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мен ҳайронман, Лизавета Николаевнанинг Шатов билан битирадиган иши фақат адабий ишларга тегишли экан. Нимагалигини ўзим ҳам билмайман-у, лекин менга уни қандайдир бошқа бир нарса юзасидан чақиргандай бўлиб туюларди. Улар гап-сўзларини биздан яширишмас, баланд овоз чиқариб сўйлашар, шунинг учун биз Маврикий Николаевич билан бирга қулоқ солиб, тинглаб ўтирардик; кейин улар бизни ҳам суҳбатга тортишди. Ҳамма гап шунда эдики, Лизавета Николаевна анчадан буён ўзининг назарида жуда фойдали китоб чиқаришни мўлжаллаб юрар, аммо бу соҳада тамомила тажрибасизлиги сабабли биронта биладиган ходимга муҳтож эди. У ўз режасини Шатовга шунчалар жиддийлик билан тушунтирардики, бундан ҳатто мен ҳам ҳайратга тушдим. “Янги чиққанлардан шекилли, ўйландим мен, бекорга Швейцарияда бўлмаган”. Шатов кўзларини ерга тикиб, камоли диққат билан тинглар, киборларга дахлдор паришон бир ойимқиз ўзига ярашмаган бундай ишларга бел боғлаганлигидан, чамаси, сира ажабланмасди.

Қилиниши керак бўлган ишнинг ўзи бундай эди. Россияда, унинг пойтахти ҳамда вилоятларда жуда кўп газеталар-у бошқа журналлар чиқарилиб, уларда ҳар куни турли воқеа-ходисалар баён этилади. Йил ўтган сайин газеталар тоқчаларга тахланади ёки чиқитга чиқарилади, йиртилади, нарсалар ўрашга, қалпоқчалар ясашга ишлатилиб кетади. Босиб чиқарилган жуда кўп фактлар одамларда таассурот уйғотади ва уларнинг хотирасида қолади, аммо орадан йиллар ўтиб, улар эсдан кўтарилди. Кўп кишилар кейин бунга қарагилари келади, лекин ушбу қоғоз варақлари уммонида кўпинча содир бўлиб ўтган воқеанинг на куни, на жойи ва ҳаттоки йилини ҳам аниқ билмай, уни қидириш қанчалар машаққатли меҳнатни талаб қилади. Ҳолбуки, бир йил давомида рўй берган барча фактларни тўплаб бир китобга жамланса, уларни маълум бир режа, маълум бир фикр асосида тартибга солинса, мундарижа, кўрсаткичлар тузилса, ой, кунлари кўрсатилса, ана унда бир бутун ҳолга келган тўплам бир йил давомида кечган рус ҳаётининг бутун хусусиятларини ифодалаб берган бўларди, ваҳоланки, фактлар ҳаётда аслида рўй берганига қараганда ҳаддан ортиқ даражада оз эълон этилади.

– Сон-саноксиз варақлар ўрнига бир нечта қалин китоб пайдо бўлади, тамом-вассалом, – деб қўйди Шатов.

Лекин Лизавета Николаевна фикрини қийналиб, нўноқлик билан баён этса-да, ўз ниятини қизғин маъқулларди. Китоб ўзи битта ва ҳаттоки қалин бўлмаслиги керак, деб ишонтиришга тиришарди у. Лекин олайлик, у қалин ва шу билан бирга равшан бўлиши ҳам мумкин, чунки энг муҳими, режада ва фактларни қандай йўналишда тақдим этишда. Албатта, ҳаммасини тикиштириш ва кўчириш шарт эмас. Фармонлар, ҳукумат ишлари, маҳаллий фармойишлар, қонунлар гарчи жуда муҳим фактлар ҳисобланса-да, аммо мўлжалланаётган нашрда уларни эътибордан соқит қилиш мумкин. Жуда кўп нарсаларни четлаб ўтиб, халқнинг маънавий хусусий ҳаётини, рус халқининг айна ушбу дамдаги хосиятини у ёки бу даражада акс эттирувчи ходисаларни танлаш билан чекланиш лозим бўлади. Албатта, мажмуага ҳамма нарсаларни киритиш мумкин: ғалатикизик воқеалар, ёнғинлар, хайриялар, ҳар қандай яхши ва ёмон ишлар, ҳар қандай сўзлар ва нутқлар, майли, дарёлар, сув тошқинлари, майли, ҳатто ҳукуматнинг баъзи фармойишлари, лекин булар ичидан фақат

даврни тасвирлайдиганларинигина танлаб олинади; барчаси маълум бир қараш, йўналиш, мақсад-ният остида, яхши бир бутунлик, жамул-жам ҳодисаларни ёритувчи фикр билан йўғрилади. Ниҳоят, китоб енгил ўқишлиши билан ҳам қизиқарли бўлиши, ранг-баранг маълумотлар бериши керак! Таъбир жойиз бўлса, бу бир йил ичидаги рус ҳаётининг маънавий-руҳоний, ахлоқий, ички манзарасини гавдалантирмоғи зарур. “Ҳамма бу китобни сотиб олсин, бу китоб ҳамма уйларда ҳар куни стол устида турсин, ҳар куни ўқилсин, – уқтирарди Лиза, – билмайман, ҳамма гап режага боғлиқ, шунинг учун ҳам, сизга мурожаат қиляпман”, – сўзини тугатди у. Лиза жуда ҳам қизишиб кетди, гаплари чалароқ, мубҳамроқ, қоронғироқ бўлишига қарамасдан, Шатов барини англаб ета бошлади.

– Демак, қандайдир йўналиш бўлади, фактлар маълум бир йўналиш асосида жамланади, – ғўнғиллади у ҳамон бошини ердан кўтармай.

– Асло ундаймас, йўналиш асосида танланмайди, ҳеч қанақа йўналишнинг кераги йўқ. Фақат холислик – йўналиш мана шу.

– Э, йўналишнинг зарари йўқ, – қимирлаб қўйди Шатов, – бир нарса-ни қандайдир танлашга киришсангиз, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Фактлар танланишининг ўзиданоқ уларни қандай тушунишни кўрсатиб туради. Бу фикрингиз ёмон эмас.

– Бундан чикди, шунақа китобни чиқарсак бўладими? – хурсанд бўлди Лиза.

– Кўриш ва фикрлаш керак. Бу ҳажми жуда улкан иш. Дарров тўкиб ташлаш қийин. Тажриба зарур. Китобни чиқарганимизда ҳам, қандай нашр этишини ўрганиб олишимиз мушкул. Бунга кўп тажрибалар керак; аммо фикр уч бериб турибди. Фойдали фикр.

Ниҳоят, у бошини кўтарди, кўзлари кувончдан порларди, у бу ишга қизиқиб қолган эди.

– Буни ўзингиз ўйлаб топдингизми? – мулоим бир андиша билан сўради у Лизадан.

– Ўйлаб топиш қийин эмас, режа яратиш қийин, – жилмаярди Лиза, – мен яхши тушунмайман, унча ақлли ҳам эмасман, ўзимга равшан бўлган нарсани кўзляпман...

– Кўзляпсиз?

– Бу бошқача сўзми? – тез ўсмоқчилади Лиза.

– Бу сўз ҳам бўлаверади; мен ўзимча...

– Чет элларда юрганимдаёқ менинг ҳам бирон нарсага фойдам те-гармикин, деб ўйлардим. Пулим бор, аммо бекор ётибди, мен ҳам умум ишига улуш қўшсам бўлмайдами? Бунинг устига бу фикр ўзидан-ўзи туғилди; уни ҳечам ўйлаб топганим йўқ, бошимга келтириб хурсанд бўлиб кетдим; аммо энди амин бўлдимки, ҳамкорсиз иложи йўқ, чунки ўзим ҳеч нарса билмайман. Албатта, ҳамкор китобга ҳамнашрлик ҳам қилади. Ишни ўртадан бўламиз: сиз режа қиласиз ва иш юритасиз, ғоя эса мендан, жумладан, нашр учун маблағлар ҳам. Китоб ўз харажатлари-ни қоплар дейман?

– Агар аниқ режа топсак, унда китоб тарқалади.

– Огоҳлантириб қўяй, мен пул ундирмоқчи эмасман, аммо китобнинг сотилиб тарқалиб кетишини жуда иштайман ва фойда келтирса, бундан фахрланаман.

– Хўп, буларнинг менга нима алоқаси бор?

– Ахир мен сизни ҳамкорликка чақиряпман... тенг ярмига. Сиз режа-

ни тузиб чиқасиз.

– Мен режа қилоламанми, йўқми, сиз қаердан биласиз?

– Менга сизни айтишган эди, бу ерда ҳам эшитдим... биламан, сиз жуда ақлсиз... ҳам иш қиялсиз... ҳам кўп фикрлайсиз; Швейцарияда Пётр Степанович Верховенский сиз тўғрингизда менга айтган эди, – шошиб кўшимча қилди у. – У жуда ақли одам, тўғрими?

Шатов бир зум унга ялт этиб қаради, лекин шу заҳоти кўзини ерга қадади.

– Менга Николай Всеволодович ҳам сиз ҳақингизда кўп гапирган...

Шатов бирдан қизариб кетди.

– Айтганча, мана ўша газеталар, – Лиза тайёрлаб, чизимча билан боғлаб қўйилган бир ўрам газетани шошиб стулдан қўлига олди, – мен бу ерда фактларни танлаб белгилаганман, йиғиб рақамлар қўйиб чиққанман... ўзингиз кўрасиз.

Шатов ўрамни олди.

– Уйга олиб боринг, кўриб чиқинг, сиз қаерда турасиз?

– Богоявленский кўчасидаги Филипповнинг уйида.

– Биламан. У ерда сизга кўшни аллаким капитан турармиш, Лебядкин дейдими? – яна аввалгидай шошиб-пишиб сўради Лиза.

Шатов қўлида ўрамни тутганча кўзгалиш тараддудида бир дақиқа ерга тикилганча ўтириб қолди.

– Бу ишларга сиз бошқа одамни чақирсангиз бўларди, сизга менинг фойдам тегмайди, – деди у ниҳоят қандайдир ғалати тарзда овозини пайсайтириб, ҳатто пичирлаб.

Лиза дув қизарди.

– Қандай ишларни айтяпсиз? Маврикий Николаевич! – кичқирди у, – бояги хатни олиб келинг, илтимос.

Мен ҳам Маврикий Николаевичга эргашиб стол олдига бордим.

– Манавини қаранг, – бирдан менга қараб деди у, қаттиқ ҳаяжонланиб хатни очаркан. – Бирон марта сиз шунга ўхшаган нарсани кўрганмисиз? Илтимос, овозингизни чиқариб ўқинг; жаноб Шатов ҳамма эшитишини хоҳлардим.

Мен ғоятда таажжубга тушиб қуйидаги мактубни овозимни чиқариб ўқидим:

“Баркамолалари қизпошша Тушинага,
Марҳаматли ҳазрат олиялари,
Елизавета Николаевна!

*О, қандайин жонона,
Лизавета Тушина,
Қардоши ёнида ҳамроҳ, отда учади,
Жамалак сочларин ўйнаб шамол қучади,
Она бирлан бирга у черковда тиз чўқади
Чехралар ўт бўлиб, ажаб лов-лов ёнади.
Мен қонуний никоҳ лаззатларин истарам,
Онаси-ю қизига кўз ёшларим йўлларам.*

Баҳсга нўноқ ўзим туздим.

Марҳаматли ҳазрат олиялари!

Ҳаммасидан ўзимга ачинурман, нега Севастополда қўлдан жудо бўлмадим, мен у ерда бўлмадим, шараф-шон топмадим, хизматда озик-овқат, кийим-бош ташидим, тубан тушдим. Сиз-ку, кўхна бир илоҳа, мен эсам ҳеч вақодурман, чексиз чексизликка тўйдим. Бунга шеър деб қаранг, асло ортиқ эмас, зеро, шеър бари бир сафсата, прозада бу дағал саналса, шеър жойида ўзини оқлар. Мабодо, бир хужайрали жонивор инфузория оламни босган сув томчисидан шеър битиб, бағишласа, нахот куёш бундан аччиқланур! Заррага заррабиндан боқинг. Петербургда йирик шохдор чорвалар олий киборлар жамиятининг одамсеварлик клуби ҳақли суратда отлару итларга шафқат билдириб, бир хужайрали жониворларга нафрат ёғдирса, ва уни мутлоқ тилга олмаса, нега деганда ўзи шунгача ўсиб етмаган бўлса. Мен-да, ўсиб етмадим ул жониворға. Никоҳ фикри балки бағоят кулгилидир, бироқ тезда собиқ икки юз жондан иборат мулк одам ғаразий томонидан бизнинг қўлга кирур, сиз уни нафратланг. Яна бисёр гап айтурман, хужжатлар била бирга ҳатто Сибирга довур борурман. Таклифдан ҳазар қилманг. Зарраи жониворнинг битиги байтда битилди. Капитан Лебядкин, тобе кулларибурман, бўш вақтим кўп”

– Буни ғирт маст ва аблаҳ одам ёзган! – кичкириб юбордим мен дарғазаб бўлиб. – Мен уни биламан!

– Бу хатни мен кеча олдим, – ховлиқиб ва қизариб тушунтира бошлади Лиза, – мен ҳам дарров тушундим биронта тентак ёзганини, онамга ҳам ҳали кўрсатмадим, хафа бўлади деб. Аммо бу қилиғини у яна давом эттирадиган бўлса, билмадим, нима қиламан. Маврикий Николаевич бориб келмоқчи бу ишингни тўхтат деб. Мен сизга ҳамкор деб қараганим учун, – Шатовга муурожаат қилди у, – яна сиз ҳам ўша ерда яшаганингиз боисидан, сиздан сўраб билмоқчийдимки, яна ундан нима кутиш мумкин.

– Бадмаст ва аблаҳ, – тўнғиллади нохушлик билан Шатов.

– У ростданам шундай тентакми?

– Жудаям тентак деб бўлмайди уни ҳуши жойида пайтида.

– Мен бир генерални билардим, у ҳам худди мана шундай шеърлар ёзарди, – кулиб гап кўшдим мен.

– Ҳатто мана шу хатдан ҳам кўриниб турибди ақлу ҳуши жойида эканлиги, – кутилмаганда орага қўшилди индамас Маврикий Николаевич.

– Унинг қандайдир бир синглиси бор эмиш? – сўради Лиза.

– Ҳа, синглиси бор.

– У синглисига зулм ўтказармиш, тўғрими шу?

Шатов яна Лизага қаради, қовоғини солди, “Менинг нима ишим бор!” – деб тўнғиллаб, эшик томонга юрди.

– Ох, тўхтаб туринг, – ташвишланиб қичқирди Лиза, – Қаёққа кетяпсиз? Биз ҳали кўп нарсаларни гаплашиб олишимиз керак...

– Нимани гаплашардик. Мен эртага жавобини айтаман...

– Энг асосий нарса босмахона ҳақида! Менга ишонинг, асло ҳазиллашаётганим йўқ, жиддий бир иш қилмоқчиман, – деб ишонтирмоқчи бўларди Лиза борган сари қаттиқроқ ҳаяжонга тушиб. – Агар чиқарадиган бўлсак, қаерда босамиз? Ахир бу энг муҳим масала, чунки бунинг учун биз Москвага бормаймиз, бу ердаги босмахоналарнинг эса бундай нашрга кучи етмайди. Мен анчадан бери ўз босмахонамни очаман деб юрибман, сизнинг номингизга, онам ҳам рози бўладилар агарда сизнинг номингизга очилса...

– Мен босмахоначи бўламанми, йўқми, сиз қаердан биласиз? –

қовоғини уйиб сўради Шатов.

– Ҳали Швейцариядаёқ менга Петр Степанович айтган эди, босма ишларини билади, босмахонани бошқара олади деб. Ҳатто сизга ўзи хат ёзиб бермоқчи эди, аммо мен унутибман.

Ҳозир эслайманки, Шатовнинг туси қочди. У яна бир зум серрайиб туриб қолди-ю, сўнг чиқиб кетди.

Лизанинг фиғони ошди.

– У ҳар доим шундай чиқиб кетадими? – менга ўгирилиб сўради у.

Мен елкамни қисиб турган эдим, бирдан Шатов орқасига қайтиб кирди, тўғри стол олдига борди-да, қўлидаги газета ўрамини қўйди:

– Мен ҳамкорлик қилолмайман, вақтим йўқ...

– Нега? Вой, нега? Сиз хафа бўлдингизми? – зориллаган овоз билан эланарди Лиза.

Қизнинг зориллаган саси афтидан уни хайрон қилиб қўйди; бир неча сония у қизнинг нақ юрагини уқмоқчи бўлгандай тикилиб назар солди.

– Бари бир, – тўнғиллади у оҳиста, – мен хоҳламайман...

Шундан сўнг бутунлай кетди. Лиза хайратга тушиб ортиқ даражада анг-танг бўлиб қолди, менга шундай туюлди.

– Жудаям ғалати одам экан-ку! – баланд овоз билан деди Маврикий Николаевич.

III

“Ғалатилиги” рост, аммо бунинг ҳаммасида ноаниқ нарсалар кўп эди. Нималардир бунда назарда тутилари. Мен мутлақо бу нашрга ишонмасдим; кейин анови тентакнинг хаши, унда “хужжатлар” бўйича аён бир чақув кўзда тутилари, улар ҳаммалари бу ҳақда миқ этиб оғиз очишмай, бутунлай бошқа нарсаларни гапиришди; ва ниҳоят, бу босмахона ва айнан, у борада сўз очилганда, Шатовнинг бирдан кетиб қолиши... Буларнинг ҳаммасидан мен шундай фикрга келдимки, бу ерда ҳали мен келмаёқ бир гап бўлиб ўтган ва унинг нималигини мен билмасдим; бундан чиқадики, мен бу ерда ортиқча эканман ва буларни барининг менга алоқаси йўқ. Кетадиган вақт етган, илк ташриф учун шунинг ўзи кифоя қиларди. Мен хайрлашиш учун Лизавета Николаевнанинг қошига бордим.

Мен ҳам шу ердалигимни у унутгандай эди чоғи, стол ёнида ўйга ботганча, бошини эгиб, гиламдаги бир нуқтага кўзини қадаган ҳолда турарди.

– Оҳ, сиз ҳам хайрлашасизми, – бидирлади у одатдаги эркаловчи оҳангда. – Степан Трофимовичга менинг саломимни етказинг ва бизникига тезроқ келсин, уни кўндирунг, Маврикий Николаевич, Антон Лаврентьевич кетяптилар. Кечиринг, онам сиз билан хайрлашгани чиқолмайдилар...

Мен чиқиб, пиллапоядан тушган ҳам эдимки, тўсатдан хизматкор менга остонада етиб олди:

– Бегойим жуда илтимос қилдилар, қайтаркансиз...

– Бегойимми ё Лизавета Николаевнами?

– Ўзлари.

Лиза энди аввал биз ўтирган катта залда эмас, яқинроқдаги бошқа қабул хонасида эди. Анави залда энди Маврикий Николаевич ўзи ёлғиз

қолган, залга чиқадиған эшик ҳам зичлаб ёпилганди.

Лиза менга жилмайди, аммо ранг-туси ўчган эди. У хона ўртасида талмовсираб, бир фикрга келолмай тик турарди; аммо бирдан кўлимдан тугтиб, индамай дераза олдиға олиб борди.

– Мен уни дарҳол кўришим керак, – дея пичирлади у менга алангали, ўткир, бесабр нигоҳини қадаб, заррача рад жавоби олишни истамай, – мен уни ўз кўзим билан кўришим керак, менга сиз ёрдам беринг.

Унинг ниҳояти жазаваси тутган ва ноумид холда эди.

– Кимни кўрмоқчисиз, Лизавета Николаевна? – ўсмоқчилаб сўрадим кўрқув ичида.

– Анави Лебядкинани, чўлоқ хотинни... У ростан ҳам чўлоқми?

Мен лол қолдим.

– Уни ҳеч қачон кўрмаганман, аммо чўлоқ деб эшитганман, кеча ҳам эшитдим, – бидирладим мен ўзимни хизматга шай тутиб пичирлаганча.

– Мен уни албатта кўришим зарур. Сиз шу бугуноқ буни эплаштира оласизми?

Унга жуда қаттиқ ачиндим.

– Бунинг иложи йўқ, ундан сўнг, буни қандоқ қилишни ҳам мутлақо билмайман, – уни қайтармоқчи бўлиб уриндим, – балки мен Шатовнинг олдиға борсаммикин...

– Агар сиз эртага буни қилмасангиз, мен бир ўзим унинг олдиға бораман, нега деганда, Маврикий Николаевич бош тортди. Менинг умидим фақат сиздан, менинг бошқа ҳеч кимим йўқ; мен Шатовга тентак гапларни айтдим... Ишончим комилки, сиз мутлақо софдил ва эҳтимол, менга садоқатли одамсиз, фақат эпини қилинг.

Шунда унга ҳар қанча ёрдам керак бўлса, бажонидил бергим келди.

– Мен шундай қилмоқчиман, – жичча ўйландим мен, – ўзим бораман, шу бугуноқ албатта, албатта уни кўраман! Шундай қиламанки, албатта кўраман, сизга чин сўзимни бераман; фақат Шатовдан кўмак ўтинишга менга изн беринг.

– Унга айтингки, менинг истагим шу ва мен ортиқ кутолмайман, лекин боя мен уни лақиллатганим йўқ эди. Эҳтимол, у жуда ҳалол одам бўлгани учун кетиб қолгандир ва унга худди мени лақиллатаётгандек туюлгандир. Мен лақиллатмадим; мен чиндан китоб чиқариш ва босма ташкил этишни иштайман...

– У ҳалол, ҳалол, – қизишиб тасдиқладим мен ҳам.

– Ишқилиб, эртага бўлмаса, унда ўзим бораман, нима бўлса бўлар, ҳамма билса билар.

– Мен эртага соат учдан олдин сизникига келолмайман, – писанда қилиб қўйдим сал ҳушим ўзимга келиб.

– Бундан чикди, соат учда. Бундан чикди, мен кеча Степан Трофимовичникида сизни ўзимга садоқатли одам, деб тўғри тахмин қилган эканман-да? – жилмайди у менга шоша-пиша хайрлашгани кўлини узатиб ва ёлғизланиб қолган Маврикий Николаевичнинг ҳузурига интилиб.

Мен бериб қўйган ваъданинг юкидан эзилиб ташқарига чикдим, мен нима бўлганлигини англолмасдим. Ҳар ҳолда нотаниш бир эркакка ўз сирини очишдан кўрлмаган бир қизнинг ҳақиқий туғени менга аён эди. Унинг шундай мушкул дамда мунис табассуми ва кеча менинг юрагимдан ўтган туйғуларни пайкагани ҳақидаги ишораси кўксимни тарс ёргандай бўлди; лекин фақат мен унга ачинардим, ачинардим, – тамом вассалом!

Унинг сиру асрорлари мен учун бирдан мукаддас бир нарсага айланди, ва мабодо ҳозир, шу тобда уларни менга ошкор қила бошласалар, унда афтидан мен қулоқларимни беркитиб олган ва ортиқ эшитишни истамаган бўлардим. Мен фақат олдиндан ниманидир сезгандай эдим... Бироқ шундай бўлса ҳам, мен қандай бу ишни эплашимни сира билолмасдим. Бу ҳам етмагандай, мен ҳар қалай ҳозир ҳам нимани қандай қилишни англамасдим, учрашувми, аммо қандай учрашув? Уларни бир-бирлари билан қандай кўриштириш керак? Бутун умид Шатовдан эди, лекин олдиндан билар эдимки, у менга ҳеч қандай ёрдам бермайди. Аммо бари бир унинг қошига югурдим.

IV

Фақат хуфтонга бориб мен уни уйдан топдим. Унинг олдида меҳмонлар ўтирганидан ажабландим, уларнинг бири Алексей Нилич бўлиб, иккинчиси Шигалев деган аллаким, мен уни унча танимасдим, у Виргинскийнинг хотинига туғишган ака бўларди.

Бу Шигалев дегани икки ойлардан буён шахримизда меҳмон эди; қаердан келгани менга номаълум; унинг тўғрисида фақат шуни эшитган эдимки, у битта Петербургдаги тараққийпарвар журналда қандайдир бир мақола босиб чиқарган экан. Виргинский мени у билан кўчада тасодифан таништирганди. Умрим бино бўлиб мен бундай шумшайган, тунд, бадқовоқ башарани кўрмаган эдим. У худди дунёнинг вайрон бўлишини кутаётгандек қарарди, яъни башоратларга кўра қачонлардир рўй бериши ёки рўй бермаслиги мумкин бўлган нарса эмас, балки баайни анақа-манақа эрта ўтиб индинига эртаминан, соат ўндан роса йигирма беш дақиқа ўтганда юз беражак ҳодиса. Воқеан, биз ўшанда бир оғиз ҳам гаплашмадик, худди икки тил бириктирган одамдай бир-биримизнинг қўлимизни қисиб қўйдик. Ҳаммадан бурун мени унинг ғайритабиий даражада катта, узун, ялпоқ ва гўштдор, қандайдир ўзгача дикрайган қулоқлари хайратга солди. Унинг ҳаракатлари қовушмаган ва симиллаган эди. Агар Липутин бизнинг вилоятимизда фаланстера қачон бўлмасин рўёбга чиқишини орзу қилса, бу одам бунинг қачон ва қаерда, қай соатда рўй беришини аниқ биларди. У менда кўрқинчли бир таассурот қолдирди, ҳозир уни Шатовнинг уйида кўриб, мен ғоятда ажабсиндим, ваҳоланки, Шатовнинг умуман меҳмон кутишга тоқати йўқ эди.

Пиллапояданоқ улар ҳар учовлари барабар баланд овоз чиқариб гаплашаётганлари эшитилиб турар, афтидан, ниманидир тортишардилар; лекин мени кўришлари биланоқ жим бўлишди. Улар тик оёқда туриб баҳслашар ва энди ҳаммалари ўтиришди, инчунин, менга ҳам ўтиришга тўғри келди. Маъносиз сукут тўла уч дақиқага чўзилди. Шигалев гарчи мени таниган бўлса ҳам, ўзини танимаганга солди, ғараз туфайли эмас, балки ўзи шундоқ. Алексей Нилич билан бир-биримизга енгил бош эгиб қўйдик, сўз қотмадик ва негадир қўл олишиб сўрашмадик. Ниҳоят, Шигалев менга ковоғини солиб, жиддий нигоҳ югуртди, шундай қилсам, у туриб чиқиб кетади деб соддадиллик қилди, шекилли. Ниҳоят, Шатов стулдан қўзғалиб тик оёққа турди, шунда негадир бошқалар ҳам бирдан оёққа қалқишди. Улар ташқарига хайр-хўшлашмасдан чиқишди, фақат Шигалев эшик олдида борганда кузатиб чиқаётган Шатовга деди:

– Эсингизда бўлсин, сиз ҳисоб берасиз.

– Тупурдим ҳисоб-китобиға, мен ҳеч нарсаға жавобгар эмасман, – деб уни кузатиб қўйди Шатов ва эшикнинг илгагини илди.

– Лойхўрақлар! – деди у менга қараб ва оғзини иршайтириб кулди.

Унинг башарасидан жаҳли чиққани сезилиб турар, ўзи биринчи бўлиб сўзга оғиз очгани менга ажобтовур туюларди. Одатда мен унинг олдиға кириб қолсам (воқеан, камдам-кам ҳолларда), у доим тумшайиб бурчакка бориб ўтирар, тўнг жавоб қилар ва фақат анча вақт ўтгандан сўнг у бироз жонланар ва мамнуният билан сўйлашарди. Инчунин, хайрлашаётганда, яна ҳар доим албатта қовоқ-тумшуғини уяр ва ўз шахсий ғанимини сўқиб чиқараётгандек, сизни кузатиб қўярди.

– Мен кеча анов Алексей Ниличникида чой ичдим, – дедим мен, – у даҳрийлик васвасасига тушган, шекилли.

– Русларнинг даҳрийлиги ҳеч қачон қочириқдан нариға ўтмаган, – тўнғиллади Шатов олқинди шамнинг ўрниға янгисини қўяркан.

– Йўқ, у менга калакачи бўлиб туюлмади; у қочириқ у ёқда турсин, содда қилиб гапиришни ҳам билмайди, шекилли.

– Қоғоздан чиққан одамлар; булар бари фикр ялтоқиликлари, – бамайлихотир деди Шатов бурчакдаги стулга икки қўлини тиззасига тираб ўтираркан.

– Бунга нафрат-адоват ҳам қўшилган, – деди у бироз жим тургач, – агарда Россия, ҳатто улар айтганча, қандайдир бирдан бошқача бўлиб қолганда ва қандайдир кутилмаганда чексиз бой-бадавлат ва хуррам-бахтиёр бўлиб кетса, улар ҳаммадан бурун ўзларини ғоятда бахтсиз деб сезардилар. Ана унда улар нафрат ёғдирадиган киши қолмасди, кимнинг башарасига тупуришни, нимани таҳқирлашни билишмасди! Бунда фақат Россияға битмас-туганмас ваҳшиёна нафрат бор, холос, у вужуд-вужудларига сингиб кетган... Ва бунда кўзға кўринмас кулги тагида ҳеч қандай кўз ёшлар ҳам йўқ дунёға кўринмайдиган! Рус деганингизда ҳеч қачон худди мана шу кўзға кўринмас кўз ёшлар ҳақидаги сўздан ортиқ сохта сўз айтилмаган, ҳа! – деб қичқирди у қаҳрга миниб.

– Вой-бў, нималар деяпсиз асти! – кулиб юбордим мен.

– Сиз эса – “мўътадил либерал” экансиз, – кулиб деди Шатов ҳам. – Биласизми, – деди у бирдан, – мен балки “фикр ялтоқлиги” хусусида ошириб юборгандирман; Бунга жавобан сиз дарҳол айтсангиз керак: “У сен малайдан туғилган, мен малай эмасман”, деб.

– Асло ундай демоқчи эмасман... қўйинг-э!

– Э, сиз узр сўраманг, мен сиздан қўрқмайман. Ўшанда мен малайдан туғилганман, энди эса ўзим ҳам малайға айландим, худди сизға ўхшаган. Бизнинг рус либералимиз энг аввало малай ва доим кимнинг этигини то-залаб қўйсам экан, деб қараб туради.

– Этик дейсизми? Бу нима ўхшатиш?

– Ўхшатишға бало борми? Нима, қуляпсизми... Степан Трофимович тўғри айтди, мен тош остида ётибман, босилганман, аммо мажақланган эмасман, фақат тўлғаняпман; у буни яхши ўхшатди.

– Степан Трофимович сизни немисларға берилиб кетган дейди, – кулдим мен, – ҳар қалай, биз немислардан бирон нарсалик бўлиб, чўнтагимизға урганмиз.

– Йигирма тийин олиб, юз рубль берганмиз.

Бир зум жим қолдик.

– Э, у буни Америкада ётиб орттирган.

– Ким? Нимани орттиради?
– Мен Кирилловни айтяпман. Биз у ёқда тўрт ой у билан ёғоч уйда ерда ётганмиз.

– Наҳотки Америкага боргансиз? – ҳайрон бўлдим. – Буни аввал ҳеч айтмаган эдингиз.

– Нимасини айтади. Уч йил бурун биз охири пулимизни сарфлаб, уч киши бўлиб муҳожирлар кемасида Америка Штатларига йўл олганмиз, “Америка ишчисининг ҳаётини ўз устимизда синаб кўрмоқчи, шу тарика шахсий тажрибамизда инсоннинг энг оғир ижтимоий аҳволини билмоқчи бўлганмиз”. Шундай мақсад билан у ёққа бориб қолдик.

– Худойим-ей! – қулиб юбордим мен. – Э, бунинг учун энг яхши-си, ўзимизнинг биронта вилоятга ўрим пайтида борсанглар бўларди, “шахсий тажриба” қандоқ бўлишини кўрардинглар, Америкага жўнаб юборибсизлар-да, а?

– Биз у ерда бир золим эксплуататорга ёлландик: барча руслар уникада олти киши эдик – талабалар, ҳаттоки мулкларини ташлаб келган помешчиклар, ҳатто зобитлар ҳам бор эди, ҳаммамиз ўшандай юксак улуғвор мақсадни олдимизга қўйганмиз. Ишга шўнғиб кетдик, жикқа терга тушамиз, азобимизни еймиз, итдай чарчаймиз, охири, мен билан Кириллов кетиб қолдик – мазамиз қочди, дош беролмадик. Эксплуататор хўжайин ҳисоб-китобда бизни чўмичда қоқди, келишилган ўттиз доллар ўрнига менга саккиз, унга ўн беш доллар тўлади; бир эмас, бир неча мартаба калтакландик ҳам. Ана шундай қилиб, ўша ердаги шаҳарчада биз Кириллов билан тўрт ой ишсиз ерда ётганмиз ёнма-ён; мен бир нарсани ўйласам, у бошқа нарсани ўйларди.

– Наҳот, хўжайин сизларни урган бўлса, Америкадай жойда-я? Роса уни сўккан бўлсангиз керак?

– Ҳеч-да. Аксинча, биз Кириллов билан дарҳол шундай қарорга келдик: “биз, руслар америкаликлар олдида ёш болалардекмиз, уларнинг даражасига етиш учун ё Америкада туғилиш ё ҳар қалай, улар билан узоқ йиллар бирга ёнма-ён яшаш керак”. Э, нимасини айтасиз: арзимаган бир тийинли нарса учун биздан бир доллар талаб қилишганда, биз жон-жон деб тўлар ва бундан роҳатланардик. Биз кўзимизга нима кўринса, ҳаммасини мақтардик: спиритизм дейсизми, Линч қонуними, револьверларми, дайдилар. Бир куни йўлда кетаётган эдик, бир киши чўнтагимга тушиб, соч тароғимни олди-да, бошини тарай бошлади; биз Кириллов билан кўз уриштирдик, холос ва бу жуда яхши-ку, дедик ва бу бизга нақадар ёқади...

– Жуда ғалати-я, бу нарсалар калламизга келганидан ташқари, яна рўёбга ҳам чиқади-я, – деб қўйдим мен.

– Қоғоздан чиққан кишилар, – тақрорлади Шатов.

– Бироқ гарчи “шахсий тажриба” учун бўлса ҳам, муҳожирлар кемасида номаълум бир ерга океанни кесиб ўтишлик – ўлай агар, бу ерда яна аллақандай олижаноб қатъият ва матонат мавжуд... Яна қандай қилиб у ердан қайтиб келдингиз?

– Мен Европага бир кишига хат ёздим, у менга юз рубль жўнатди.

Шатов бу сўзларни айтаркан, доим ерга бир нуқтага тикилиб кўзларини узмас, ҳатто қизишиб кетган чоғларида ҳам бу одатини тарк этмасди. Шунда у бирдан бошини кўтарди:

– Кимлигини билишни истайсизми?

- Ким экан?
- Николай Ставрогин.

У бирдан ўрнидан турди, ўзининг арғувон ёзув столига ўгирилди ва ундан ниманидир қидира бошлади. Бизда мавхумроқ бўлса-да, аммо ишончли бир гап тарқалган эди, унинг хотини Парижда бир қанча вақт Николай Ставрогин билан алоқада бўлган эмиш ва бу воқеа баайни бундан икки йил аввал, демак, Шатов Америкада юрган чоғида юз берган, — яна шуниси ҳам ростки, бу эри билан Женевада ажрашгандан анча кейин бўлиб ўтган. “Мабодо, бу гап рост бўлса, нима қиларди ҳозир бу номни тилга олиб, айлантириб?” деган хаёл ўтди мендан.

– Мен унга ҳалигача бу пулни қайтарганим йўқ, — бирдан у яна менга ўгирилиб қаради-да, менга қаттиқ синчиклаб тикилиб, яна бурчакдаги ўз жойига ўтирди ва бутунлай бошқа овоз билан узук-юлуқ сўради:

- Сиз бирон иш билан келгандирсиз; нима керак сизга?

Мен дарҳол барчасини солнома тартиби бўйича сўйлаб бердим, кейин яна қўшимча қилиб қўйдимки, боя қизиқ устида бўйнимга олиб қўйибман, энди эс-хушим жойига келиб ўйлаб қарасам, баттар фикрим чалкашди: бу нарса Лизавета Николаевна учун ниҳоятда муҳим эканлигини тушундим, жуда ёрдам бергим келяпти унга, аммо ҳамма ишқал шундаки, берган ваъдамнинг устидан қандай чиқишни билмайман, ундан ҳам баттарроғи, унга нима деб ваъда берганимни ҳам билмайман. Шундан сўнг, унга бутун ишонч-эйтиборни ўртага қўйиб айтдимки, ойимқиз сизни лақиллатишни асло истамаган ва ҳатто буни хаёлига ҳам келтирмаган эди, бу ерда бироз англашилмовчилик бўлди, ойимқиз сизнинг кутилмаганда кетиб қолганингиздан қаттиқ ранжиди.

У камоли диққат билан эшитди.

– Одатим қурсин, мен кеча ҳақиқатан тентаклик қилдим... Мен нега бундай кетганимни мабодо ўзи тушунмаган бўлса, унда... ўзига яхши.

У ўрнидан турди, эшикка борди, уни қия очиб эшик томонга қулоғини тутди.

- Бу зотни ўзингиз кўрмоқчимисиз?

– Зарури ўзи шу, аммо буни қандай қилиш мумкин? — ўрнимдан туриб кетдим суюниб.

– Шундоқ бораверамиз, бир ўзи ўтирибди. Биз келганимизни билса, акасидан калтак ейди. Мен кўпинча билинтирмай кириб чиқаман. Акаси ҳали яна уни ура бошлаган эди, мен босиб қўйдим.

- Ростдан-а?

– Ростдан; сочидан чангаллаб тортиб олдим, мени урмоқчи эди, уни кўрқитиб қўйдим, шу билан гап тугади. Агар маст-аласт бўлиб келса, эсига тушиб, яна аямай савайди.

Биз дарҳол пастга тушдик.

V

Лебядкиннинг эшиги қия очик, биз бемалол ичкарига кирдик. Уй унча катта бўлмаган иккита исқирт, деворларини моғор босган, бир пайтлар ёпиштирилган қоғозлар йиртилиб-осилиб ётган хонадан иборат эди. Бир маҳаллар бу ер бир неча йил ошхона бўлган, кейин бу жойнинг хўжайини Филиппов уни янги жой солиб кўчирганди. Ҳозир ўша ошхона вазифасини бажарган хоналар энди бўш, улар беркитиб қўйилган, манави икки

хонада эса Лебядкин истикомат қиларди. Хонада оддий тахта ашёлар, оддий тахта столлар ва битта ён суянчиғи йўқ эски кресло жойлашганди. Иккинчи хонанинг тўрида устига чит адёл ёпилган каравот турар, у mademoiselle Лебядкинага тегишли бўлиб, капитаннинг ўзи эса ҳар кеча тўғри келган жойда уст-бошини ҳам ечмай ухлаб қоларди. Ҳаммаёқ исқирт, ивирсиқ, шиптир эди; биринчи хонанинг ўртасида катта, семиз, бутунлай ҳўл латта ётар, яна шу ернинг ўзида кўлмакда эски босиб ташланган бошмоқ кўринарди. Бу ерда ҳеч ким ҳеч қачон қўлини совуқ сувга урмаслиги кўриниб турарди; печларга ўт ёқилмас, таом тайёрланмасди; Шатовнинг айтишича, уларнинг самоварлари ҳам йўқ эди. Капитан ўз синглиси билан бирга бу ерга қашшоқ ҳолда келган ва Липутин айтмоқчи, ҳақиқатан, баъзи хонадонларга тиланиб, эланиб бориб юрарди; лекин кутилмаганда, кўлига аллақайдан пул тушиб, дарҳол ароқхўрликка муккасидан кетган, ичкиликбозликдан эс-хушини йиғиштиролмай қолган, уй, хўжалик ишлари билан бутунлай шуғулланмай қўйганди.

Мен жуда ҳам кўргим келган mademoiselle Лебядкина иккинчи хонанинг тўрида тахтадан ясалган ошхона столи ортида тахта сўрида жимгина, қимирламай ўтирарди. Биз эшикни очиб кирганда, у овоз чиқармади, ҳатто жойидан қимирламади. Шатовнинг ҳикоя қилишича, уларнинг эшиги ҳам ёпилмас, бир куни эса кечаси билан даҳлиз шундоқ ланг очик қолган эди. Темир шамдондаги ингичка шамнинг хира ёруғида мен ёши балки ўттизларга бориб қолган аёл кишини кўрдим, у касалманд, озгин, эскигина қорамтир чит кўйлақда, узун бўйни яланғоч, қора сийрақроқ сочлари энсасига икки яшар гўдакнинг муштидай қилиб турмақлаб қўйилганди. У бизга бирозгина шўх-қувноқ назар ташлади; унинг олдидаги стол устида шамдондан ташқари кичкина қишлоқ ойнаси, эски қарта тахлами, титилиб кетган қандайдир эски қўшиқлар китобчаси ва бир ёки икки маротаба тишланган немис оқ юмшоқ нони турарди. Mademoiselle Лебядкина упа-элик суриши, лабларини нима биландир бўяши кўзга ташланарди. Узун, ингичка, қорамтир қошларига ҳам сурма тортилганди. Торгина баланд манглайига ёғ-упа суртилганига қарамай, учта узун ажин чизиғи тушганди. Мен унинг оёғи оқсашини билардим, лекин бу сафар бизнинг олдимизда у ўрнидан тургани ҳам йўқ, юргани ҳам йўқ. Навраста ёшлик чоғлари, ҳозир сўлиган юзи эҳтимол кўҳлик ҳам бўлгандир; аммо унинг осуда, меҳрибон, кўкимтир кўзлари ҳозир ҳам жозибадор эди; унинг мулойим, шўх боққан нигоҳида қандайдир орзу-хаёллар ва самимият барқ урарди. Қулоғимга чалинган казак қамчиси-ю акасининг бебошликлари ҳақидаги гап-сўзлардан сўнг унинг жилмайиб туришида ҳам ифодаланган осуда ва ғоятда мулойим қувноқлик мени ҳайрон қилиб қўйди. Қизиғи, мана шунақа, худонинг жазосига йўлиққан барча хилқатлар қошида одатда одамда пайдо бўладиган кўркув аралаш нафратланиш ўрнига, биринчи қараганимдаёқ менга истарасининг иссиқлиги ёқди, кейин мени нафрат эмас, фақат ачиниш туйғуси тамомила эгаллаб олди.

– Кун бўйи мана шундай ёлғиз, битта ўзи ўтиради, қимирламайди, фол очади ё ойнага термулади, – оstonадан уни менга кўрсатиб деди Шатов, – акаси уни боқмайди ҳам. Нариги уйдаги кампир гоҳида худо йўлига бирон нима олиб келади; қандай қилиб уни ёниб турган шам олдида ёлғиз қолдириш мумкин!

Ҳайрон қоладиган томони, Шатов худди хонада аёл йўқдай баланд

овоз билан сўйларди.

– Салом, Шатушка! – очик чехра билан қаршилади mademoiselle Лебядкина.

– Меҳмон бошлаб келяпман, Марья Тимофеевна, – деди Шатов.

– Меҳмоннинг иззати ўзида. Кимни олиб келдинг, билмайман, бунақаси эсимда йўқ, – у шам ортидан менга синчиклаб қаради-да, яна шу заҳоти Шатовга мурожаат қилди (кейин бутун гаплашиб ўтириш асносида худди мен унинг олдида йўқдай ҳеч иши-хуши бўлмади).

– Тор уйда у ёқдан-бу ёққа юравериб диққинафас бўлиб кетгандирсиз? – деб кулди у, шунда икки қатор оппоқ ажойиб текис тишлари кўриниб кетди.

– Зерикдим ҳам, сени ҳам кўргим келди.

Шатов скамейкани столга яқин суриб, ўзи ҳам ўтирди, мени ҳам ёнига ўтқизди.

– Гаплашсам, кўнглим очилади, фақат сенга қарасам кулгим қистайди, Шатушка, худди роҳибга ўхшайсан. Сочингни қачон тараган эдинг? Кел, сочингни тараб кўяй, – у чўнтагидан тароқ чиқарди, – ўтган сафар тараганимча, қўл ҳам теккизмагандирсан, ҳойнаҳой?

– Э, менинг ҳатто тароғим ҳам йўқ, – кулди Шатов.

– Ростданми? Унда сенга ўзим тароқ бераман, бунимас, бошқасини, фақат эсимга сол.

У камоли диққат билан Шатовнинг сочини тарашга тушди, ён томондан ҳатто фарқини чиқарди, ўзини бироз орқага ташлаб, яхши чиқдими, деб қаради ва ниҳоят, тароқни яна чўнтагига солиб кўйди.

– Биласанми, Шатушка, – бошини чайқади у, – ўзинг ақлли кишисан-у, зерикиб юрасан. Сизларнинг ҳаммангизга қараб ҳайрон бўламан; одамлар нимага зерикишини тушунмайман. Қайғу зерикиш эмас, менинг димоғим чоғ.

– Аканг билан ҳам димоғинг чоғми?

– Лебядкинни айтяпсанми? У менинг малайим. Менга бари бир, у шу ердами, шу ерда эмасми? Уни чақириб айтаман: “Лебядкин, сув олиб кел, Лебядкин, оёқ кийимимни бер деб”, – у чопқиллаб қилади; баъзан ҳаддингдан ошасан, унга кулгим қистайди.

– Худди ўзи, худди ўзи, – яна андиша қилиб ўтирмай баланд овозда деди менга Шатов, – у акасини худди малайдай нуқийди; “Лебядкин, сув келтир”, деб қичқиргани ва хахолаб кулганини ўзим эшитганман; фарқи шундаки, у сув олиб келиш учун югурмайди, балки сингисини калтаклайди; аммо сингиси ундан заррача кўркмайди. Унинг ҳар куни қандайдир асаб тутқаноғи тутади, шундан кейин эси кетади, ҳамма нарсани унутади ва доим вақтни чалкаштириб юради. Биз кириб келган вақтимизни у эслайди деб ўйлайсизми, балки эслар ҳам, аммо чамаси, ҳаммасини ўзича ўзгартириб юборган, энди у бизни қандайдир бошқа одамлар ўрнида кўради, лекин мен Шатушка эканлигим эсида туради. Менинг бақириб сўзлаётганимнинг ҳечқиси йўқ; у билан гаплашмаётганларни у дарҳол тингламай кўяди ва шу заҳоти ўз хаёлларига ғарқ бўлади; ҳа, баайни ғарқ бўлади. Ҳаддан ташқари хаёлпараст; саккиз соатлаб, уззу кун бир жойда ўтиради. Ана олдида юмшоқ нон турибди, уни эрталабдан бери фақат бир марта тишлаган бўлса керак, қолганини эртага ейди. Мана энди қартада фол кўра бошлади...

– Фол очишга очаман-а, Шатушка, лекин қандайдир бошқача нарсалар чиқади, – илиб кетди бирдан Марья Тимофеевна охирги айтилган

сўзларни илғаб қолиб ва, карамай чап кўлини юмшоқ нонга чўзди (афтидан, буни ҳам эшитиб қолиб). Нонни алоҳа кўлига тутди, лекин уни чап кўлида бир неча вақт ушлаб тургач, гапга берилиб кетиб, ўзи ҳам эътибор бермай яна жойига кўйди, бир тишлам емади. – Нукул бир хил чиқади: йўл, ёмон киши, кимнингдир макри, ўлим тўшаги, қаёқдандир келган хат, кутилмаган хабар – ҳаммаси ёлғон нарсалар бўлса керак, Шатушка, сен нима деб ўйлайсан? Ҳамонки, одамлар ёлғон гапиришаркан, нега энди қарталар алдамасин? – у бирдан қарталарни аралаштириб ташлади. – Шуни бир маҳал Прасковья онага айтсам, жуда табаррук аёл, олдимга қартада фол кўриш учун игуменя-онадан яширикча хужрамга келарди. Бир у эмас, бошқалари ҳам келишарди. Оҳ-воҳ қилишиб, бошларини чайқашиб, уни қаранг, муни қаранг қилишарди, мен эса кулардим: “Ўн икки йилдан бери келмаган хат яна қачон келади, онагинам Прасковья”, дердим. Унинг қизини эри қайларгадир Туркияга олиб кетган, ўн икки йилдан бери дом-дараги йўқ. Буни қарангки, эртасига кечки пайт игуменя-онанинг хужрасида (у князлар уруғидан бўлади) чой ичиб ўтирувдик, яна битта қандайдир хаёлпараст бегойим ва яна менга ўзи қизиқчиноқ туюлган афон роҳиби меҳмон бўлиб келган экан. Нима экан десанг Шатушка, ўша роҳиб чол ўша куни эрталаб Прасковья онага Туркиядаги қизидан хат олиб келган экан – ана сенга ғиштин валет – кутилмаган хат-хабар! Чойни ичиб ўтирибмиз, афон роҳиби игуменя-онага шундай деб қолди: “Муруватли игуменя-она, парвардигор сизнинг хонақоҳингизни муборак назари билан бархурдор айладиким, саждагоҳ пучмоқларида шундай бебаҳо хазинани асраб келмоқдасиз, бунга нима етсин дунёда”. – “Қанақа хазинани айтаяпсиз?” – деб сўради игуменя-она. – “Девона Лизавета она-чи”. Бизда олди тўсиқ билан ўралган девор ичига бир саржин узунасига ва икки газ баландламасига бир катак ясалган Лизавета девона шу катакда темир тўсиқ ортида ўн етти йилдан буён ўтиради, ёзин-кишин ёлғиз бўз кўйлак кияди ва доим ё хас чўп биланми, ё биронта халачўп биланми, кўйлагини нуқиб савагани-саваган, бир оғиз сўз айтмайди, ўн етти йилдан бери на ювинади ва на қашинади. Қишда унга пўстинча беришади ва ҳар куни бир бурда нон билан бир товоқ сув тутишади. Художўйлар кўриб оҳ-воҳ қилишади, ачинишади, пул кўйишади. “Мана шундай хазина топганмиз”, дейди игуменя-она (жаҳли чиқди; Лизавета девонани жинидан ҳам ёмон кўрарди), – Лизавета фақат алам-аччиқ қилиб ўтирибди, ҳаммасига қашшанглиги сабаб, ҳаммаси фақат фирибгарлик. Менга бу нарса ёқмади; ўша пайтлар мен ўзим ҳам узлатга ётсаммикин, деб юрардим. “Менимча, дедим мен ўшанда худо ва табиат ҳаммаси битта нарса”. Улар ҳаммаси шунда: “Ана холос!” – деб юборишди. Игуменя-она кулиб юборди, бегойим ниманидир шивирлашиб гаплашди, мени ёнига чақириб эркалатди, бегойим эса менга пушти рўмолча совға қилди, хоҳласанг, кўрсатаман? Роҳиб чол эса дарҳол менга насихат қилишга киришди, мулоийим ва юмшоқ гапирди, гапларидан ақл ёғилиб турарди; тинглаб ўтирдим. “Тушунгдингми?” – деб сўради. “Йўқ, дедим, ҳеч вақо тушунмадим, мени ўз холимга тинч кўйинг”, дедим. Ана ўшандан бўён улар мени бутунлай ўз холимга ёлғиз кўйишган, Шатушка. Яна черковдан чиқиб келаётганимизда бир кекса роҳиба қулоғимга: “Модари худо кимдир, нима дейсан?” – деб шивирлади. “Азиз ва азим она, деб жавоб бердим, бутун одамзоднинг умиди”. – “Шундай, дейди, модари худо-азиз ва азим она – қора гил тупроқ бўлади, одам боласига

ундан азим шодлик етади. Ва заминдаги ҳар қандай қайғу ва ҳар қандай заминда тўкилган кўз ёш – биз учун шод-хуррамликдир; сен ўз кўз ёшларинг билан остингдаги қора ерни ярим қулоч чуқурликда суғорсанг, ана шу заҳоти бутун жисму жонинг қувончга тўлади. Шундан сўнг сенга ҳеч бир, ҳеч бир қайғу-ғам бошқа бўлмагай, ва башорат мана шунда, деди”. Бу сўз ўшанда юрагимга тўкилди. Ўшандан бери худога илтижо этиб ибодатга турсам, ҳар сафар эгилиб таъзим қилиб ерни ўпаман, ўпаману тинмай йиғлайман. Сенга очиғини айтайинми, Шатушка: бу кўз ёшларда ҳеч бир ёмонлик йўқ; сенинг ҳеч қандай қайғу-ғаминг бўлмаган тақдирда ҳам, барибир кўз ёшларинг қувончдан шашқатор оқди. Кўз ёшлар ўзи шундай оқаверади, гапнинг тўғриси. Баъзи вақтлар мен кўл бўйига бориб қолардим; бир томонда бизнинг хонақоҳимиз, нариги томонда – бизнинг Тикка тоғимиз, уни шундай тикка тоғ деб аташган. Мен ана шу тоғ устига чиқиб, машрикқа юзимни бураман, ерга пешонамни қўяману йиғлайман, йиғлайвераман ва билмайман қанча вақт йиғлаганимни, ўшанда мен ҳеч нарсани эслолмайман, ўшанда мен ҳеч нарсани билолмайман. Кейин ўрнимдан тураману оркамга қарайман, қуёш эса ботиб боради, яна шунчалар катта, шунчалар муҳташам, шунчалар шавкатли, – сен қуёшга қарашни яхши кўрасанми, Шатушка? Яхши-ю, жуда ҳасратли. Кейин яна юзимни машрикқа бураман, Тикка тоғимизнинг сояси, ҳа, сояси кўл юзасидан узоқ-узоқларга худди ўқдай югуриб, узайиб-узайиб, ингичкаланиб чақиримлаган узоқларга чўзилиб кетади то кўлдаги оролларга дову, ва ўша тошлоқ орол сояни бутунлай қоқ иккига ажратиб ташлайди, ана шунда қуёш ҳам ботади батамом, ва сўнг бирдан ўчади. Шунда менинг ҳам қайғуларим зўраяди, ва шунда бирдан хотирам ҳам ўзимга қайтади, хуфтондан кўрқаман, Шатушка. Кейин ўз бўбагимни эслаб мунгранаман, йиғлайман...

– Бормиди боланг? – уни бениҳоя диққат билан тинглаётган Шатов тирсаги билан мени туртди.

– Бўлмаса-чи: мўъжазгина, гул япроғидайгина, тирноқчалари шундай кичкина-кичкина, фақат бутун алашим, армоним шундаки, эсимда йўқ, ўғилмиди, қизмиди. Гоҳ ўғил деб эслайман, гоҳ қиз деб. Ўшанда уни туққан заҳотим батист ва тўрга ўрадим, пушти тасмачалар билан боғладим, гуллар сочдим устидан, ўраб-чирмаб, дуолар ўқидим-у чўқинтирмай олиб бордим, ўрмондан олиб ўтдим, мен ўрмонлардан кўрқаман, даҳшатга тушаман, уни туғишга туғдим-у, аммо эрим кимлигини билмадим, деб уввос соламан.

– Балки бўлгандир бола? – эҳтиёткорона сўради Шатов.

– Сенинг тусмолларинг менга ғоят қулгили туюлади, Шатушка. Бўлса, балки, бўлгандир, аммо бўлганидан нима маъно, гарчи бари бир ўзи бўлмагандан кейин? Мана сенга осонгина топишмоқ, қани, уни топ-чи! – кулди у.

– Болани қаерга олиб бординг?

– Сарҳовузга элтдим, – хўрсинди у.

Шатов яна мени тирсаги билан туртди.

– Балки боланг умуман бўлмагандир ва бу гапларнинг ҳаммаси алаҳсирашдан бошқа нарса эмасдир, а?

– Сен менга қийин савол бераётирсан, Шатушка, – бундай саволдан ҳеч бир ажабланмасдан хаёлланиб жавоб қилди у, – бунини сенга ҳеч айтмайман, балки бўлмагандир; сен шунчаки билиб қўйгинг келади; мен

бари бир уни деб йиғлашдан тўхтамайман, ахир кўрганим туш эмасдир-ку? – Унинг кўзлари ёшга тўлиб ҳалқаланди. – Шатушка, Шатушка, хотининг сендан қочиб кетгани, тўғрими? – у бирдан икки кўлини Шатовнинг елкасига ташлаб, унга ачиниб-ўртаниб қаради. – Вой, жаҳлинг чиқмасин, ўзимнинг ҳам кўнглим озади. Биласанми, Шатушка, мен бир туш кўрдим: у яна ёнимга келиб, мени авраб чақиряпти: “Пишиқчам, дейди, ҳай, менинг пишиқчам, олдимга чиқ!” – дейди. Мен ҳаммадан мана шу “пишиқчам” деганидан хушвақт бўлдим: яхши кўрса керак-да, деб ўйладим.

- Балки ўнгингда келиб қолар, – овозини пасайтириб ғўлдиради Шатов.
- Йўқ, Шатушка, бу фақат туш... ўнг келмас. Бир кўшиқ бор:

*Баланд қаср на даркор менга,
Мен қоламан ушбу хўжрада,
Ихлос қилиб яшайман бунда,
Сен деб айлай худога сажда.*

– Оҳ, Шатушка, Шатушка, азизим, кадрдон, нега мендан ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамайсан?

– Ўзинг айтмасанг, сўраб нима қиламан.

– Айтмайман, айтмайман, сўйсанг сўй, барибир айтмайман, – тезгина илиб кетди у, – ёндирсанг ҳам, айтмайман. Бошимга нима келса келсин, ҳеч нарса айтмайман, ҳеч нарсани билолмайди одамлар!

– Ана кўрдингми, ҳар кимники ўзига, – янада овозини пасайтириб деди Шатов бошини тобора қуйи эгиб.

– Агар сўрасанг, балки айтардим; балки айтардим! – хуррам такрорлади у. – Нега сўрамайсан? Сўра, сўра, мендан яхшилаб, Шатушка, балки сенга айтарман; ёлвор менга, Шатушка, токи мен ўзим рози бўлайин... Шатушка, Шатушка!

Аммо Шатушка миқ этмасди; бир дақиқача умумий жимлик чўкди. Уни упа суртилган юзидан кўз ёшлари дувиллаб оқарди; у ўзининг иккала кўли Шатовнинг елкасида турганини унутганча жойида ўтирар, аммо энди йигитга қарамасди.

– Э, сен билан нима ишим бор, ўзимга гуноҳ орттириб, – бирдан ўриндикдан турди Шатов. – Қани турунг-чи! – у жаҳл билан ўриндикни тагимдан тортиб олди-да, уни аввалги ўрнига қўйди.

– Келса, сезиб қолмасин; биз энди борайлик.

– Оҳ, менинг малайимни айтяпсанми! – бирдан кулиб юборди Марья Тимофеевна. – Кўрқасан-да! Хўп, хайрингиз, яхши одамлар; э, бир гапим бор, эшит. Боя бу ерга Нилич анов хўжайин Филиппов билан бирга келишди, қизил соқол, малайим эса шу пайт менга ташланиб турганди. Хўжайин уни маҳкам ушлаб олди, хонада у ёқдан-бу ёққа судради, малайим эса:

“Айб менда эмас, бошқа бировнинг айби жатига қолганман!” – деб қичқиргани-қичқирган. Ҳаммамиз қотиб-қотиб кулибмиз, ўлмасам...

– Эҳ, Тимофеевна, ўша қизил соқол эмас, мен эдим; ахир мен уни сочидан ушлаб сендан тортиб олдим; хўжайин эса уч кун бурун келган эди сизларни уришгани, сен чалкаштириб юборибсан.

– Шошма, ахир ростдан ҳам чалкаштирганга ўхшайман, балки сен эдинг. Хўп, арзимаган нарсага тортишиб нима қиламиз; ким тортиб олади, унга бари бир эмасми, – кулди у.

– Юринг, – деб бирдан мени тортди Шатов, – дарвоза ғичирлади; бизни бу ерда кўрса, уни уради.

Биз пиллапоядан югуриб чиқиб улгуриб-улгурмай, дарвоза томонда маст бакириқ ва бўралаб сўкишлар эшитилди. Шатов мени ичкарига олиб, эшикни қулфлади.

– Бошим балога қолмасин десангиз, бу ерда бирпас ўтира турасиз. Қаранг, чўчка боласидек чинқиришини, яна остонада қоқилган шекилли, ҳар гал қоқилиб йиқилади.

Бироқ хангома давом этди.

VI

Шатов ёпиқ эшик олдида турганча ташқарига пиллапояга қулоқ тутарди; бирдан ўзини четга олди.

– Бу ёққа келяпти, билган эдим-а! – қаҳрланиб шивирлади у. – Энди ярим кечагача бошни қотиради.

Эшик кетма-кет қаттиқ муштлангани эшитилди.

– Шатов, Шатов, оч эшикни! – бўқирди капитан. – Шатов, оғайни!..

*Салом айтиб келдим қошинга,
Хабар берай, қуёш чиқди деб.
Алангалар сочиб оламга,
Ўрмонларда... ял-ял ёнди деб,*

*Айтгим келар, уйгонди деб, жин урсин сени,
Уйгондим деб... шох-шаббалар... тагида сенга...
Гўё калтак таёқ остида, ха-ха!*

*Ҳар бир қушча... ташна сўрайди,
Не ичасан... шуни айт дейди.
Не ичаман... мен билай қайдан...*

Хўп, жин чалсин, нима қиламан аҳмоқларча шунга қизиқиб! Шатов, ёруғ дунёда яшаш қанчалар яхши, шуни биласанми сен!

– Жавоб берманг, – деб шипшиди менга яна Шатов.

– Очсанг-чи ахир! Муштлашишдан ортиқ юксакроқ бир нарса бор, тушунасанми, сен... одамзод аро; на-а-жи-и-б зотнинг дамлари бор... Шатов, мен яхшиман; сендан илтимос... Шатов, куриб кетсин варақалари, а?

Жимлик.

– Эшакмисан ўзи, тушунасанми ўзи, мен севиб қолдим, мен фрак сотиб олдим, мана, қара ўзинг, севги чопони, ўн беш сўлкавой; капитаннинг муҳаббати кишилиқ расм-русумларини талаб қилади... Оч эшикни! – бирдан қаттиқ бўқирди у ва кутуриб эшикни ура бошлади.

– Жўна, йўлингдан қолма! – ўкириб юборди бирдан Шатов ҳам.

– Қ-қ-ул! Кишанланган қул, сенинг синглинг ҳам қул ва чўри... ў-ў-ғ-ри!

– Сен эса синглингни пулладинг.

– Ёлғон! Айбим йўқ, чидаб келяпман, холбуки, бир оғиз сўз айтсам, бас... унинг кимлигини биласанми?

– Ким? – бирдан кизиқсиниб эшик олдида борди Шатов.

– Сен ўзинг тушунасанми?

– Тушуниб оларман, айт, ким?

- Айтаман ҳам! Мен одамлар олдида айтаман!..
- Айтиб бўпсан! – китик патига тегди Шатов ва менга эшит дегандай бошини қимирлатди.
- Айтолмайманми?
- Менимча, айтолмайсан.
- Айтолмайманми?
- Э, айтсанг айт, хўжайиннинг таёғидан кўркмасанг... Сен ахир кўркқоксан, яна капитанмиш!
- Мен... мен... у... у ким десанг... – тили тутилди капитаннинг хаяжондан титраб, қалтираб.
- Хўш? – кулоғини тутди Шатов.
- Ярим дақиқача жимлик чўкди.
- А-а-блаҳх! – деган товуш эшитилди ниҳоят эшик орқасидан, шундан сўнг капитан самовардай шақирлаб тез пастга тушиб кета бошлади, ҳар зинада бир қоқиларди.
- Занғар, жуда айёр, маст ҳолида ҳам сир бой бермайди, – эшикдан узоклашди Шатов.
- Ўзи нима гап бу? – сўрадим.
- Шатов кўл силтади, эшикни очиб зинага кулоқ тутди; анча эшитиб турди, ҳатто оҳиста бир неча зина пастга ҳам тушди. Ниҳоят, ичкарига қайтиб кирди.
- Ҳеч нарса эшитилмаяпти, уришмаяпти; ухлаб қолганга ўхшайди. Энди кетаверсангиз бўлади.
- Менга қаранг, Шатов, буларнинг ҳаммаси нимани англатади ўзи?
- Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг? – жавоб берди у ҳорғин ва ижирғанган товушда ва ўз ёзув столига ўтирди.
- Мен кетдим. Менинг хаёлимда битта ақл бовар қилмас фикр тобора мустаҳкам ўрнашарди. Юрагим сиқилиб эртанги кунни ўйлардим...

VII

Ушбу “эртанги кун”, яъни Степан Трофимовичнинг тақдири узил-кесил ҳал бўладиган ўша якшанба менинг солномадаги энг ажойиб-ғаройиб кунлардан бири эди. Бу қутилмаган воқеалар, аввалгиларнинг ечилиши, кейингиларнинг тугун боғлаши, орани кескин очик қилишлари аввалгидан ҳам баттарроқ чигаллаштиришлар кунни эди. Ўқувчига маълумдирки, мен эрталаб азиз биродаримни Варвара Петровнанинг хузурига ўз талабига биноан бошлаб боришим, роса соат учда эса Лизавета Николаевна қошида бўлишим, ўзим ҳам билмайдиган алланималарнидир унга гапириб беришим, ўзим ҳам билмайдиган нималаргадир кўмаклашмоғим керак эди. Ҳолбуки, ҳаммаси ҳеч кимсанинг хаёлига ҳам келмаган бир тарзда ҳал бўлди-қолди. Бир сўз билан айтганда, бу тасодифлар ажойиб бир йўсинда бир-бирига тўғри келиб қолган кун бўлди.

Бошланишига, биз Степан Трофимович билан белгилангани бўйича роппа-роса соат ўн иккида Варвара Петровникига бориб, уни уйдан топмадик; у ҳали ибодатдан қайтмабди. Шўрлик биродарим бундан шундай кайфиятга тушдики, тўғрироғи, кайфияти шунчалар бузилдики, алҳол, тиззаси қалтираб худди ўқ теккан қушдай меҳмонхонадаги креслога ўзини ташлади. Мен унга бир стакан сув тутдим; аммо ранги оқариб кетгани, ҳатто қўли қалтираётганига қарамай, у сиполикни сақлаб, рад этди. Айтганча, бу гал у жуда катта эътибор ва нозик дид-фаросат билан

кийинган, балларга муносиб, гулдор батист кўйлак, оқ бўйинбоғ, кўлида янги шляпа, хашак рангли тоза кўлқоп ва ҳатто, жиндаккина атир ҳам сепилганди. Эндигина ўтирган эдик, камердинер Шатовни бошлаб кирди, албатта, расмий таклиф бўйича келгани аниқ. Степан Трофимович унга кўлини узатиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, аммо Шатов ҳар иккимизга ғоятда диққат билан разм солиб, тўрға ўтиб ўтирди-ю, бизга ҳатто бошини силкитиб кўймади. Степан Трофимович яна менга хуркиб қаради.

Биз яна бир неча дақиқа мана шу алфозда индамай ўтиравердик. Степан Трофимович шунда менга ниманидир пичирлаб айта бошлаган эди, аммо менинг кулоғимга кирмади; унинг ўзи ҳам ҳаяжонланганиданми, гапини охирига етказмай, бас қилди. Яна камердинер кириб стол устидаги ниманидир тўғрилаб кетди; тўғрироғи, биздан хабар олди. Шатов бирдан унга овозини баланд кўтариб, сўз қотди:

– Алексей Егорич, билмайсизми, Дарья Павловна ҳам бека билан бирга кетдими?

– Варвара Петровна жомега бир ўзлари ёлғиз кетдилар, Дарья Павловна эса юқорида ўзлари қолишди, товлари йўқроқ, – сиполик билан мавъизанамо қилиб деди Алексей Егорич.

Шўрлик биродарим яна менга ташвишланиб сарасоф солди, охири бўлмай, мен бундан юзимни бошқа ёққа бура бошладим. Бирдан кўча эшик олдида карета гумбурлади, уйнинг нари-берисида товушлар эшитилиб, бизга бека қайтганидан дарак берди. Ҳаммамиз ўтирган ўрнимиздан дик-дик турдик, аммо яна кутилмаган ҳол: жуда кўп қадам товушлари кулоққа чалинди, демак, бека ёлғиз қайтмаган, бу энди ҳақиқатан, бироз ғалати эди, чунки уни ўзи бизни шу вақтга чақирганди, кимнингдир уйга худди югургилагандай жадал кириб келгани эшитилди, Варвара Петровна одатда бундай югуриб юрмасди. Шунда бирдан беканинг ўзи бағоят ҳаяжонланган ва харсиллаганча хонага учиб кирди. Унинг кетидан бирозгина орқароқда оҳиста одимлаб Лизавета Николаевна, у билан бирга эса қўл ушлашиб Марья Тимофеевна Лебядкина кириб келишди! Тушда кўрсам ҳам, мен бунга ишонмасдим.

Мутлақо кутилмаган бу воқеани изоҳлаш учун бир соат орқага қарашимизга ва Варвара Петровнанинг жомедаги ибодат чоғида бошидан кечирган ғаройиб саргузаштни баён қилиб ўтишимизга тўғри келади.

Авваламбор, ибодатга бутун шаҳар аҳли йиғилди, шаҳар аҳли деганимиз бизнинг жамиятимизнинг юқори доиралари. Ҳокимнинг рафиқаси келганидан бери биринчи марта қадам ранжида қилаётганидан барча хабардор эди. Яна шу нарсани ҳам айтиб қўяйки, бизда ҳокимнинг рафиқаси эркин фикрли ва “янги қоидали” аёл экан, деган гап-сўзлар тарқалганди. Яна барча хонимларга шу нарса ҳам маълум эдики, у ғоятда улуғвор ҳамда ажойиб нафосат билан кийинган бўлади; шунинг учун бу сафар хонимларимизнинг либослари нафислиги ҳамда ҳашамдорлиги билан ажралиб турарди. Фақат Варвара Петровнанинг ёлғиз ўзигина камтарона ва доимий одати бўйича бошдан-оёқ қора кийган эди; у кейинги тўрт йил мобайнида қанда қилмай шундай кийинарди. У жомега келгач, ўзининг одатдаги ўрни, сўл томондаги биринчи қаторга жойлашди, махсус либосдаги хизматкор тиз чўкиб сажда қилишга керак бўладиган барқут ёстиқчани унинг олдида қўйди, хуллас, бари одатдагича. Яна шу нарса ҳам кўзга ташланиб қолдики, бу галги бутун ибодат чоғида у ҳаддан зиёда тиришиб, таважжуҳ билан сажда қилган; кейинчалик яна гапириб юришдики, ва буни эсга олганлар ҳам бўлди, ҳатто унинг кўзларида ёш

ҳалқаланиб турган. Ибодат ниҳоят тугади, протоиерей Павел ота тантанали хутба ўқигани чиқди. Унинг хутбаларини севишар ва кадрлашарди; ҳатто бостириб чиқаринг, деб илтимос қилишар, аммо унинг журъати етмасди. Бу галги хутба қандайдир алоҳида чўзилди узоққа.

Мана шу хутба ҳали давом этаркан, жомага энгил извош аравада бир хоним келди, бундай эскича извошларда хонимлар фақат ён томонда извошчининг белбоғидан ушлаб ўтиришар ва даладаги қиёқ каби силкиниб боришарди. Бу жайдари извошлар ҳали ҳам шаҳаримизда киракашлик қилади. Жоменинг катта дарвозаси олдида жуда кўп экипажлару ҳатто жандармалар турганидан извош жоменинг муюлишида тўхтади-да, ундан бир хоним сакраб тушиб, извошчига тўрт кумуш тийин берди.

– Нима, озми, Ваня! – деб қичқирди хоним извошчининг башараси буришганини кўриб. – Бор пулим шу, – деб йиғламсираб кўшиб кўйди у.

– Майли, худо хайрингни берсин, сендан пул сўраб ўтирмадим, – кўл силтади извошчи ва унга: “Сени хафа қилиш гуноҳ”, – дегандай қилиб қаради, кейин чарм ҳамёнини кўйнига солиб, отларини чухлади, атрофдаги аравакашлар уни масхаралаб кулиб қолдилар. Хоним ҳам экипажлар ва хўжайинларнинг чиқиб қолишини кутаётган малайлар орасидан жоме дарвозасига ўтиб бораркан, одамлар негадир кулиб кўйишар ва ажабланиб қарашарди. Умуман бундай зотнинг қайдандир қўчадан келиб бирдан одамлар орасида пайдо бўлишининг ўзида қандайдир кутилмаган, одатдан ташқари бир нима ҳақиқатан ҳам бордек эди. Хоним бемор каби ориқ ва оқсоқ эди, қуюқ қилиб упа-элик суртган, бўйни узун ва яланғоч, елкасига на камзул ва на рўмол ташлаган, сентябрнинг шу куни ҳаво очик, аммо совук, шамол эсиб турар, шунга қарамай у фақат қорамтир эскироқ кўйлақда эди: боши очик, сочлари кичкина қилиб энсасида турмакланган, унга ўнг томондан қоратол фаришталарга тақиладиган битта ясама гул кистириб кўйишганди. Кеча Марья Тимофеевна хузурида ўтирганимда бурчакдаги санам остида шундай қоғоз гуллардан чамбар тақилган қоратол фариштани кўргандим. Яна шуларнинг ҳаммаси устига хоним гарчи кўзларини маъсумона ерга тиккан эса-да, шу билан бирга шўх-қувноқ жилмайиш юзидан аримасди. Мабодо, у яна озгина кечикканда, балки унда уни жомага киритишмас ҳам эди... Аммо у сирғилиб ўтишга улгурди, ибодатхона ичига киргач эса билинтирмай олдинга сукулиб ўтди.

Хутба яримлаган, ибодатхона тўла издиҳом уни чурқ этмай диққат-этибор билан тинглар, шундай бўлса ҳам, бари бир аллақанча кўзлар янги кириб келмиш зотга қизиқсиниб, ажабланиб тикилиб қолдилар. У ўзини черков супасига ташлади, пардоз-андоздаги юзини қуйи эгди, анчагача шу алфозда ётди, чамаси, у йиғларди; аммо яна бошини кўтариб, тиззасидан тургач, тез ўзини ўнглаб олди, зийракланди. Унинг кўзлари одамларнинг афт-ангорлари, черков ошёналари ва деворларига завкланиб, шўх нигоҳ юритди, баъзи хонимларга ўзгача қизиқиш билан боқди, ҳатто оёқ учида туриб бўлса ҳам қаради ва икки бора қандайдир ғалати хихилаб кулиб юборди. Аммо хутба тугади ва хоч олиб чиқилди. Ҳокимнинг рафиқаси хочга қараб биринчи бўлиб юрди, аммо унга икки қадам етмай тўхтади, чамаси, Варвара Петровнага йўл бермоқчи бўлди. Варвара Петровна ўзи томонидан тикка юриб келар, афтидан олдидаги ҳеч кимни кўзи илғамасди. Ҳоким рафиқасининг бунчалар одоб-икромии ва назокатининг тагида ўзига яраша ўткир бир пичинг ҳам йўқ эмасди; барча шундай тушунди; чамаси, Варвара Петровна ҳам шундай тушунди;

ҳамон кўзи ҳеч кимни илғамаган ҳолда ўз мартабасини оғишмай баланд тутиб, у хочга лабларини босди ва шу заҳоти черковдан чиқа бошлади. Махсус хизматкор унга олдинда йўл очиб борарди, аммо шусиз ҳам барча йўл бериб, ўзини четга оларди. Бироқ ибодатхонадан чиқаверишдаги сахнда бир тўда тигиз турган одамлар йўлга кўндаланг бўлишди. Варвара Петровнанинг қадами товсилди, ва шундан бирдан ғалати, сочига ясама қоғоз гул таққан ғаройиб бир хилқат, одамлар орасини ёриб ўтиб, унинг олдида тиз чўкди. Айниқса, одамлар ўртасида ҳеч қачон шошилиб қолмайдиган Варвара Петровна сипо ва жиддий нигоҳ солди.

Иложи борича қисқароқ қилиб худди шу ўринда кистириб ўтишим жойизки, Варвара Петровна орадаги юрган гап-сўзларга қараганда, охириги йилларда ғоятда ҳисобдон ва бир қадар зикна бўлиб қолган эса-да, лекин айрим пайтлар кори хайриялардан пулни аямасди. У пойтахтдаги бир хайрия жамиятининг аъзоси эди. Яқинда рўй берган очарчиликда Петербургдаги бош кўмитага жабр чекканларга нафақа йўсинида беш юз рубль жўнатган, ва буни бизда тилга олиб туришарди. Ва ниҳоят, энг сўнгги вақтларда, янги ҳоким тайинланиши олдида у шаҳар ҳамда вилоятдаги энг камбағал тукқан хотинларга нафақа ажратувчи маҳаллий аёллар кўмитасини тузиш ҳаракатига тушган эди. Бизда унга иззатталаб, деб анча-мунча таъналар ёғдиришарди. Аммо Варвара Петровнанинг ҳаммага маълум шиддаткорлиги ва шу билан бирга сабот-матонати тўсиқлар устидан устун чиқишига бир баҳя қолди; жамият шаклланиб бўлди, илк ғоя эса асосчининг сурурга тўла онгида тобора кенгая, ривожлана борарди: у худди шундай кўмитани Москвада ҳам тузишни, аста-секин унинг ҳаракатлари барча вилоятларга тарқалишини орзу қиларди. Ва мана, қутилмаганда, ҳоким ўзгариши билан ҳаммаси тўхтаб қолди; янги ҳокимнинг рафиқаси эса, айтишларича, бундай кўмита асосидаги ғоянинг амалий аҳамияти камлиги борасида жамоатчилик ўртасида бир қанча аччиқ ва, муҳими, ўткир ва ўринли баъмани эътирозларини баён этиб улгургани, булар эса ўз навбатида албатта, бўяб-бежалган, қўшиб-чатилган ҳолда Варвара Петровнага етказилганди. Юракларнинг қанчалар теранлиги бир худога аён, аммо наздимда, Варвара Петровна черков дарвозаси олдида бирмунча хушвақт бўлиб мамнуният билан тўхтади, у ҳозир бу ердан ҳокимнинг рафиқаси ва бошқа ҳамма ўтишини биларди, “майли, ўзи ўз кўзи билан кўрсин, нима деб ўйласа ўйласин, менинг хайрия ишларида иззатталаблигим хусусида яна нима захарханда қилса, қилаверсин, менга бари бир. Мана, ҳамманг кўр!”

– Нима дейсиз, азизам, нима сўрайсиз?

Варвара Петровна олдида тиз чўкиб турган аёлга диққат билан разм солди. Аёл унга ўта хуркак уят-андиша ўтида ёнган кўзлари билан хушнуд ва ихлосона боқарди ва шунда бирдан ўшандай ғалати хихилаб кулиб юборди.

– Нима у? Ким у? – Варвара Петровна атрофни ўраган одамларга амрона савол назари билан қаради. Ҳеч ким миқ этмасди.

– Мазангиз йўқми? Сизга ёрдам керакми?

– Мухтожман... узоқдан келдим... – бидирлади “бахти қаро” ҳаяжондан тутила-тутила. – Мен сизнинг қўлингизни ўпиш учунгина келганман... – у яна хихилади. Болақайлар бир нарса сўраб, эркаланиб элангандай нигоҳ билан у Варвара Петровнанинг қўлини олишга интилди, бироқ, худди кўрқиб кетгандай қўлларини тортиб олди.

– Фақат шу холосми, шунга келдингизми? – раҳмдиллик билан табас-

сум қилди Варвара Петровна, лекин шу заҳоти чўнтагидан садаф портмоне – ҳамёнини чиқариб, ундан ўн рубль олди-да, нотаниш аёлга узатди. У олди. Варвара Петровна ажабсиниб қизиқиб қолди, афтидан, бу аёлни жайдари тиланувчилардан деб бўлмасди.

– Қаранг, ўн рубль берди-я, – деди аллаким тўда орасидан.

– Қўлингизни беринг, илтимос, – бидирларди “бахти қаро”, чап қўлининг бармоқлари билан ўн рубль қоғоз пулнинг бурчагидан маҳкам тутди, пул шабадада силкинарди. Варвара Петровна негадир андак қовоғини солди-да, жиддийлик ва қатъият билан қўлини узатди; аёл уни ихлос билан ўпди. Унинг миннатдор нигоҳи қандайдир хурсандчилик билан порлади. Худди мана шу дамда ҳокимнинг рафиқаси келиб қолди, катта амалдорлар ва бизнинг хонимларимиз атрофни ўраб олишди. Ҳокимнинг рафиқаси тикилинчда беихтиёр тўхташга мажбур бўлди; кўплар тўхтаб турдилар.

– Титраб кетяпсиз, совқотдингизми? – деди бирдан Варвара Петровна ва шартта устидаги хизматкор томонидан илиб олинган ёпинчиғини ечиб, елкасидаги қора шолрўмолини олиб (жуда ҳам қимматбаҳо) ўз қўллари билан ҳамон тиз чўкиб турган аёлнинг яланғоч бўйнига ўраб қўйди.

– Бўлди, туринг, туринг ахир энди, илтимос қиламан! – Аёл ўрнидан турди.

– Қаерда яшайсиз? Наҳотки, унинг қаерда туришини ҳеч ким билмаса? – яна атрофга сабрсиз боқди Варвара Петровна; аммо энди одамлар тўдаси бироз сийраклашганди, таниш, кибор башаралар воқеани томоша қилиб туришар, баъзилар вазмин ажабланишар, бошқалари нима бўларкин деб айёрона қизиқишар, бир жанжал чиқмасмикин, деб кутишарди, учинчилари эса ҳатто кулиб-кулиб қўйишарди.

– Афтидан, Лебядкинлар бўлишади, – деб овоз берди битта яхши одам Варвара Петровнанинг саволига жавобан, бу киши ҳамма ҳурмат қиладиган мухтарам савдогаримиз Андреев эди, у кўзойнақда, соқоли оқарган, русларга хос уст-бошлар кийган, бошидаги шляпасини олиб, қўлида ушлаб турарди, – булар Филипповнинг уйида туришади, Бого-явленский кўчасида.

– Лебядкин? Филипповнинг уйи? Ҳа, эшитгандайман... Ташаккур сизга, Никон Семёнич, ким ўзи у Лебядкин?

– Капитан дейишади, нима десак бўларкин, ўзини тутолмайдиганроқ одам. Рости, бу киши унинг синглиси, чоғи. Назоратда тутарди, чиқиб кетганга ўхшайди, – овозини пасайтириб деди Никон Семёнич ва Варвара Петровнага маъноли қараб қўйди.

– Сизни тушундим; миннатдорман, Никон Семёнич. Сиз, азизам, Лебядкина бўласизми?

– Йўқ, Лебядкина эмасман.

– Балки акангиз Лебядкиндир?

– Биродарим Лебядкин.

– Бундай қиламиз, мен сизни, азизам, ўзим билан олиб кетаман, кейин у ердан сизни уйингизга элтиб қўйишади; мен билан кетишни хоҳлайсизми?

– Оҳ, хоҳлайман! – чапак чалиб юборди Лебядкина хоним.

– Хола, хола! Мени ҳам олиб кетинг уйингизга! – янгради Лизавета Николаевнанинг овози. Айтиб қўяйки, Лизавета Николаевна ибодатга ҳокимнинг рафиқаси билан бирга келган, Прасковья Ивановна эса бу

вақтда докторнинг тавсиясига кўра каретада сайр қилишга кетган, зерикиб қолмаслик учун Маврикий Николаевични ҳам ўзи билан ола кетганди. Лиза бирдан ҳокимнинг рафиқасини кўйиб, югуриб Варвара Петровнанинг олдига келди.

– Жонгинам, мен бажонудил олиб кетаман, аммо онанг нима деркин? – деди сиполик билан Варвара Петровна, аммо бирдан Лизанинг қаттиқ ҳаяжонга тушганини кўриб, тилини тишлаб қолди.

– Хола, хола, сиз билан бораман, – ёлворарди Лиза Варвара Петровна ни ўпаркан.

– Mais qu’avez-vous donc, Lise¹ – ниҳоятда ҳайрон бўлиб деди ҳокимнинг рафиқаси.

– Ох, мени кечиринг, жоним, chere cousine², мен холамникига бораман, – талпиниб кетатуриб орқасига ўгирилиб қаради Лиза ғаш келиб ажабланиб турган ўзининг chere cousine-сига ва уни икки бора ўпиб кўйди.

– Онамга ҳам айтинг, тезроқ холамникига келсин; татам албатта, албатта, кириб ўтаман девди, у кеча ўзи айтган эди, мен сизни огоҳлантираман деб, эсимдан чиқибди, – жовилларди Лиза, – айб менда, жаҳлингиз чиқмасин, Julie... chere cousine... хола, мана, мен тайёрман!

– Хола, агар мени олиб кетмасангиз, унда мен каретангиз кетидан чопиб бораман ва бақираман, – Лиза Варвара Петровнанинг қулоғига тез ва шаддод шипшиди; яхшиямки, ҳеч ким эшитмади, Варвара Петровна ҳатто бир қадам орқага ўзини олиб, тентак қизга ўткир нигоҳини қадади. Шу нигоҳ ҳаммасини ҳал қилди: у Лизани ўзи билан олиб кетишга қарор қилди!

– Буни энди бас қилайлик, – оғзидан чиқиб кетди унинг. – Яхши, Лиза, мен жоним билан сени бирга олиб кетаман, – яна шу заҳоти овозини баланд кўтариб кўшимча қилди: – албатта, Юлия Михайловна сенга жавоб беришга рози бўлсалар, – у очиқ юз ҳамда самимий вазминлик билан тўғри ҳоким рафиқасига мурожаат этди.

– О, мен уни бу хурсандчиликдан маҳрум қилмоқчи эмасман, бунинг устига ўзим ҳам... – ажиб бир назокат билан сўйланди кутилмаганда Юлия Михайловна, – мен ўзим... биламан елкамизда турган бу чиройли бошимиз қанчалар ҳукмпармо ва хаёлларга кон эканлигини (Юлия Михайловна чарақлаб табассум қилди)...

– Ҳаддан зиёда миннатдорман, – одоб-икром билан пўрим таъзим бажо келтирди Варвара Петровна.

– Менга яна шуниси яхшики, – жуда ҳам хурсанд бўлиб кетиб, сўзини давом эттирди Юлия Михайловна хушнуд ҳаяжондан қизариб, – сизникига борса Лизанинг қувончига яна қувонч кўшилади, у шундай гўзал, нима десам экан, яна шундай юксак ҳиссиётга ошно бўлади... ахир у ҳамдард бўлмоқчи... (у “бахти қаро”га кўз қирини ташлади)... яна ... ибодатхонанинг нақ дарвозасида...

– Бу гапингиз ҳар қанча мақтовга лойиқ, – қойилмақом маъқуллади Варвара Петровна. Юлия Михайловна шахд билан қўлини узатди ва шунда Варвара Петровна бажонидил мамнуният-ла бармоқларини унга теккизиб кўйди. Ҳамма чуқур таъсирланди, бу ерда ҳозир бўлган айрим кимсаларнинг чехралари мамнуният-ла чарақлади, бир қанчаларнинг дудокларида ширин ва ялтоқ табассум ўйнади.

Хуллас калом, бутун шаҳар шуни ўз кўзи билан кўриб гувоҳ бўлдики, шу

1 Сизга нима бўлди, Лиза! (франц.)

2 Азиз опагон! (франц.)

чокқача Варвара Петровна назар-писанд қилмай, унинг ҳузурига ташриф буюрмай келган асло Юлия Михайловна эмас экан, аксинча, Варвара Петровнанинг ўзи “Юлия Михайловнани чегарада тутиб турган, агарда Варвара Петровна эшикдан қайтариб юбормайди, деб ишонганда, у яёв юриб борса ҳам, чопқиллаб кўриб чиққан бўларди”. Варвара Петровнанинг обрўси ҳаддан зиёд кўтарилди.

– Ўтиринг, жоним, – Варвара Петровна mademoiselle Лебядкинага етиб келган каретани кўрсатди; “бахти қаро” чопқиллаб арава эшигига борди, хизматкор унга кўмаклашди.

– Вой! Оксаяпсизми! – худди кўрқиб кетгандай қичқириб юборди Варвара Петровна ранги оқариб. (Ҳамма буни пайқади, аммо англамади...)

Карета ғилдираб кетди. Варвара Петровнанинг уйи ибодатхонага жуда яқин эди. Лизанинг кейин менга айтиб беришича, то етиб боргунларича уч дақиқа ичи Лебядкина жоникиб асабий кулиб борган, Варвара Петровна эса “худди қандайдир оҳанрабо уйкуга чўмган”, бу шахсан Лизанинг ўз ибораси.

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси*

Давоми бор

ТАРЖИМОН ИЗОҲЛАРИ

Буюк Помпей (эр.авв. 106–48 й.) – Рим саркардаси. Кассий (мил.авв.40-йиллар) – қадимги Рим зодағони.

Анк Марий – Римнинг тўрт афсонавий ҳукмдорларидан бири. Шаҳарлар, йўллар қурган, конлар очган.

Глюк Кристоф (1714–1787) – опера композитори.

Афон – Шимолий шарқий Юнонистондаги Айон-орос ярим ороли ва шу ердаги монастир.

Фальстаф – В.Шекспирнинг “Қирол Ҳенрих IV” ва “Виндзор ғийбатчилари” асарининг персонажи, шўх, ўйинқароқ кимса.

Содом – Иброҳим пайғамбар замонларида гуноҳлари учун Худо томонидан йўқ қилиб юборилган шаҳар.

Теньер Давид (1610–1690) халқона маиший мавзуларда суратлар чизган фламанд рассоми.



Луис Де ГОНГОРА

Луис де ГОНГОРА (1561–1627) – мумтоз испан шеърляти тарихида чуқур из қолдирган истеъдодли вакилларида. У зодагон оилада туғилиб, асосан, фан ва дин аҳли даврасида салтанат доирасида ҳаёт кечирганига қарамай, доим оддий одамлар орасида бўлгани, камтар, хокисор яшагани илмий адабиётларда таъкидланади. Гонгора шеърляти унинг ҳаётлик давридаёқ катта шухрат қозонган. Унга бағишлаб китоблар ёзилган, рассомлар унинг тасвирини ўз асарларида муҳрлаб қолдирганлар. Сўнги асрларга келиб шоир

ижодида янги бир қизиқши тўлқини кўтарилгани диққатга сазовор. Гонгора Фарбга ҳам, Шарққа ҳам бирдек чексиз ҳурмат билан қарайди. Бир пайт испанлар исломни қабул қилгани ва буюк Амир Темурнинг улар билан муносабати унинг ёзмаларига маълум даражада таъсир кўрсатган, дейиши мумкин. Гонгора шеърларидаги тафаккур кенглиги ва манзаралар тиниқлигини Гарсиа Лорка ҳам таъкидалаган.

Ҳикояларга ўхшаши бу асарларни шоир романтик руҳда, испан халқ қўшиқларига суяниб ёзгани учун романслар деб атайди. Улардан айримлари журналхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

СЕВГИ ЕРУ КЎКДА БЎЛГАН МУНОЖОТ

Ўтиб-ўтмай шўх-шодон
Тўй-томоша, онажон,
Шуми дунёда шева? –
Қолдим ёшгина бева.
Қандай қилмайин, ахир,
Кўзёшимни шашқатор? –
Ичган май бўлиб тахир,
Аскарликка кетса ёр.
Кўйинг, борай қирғокқа,
Дардларимни ювмоққа!

Нега кўндим мен шўрлик,
Керакмиди шу никоҳ? –
Бир дам бахтдан масрурлик,

Сўнг йўлда қазилган чоҳ.
Қайсидир олис ерда
Сенга келса ўлим гар –
Билгин, мени ҳам бирга
Кўмган каби бўлурлар.
Қўйинг, борай қирғоққа,
Дардларимни ювмоққа!

Сени этмоқни ҳалок,
Аниқ, истайди ғаним.
Кўксим қанча қилмай чоқ,
Музга айланган танзим.
Гарчи ёруғдир олам,
Дилда сўнди бутун нур.
Бу не ҳасрат? Не алам? –
Кўзларимни куйдирур.
Қўйинг, борай қирғоққа,
Дардларимни ювмоққа!
Қўйинг! Дарё бўйида
Таралсин ўтли оҳим.
Ёнганим ишқ кўйида –
Шудир фақат гуноҳим.
Оқизмай қанча кўзёш,
Узилдим қора кундан.
Кўксимда оғир бир тош,
Кутулмоқ мушкул ундан.
Қўйинг, борай қирғоққа,
Дардларимни ювмоққа!

Менинг ўрнимда ким у
Чекмасди мендек нола?
Юрибман баъзан жим-у,
Дардим кўкка ҳавола.
Қалби бўлган ҳар бир жон
Сезса, титрар зоримдан.
Айрилдим-ку, онажон,
Мен ўз навбахоримдан.
Қўйинг, борай қирғоққа,
Дардларимни ювмоққа!

Биз ухламай гоҳи тун,
Исиниб қалб қўрида –
Эслайман – кўздан учқун
Сочардик ой нурида.
Шу бахт косаси синди,
Энди ой зор, мен ҳам зор.
Кўрпа-тўшагим энди
Ерда ётган қалин қор.
Қўйинг, борай қирғоққа,
Дардларимни ювмоққа!

* * *

Ўз қавмининг пешвоси ҳабаш,
 У – жангларда билмай хавотир
 Қилич сермаб елган баҳодир,
 Керак пайтда мулойим, дилкаш.
 Ҳар қадамда қулми, хўжами –
 Унга шундан берар эътибор.
 Тўлдиради одам кўчани,
 У ўтганда кўчадан кибор.
 Билгани ор, шараф ва амир,
 Ҳарбда келган нақдинадан бот
 Масжидларни тиклаган бу зот,
 Барча ишда излайди замир.
 Унинг баъзан иродасидан
 Гарчи ёвлар қучганлар зиндон –
 Биров чиқиб эл орасидан
 Пичоқ қайраб юрмаган пинҳон.
 У испанлар тортганда қўшин,
 Қайтарган ҳам қонли босқиндан...
 Фақат билмас амир хоҳишин,
 Амир қандай хаёлга минган.
 Ўйламас у, қилмас тасаввур
 Тайёрланган не жазо унга.
 Юрт эгаси дарғазаб бир қур –
 Ҳукм қилар уни сургунга.
 Не гуноҳи хизматда юрган
 Мард-валломат Абусалимнинг?
 Севмоқликни у раво кўрган
 Амирга ҳам ёққан санамни.
 Мавританлик ўша, юзи ол –
 Гул отади гоҳ шом, гоҳ сахар.
 Йигит учун қулгулари бол,
 Амир учун гўёки заҳар.
 Аламзада ҳукмдор учун
 Қилган каби йигит хиёнат.
 Абусалим бўлсин деб дилхун,
 Асли рашқдан бутун қиёмат.
 Мана, йигит ноилож, кара,
 Энди ғурбат йўлида борар.
 Келиб тўхтаб, Гвадалквивара
 Суви билан отин суғорар.
 Ёлларида қўнғироқчалар,
 Мана, тақиб гўё зар қанот –
 Алланечук бетоқатланар
 Ва депсинар соҳилдаги от.
 Худди рақсга тушар жонивор,
 Бир сўз билан талпинган йўлга.
 Чавандоз ҳам тўкканча викор,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

117

Энди олар тизгинни кўлга.
 Елкадаги ёпкичи ҳарир,
 Нақшларида арабий ёзув:
 “Биз кирган йўл бир умр ҳарбдир,
 Кўзёшларин оқизмаймиз дув!”
 Эгнидаги ёпқич ва чакмон
 Ҳилпирайди елларда хур-хур.
 Гарчи руҳи шикаста, бежон,
 Кўзларида ўлмаган ғурур.
 У ҳис этар, келмас курулдан,
 Шижоатдан ғалаба... Тақдир –
 Камарига аммо тақилган
 Толедода ясалган шамшир.
 Оқ пар унинг дубулғасида,
 Бошин дадил кўтарган жўмард –
 Қалби қолиб ўз ўлкасида,
 Тўйса ҳамки баёнсиз бир дард.
 Ўз юртига бир кун, эҳтимол,
 Қайтиб келар умид отида.
 Ёри билан гарчи йўқ висол,
 Шу ўй турар унинг ёдида.
 Мармолехо, Архондан ўтар,
 Теграсида тоғлар ва қирлар.
 Уни қатор шаҳарлар кутар,
 Унинг қавми бўлган фақирлар.
 Кўришиб бир, хайрлашарлар
 Зодагонлар, беклар ҳам саф-саф.
 Дарчалардан гўзал аёллар
 Кўз ташлашиб кўяр у тараф.
 Улар олар кўзларига ёш,
 Йигит учун чекиб надомат –
 Етармикан йигитда бардош,
 Ғариблиқда чўкмасми қомат?
 Қайлиғи-чи, Абулсалимнинг
 Куйдиргандан айрилиқ доғи –
 Ерга уриб тарс-тарс кўлини,
 Қонар унинг ҳар бир бармоғи.
 Эшитилса кўчадан бир сас,
 Чопар дарча олдида дарҳол.
 Афсус, унинг кутгани эмас,
 Мадад берар биргина хаёл:
 “Баҳодирим! Тилиб кўксимни,
 Гарчи томар кўздан ёш йирик –
 Унутмайман, билгинки, сени,
 То дунёда эканман тирик!”
 “Муҳаббатим! Қолмагин толиб, –
 Дер хаёлан унга йигит ҳам. –
 Ҳеч пайт келмас юракдан ғолиб
 На бу хижрон, на зулму ситам!” –
 Ўз-ўзича шивирлаб шундай,

Қалбида бир дунё ғалаён –
Унинг руҳи ёришиб кундай,
Мана, борар Андухар томон.

* * *

Умидим сўнганида, кўриниб тиниқ осмон –
Зил қопқа очилганча, мен тирилдим ногаҳон.

Арзир кўк гумбазига чизсам энди нақшу зар –
Тутқун эдим, узилди устимдаги кишанлар.

Агар қуёш нуридан бошдан тегса бир парча –
Қопқага тикилмасдан, ўзим очардим дарча.

Топиб мўъжаз бир қайиқ, келтирганча қирғоққа –
Бандиликдан қутулиб, қочар эдим йирокқа.

Лекин мен минган қайиқ синган эди бошданоқ –
Кун кўрмаслик насибам, бўлгандан қуруқ таёқ.

Мен барибир, ҳаётни севгандан тушмадим паст,
Бир кун илоҳа Амур қилганда ҳам менга қасд.

Ўша болакай узди кўксимга камондан ўқ –
Бахтим аравасида борар эдим, дардим йўқ.

Юракда пуч орзулар, умиддан терс бир ҳолат:
Дўзах аро роҳату жаннат аро малолат.

Қанча талпинса арзир чиндан ҳам, сенга, осмон,
Ерда сенинг нурунгдан баҳра топар ҳар бир жон.

Сенда ёнган буюк шам айтар тангрига сано –
Олам тўла мушк-анбар, гарчи қисматдир фано.

Биласизми, менга ким дарсин берди ўйлашнинг? –
Дея, ҳозир даврими бор рост гапни сўйлашнинг.

Бу – сен эдинг, сеньора, менга шафқатсиз санам –
Лекин менинг руҳим – у, менинг яйраган танам.

Бир дам бериб эътибор, тинглагин, нозик малак,
Топган телба феълимдан менинг ўзим ҳам ҳалак.

Гоҳида ҳатто итинг мени бир тўнками, деб –
Усти-бошимни бутун ғажиб ташлар, бериб “зеб”.

Ҳар гал айланиб чиқиб теграмда хотинталоқ –
Кейин, ишин битқариб, отиб қолар шаталоқ.

Неча бора оқшомлар ҳасратдан тугаб бардош –
Шудгор қилиб кўчангни, териб чиқдим майда тош –

Кутиб боқишинг бир қур дарчангга тошлар отиб –
Умиддан сахаргача қолдим кўчада қотиб.
Неча кунлар дардингда яшадим ютганча қон –
Бундоқ ўз хизматимга ўзим ҳам қолиб хайрон.

Овора-сарсонлигим баъзан тегди жонимга,
Озиб, ёпишиб кетди этим устихонимга.

Неча муддат шу тахлит мен юрдим ғариб ва хор –
Ўз-ўзига бепарво, ўз-ўзига ғамгусор.

Қўлим чарчаб-толгунча, қоралаб сонсиз бетлар –
Кейин тўқиб ташладим сен ҳақингда сонетлар.

Телба алжирашлардан бари эди иборат –
Сени кулдирди, холос, мен қурган бу иморат.

Не ёзсам, рост деб билдим, сен-чи, хушрўй, хушқомат, –
Барисини атадинг бировларга хушомат.

Кеч тун чалиб гитара, мен хайқирдим неча бор:
– Қултум сув бер, сеньора, юрак куймоқда, нигор.

Лекин боқмай ҳолимга, менга қилмадинг шафқат, –
Устимга бир челақ сув сепди қўшнилари фақат...

Хайр энди, барибир меҳрибонсан сен, дилдор, –
Ёзда қуёшнинг тафти, қишда илинганинг қор.

Барибир, раҳмат, менга сен ўргатдинг кўп бора:
Ҳар бир телба ўзига ўзи излашни чора.

* * *

Барбарлардан¹ жангда тортиб олинган,
Кенг бир ўтлоқзорга ҳайдаб солинган,
Қон юққан, топталиб қолган ўтлардан
Ҳурксиниб чекинган
Учқур отлардан –
Оранлик бирини шошмасдан танлар.
Испан саркардаси сумбатни англари, –
Билар от баҳосин гижинглашидан,
Қулоғини динг этиб сўз тинглашидан.
Ниҳоят, минар у шу учқур отга,
Кейин, қарагандек ўлжа жонзотга –
Ғаним саркардасин олар ортмоқлаб,
Йўлга тушиб кетар отига боғлаб.
Энди йўлда борар чиқариб қанот –
Сокин далаларни қўмсаб қолган от.
Гоҳ-гоҳ ерга қўниб сапчиган учун
Отнинг туёғидан сачрайди учқун.

¹ Б а р б а р – варвар, ёввойи.

Қора танли асир хўрсинар ҳар дам,
 Қунишиб олган у, унинг боши ҳам.
 Бир маҳал ўзининг ҳолидан огоҳ
 Бўлгандек ахийри, йиғлар баногоҳ.
 Сал паришон боқар асирга испан
 Бир оз ноқулайлик туйгандек ҳисдан.
 Наҳот, жангда шердек ташланган ҳабаш
 Турар ожизликка кўрқув аралаш?
 Истаб кўтармоқни бу ҳолдан парда,
 Мағлуб саркардадан ғолиб саркарда –
 Сўради: сабаб не бундай бебардош,
 Ғўр бола сингари тўкмоққа кўзёш?
 Шунда, берилмасдан жаҳл-зардага,
 Бағрикенг сўз қотган бир саркардага –
 Иккинчи саркарда иқрорга борди,
 Қалбида беркинган дардини ёрди:
 – Сен бўлмай фақатки қудратли ҳарбий,
 Кўксингда бор экан юракнинг зарби.
 Мени икки қатла айладинг асир,
 Жангда – бир, одамлик жабҳасида – бир.
 Менинг дардларимни билмоқ истайсан,
 Балки қистамайсан, балки қистайсан.
 Шу он дунё кўзга бўлса ҳамки тор,
 Мен бутун ҳолатни қиламан изҳор.
 Туғилдим Гельнаҳда, бамисоли сел
 Босқинга ўшанда учраганди эл.
 Онам олиб кетди Тременон томон.
 Отам ўлган экан – онам гапидан –
 У корсарлар аро бўлган капитан.
 Мелиондан келган оила билан
 Кўп пайт кўшни турдик биз тасодифан.
 Улар мавританлик боёнлар қавми,
 Қизи бор, эслатар худди оловни.
 Ёшлиқдан эркимга бўлди кушанда,
 У малика эди, мен ғариб банда.
 У бир сахро қизи, сахрода илон
 Заҳар тўплаб юриб, олган каби жон.
 Шундай гўзал эди ва лекин у қиз,
 Нурдан яралгандек покиза, нафис.
 Гуллар рашк этгудек чехраси гулгун,
 Уялиб турарди қаршисида кун.
 Сочлари мавжидан дарё хижолат,
 Қошу кипригида тун каби ҳолат.
 Унга қарасанг, бас, қамашарди кўз,
 Бир нима дейишга топилмасди сўз.
 Биз ёнма-ён ўсдик ўша илк ёшдан,
 Амур қалбимизга ўқ отди бошдан.
 Эски дostonларга ўхшаш жойи йўқ –
 Бизга таъсир қилди икки хилда ўқ.
 Ўқ менинг кўксимни айлади пора,
 Гўё бир шоҳ эдим, бўлдим бечора.

У қиз-чи, кундан кун бедард, бепарво,
 Қайрилиб қарашни кўрмади раво.
 Ҳеч билиб бўлмасди кўнглида не бор,
 Босган қадамимда – тиклагани дор.
 Бу майли, қанчага сенда бор бардош,
 Дегандек мен томон отар эди тош.
 Алкисса, яқинда у юмшаб бир оз,
 Сен асирим, деди қилганича ноз.
 Мен бу кун енгилиб, сенгаман асир!
 У менинг устимдан кулмасми, ахир?
 Бутун воқеа шу, тўғриси, жаноб,
 Дунёда кимса йўқ менчалик хароб.
 Икки асирликнинг ўртасида фарқ
 Қидириб, бўлдим мен изтиробга фарқ...
 Бу дил изҳоридан испан қолди лол,
 Жисмини чулғади ширин бир хаёл –
 Қанийди, шу йигит сингари содда
 Ҳар ким устун кўрса ишқни дунёда.
 Тортиб от жиловин, деди:
 – Эй ҳабаш!
 Сен шу дам эслаган тенги йўқ махваш
 Чиндан этган бўлса юрагингни ром,
 Қолган даъволарнинг барчаси ҳаром.
 Севги еру кўкда бўлган муножот,
 Аммо ҳар ким олмас бундай мукофот.
 Тангрим сенга бермиш ҳайбатингга мос
 Катта бир юракда катта эҳтирос.
 Тангрим сенга бермиш боз қилсам накл,
 Эҳтиросдан бўлак муносиб ақл.
 Яралаган экан кўксингни Амур,
 Боргин, ёр олдида асирликда тур.
 Мен-чи, ёт қўшиқни қўйибман қуйлаб,
 Бировнинг асирин меники ўйлаб.
 Қўлимдан келгани – сенга эрк сийлов,
 Сен учун талаб ҳам қилмайман тўлов.
 Менга керак эмас бирон сийму зар,
 Етар бўлмаганим менинг ишқбузар!
 Бундан сўнг тутганда ишқни муқаддас,
 Ҳар қачон мени ҳам эслайсан, шу бас! –
 Шундай деб сакради саркарда отдан,
 Асирин туширди “учқур қанот”дан.
 Тирик сўз, бор ҳолат этганча таъсир,
 Унинг оёғига йиқилди асир.
 Деди:
 – Ҳаётда кам сендек валломат,
 Сенга йўлиққаним мен учун омад.
 Қалбим ва ҳурматим бўлсин сенга бож,
 Ҳеч пайт менга ўхшаб қолма ноилож.
 Доим сенга бўлсин ҳаётда паноҳ –
 Менинг сиғинганим Ягона Оллоҳ.
 Ёмғир ёғганда ҳам, ёғганда ҳам қор –
 Эзгу амалларинг бўлсин давомдор!
 ЖАҲОН АДАБИЯТИ



Робер МЕРЛЬ

Робер Жан Жорж Мерль 1908 йилнинг 28 августида Жазоирда туғилди. Унинг отаси Феликс Мерль ҳарбий таржимон бўлиб, унинг вафотидан сўнг онаси фарзандларини олиб Францияга кўчиб келади ва оиласи билан шу ерда яшаб қолади. Робер Мерль Париждаги Буюк Людовик лицейида фалсафа ва инглиз тили ўйналишида таълим олади ва уни битириб, ўқитувчилик билан шуғулланади. Шу пайтларда у Жан-Пол Сартр билан танишади. Мерлнинг илк эълон қилинган иши Оскар Уайльднинг ижодига бағишланган докторлик

диссертацияси бўлганди.

Ўзувчи ижодига фалсафий ва ижтимоий қарашлар кучли бўлиб, у инсонпарварлик руҳи билан суғорилган. Мерль кўп қиррали ижодкор, у бир қанча пьеса, биографик асарлар, тарихий романлар ва Франция ўтмишига оид 13 жилдлик қадимий халқ достонлари, афсоналари муаллифидир.

Ўзувчи 1949 йилда “Океан бўйидаги Уик-энд” асари учун Франциянинг энг олий адабий Гонкур мукофотида сазовор бўлган.

Робер Мерль 2004 йил Париж ташқарисидаги уйида 95 ёшида оламдан ўтган.

ИЗАБЕЛЛА

Ҳикоя

Герцог Браччано, яъни Паоло Орсини хотинининг вафотидан сўнг ғалати хунарлар чиқара бошлади. У Тоскан герцогининг йигирма бир ёшли қизи Изабелла Медичига уйланди. Бу никоҳнинг бошида куёв ва келиннинг ота-оналари туришди. Тўй узил-кесил аниқ бўлгандан сўнг кекса Орсини ўғлини чақиртирди-да, баландпарвоз ва таъсирли сўзлар билан бу никоҳнинг нечоғлиқ манфаатли эканини далил-исботлар билан унинг миясига қуйди. Паоло тишини тишига қўйиб, унинг гапларини охиригача тинглади. Нима бало, деб ўйлади у, отам қандайдир яссикўкрак, сариқмашак, миясига хурофот ин қурган бир роҳибани менга хотинликка олиб бермоқчими дейман. Паоло ҳамма гапни у қулоғи билан эшитиб, бу қулоғидан чиқарди-да, кекса Орсинига бошини эгиб миннатдорчилигини билдирди, сўнг тўп ўйнагани чиқиб кетди.

Изабеллани кўришга Паолони мажбур қилишмагунча у ҳали қизни мутлақо кўрмагани ва кўришга ҳам орзуманд эмасди. Бу пайтларда у, аллақачоноқ суюқоёқ Лукрециянинг тузоғига илиниб, майшатпарастликдан боши чиқмай қолганди. Лукреция эндигина ўн беш ёшга тўлган бўлса-да, бинойидек ақл-фаросатию хуш табиати билан герцогни ўзига

ром этганди. У айнан Изабелла билан учрашув белгиланган оқшомда, кечки овқат маҳали Лукрециянинг ҳузурида бўлишни кўнглига тугиб қўйганди ва бу режага дабдурустдан қўйилган тўсиқдан қони қайнаб, бўлажак хотинининг ёнига ёқимсиз кайфиятда кириб борди. Ғазабини яширишни эплогмаганиданми ё буни истамаганиданми, ҳуллас, ғиғони фалакка чиққанини беркитиб ҳам ўтирмади, ерга боққанча қизнинг ёнида ҳозир бўлди, бошини кўтариб қаради-ю, қаршисида турган ўрта бўйли, кўҳликкина, хушбичим, кўзлари тийрак, йигитни яхшироқ билиш илинжида унга айёрона тикилиб турган соҳибжамол қизни кўриб ҳайратдан тонг қотиб қолди. Йигит бош эгиб салом берди. Қиз ҳам, гарчанд унинг нигоҳлари бунинг аксини айтиб турган бўлса-да, барибир йигитнинг иззатини жойига қўйди – унга таъзим бажо қилди. Бу ишвадан йигитнинг юраги “жиз” этиб кетди ва у бир зумга Лукрецияни унутди.

– Муҳтарам жаноб, – деб сўз бошлади Изабелла, уларни базўр ёлғиз қолдиришгандан сўнг намойишкорона самимийлик билан, – тан олиб айтишимиз керакки, иккимизни ҳам пичоқсиз сўйишди. Ота-оналаримиз туйғуларимизни назар-писанд қилмай, бошимизни қовуштиришмоқчи, айтинг-чи, бундай никоҳ бизни бахтли қила олармикан? Ҳамонки, ўзга иложимиз йўқ экан, насронийларга хос итоаткорлик билан пешонамизда борини кўраверамиз-да. Менга келсак, ҳаётингизни бузиш ниятим йўқ, тўйдан сўнг мени ўзингизга қарашли ер-мулкка жўнатиб юбориб, бу дунёда мендек қиз борлигини унутиб юборсангиз ҳам сиздан заррача ранжимасдим, қайтанга бундан ўзимни бахтиёр ҳис этган бўлардим...

Шундай кайфиятда, бирон марта ҳам адашмай-нетмай, одоб-ахлоқ доирасида Изабелла Медичи суҳбатдошига тешиб юборгудек тикилганча, роса ўн дақиқа гапирди. Герцогнинг оғзи ланг очилиб қолганди. У Италиянинг энг кетворган йигитлари сафидан жой олгани учун ҳам шундай зебо қиз ундан умрбод йироқда яшаш истагини билдирганидан жуда ҳам ҳайрон қолганди.

– Ойимқиз, – деди йигит, ниҳоят тилга кириб, – одам бўлажак турмуш ўртоғига ҳам шундай дейдими! Мени энди кўриб турган бўлсангиз-у, дарров қочиб қолишни ўйлаясизми?

Изабелла “насронийларга хос итоатгўйлик”ни дам-бадам тилга олиб, яна ўзининг узундан-узоқ нутқини бошлади. Герцог охири қиз уни калака қилаётганини пайқаб қолди. Учрашмасларидан аввал бу никоҳга хуши йўқлигини, ҳозир эса фикри ўзгарганини ва қизнинг ёнида бўлишдан бахтиёр эканини у такаллуфсиз, муғомбирлик қилмай, ақл-хушини бир жойга қўйиб, айтиб қўя қолди.

– Йўғ-эй, – деди Изабелла очикдан-очик уни масхаралаб, – ростдан-а? Наҳотки Лукреция хоним билан бирга бўлишдан кўра, мен билан суҳбат қуришни афзал кўрсангиз?

Дарҳол ўртадаги хафагарчиликни юмшатиш мақсадида, ўз ҳазилига ўзи биринчи бўлиб кулди-да, суҳбатдошига ёқимли қараш қилиб, унинг қўлига суянди.

Илк учрашув бинойидек анчагача чўзилди. Паоло ҳайратининг чеки йўқ эди: Изабелла асилзодалардан бўлса-да, аслида ҳам оқсуяклар ичида куймаланиб юрувчи қандайдир суяқоёқ аёлдан ақли анча зийрак чиқиб қолганди.

Унаштирилганлар суҳбатлашаётган хонага уни ёллаган ашаддий ғаламис – кекса Орсинига барини оқизмай-томизмай етказиб турувчи айғоқчи яшириниб олганди. Ишлар ўзи истагандек тус олаётганидан ха-

бар топган Орсинининг оғзи кулоғида эди. Паолонинг баттол феълидан бохабар бўлган қария, насл-насаби учун манфаатли бундай никоҳдан қурук қолишдан чўчир, ўғли ёш герцогиняни ва қиз оркали унинг оиласини ранжитиб қўйишидан хавотирда эди. Қария Орсинини бир неча йиллардан бери оғир дард азоблаб келарди, шу туфайли у бутунлай ҳолдан тойиб қолганди; отанинг бирдан-бир армони мана шу никоҳни кўриб қолиш эди. Изабелла ўғлининг ақл-хушини олиб қўйганига ишонч ҳосил қилган қария чуқур мамнуният ҳиссини туйди-да, ўзининг бош котиби ва синашта бўлган вакилига: “Энди ўлсам армоним йўқ”, – деди ва орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай дунёдан ўтди.

Изабелла Паолога ўғил ҳада этиш бахтига муяссар бўлди. Болага Виржинио деб исм қўйишди ва Изабелланинг акаси, Тоскан герцоги Франческо Медичи чакалоқнинг чўқинтирган отаси бўлди. Франческо синглиси Изабеллага фавқулодда бошқача меҳр қўйганди ва ҳамиша қизга қаттиққўллик билан муносабатда бўлиб келарди. Бир куни Изабелла жилмайганича эри Браччанога агар Франческо герцог унвонини улар турмуш қурмасларидан аввал олганида, акаси бирон нимани баҳона қилиб уларнинг тўйини тўхтатиши ва синглисини черковга ҳайдаб солган бўлиши мумкинлигини айтиб қолди.

Эр-хотиннинг ўн саккиз йиллик турмушлари мобайнида Браччанонинг герцогиняга муҳаббати шундай кучли бўлдикки, ҳеч бир аёлнинг герцогни узок муддат ушлаб туришга қурби етмасди. Бироқ герцог аскар эди, у олис юртларда жангда бўларди. Изабелла ўзини ташлаб кетилган аёлдек ҳис этарди. Эрининг хиёнатларидан хабар топганида аламини ичига ютарди. Бир куни Паоло саккиз ойлик ҳарбий сафардан қайтгач, рашк ўтида ёнган Изабелла эрини совуқ кутиб олди ва оғзига келган ҳар хил пичинг гапларга Паолони кўмиб ташлади. Худо уни ақл-фаросатдан қисмаганди.

– Жин урсин, хоним! – деди иззат-нафси оғриган герцог. – Менга бўлмағур айбларни тақашни бас қилинг! Наҳотки сиз мени йўл бўйида тасодифан дуч келиб қолган қандайдир қишлоқ қизидан қизғансангиз? Нима, очдан ўлай деб турганимда, сизнингча, ўз насибамдан воз кечишим керакми?

– Мен бўлсам, жаноб, – мағрур эътироз билдирди Изабелла, – дуч келган ердан қорнимни тўйғазишдан кўра очдан ўлишни афзал кўрган бўлардим.

Бу жавоб герцогга айил ботди. У лом-мим демай ранги-кути ўчганча хонадан чиқди-да, отга миниб, бир бадар кетганча нақ бир йилгача қорасини кўрсатмади. Агар отасининг устомонлигидан унга заррача юққанида эди, у биронта хизматкорга герцогиняни кузатишни топширарди-да, эрининг суратидан бўса олмагунча, ухлагани ётмаслигидан дарак топган бўларди. Одам бўйи баравар қилиб ишланган бу сурат деворга осилмаганди, балки ерга қўйиб, чеккасидан деворга маҳкамланганди, шунинг учун у худди хотинининг хонасига кириб келаётгандек таассурот уйғотарди. Ҳар куни кечқурун Изабелла тунги қўйлақда яланғоч елкаларига сочини ёйиб, эрининг суратига ёпишганча, бор овозила оҳ-воҳ қилиб кўз ёш тўқарди. Унинг бўйи унча баланд бўлмагани боис расмдаги одамнинг лабига лабини теккизиш учун оёқ учида туриб чўзилишига тўғри келарди.

Герцог Изабелла билан 1576 йилнинг баҳорида яна учрашди. Хотинининг мендан кўнгли қолган, деб уни унутиш учун бечора нималар қилмади. У ўз сурати ёнига ўтириб олди-да, иложи борица унга қарамасликка ҳаракат қилди ва герцогинянинг ҳурматини жойига қўйиб

бир-икки оғиз гапирди. Изабелла бу манзарани хаёлида бутунлай бошқача тасаввур қилганди. Ушбу учрашувдан илгарироқ Браччано Лукреция билан бояги-бояги эски алоқаларини бошлаб юборгани ва икки кун аввал кечки овқатни у билан егани Изабелланинг қулоғига етиб келганди. Буни эшитган герцогиня баттар қайғуга ботди. Хизматкор бекалардан бирининг айтишича, Лукреция Изабелладан биров кичик бўлиб, ўртадаги арзимаган бу тафовут ҳам унинг наздида алоҳида аҳамиятга эга эди. Изабелланинг ёши энди ўттиздан ошган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бўлса-да, лекин мен қариб, сўлиб, жозибамни йўқотганман деб ўзини ишонтиришга уринарди.

Унга тинчлик бермай қўйган ўй-хаёллардан Изабелланинг ранг-рўйи бир ҳолатда эди, хотинини келиб кўрган Браччанонинг хаёлига бошқа фикр келганди. Муҳаббатини герцогнинг суратига қараб қайта-қайта изҳор этишдан чарчамаган Изабелла, энди ўша расмнинг асл нусхаси ёнида ўнғайсиз бир ҳолатда сукут сақлаб ўтирарди. Унинг хаёли Лукрецияда эди ва у герцогни ҳақорат қилиб юборишдан чўчиб, гап бошлашга юраги дов бермаётганди. Энди аёл барча кўнгилсизликларга дучор қилган ўзининг фаҳм-фаросатига ишонмай қўйганди. Кишига азоб беришдан на-рига ўтмайдиган бу зўраки самимийликдан тоқати тоқ бўлган Изабелла ўрнидан кўзғалди. Браччано уни бу тахлит тез кузатиб қўйишаётганидан жуда ранжиди ва кетишга тараддулланиб, Изабелланинг қўлидан бепарвогина ўпди-да, тескари ўгирилди. Эшик олдида етганида, суратга кўзи тушди. Ўн йил аввал ҳали герцогиня уни севган пайтларда ўзининг қандай бўлганини алам билан эслади. Герцог бирдан тўхтади-да, суратга синчиклаб разм солди ва бирдан суратдаги кулиб турган, самимий бу йигитнинг энди шарти кетиб, парти қолган шўрпешона эркакка ғижиниб қараётганини ҳис этди. У герцогиняга ўгирилди-да:

– Суратим бу ерда жуда кўп жойни эгаллабди, уни бу ердан олиб кетишларини айтаман, – деди рўйхуш бермай.

У хиёл бурилганча ердан кўз узмай бир оз кутди. Аёлдан садо чикмагач, унга назар ҳам ташламай, чикди-кетди. Хотини ўзи истаганда ҳам оғиз очишга мажоли қолмаганди: Изабелла каравотга суянганча жим, ҳиссиз қотиб турарди.

* * *

Эртасига герцог жўнаб кетди. Изабелла уни бир талай мулозимлар ҳамроҳлигида саройдан чиқаётганини деразадан кузата туриб, герцогни гўё сўнгги бор кўраётгандек бир ҳисни туйди. У саккиз йил аввал герцог унга ҳадя қилган олмос безакли ихчамгина ханжарни олди-да, юрагига санчишига бир баҳя қолди. Ойша унинг қўлидан тутиб қолди. Изабеллани ўғлидан ажратганларидан бери у шу қизга боғланиб қолганди. Акаси Виржиниони саройнинг ишончли хизматкорларига топширганди. Ҳали ўн бешга ҳам тўлмаган мавр қизининг герцогинянинг қўлидан ханжарни тортиб олишга кучи етмасди, шундай бўлса-да, қизча хонимни яна бир бемаъни уринишдан тўхтатиб қолиш учун уни тишлаб, юмдалаб жони борича ҳаракат қилди. Ойша бирдан нобоп ўгирилганди, тиғ унинг бетига тегиб ёриб юборди, қизгинанинг юзидан қон тиркираб оқа бошлади. Герцогиня кўрққанидан қичқириб юборди. У хизматқорни ўлдириб қўйдим деган хаёл билан ханжарни итқитди-да, муштдеккина чўрини бағрига босди, унинг тирик эканини кўрганидан сўнг сал-пал эркин нафас ола

бошлади. Бу кўргиликлар ундаги бор ғам-андухларни ҳам тарқатиб юборди ва Ойшанинг жароҳатини яхшилаб ювиб-тозалаб бўлганидан сўнг ўлим тўғрисидаги бемаъни хаёлларга бошқа берилмайдиган бўлди.

Беш йилдан буён герцогинянинг уйида бўй-басти, афт-ангори, ҳатто феъл-атвори билан ҳам куйиб қўйгандек герцогнинг ўзига ўхшаш, унинг узок қариндошларидан Троило Орсини деган кимса эшик оғаси бўлиб хизмат қиларди. Бу одамнинг герцогдан ягона фарқи, ўзига топширилган вазифани сидқидилдан ҳалол адо этишида эди, герцогдек бахтли бўлиб туғилиш насиб этмагач, нимаям қилсин. Изабелла эри йўқ пайтларда ўзи бошқаришига тўғри келадиган ҳовли-жойда ўлгудек зерикарди, ваҳоланки, вақтини чоғ ўтказиш учун абжирлик, куч талаб этувчи кўнгилочар ўйинлар унинг учун муҳайё эди, у соатлаб от чопарди, тирмашиб қояларга ҳам чиқарди, сўнг қизиб кетганидан тоғнинг муздеккина сойига ўзини ташлаб ҳовурини босиб ҳам оларди. Троило Орсини ёнидан жилмай унга ҳамроҳлик қиларди. Бу сарой хизматкори унга кўнгили қўйганди ва Изабелла буларни гарчи сезмаса-да, Орсини вазифасидан фойдаланиб, герцогиня ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги учун аёлга анча-мунча майда хизматлар кўрсатиб турарди. Троилонинг туйғуларини Изабелла мутлақо пайкамасди; у бор-йўғи хизматкор эди, холос, Изабелла унга ўзининг содиқ ити ёки отига қарагандек қарарди, ундан ортиқ эмас. Аёл секин-аста уни ўзига яқинлаштиришга журъат этиб, дам-бадам унинг қўлига суянар, уни ўз хонасида қарши олиб, унинг олдида ечинарди ҳам...

Троило бир пайтлар герцогнинг қўшинида хизмат қилганди, хизмат қилганда ҳам мардларча жанг қилиб, ўнг қўлидан яраланганди, шушу у бутунлай ярқисиз бўлиб қолганди. Бу мажруҳлик уни жанговар қаҳрамонликлардан воз кечишга мажбур этганди. Шундан сўнг герцог Орсинининг гарданига хўжаликни бошқариш вазифасини юклаб қўйганди, гарчанд бу иш унинг кўнгилидагидек бўлмаса-да, бироқ у ўзига топширилган ишни сидқидилдан адо этишга ўрганиб кетганди. Герцогиня Орсинининг ўзига яқинлашишга изн берганда, бошда ҳаловатнинг авж палласига эришганини ҳис этди-ю, бироқ кейинчалик бундан қаттиқ кўнгили қолди. Бир тарафдан эҳтиросдан эси оғай дерди, бошқа томондан севган аёлининг унга жонсиз буюмдек муносабатда экани уни изтиробга соларди.

* * *

Браччано жўнаб кетгандан сўнг икки ой ўтиб, герцогиня Троилони қақаришни буюрди. Эрталаб кун одатдагидан иссиқ, ярим яланғоч Изабелла Ойшанинг ёнида сочини таратиб ўтирарди. Хизматкор келганида аёл бошини ҳам кўтармай, ўлиб қолган тўтининг аҳволини суриштира кетди. Троило бир лаҳза тилдан қолди. У бир вақтнинг ўзида ҳам хоҳиш, ҳам ғазаб ўтида қийнаётган унинг гўзал елкаларидан кўз узолмай қолди. “Бу қандай бедодлик, – ўйлади у, – нима, мен эркак эмасманми, аёллар тап тортмай менинг ёнимда ечинаверади?” “Эркак эмас” деган сўздан унинг баттар фиғони фалакка чиқса-да, барибир тишини тишига босди.

– Шундай қилиб, Троило, тўти... – деди герцогиня сабрсизлик билан ўша-ўша бошини кўтармай.

– Шундай қилиб, хоним, – чўрт кесиб деди Троило, – тўтиларингизга қараш учун энди саройдан бошқа хизматкор ёллайсиз. Эртадан бошлаб мен сизнинг хизматкорингиз эмасман.

Бундай оҳанг герцогиняни хайрон қолдирди, чунки Троило унга ҳар

доим ўта одоб билан мурожаат этиб келарди. Аёл бошини кўтарди, икки ой аввал Браччанонинг сурати қўйилган жойда Троило Орсини деворга суяниб турарди. У қўлларини кўкрагига чалиштириб, ғазабли нигоҳини аёлга қадаганди. Герцогиня сесканиб тушди. Бу нақ герцогнинг нигоҳи эди.

– Троило, нима гап ўзи? – деди хизматкорнинг шартакилигидан ўзига келолмай аёл. – Сизни хафа қилишдими дейман?

– Ҳа, хоним, – деди мулойим овозда Троило ҳамон аёлдан дарғазаб кўзларини узмай, – мени аёвсиз таҳқирлашди.

У қалтираб турган кўллари билан Изабелланинг ўзини кўрсатди.

– Ҳали менми, Троило? – азбаройи ҳайратдан қичқириб юборди герцогиня. – Ҳали менми сизни таҳқирлаган? Нима қилиб таҳқирлабман?

– Мана, хоним, нима қилиб, – деди у қўли билан аёлнинг ярим яланғоч танасини кўрсатиб.

Гап нимада эканлигини дафъатан Изабелла тушунмади. Тушунгандан сўнг юзи чўғдай қизариб кетди. Троилонинг биргина ишораси унга жонсиз буюмдек қарашларини чиппакка чиқариб юборганди. У ўзини четдан ярим яланғоч, бунинг устига эркакларнинг кўз олдида кишининг ғашини келтирадиган киёфада кўрди. Шарм-хаё, ғазаб ва нафрат бир бўлиб унинг кўнглини шунақанги алғов-далғов қилиб юбордики, сал бўлмаса ҳушдан кетаёзди.

– Ярамас! – қичқирганча сапчиб ўрнидан туриб кетди Изабелла. – Ҳали сен ўз бекангга кўз олайтирадиган бўлдингми! Сен-а?! Хизматкор бўла туриб-а?!

У югуриб тўшаги ёнига келди-да, ёстик тагига яшириб қўйган ханжарни олиб, Троилога ташланди. Троило бор бўйича қаддини ростлади-да, ўша-ўша қўлини ковуштирганча тек қотиб тураверди. Хизматкор ҳали бу даражада герцогга ўхшаб кетмаганди.

– Итвачча! – деди аёл тесқари қараб, жаҳд билан ханжарни хонанинг нариги бурчагига улоқтираркан. – Йўқол! Бундан кейин қорангни кўрмай!

– Шундай бўлгач, мен бу даргоҳдан ҳозироқ кетаман, – совуққина деди Троило.

– Эртага! – бақирди герцогиня нима деяётганини ўзи ҳам англамай. – Ўзинг “эртага” деддингми, демак фақат эртага кетасан! Агар итоат этмасанг, сени қамаб қўйишларини буюраман!

Троило аёлга ғалати қаради.

– Мен нима ҳам дердим! – деди у мутлақо хотиржам оҳангда. – Ихтиёр сизда. Эртага десангиз, эртага-да.

У таъзим қилди-да, чиқиб кетди. Ғазабдан кўзлари ёнган герцогиня қаттиқ тугилган муштумларини тишлаганча хонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб-келарди. Бу телбалиқдан у узоқ вақт халос бўлолмади.

– Нега жаҳлинг чиқяпти? – дафъатан сўради Ойша мавританча таомилга кўра унга “сен” дея мурожаат этиб, – у эркак бўлса, сен эса кўзга яқин аёл бўлсанг.

– Эшик оғаси! – қичқирди герцогиня. – Менинг хизматкорим!

Давом этиришга энди аёлнинг ҳоли қолмаганди. Бошқа сўз ҳам тополмаётганди.

– У ахир эркак бўлса, – такрорлади Ойша унга маъноли кўз ташлаб.

Бу нигоҳ герцогиняни таажжубга солди. У ўта зийрак аёл эди, шу боис Орсини иккаласи ўртасидаги мужмал муносабатни фаҳмламаслиги мумкин эмасди. Ўзини саркашлиқдан тиёлмай, эвазига топган ҳузур-

ҳаловат учун ўзини лаънатларди. Менинг баданимни томоша қилганидан қанчалик ҳузурланаётганини билмас даражада овсар эмасман-ку.

– Оҳ, қабоҳат! – деди герцогиня баланд овозда яна хонанинг у бурчидан бу бурчига бориб келаркан. – Унинг эркаклигини гўё билмагандек ўзимни гўлликка солдим... Бориб турган таннозу энг паст суюқоёқ ҳам бундай... – давом этди аёл зўр ҳаяжон билан ва гапи охирига етмади. – Орсини шундай олийҳиммат асилзодалардан бўлса, бунинг нимаси ажабланарли...

Аёл бирдан Орсинини оқлаётганини фаҳмлаб қолди ва унинг кўполлиги ўзини кўпам ҳақоратламаганини хавотир аралаш сезиб қолди.

– Ҳақоратланган эмишман, бироқ кимнинг олдида? – деди ва бирдан кулиб юборди.—Ўзимни ўзим алдашдан нима фойда? Мен ўзи кимман – герцогиня Браччаноми ё ташлаб кетилган аёл? Устига-устак энди ёш эмасман, – кўшиб қўйди у, ойнада унга ҳафта мобайнида тинчлик бермай келаётган ажинга боқаркан.

Юзидаги ажинга кўзи тушиши биланок унинг кайфияти тушиб кетди. Ўринга ўзини ташлади-да, юзини ёстикқа буркади.

– Нима бўпти! – деди у кечқурун бир оз ўзини босиб олгач.—Мен тўғри йўл тутдим. Орсини эртага жўнаб кетиши бирдан-бир тўғри йўл... Қанақасига! – бақириб юборди у яна ўша заҳоти. – Демак, у ҳам мени ташлаб кетар экан-да?

“У ҳам-а” деган сўзни тилга олганида, қаттиқ уят юрагини ўртаб юборди. Аёл бирдан Орсинини герцогга тенглаштириб хато қилаётганини пайқаб қолди.

– Хизматкор! – деди у овозини чиқариб. “Хизматкор” сўзи унча-мунча бўлса-да, шўрлик герцогиня истаса қўл силташи мумкин бўлган улар орасидаги бирдан-бир ягона мустаҳкам тўсиқ эди. Шафқатсиз ғам-ғусса уни азоблашдан чарчамасди. Герцогиня Орсини жўнаб кетгандан кейинги ҳаётини кўз олдига келтирди-да, ундан юз ўгирган герцогдан сўнг аёлни ўз ғамхўрликлари билан қўллаб-қувватлаб турган ягона инсон эканлигини тушуниб етди. У беихтиёр қачонлардир Браччанонинг сурати турган жойга назар ташлади ва суратни у ердан олиб кетишгани ёдига тушди. Сўнг анча вақтгача қараётган бир ҳолда ўз тўшагида қимирламай ўтирди.

– Кетса кетаверсин! – деди у охири бошини қўтариб. – Ор-номусли аёл шундай йўл тутди... Ор-номусли... – тезда такрорлади у аламнок кулги билан. –Эримни ушлаб қолиш учун ўша ор-номус деганлари менга нима қилиб берди?

Кеч соат ўн бирларда герцогинянинг ёнига чопар келди. У герцогни кузатиш мақсадида герцогиня томонидан тайинланган одам бўлиб, шу топда янги мужда билан ташриф буюрганди: Браччано мавритан қароқчиларига қарши флотни сафарга ҳозирляпти экан. Унинг ўзи Венецияда бўлиб, Лукреция ҳам унга эргашиб ўша ерга кетган. Браччано ҳар оқшомни аёл билан бирга ўтказаркан.

– Ойша, – қичқирди герцогиня, – Троилани чақир бу ерга! Зудлик билан ҳузуримга келсин! Бу менинг амрим!

Бир пайт ранг-кути ўчган, аммо хотиржам ҳолда Орсини кириб келди. Аёл ҳамон айғоқчи келтирган чакув мактубини титроқли қўлида ушлаб турганча унга назар ташлади. Сўнг Изабелла мактубни ғижимлади-да, бурчакка улоқтирди ва Орсинининг ёнига келди.

– Жаноб, – деди герцогиня, хизматкорга деярли ёпишиб, – мен олдин-гизда гуноҳкорман ва бу айбимни ювишга тайёрман...

II

Икки ой ўтгач, Изабелла акасининг Флоренциядаги қасрига жўнаб кетди. Акаси бир йилдан бери уни чақиргани-чақирган эди, гарчи Франческо унда меҳрдан кўра кўпроқ кўрқув хиссини уйғотса-да, ўз акасига итоат этишдан узоқ вақт ўзини олиб қочишнинг иложи йўқ эди: ўша пайтлар акасига деярлик эридек салтанатга эгалик қилиш насиб этганди.

Аёлнинг саёҳатдан асл мақсади Франческо саройида хизмат қилувчи ўн тўрт ёшли ўғли Виржинио билан кўришиш эди. Троило Орсини эса бу сафарда унга хизматкор сифатида ҳамроҳлик қиларди, бироқ герцогиня негадир Ойшани номаълум сабабларга кўра ўзи билан олиб келмаганди. Эҳтимол, бу ҳол мавританлик қизни бевақт ажалдан ёки, жилла курса азоб-укубатдан сақлаб қолган бўлса, ажаб эмасди.

Франческо Браччанонинг иззатини жойига қўйгандек, Изабеллани ҳам қора сарупода, дабдабали мулозимлар ҳамроҳлигида, отга миниб, алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишга чиқди. Шунга қарамай, улар аранг ёлғиз қолишди ва ака таърифга сиғмас қаҳрли нигоҳ билан синглисига еб қўйгудек тикилди-да:

– Мабодо Браччано ҳақида менинг қулоғимга чалинаётган узунқулоқ гаплар рост бўлса, бундан ўн саккиз йил бурун гапимга кириб, черковга кетганингизда оқилона йўл тутган бўлардингиз, – деди.

Буларнинг бари герцогиняни ранжитиш ниятида олдиндан ўйлаб қўйилган узундан-узоқ нутқнинг дебочаси эди. У гапни аёлнинг ташқи кўринишига истехзоли таҳсин ўқишдан бошлади, сўнг герцогиня ўзини қийноқда қолгандек ҳис этиб азоб чекиши учун уларни нафрат тўла нигоҳи билан кузатганча синглисини ҳаддан зиёд илтифотга кўмиб ташлади. Франческонинг жағи бир зум тинмас, қоп-қора кийимга бурканиб олиб, букчайганча аёлнинг атрофида парвона эди, тўғрироғи, у ёқдан-бу ёққа тинмай бориб келар ва акасининг ҳар бир ҳаракати замирида аллақандай ваҳимали, ёвуз нимадир бор эди. Шўрлик герцогиня кўз очиб-юмгунча бурда-бурда қилишга шай турган йиртқичлар ичига тушиб қолгандек ҳис этарди ўзини. Ниҳоят Франческо йўлга тушиб остонага етганда мутлақо бепарволик билан герцогиня ўғлини кўролмаслигини маълум қилди: ўғли ва яна бир қанча сарой аъёнлари кечагина Браччано учун Венецияга пул олиб кетишганди. Герцогиня ўз хонасига қайтганидан сўнг ўша заҳоти Троило Орсинига одам жўнатди. У сарой ҳовлисида Изабелланинг буюмлари ортилган аравани бўшатишга кўз-қулоқ бўлиб турганди: Орсини ўз ишининг жонкуяри, чакқон бир инсон сифатида айнан герцогинянинг қимматли юқларини қасрнинг аёл учун ажратилган жойига ташиётган бир пайтда зарурат юзасидан бўлса-да, бирровга чиқиб кетиш ҳам уни ранжитди. Троило Изабелланинг айни йиғлаб тургани устига келиб қолди; аёл Флоренцияга яқинлашиб қолган бир пайтда, ўғли Виржинио акасининг буйруғи билан Венецияга йўл олганди. Франческонинг бу найранги Орсинини озмунча изтиробга солмади. Герцогиня азбаройи акасини ҳурмат қилганидан унинг таклифини қабул қилишда шошқалокликка йўл қўймадимикан, деб ўйга толди Орсини.

Герцогиня ўз ётоқхонасидан биргина парда билан тўсиб қўйилган алоҳида хонага чиқиб кетди ва оқсочлар уни ечинтира бошлашди. Орсини аёлга эргашарди-ю, бироқ, у ердан сарой ҳовлиси кўринмаслиги маълум бўлгач, ётоқхонага қайтди-да, яна герцогиня билан суҳбатини давом этгирди ва бир вақтнинг ўзида юк тушираётган хизматкорлардан ҳам хабардор бўлиб турди.

Орсинига юрагини бўшатган герцогинянинг қўрқувлари ҳам тарқади. Бу орада оқсочлар уни чўмилтиришди, бундан у шундай роҳатландики, ҳатто у йўққа чиққан умидларини ҳам деярли унутди. Охирги икки йил давомида ўз мазмунини йўқотган бу ҳаёт, ёқимли яқинликдан сўнг қайта ўз ўрнига тушгандек бўлди. Браччано билан бўладиган камдан-кам учрашувлар ва Орсинининг унинг ёнида бўлиши охир-оқибат герцогинянинг бутун жон-тани билан берилиб кетган ҳаловат туйғусини ҳис этишга сабаб бўлди. Мана, икки ойдирки, улар бир-бирларидан айрилмай, одоб-ахлоқ қоидаларининг ҳеч бир таомилига амал ҳам қилмай энг намунали эр-хотинлардек яшаб келишарди. Ўзаро муносабатнинг оддийлиги герцогиняга улкан завқ бағишларди. Умрида биринчи маротаба бу мағрур аёл деярли мулойим бўлишга ва қушчадек чуғурлаб сўзлашга журъат эта олганди.

Негаки бу сафар Орсини фақат аҳён-аҳёнда, қиска, лўнда жавоб қайтарарди. Охири Изабелла парда ортидан туриб:

– Нима билан бандсиз? Гапимни эшитмаяпсизми дейман? – деди.

– Мен юкинғизни назорат қилиш билан бандман.

Герцогиня кулиб юборди-да, тегажоғлик қилиб:

– Жуда серхафсаласиз-да! Биласизми, мен сизни жуда қўпол одам деб биламан!– деди

– Хоним, мен овозинғизни ҳам, сўзларинғизни ҳам яхши эшитяпман, – деди Орсини ёқимли оҳангда. – Овозинғизни эшитсам хурсанд бўламан, бироқ бошқа пайт бўлганда сўзларинғизни жавобсиз қолдирмасдим.

– Қандай сурбетлик! Бошқача айтганда, мен алжираётган эканман-да?

– Мен бундай демадим!

– Қулоғим сизда! – кулиб эътироз билдирди герцогиня. – Ростини айтсам, овозинғизга унчалик ҳам илҳақ эмасман, ёнимда эканинғизни ҳис этиб турсам бўлгани.

Шу он Орсини ойнадан бошини чиқариб қараганди, юк тушираётган хизматкорлардан бирининг тезда у ёқ-бу ёққа кўз ташлаб, ўгирилиб, қўйнига ниманидир яширганини кўриб қолди. У бу ишни шундай эпчиллик билан удаладики, Орсини ҳатто кўзларига ишонмади. Кўрганлари ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилиш учун у шошиб герцогинянинг хонасида чиқди-да, ҳовлига тушди.

Гидамлар унинг қадам товушларини ютиб, Изабелла Троилонинг кетганини сезмай қолди.

– Қимматли Троило, – давом этди димоғи чоғ аёл кимсасиз хонага муурожаат этаркан, – мабодо сиз... шошманг, ўшанда сиз мағрур туриб нима дедингиз? – Ҳа, “аёвсиз камситилдингиз”, агар мен шу тобда ҳеч бир муболағасиз сизга кўринсам-чи? Покиза қўлларингиз билан юзларинғизни беркитишга шошилинг, ўша сизнинг хаёлинғизни банд этган юклардан кўзингизни узманг, йўқса, ҳозир кўз-ўнгингизда намоён бўладиган манзара яна сизни таҳқирлаши мумкин. Ана, холос! – давом этди аёл кулиб. – Айтадиган гапингиз йўқми? Сиз мени кўрмай туриб ҳалитдан ранжиндингиз чоғи? Наҳотки менинг гўзаллигимни тасаввур этиш ҳам сизнинг иззат-нафсингиз учун қўрқинчли бўлса?

У қўли билан пардани сурди-да, нафисликдан намикиб, ёниб турган катта-катта мовий кўзларини ўйнатганча, кулиб, деярли очик-сочик ҳолда хонага кириб келди. Бироқ бир-икки қадам юрар-юрмас, турган жойида қотди-қолди: рўпарасида қоп-қора либосга бурканган, катта бошини бир ёнга энгаштирганча Франческо Медичи аёлга тешиб юборгудек тикилиб турарди. У синглисининг хонаси ёнидан тасодифан ўтиб кета туриб

аёлнинг эшиги очиклигини кўрган ва кирган, барча гапларини эшитган ҳам эди.

Изабелла ўлдим энди, деб ўйлаган бўлса-да, Франческонинг аёлга еб қўйгудек тикилиб қарашни олдида ажал ҳам унчалик кўрқинчли туюлмаётганди. Франческонинг юзи нафрат ва қўмсовнинг ақл бовар қилмас қоришувидан тиришиб-буришиб кетганди.

Бир неча дақиқа шу зайлда ўтди. Акаси қаерда ва қай ҳолатда Изабеллани устидан чиқиб қолган бўлса, аёл ўша ерда ва ўша ҳолатда ҳайкалдек қотиб турарди. Франческо ҳам қимир этмаётганди. Фақат унинг кўзлари бежо боқарди. Герцогинянинг бадани бўйлаб югурган сайин у кўзлар тобора қонга тўлиб борарди. Изабелла унинг нигоҳида уқиган аралаш-қуралаш бўлиб кетган адоват ва шахвоний ҳирслар шу қадар кўрқинчли эдики, Франческо ханжарни қинидан суғуриб олганида герцогиня беихтиёр ўзини енгил ҳис этди. Акасининг қўли ва нигоҳи гўё қарама-қарши буйруққа буйсунгандек, Изабеллага еб юборгудек бокди-да, ханжарни жуда охисталик билан суғурди. У гарчанд аёлга яқин турган бўлса-да, Изабеллага ханжар санчиш учун олдинга бир қадам ҳам босмади. Қўллари қуролни аранг тутиб турар ва ёвуз, ҳирс тўла нигоҳини Изабелладан узмай, хириллаб нафас оларди.

Кўкси билан ўзини тизга ташлагандек, герцогиня унга пешвоз чикди. Бирдан Франческонинг нигоҳидаги нур ҳам сўнди. Акаси ханжарнинг дамидан тутганча, соп томони билан Изабеллага узатди. Кейин кўзларини ерга олганча, пастки лаблари титраб, Изабеллага тескари қараб тураверди.

Изабелла ханжарни қўлига олиши билан Франческо шиддат билан чиқиб кетди. Бу вақт ичида у чурқ этиб оғиз очмади.

Изабелла ханжарни тўшагига ташлади-да, югуриб дераза ёнига борди ва овозининг борича қичкириб Троилони чақирди. Бироқ у, ўғри билан андармон бўлиб, шовқин-сурон кўтараётган хизматкорлар тўдаси орасида қолиб кетган, ҳеч нимани эшитмаётганди. Герцогиня мушкул аҳволда қолганди: Орсинининг оти ундан бир неча қадам нарида ҳали эгарлоғлиқ турар, қаср дарвозаси эса ланг очик эди. Орсинининг ҳали қочиб кутулишга имкони бор эди.

Охири Троило бошини кўтариб деразага қараганди, кўзи Изабеллага тушди. Аёл, “Қочинг!” деб шундай даҳшатли қичқирдики, ҳовлидаги тўс-тўполон ҳам таққа тўхтади. Қаср дарвозалари муқаррар ўша заҳоти ҳаракатга келди. Франческонинг соқчилари ҳар тарафдан хизматкор томон одимлай бошладилар. Орсини барча сир ошкор бўлганини, энди уни ушлаб, қийноққа солишларини, пажмурда танасини ахлатхонага улоқтиришларини дарров фаҳмлади. Ўлжанинг энди кўлдан чиқмаслигига батамом ишонган соқчиларнинг Орсини томонга шошилмай, бафуржа келаётганларини кузатиб турарди. Сўнг хизматкор нигоҳини яна герцогиня томонга ўгирди. Герцогиня иккала қўли билан дераза тепасига ёпишганча, Троилога таъзим қилди. Троило ҳам унинг таъзимига таъзим билан жавоб қилди.

Соқчилар бошлиғи Орсинининг ёнига келди. Изабелла унинг гапини эшитмади, бироқ Орсини соқчилар бошлиғига қандай қилиб қиличини ва ханжарини топширганини кўрди. Иккита соқчи зудлик билан икки ёндан келиб туриб олди, бироқ унга тегмадилар. Орсини соқчилар ўртасида худди постда тургандек қаддини ғоз тутиб турарди. Соқчилар бошлиғи аллақандай буйруқ берди. Изабелла бутун гуруҳ жойидан кўзғалиб, ҳовли билан қасрнинг шимолий қаноти томон кетаётганини кўрди. Чап томондаги соқчининг тўсатдан оёғи толди, Орсини ёғиниб унга ўгирилди-да,

афтидан танбех берди, шекилли, у дарров ўзини ўнглаб олди. “Эх, Троило! – ҳалоллигинг бошимизга етди, деди герцогиня оҳиста овоз чиқариб!” Бошга тушган мусибатларга ташқаридан назар солсанг, умидсизлик ўзининг сўнгги нуқтасига етганига амин бўласан.

Кечга яқин Изабелла девор орқасида қандайдир шовқин кўтарилганини, дукур-дукур ва тарақа-турук овозлар келаётганини, ердан гўё оғир нима-нидир судраб тортаётганларини эшитди. Аёл эшикни очди. Икки соқчи аёлга эътибор ҳам бермай, ойболталарини қириб тозалашарди.

Аёл ўз хонасига қайтди. Бу орада қўшни бинодаги тўполон ҳамон давом этарди. Дафъатан эшитилган қичқириқдан герцогинянинг юраги орқасига тортиб кетди. Аёл Орсинининг овозини дарров таниди.

Франческонинг буйруғи билан соқчилар асирни ечинтиришаётган пайтда, герцог унинг ўнг қўли қисман фалаж бўлиб қолганини пайқади ва уни жаллодга кўрсатди.

Икки соат давомида ўқтин-ўқтин яна худди шундай даҳшатли дод-фарёдлар эшитилиб турди ва шунда герцогиня яна эшикни очди-да, соқчилардан бирига узук-юлук қилиб:

– Акамни бу ёққа чақир! – деди.

Соқчининг пайсалга солаётганини пайқаган герцогиня:

– Агар жонингдан умидинг бўлса, акамни бу ёққа чақир, – деди буйруқ оҳангида.

Франческо атрофга олазарак кўз ташлади-да, илдам одимлар билан каравот олдига келди ва ханжарни олиб, уни қинига яширди. Унинг ёнида қилич йўқ эди, шу боис ҳам Изабелланинг ёнига қуролсиз кира туриб, аёлда унинг жонига қасд қилиш истаги туғилиб қолишидан чўчиди. Айни дамда акаси герцогинянинг кўзига шундай ёмон кўриниб кетдики, ўзининг нодонлигидан пушаймон еди.

– Орсинидан нима истайсиз? – деди герцогиня ўзини вазмин тутишга уриниб.

– Жинойтини бўйнига олсин-да, мана бу иқрорномага имзо чексин.

– Афтидан ҳали бунга эришмаган кўринасиз.

– Ҳа, ҳали эришганимча йўқ, – деди Франческо.

Акаси тишларини кўрсатиб ишшайди-да:

– Шошаётган жойимиз йўқ, – дея қўшиб қўйди.

Герцогинянинг индамаганини кўриб, сўзида давом этди:

– Бу бақир-чақирлардан оромингиз бузилмайди деб умид қиламан.

– Буларни менга эшиттириш учун озмунча чирандингизми, – деди герцогиня чексиз нафрат ила. – Янглишмасам, зиндон шимолий қанотда жойлашган.

Лаҳзалик сукутдан сўнг:

– Орсинининг қариндош-уруғлари, уни шу кўйга солиб азоблаётганингизни билиб қолишса, улар сизни аяб ўтиришмас деб ўйлайман, -- деди Изабелла.

– Бироқ Орсинилар хонадони мендан миннатдор бўлади.

Герцогиня бир неча қадам ташлаб, кейин тўхтади ва акасига тикилиб қаради.

– Иқрорномага агар мен имзо чексам, унда Орсинини қийнашни бас қиласизми?

Франческо ғазабини аранг босиб, бошини эгди ва қўлини орқага қилиб:

– Гап битта, – деди паст овозда.

Аёл унга назар солди. Башарасидан мунофиқлик уфуриб турган бу нусха наҳотки сўзда туриш деган нарсани ҳам билса, деган ўй миясидан

лип этиб ўтди.

– Мен имзо чеккан икромнома нима бўлади?

– Эрингиз Браччано сизни севиб, ўз ожизлигини намоён этиб бўлган. Шу боис ҳам далил-исботсиз у менга ишонмайди.

Браччано ҳамон аёлни севишини эшитган герцогиня бундан ҳайрон бўлиб, саросималаниб қолди. Сўнг:

– Хизматкорлар, эҳтимол, барини етказиб улгуришгандир, – деди у.

– Хизматкорларни “кавуш”ингиз билан оёғини бир боссангиз кифоя, истаган гапингизни гапиртиришга уларни мажбур қилиш қийин эмас. Бироқ Браччано бундай далил-исботларга бўй бермайди.

Изабелла жим турарди.

– Хўш, – деди Франческо, – энди нима қиламиз?

Аёл унга қаради.

– Сиз нима деб ўйлайсиз? – сўради аёл ғалати қиёфада, – шу топда поп мени жон бераётган одам дея ҳисоблаши мумкинми?

– Шубҳасиз. Барибир сизнинг санокли умрингиз қолди.

Изабелла ибодат учун хизмат қилувчи ўриндиқ ёнига борди-да, тиз чўкди ва юзини кафтлари билан беркитди.

Аёлнинг ибодат қилишига Франческо халақит қилмади. У художўй эди ва ҳар куни тонгда диний маросимда қатнашишни қанда қилмасди, шундай бўлса-да, қўл ураётган жинойтларидан виждони қийналмасди, увокқина гуноҳлари эса баъзан қалбини қутқариб қолишга уни мажбур қиларди.

Кўп ўтмай Изабелла ўрнидан турди-да, акасининг кўзига тик қаради.

– Агар икромномага имзо чексам, Орсинини қийнашни бас қилишга сўз бердингиз.

– Ҳа, худди шундай, сўз бердим.

– Менга ҳозир, мана шу лаҳзанинг ўзида сўз бердингиз.

– Инкор этмайман. Нега бунча ижикилайсиз?

Аёл ўриндиқ тепасида осилиб турган Исо суратига қаради-да:

– Башарти сўзингиздан қайтсангиз, сизни жаҳаннамга равона қилишини ҳозир Яратгандан сўрадим, – деди аёл сўзларини чертиб-чертиб:

Франческонинг ранги қув ўчди. Ўша пайтда хурофий афсоналарга кўра, ўлаётганнинг дуоси алоҳида таъсир кучга эга эди.

– Мен сизга сўз бераман, – деди у зўрға.

Аёл столга ўтирди-да, қоғозга наридан-бери бир неча сатр коралади ва уни акасига узатди.

Франческо вараққа кўз югуртириб чикди ва уни қўйнига беркитди-да, эшик томон йўл олди. У остонада тўхтади ва совуққина қилиб:

– Икромномага бекор имзо чекдингиз, – деди – Орсини шундоқ ҳам ўзини мардона тутди: у ўлса ҳам чурқ этмасди.

– Шундай қилишига ишонардим.

– Шундай экан, жонингизга жабр қилиб нима зарур эди сизга?

Аёл уни бошдан-оёқ узоқ назардан ўтказди-да, оҳиста деди:

– Сиздек акалар бўлган бу дунёни ташлаб кетсам, ўзимни бахтиёр ҳис этаман, ишонаверинг.

Бу сўзлар Франческога қаттиқ ботди. Ундаги бор хусусиятларни яшириб турган ҳиссизлик ниқоби гўё бирдан тушиб кетгандек эди. Унинг башараси тиришди, остки лаблари титрай бошлади, оғиз очишга ҳам мадори қолмади. “Наҳотки бу бераҳм бирон нимани ҳис этишга қодир бўлса?” – хаёлдан ўтказди герцогиня ажабланиб. Акаси билан бўлган учрашувдан сўнг аёлнинг олган таассуротлари шундан иборат эди, холос. У синглисига ортиқ бир сўз демай чиқиб кетди.

Франческо ўлгудай чарчаганди. У паст овозда жаллодга маҳбусни бўшатишни ва Браччано етиб келгунча уни дурустроқ шароитда сақлаб туришни буюрди. У пайтлар Италияда синглисининг ахлоқсизлиги учун акаси унинг эридан кам таҳқирга учрамаса-да, бироқ ор-номус қоидалари узил-кесил ҳукм чиқаришни аёлнинг тан махрамига ҳавола этганди. Башарти эри, уларнинг икковидан ҳам ўч олмаса ёки ўч олишни истамаса, унда бу ишни охирига етказиш ва иснодни қон билан ювиш акасининг зиммасига тушарди.

Ўз ибодатхонасига латгадек бўшашиб кириб келган Франческо ўзини бир озгина қўйиб берди: бир неча соат бурун бўлиб ўтган воқеадан афсусланди; Изабелланинг ётоқхонасида бўлганини билдирмай, яхши-си, йўлида давом этгани маъқул бўлармиди. Бироқ шу заҳоти ўзининг ожизлигидан кўрқиб кетди. “Қандай қилиб, – ўйлади у, – ўз кўзим билан кўрганларимни кўрмадим деб мунофиқлик қилишим мумкин?” Миясига маҳкам ўрнашиб қолган хонага кириш илинжида пардани салгина кўтариб қараётган Изабелланинг хушрўй чеҳраси кўз олдидан кетмасди. “Йўқ, йўқ! – деди у бу дудмал ваҳимадан қўллари билан юзини беркитиб тиз чўқаркан. – Худойим! Майли, ўлса ўлаверсин! Майли, ўлаверсин! Бари тезроқ тугай қолсин!”

У ибодатдан сўнг ўзини анча хотиржам ҳис этди ва Браччанога ўзи ёқтирган ўғит-насиҳат усули тарзида узундан-узок мактуб ёзди. Хатга Изабелланинг тавбаси ва хизматкорлардан олинган кўрсатмалар ҳам тиркалди. Пировардида, бу хабарни муносиб тарзда қатъият билан қабул қилишини ва ор-номус учун жавобгарликни ўз зиммасига олган шахс сифатида ўч олишни кечиктирмасликни куёвига уқтирди. Узунқулоқ гапларга қараганда, баридан бизнинг воқиғилигимиз, афтидан, замондошларимизни хайратда қолдирибди деган хабарни ҳам ўз маслаҳатида билдириб ўтганди. “Ёдингизда бўлсин, – деб ёзди Франческо, – эркакка зулм ўтказиш герцогиняни ҳаётдан маҳрум этади, ўзингизни аслзодалардек, насронийларга хос муносиб тутишни унутманг (“ricordatevi d esser gentiluomo e cristiano”).

III

Чопар Медичининг мактубини топшираётганда отга миниб олган Браччано мулозимлар орасида сенат йиғилишига кириш арафасида турарди. Унинг бутун диққат-эътибори герцогинянинг тавба-тазарруғи билан банд бўлгани учун шоша-пиша, наридан-бери хотинининг акаси юборган хатга кўз югуртирди-да, Изабелланинг нега Флоренцияда эканига тушунолмади. У миқ этмади, хатто сенатни огоҳлантириб қўйишга биронта одам ҳам жўнатмай, эс-хушидан айрилган телбадек Венециядан отилиб чикди-да, ўз ер-мулки томон элтувчи йўлдан шиддат билан от чоптириб кетди. Унга ҳамроҳлик қилувчи аъёнларнинг эса бир-бирларига қараб-қараб қўйишдан ўзга чоралари қолмаганди. Бундай ўқдай учиб кетишдан муддао не эканини сўрашга биронтаси жазм этолмади. У эса отнинг яғринига энгашиганча, жағини маҳкам қисиб, икки кўзини йўлдан узмай елдай учиб борарди.

Манзил узоқ эди. Отлар бир неча бор алмаштирилди. Герцог ҳеч кимга қарамас ва чурқ ҳам этмасди. Ўша пайтларда айтилишича, у “фош этмагунча” чурқ этмасликка ўзига сўз берганди.

Ойша ётоқхона деразасидан унинг отдан тушганини кўрди ва афт-

1 Уз номуси учун ўч олмайди. – Изоҳ муаллифники..

ангоридан унинг баридан хабардор эканини ҳам фахмлади. Герцог ҳовлидан чопиб ўтди ва зинадан унинг қадам товушлари эшитилди. Герцогиня эри билан бўладиган учрашувни кутиб, хона ўртасида ғоз турарди.

Герцог ханжарни маҳкам қисганча, дарғазаб алпозда югуриб кирди-да, паст овозда:

– Жирканч махлуқ, бекангни чақир буёққа, – деб ўшқирди.

– У Флоренцияда, – хотиржам жавоб қилди Ойша.

Браччано отда елдек учиб бораркан, кўз олдидан нукул ўша бир хил манзара кетмасди: югуриб хотинининг ёнига киради, иккала қўли билан кўйлагига чанг солиб, йиртади, сўнг сийнасига ханжар санчади. Буни қанча кўп ўйлагани билан манзара туссизланиб қолаётгани йўқ эди. Таассуротлар ҳар сафар ўша-ўша жонланганча хотирадан сира нари кетмасди. Мана, у телбаларча от чоптириб келаётганда ўйлаган интиқомдан лаззатланиш они етиб келди. Гарчанд хотинини қўлга туширишга аниқ ишонса-да, фақат шу ерда ва шу топда човут солишга шундай иштиёқ билан шайланган эдики, қўяверасиз. Афсуски, хуморбости учун човут солишга тирик жоннинг ўзи йўқ эди.

– Эй сен, қораялоқ фоҳиша! – ўшқирди у Ойшага ташланиб. – Икковингни тилинг бир сенларнинг! Биринчи бўлиб сени бўғизлайман!

– Пасткаш! – қичқирди Ойша ўз насл-насабига хос мағрурлик билан.

– Аёл кишига тенг бўлиш сиздек жангчи учун уят эмасми?!

Ўша заҳоти Ойша ёввойи мушукдек абжирлик ва шердек довюраклик билан унга ташланди-да, уни тепиб, тишлаб, тимдалаб, ҳамласини қайтара кетди. Аёлларга ҳирс қўйган герцог эса бу жангда ўзини ноқулай ҳис этарди. У аранг кўзини эҳтиётлаб қолди ва кулги бўлганини сезди. Ойша ахири унинг қўлидан тишлаб олди ва у ханжарни қўлидан тушириб юборди; энди герцог Ойшани томоғидан бўғишга ҳаракат қилиб, астойдил олиша кетди. Қураш унинг ғазабини босганди. Герцог ўз ғанимининг кучкуватидан ҳайратда, жасурлиги эса уни мафтун этганди, аёлнинг эпчил ҳаракатлари, хушбўй иси, баданидаги йилтираб турган маржон-маржон тер томчиларидан эса ҳаяжонини босолмасди. Унинг қўйлаклари дабдала бўлиб кетганди. Герцогнинг кўзи унинг диркиллаб турган буғдойранг сийналарига тушди. Охири у қизнинг гавдаси ва иккала қўлини биргина чап қўли билан маҳкам қисди-да, ўнг қўлини унинг бўйнига олиб борди.

– Хўш, нимани кутяпсан? – мағрур туриб деди Ойша истехзо билан. – Ўлдир!

– Шаллақи қораялоқ! – бўқирди Браччано, гўё уни тишлаб олмоқчидек, оппоқ тишларини тиржайтириб.

У қизни ерга ирғитди-да, қўлини қўйиб юбормай бор бўйи билан унинг устига ётиб олди ва ўз оғирлиги билан уни эза бошлади.

Герцог тураётганда, Ойша унинг ханжарини сездирмай олди-да, унинг ўзига узатди ва хотирадан ўчмайдиган нигоҳ ила:

– Энди ўлдиравер. Мен ўзимни бахтиёр ҳис этапман, – деди.

Шу лаҳзада герцог ўзига-ўзига ҳаддан ташқари кулгили кўриниб кетди. Ойшанинг кўзида порлаб турган меҳр герцогни ўзига бўлган ҳурматини саклаб қолишга мажбур қилди. Бу кучли садоқатни қадрлаш ва уни англаш учун герцогда фаросат етарли эди. У ханжарни қинига сола туриб, мавр қизининг бошини силади-да, мулойимлик билан:

– Ойша, бор гапни яширмай менга айтиб бер, – деди.

Герцог куч ишлатиб қиздан бир оғиз ҳам гап ололмасди. Мулойимлик Ойшанинг қаршилигига барҳам берди. У бор гапни миридан-сиригача,

яширмай, самимият ила сўзлаб берди. Герцогни кимдир гўё азоблаёт-гандек эди. У бошини чангаллаганча инграб, хонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб келарди. Ойша сурати ҳақида гапириб берганда эса герцогнинг кўзларидан ёш отилиб чиқа бошлади. “Барига айбдор ўзим, – деди у маъюс. – Нима бўлганда ҳам у барибир ўлиши керак”.

Герцог Медичига чопар жўнатди. У Орсинини таъзирини бериб, бир ёқли қилишни бутунлай қайнағасига ҳавола этди-да, хотинининг келишини талаб қилди. Мактубни олган Франческонинг фиғони фалакка чикди: қачонлардир унинг қўл остида урушда бўлган икки турма назоратчиси ёрдамида Орсини фурсат ғаниматда қочиб қолганди ва у билан бирга яширинганди.

Герцогиня кўп сонли қуролланган отлик аскарлар тўдаси ҳамроҳлигида ҳамма томони берк аравада Браччано саройига етиб келди. Герцогинянинг жўнашидан икки кун аввал унинг руҳонийси орқали Орсини бўйнига олишга уни зўрламаганларини ва герцогиняни қутқариш учун чора излаб топишини маълум қилишга улгурганди. Герцогиня ҳам худди шу йўл билан Орсинига ўзбошимчалик қилмаслигини, ҳозирча унга ҳеч бир хавф йўқлигини айтиб, уни ишонтирганди. Герцогиня унга ўзини эҳтиёт қилишини ва Франциядан бошпана топишини буюрди. Орсини унга ишонди ва итоат этди. У чегарадан ўтиб олди ва бир неча кундан сўнг Парижга етиб келди.

Герцогиня уйга қайтган кун Браччано Венеция сенатидан бундай ўзбошимча ҳаракатнинг сабабини тушунтириб беришини ниҳоятда аччиқ тарзда сўраб ёзилган чақирув мактубини олди. Узрли сабабсиз, ҳатто огоҳлантиришсиз тўсатдан Венециядан жўнаб кетиши билан сенатни ҳақоратлаганди ва сенат уни хоин деб гумон қилишига ҳам оз қолганди. Браччано тезроқ қайтиб боришга ва сенатни хотиржам қилишга ошиқарди. У нияти жиддий эканини ва ундан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмаётганини айтиб, сенатни ишонтирди-да, ниятини амалга ошириш учун енг шимариб ғайрат билан киришиб кетди. Бир ой ўтиб, флот мавр ҳарбий сафарига тайёр бўлгач, уйга қайтиб, ишларини тартибга келтириш учун сенатдан рухсат сўради.

Герцог ўз қасрига 1576 йилнинг 7 августиде етиб келди. Франческо герцогиняга ханжарни узатган онданок аёл умрининг санокли кунлари қолганини биларди ва Браччано дарғазаб венецияликларни тинчитгунга қадар у кечиктиришнинг боиси нимада эканини тинмай ўйлар экан, ҳайрати ортарди. Оқшом тушгач, герцог бир соатдан сўнг герцогинянинг ёнида ҳозир бўлишини хабар қилганида, аёл янада ҳайратланганди. Герцогиня, энди герцог мени кўришни умуман истамаса керак ва ўрнига яқинларидан биронтасини жўнатар деган хаёлда эди, негаки, асилзодалик насаби аёлни жаллод қўлига бориб тушишдан ҳимоя қиларди. Герцогнинг ўзи келиши уни ҳамон ҳайратга соларди. Унинг ташрифи аёлнинг ўлимидан дарак берса-да, у ўлим тўғрисида ўйламасди. Аёлнинг фикри-зикри эрини кўриш эди.

Бу орада герцогинянинг туйғуларида ғалати ўзгариш содир бўлди. Орсинини хавф-хатар четлаб ўтгандан буён аёл уни эсламай қўйганди ва бир-бирлари билан яқин бўлган икки ойлик давр ҳам герцогинянинг ёдидан ўчиб кетганди. Унинг келажаги бўм-бўш, ҳозир эса ўлимни кутиш билан ўтмоқда эди; шу боис аёл ўз ўтмиши билан яшарди, ва – ажаб савдо! – айнан ўша узок ўтмиш билан у герцогга бўлган илк муҳаббатини қайтадан бошидан кечирмоқда эди.

Ҳеч бир келин ўз тўйига Изабелла бу сўнги учрашувга тайёргарлик кўргандек тараддудланмасди. Аёлнинг турмагини Ойша қайта-қайта ўзгартирарди. Ҳеч бири унинг дидига ўтиришмасди. Кўйлак танлашда ҳам бирини байрамона эмас деб, яна бирини ранги ёрқин эмас дея баҳона қиларди. Ойша ёнида ўтириб, қимматбаҳо тақинчоқларини таққанида эса герцогиня янада гўзал ва хурсанд кўриниб кетдики, буни кўриб турган Ойша: наҳотки кўркмаётган бўлсангиз? – деб сўрашга журъат этди. “Кўрққанда қандок, – деди аёл мафтункор маънодорлик билан – у менга яхшироқ тикилмай туриб, мени ўлдириб қўйишидан кўрқаяпман.”

Аёл узоқ ўйлаб, турмакнинг ҳам, тақинчоқларнинг ҳам, кўйлакнинг ҳам ҳозир вақти-соати эмас, деган хулосага келди. Баридан воз кечди.

Ниҳоят у гўзал елкаларини кўз-кўз қилишга имкон берувчи тунги кўйлакда тўхтади ва узун сочларини ёйиб юборди, Браччано герцогинянинг сочлари елкалари билан битта бўлиб ёйилиб турган пайтда кириб келди ва остонада турганча танг қотиб қолди. Унга “яхшироқ қарамай” туриб уни ўлдириб қўйишидан энди Изабелла кўркмаси ҳам бўларди. Герцогнинг на гапиришга ва на жойидан қимирлашга мажболи қолганди.

Қачонлардир у мавр юришидан қайтганида, асосан қизил рангли гиламлар ва қалин матолар олиб келганди. Изабелла улар билан деворларни, ерни безатиб ташлаганди, шу боис хона қуш уясидек осойишта ва шиная эди. Ётоқхонасини хушбўй ислар билан тўлдириб ташлаш ва уни гуллар билан безаш герцогинянинг жону дили эди. Биргаликдаги узоқ йиллик турмушлари мобайнида герцог бу кадрдон хонага минг маротаба қадам ранжида қилган ва хотини ўрим-ўрим қалин сочларини ёйгани устига кириб ҳам қоларди. У мана шу лаҳзаларнинг, мана шу хушбўй ифорнинг ва шу сукунатнинг шайдоси эди. Шу билан бирга, тонг ёришгунча баридан абадий жудо бўлишини билса-да, бошидан ўтказган қувончу севинчларга у яна бир бор қайта олганди. Герцогнинг тўсатдан миясига урилган Изабелла худди шу ерда Орсинига ўзини бағишлаган деган фикр уни аллақачон тарк этиб улгурган, ғазаб ва қатъият яна ўз жойида қарор топганди. У олдинга бир қадам ташлади-да, ханжарини суғурди. Бундан ортиғига ўзида куч тополмади. Герцогнинг жойидан кўзғололмай турганини кўрган герцогиня шошилмай унга пешвоз чиқди. У тавба-тазарруга берилган одамдек кўзини ердан олмасди, герцог эса уни ҳеч қачон бундай итоаткор ҳолда кўрмаганди.

– Жаноб, – деди аёл унга яқин бориб, – мен олдингизда гуноҳқорман.

Шунда аёл Орсинига ўзини бағишлаган тунда худди шу сўзларни унга ҳам айтганини эслади. Ўз хотираларидан ўзи ерга кириб бораётган герцогиня эрининг оёғига йиқилиб тиззаларини маҳкам кучди.

– Ўлдилинг мени! – кичқирди у ғазаби ошиб. – Ўлдилинг! Мен шунга лойиқман.

Браччано ҳайратдан тили айланмай қолганди. У, аёл унинг бошдан кечирган саргузаштларини юзига солиб, уни ҳақоратларга кўмиб ташлар, ёки бундан ҳам баттари, такаббурлигига бориб, миқ этмаса керак деб ўйлаганди. Бу мағрур аёл итоаткор гўдакдек унинг оёқлари тагида ётарди. Аёлнинг чин юракдан пушаймонлиги герцогнинг кўнглини бузиб юбордигина эмас, уни ўз қилмишларига бир назар ташлаш учун орқага ўгирилиб қарашга ҳам мажбур этганди. Эрига хиёнат қилган бевафо аёлларга ўлим жазоси беришга мажбурловчи урф-одатларнинг адолатсиз эканини у яхши тушунарди. “Мен-чи, наҳотки менинг ундан кечирим сўрашим лозим бўлмаси?” – деб ўйлади мушкул аҳволда қолган герцог. – Унга айб қўйишга мендек одамнинг нима ҳаққи бор?”

– Хоним, – деди у хаяжонланиб, узук-юлук овозда, – ахир, мен ҳам сиздан...

У гапини давом эттиролмади – томоғига нимадир тикилгандек бўлди ва кўзига ёш тўлди. Герцог энгашиди-да, хотинининг елкасидан кучиб, уни турғазишга уринди.

– Изабелла, – деди герцог титроқ овозда, – олдингизда қанчалик гуноҳкор бўлмай, қасам ичиб айтаманки, кўнглимга сиздан ўзгани ҳеч қачон йўлатмаганман.

Кутилмаган чексиз бу бахтдан аёлнинг юраги тарс ёрилай дерди. “Демак, у фақат мени севган!” – қувонч билан хаёлдан ўтказди аёл. У бирдан енгил тортди-ю, бир қанот қокқанча ҳузур-ҳаловатнинг энг юқори чўққисига бориб кўнгандек туюлиб кетди унга. Аёл бошини Браччанонинг кўкрагига қўйди-да, бағрига маҳкам ёпишди. “У мени ҳали ҳам севади”, – деди у ўзича ва бахтнинг шиддатли гирдоби гўё уни аллалаб аллақарларга олиб кетгандек бўлди. Шу топда у ҳеч бир куч сарфламай самоларга парвоз қилади-да, ёқимли шамол унинг юзларини силаб ўта бошлайди.

– У мени ҳали ҳам севади, – деди аёл шивирлаб, ҳузур билан герцогнинг нимчасига лабларини босаркан. – Демак, мен бу дунёни бахтли аёл бўлиб тарк этаман.

– Адолатдан йироқ бу урф-одатларимиз билан менинг неча пуллик ишим бор! – бирдан овозининг борича қичқирди Браччано, гўё герцогинянинг фикрига жавоб қайтаргандек. Юқори табақадагилар менга нафратни муносиб кўрмаганлари учун сени ўлдиролмайман-ку! Биз Италиядан бутунлай бош олиб, Францияга кўчиб кетамиз...

Герцогиня эрининг оғзини қўли билан беркитди-да, сўнг оёқ учиди кўтарилиб, лабларини унинг лабларига оҳиста теккизди.

– Азизим, барибир мени ўлдиришингиз керак, – деди аёл хотиржам, қатъий оҳангда ва ундан нари кетди.

– Изабелла! – қичқириб хитоб қилди Браччано.

– Менга қулоқ солинг, – деди аёл ёқимли жилмайиб. – Мендан-да муҳимроқ нарсалар ҳаётингизда талайгина, агар мен туфайли буларнинг баридан воз кечгудек бўлсангиз, бир умр азобда қоласиз. Наҳотки ўзингизга шундай қисматни раво кўрсангиз, Паоло! Ор-номуссиз, шон-шўҳратсиз, жангу жадалсиз ҳаётни-я?! Наҳотки барини биргина аёлга алмашсангиз!

Герцогиня тўхтаб қолди. У: “Сизга бевафолик қилган аёлга-я”, – демоқчи бўлганди-ю, бироқ журъати етмади. Браччано хонага кириб келган дақиқадан бошлаб, у Орсинидан нафратланарди. Унинг ягона истаги: Орсинини бошқа тилга олмаслик, у ҳақда ўйламаслик ва у билан боғлиқ барча хотираларни ўз ҳаёти билан қўшиб бутунлай йўқ қилиш эди.

– Эртага, – деди изтиробда қолган герцогиня, – кампир бўлиб қоладиган аёл учун-а?!

“Мен бир кун эмас-бир кун барибир қариб, бадбашара аёлга айланаман”, – ўйлади у, хўнграб йиғлашдан ўзини зўрға тийиб. – Ўшанда у мени ёмон кўриб қолади. Паоло ўз ор-номусини бекорга фидо қилгани қолади”.

Эшик тақиллади.

– Нима гап? – бақирди герцог чўчиб тушиб.

– Бу мен, – Ойшанинг овози эшитилди. – Герцог Медич жанобларидан чопар келди. У мактуб келтирибди.

Браччано эшикни очди ва Ойша мактуб билан кичкинагина қутичани унга топширди. Герцог муҳрни бузиб мактубни очди-да, юз ифодасини

ўзгартирмай унга кўз югуртирди ва ўкиб бўлгач, герцогиняга ғалати қараб қолди.

– Хоним, – деди у аёлнинг юзига диққат билан боқаркан, – гап шундаки, акангизнинг менга хабар беришича, Орсини Парижда номаълум кимса томонидан тунда пилта милтиқдан отиб кетилган.

– Ҳар ҳолда, – давом этди у герцогинядан кўз узмай, – бу ҳақда Франческо шундай деб ёзади. Биласиз-ку, у ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапирадиганлар тоифасидан эканини. У яна шуни кўшимча сифатида маълум қиладики, унинг хизматкорларидан икки киши тасодифан воқеа содир бўлган ерда бўлган ва Орсинининг ўлимига исбот сифатида узукни ўзлари билан олиб келишган. Ўша узук мана бу кутида, – у кутини герцогиняга узатди. – Малол келмаса, уни очсангиз ва бу узук чиндан ҳам унга тегишлими ё йўқлигини менга айтсангиз?

Бу қадар куйиниб айтилган гаплардан сўнг ҳам унинг бахтсизликдан дарак берувчи ваҳимаси герцогиняни саросимага солиб қўйганди. Нима қилаётганига деярли ақли етмай қолган аёл кутичани очди-да, парижон ҳолда ичидаги нарсага боқди. Шу пайтда аёл бу хизматкорнинг қачонлардир ўзининг ҳаётида тутган ўрни қандай бўлганини бутунлай унутганди.

– Ҳа, бу Орсинининг узуги, – деди аёл бутунлай бепарво оҳангда.

Нима қилиб бўлса-да, аёл ўз хаяжонини ошкор қилиб қўйишидан умидвор бўлган герцогни бу оҳанг боши берк кўчага киритиб қўйганди.

“Демак, у Орсинини севмаган экан-да,” —деб ўйлади герцог калласига келган бу фикрдан чўчиб. Бироқ унинг рашки тўғри келган жойдан ўз нафсини қондириб кетаверарди. Орсинини севмагани учун герцогинянинг гуноҳи унга янада оғирроқ туюлиб кетди. “Бу қанақаси бўлди, – хаёлдан ўтказди у тўсатдан қаттиқ ғазабланиб, – кўнгил қўймай туриб хизматкорга ўзни бағишлаш!”

Герцог шу қадар диёнатли ва самимий одам эдики, бу туйғуларнинг бари бирин-сирин унда акс этиб борарди ва Изабелла унинг фикридаги энг нозик фарқни ҳам осонгина илғаб оларди.

– Нима қиламиз! – деди аёл эшиттириб. – Кўриниб турибди, сиз мени ҳеч қачон кечира олмайсиз. Шундай бўлгач, ўлим энг тўғри чора.

Браччано қалтирай бошлади. Иккиланишнинг азоби унга ўз ҳукмини ўтказарди: хотинини ўлдиришга унинг қўли бормасди, гуноҳидан ҳам ўтолмасди.

– Шуниси ҳам борки, – деди герцогиня, ўнг қўли билан кутичани олиб, Браччанога кўрсатаркан, – балки энди тушунгандирсиз, агар мен ожизлик қилиб, сиз билан Францияга қочиб кетишга рози бўлганимда, шундай кунлар менинг ҳам бошимга тушган бўларди!

– Унда Франческони ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирардим! – деди герцог ваҳшиёна бақириб.

– Наҳотки, – эътироз билдирди Изабелла, – у сизни аяб ўтиради деб ўйласангиз? Мени гумдон қилганидан сўнг сизни тирик қолдиришига ҳеч кимнинг кўзи етмайди. Браччано саросимада хонанинг у бошидан-бу бошига бетоқат бориб-келарди. Унинг миясига ҳар хил телба-тескари фикрлар келарди. Франческонинг таъзирини бериш учун унинг ёнига кўпам шошмайди. У Франческога қарши бўлган унинг барча душманларини оёққа турғзади. У Италияни қўлга киритади ва одамларни, ҳукуматни Изабеллани кечиришга мажбур этади. Изабеллани афв этишни ва тахтни у билан баҳам кўришни ҳали халқнинг ўзи ундан ёлвориб сўрайди.

– Хом хаёлларингизга кўпам эрк бераверманг, Паоло, – деди герцогиня унинг кучоғига ўзини отиб, – бироқ биз икковимиз ҳам ўз табақаларимизнинг қулимиз. У бизни ўзи истаган кўйига солиши мумкин. Сиздан ягона ва арзимаган ўтинчим бор эди.

– Қани! – зўрға шивирлади Браччано.

– Тонггача яшашимга рухсат берсангиз.

Браччано унга қаради-да, кўзларидан тиркираб ёш оқа бошлади ва зўрға:

– Майли, бу мурувватдан сизни бебахра этолмайман, – деди у ниҳоят, бу сўзлар билан энди герцогинянинг тақдири бир ёқлик бўлганини пайқамай.

У бирдан енгил нафас ола бошлади. Герцогни бу ўтинчга кўндирди олишига кўзи етмаётганидан аёл ташвишда эди. “Энди, – ўйлади у роҳатланиб, Браччанонинг юзларидан тинимсиз бўса оларкан, – мени кексалик ҳам, бад-башаралик ҳам, герцогнинг нафрати ҳам таъқиб этолмайди. Унинг кўлларидан ўша-ўша гўзал ва азиз аёллигимча жон бераман. Эрим мени то абад севади”.

Тун ҳаддан ташқари изтиробли ишқий қувончларга бой бўлди. Герцог гоҳ оташин севгидан маст бўлар, гоҳ рашк ўтида қовриларди. “Наҳот, – ўйлади у, суюкли ёрини бағрига боса туриб, – Орсини ҳам Изабеллани шундай бағрига босган бўлса?” Изабелла ростдан ҳам Орсинини севмаганмикан? Ёки мени чалғитиш учун ўзини бепарволикка солиб, муғомбирлик қилаяптими?.. “Изабелла унинг барча фикрларини кўз қарашларидан уқиб оларди. Шу тобда герцогнинг нигоҳлари ажиб бир тарзда қотиб қолганди. Аёлнинг жонини тонг ёришгунча сақлаб қолишга сўз бермаганида, герцог буни пайсалга солиб ўтирмасди – уни аллақачон бир ёқлик қилиши мумкинлигини Изабелла бир-икки марта хаёлидан ўтказди.

Герцогиня фарзандининг отасига бениҳоя меҳрибонлик билан табасум ҳадя этди-да, бежирим кўлларини эрининг кўллари устига қўйди ва бирдан ханжарнинг сопини шиддат билан силтаб уни ўз кўкрагига санчди. Қон тизиллаб оқа бошлади. Изабелла чуқур оҳ тортди-да, шошмайгина, худди уйқуга кетаётгандек, бошини ёстикқа қўйди. Герцог хотинини ўлдириб қўйганига шубҳа қилиши учун унинг ҳаракатлари гўё атайин қилингандек шу қадар хотиржам эди. Бироқ Изабелланинг руҳсиз чехраси тўзиб ётган сочлари орасида қимирламай қотиб қолганди. Бир лаҳзадан сўнг герцог энгашиди-да, аёлни ўпди. Аёлнинг лаблари совуқ ва жонсиз эди.

Рус тилидан

Дилдора АЛИЕВА таржимаси





Жорж Гордон БАЙРОН ДОН ЖУАН

(Шеърий романдан парчалар)

Мухтарам журналхон! Олдинги қўшиқ воқеаси Жуаннинг Гулбека султон қаҳрига учраб, ўлимга маҳкум этилган жойида узилган эди. Жуан қулбозорда танишган дўсти Жонсон, ҳарам оғаси ва ҳарам қизлари ёрдамида қочишга муваффақ бўлади. Исмоил қалъасини қамал қилиб турган Суворов қўшинларига келиб қўшилади. Руслар тарафида туриб жанг қилади, қаҳрамонлик кўрсатади. Турк қизи жажжи Лайлони казакларнинг ёвуз панжасидан қутқариб қолади. Кўрсатган жасоратлари эвазига “Владимир” нишони билан тақдирланади ва Суворовнинг ғалабаси ҳақидаги хабарни Екатеринага етказиш учун Петербургага чопар қилиб юборилади. Қуйида ана шу воқеалар акс этган саккизинчи қўшиқни ўқийсиз.

САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

1

О, гумбур-гулдурос! Қон, яра, фарёд!
О, ёвуз, қаттол жанг! О, яра, дод, қон!
Ҳақорат қилади бу фарёд, бу дод
Ул нозик таъбингни, эй, нозик шеърхон!
Зеро, кўрк билса-да бу қирғинбарот
Беллона, Марс номин ўзига ҳар он,
Аммо бу шон-шухрат хосияти – кир,
Ҳамма замонларда моҳияти бир.

2

Қонли сафар учун ҳамма нарса шай:
Одамлар, байроқлар, санчқию шашпар;
Ўлжани газага туширган шердай,
Қирон келтирмоққа тайёрдир лашкар;
Дарё соҳилида ўрмалар бирдай
Гўёки юз бошли дўзахий аждар;
Қетса кетаверсин мард боши, не ғам,
Ўзга бош ўсади ўрнида шул дам.

3

Тарих тафсилотга бермас эътибор,
Доим воқеани “en grand”² олар.
Ким фойда-зиённи ўйласа бисёр,
Билингни, урушдан у нафратланар.

1 Уруш маъбудлари

2 “Яхлит, катта миқёсда” (франц.).

Бир парча ер учун қилиб жон нисор,
Шунча пул сарфламоқ телбалик бўлар.
Қон тўкиб, майдонни қилгандан
ҳалқоб,
Бир шўрлик кўз ёшин аритган – савоб.

4

Эзгу ишлар бизни доим шод қилар,
Шухрат жазаваси жўштирар бизни,
Байроқлар, пештоқлар, нафақа, сафлар
Одатда олади кўзларимизни,
Юксак нишонлару хос мукофотлар
Йўлдан оздиради ҳар биримизни;
Озодлик, Эрк учун магар курашар,
Олийҳиммат халққа кураш ярашар.

5

Қолгани – котиллик! Фақат Вашингтон³,
Леонид хурматга мушаррафдир, о;
Шу икки зот боис халқ топди омон,
Улар жанг қилган ер муқаддас, илло,
Исми шарифлари муқаддас ҳамон –
Қабоҳат, залолат зулмати аро

3 Мустақиллик учун курашда армия кўмондони, АҚШнинг биринчи президенти.

4 Форсларга қарши юнон лашкарига бошчилик қилган Спарта шоҳи.

Иқбол маёғидан нур каби улар
Инсоният тунин ёритиб турар!

6

Олов халқа бўлиб тунни ёритар
Тўпларнинг оғзидан учиб чиққан ўт;
Жаҳаннам аксидай ловуллаб ётар
Дунай кўзгусида ўт олган булут.
Замбарак ўқлари зувиллаб ўтар
Зевс чакмоқларин зарблари тахлит, –
Фалак чакмоғидан, ҳар банда билар,
Ернинг чакмоқлари ёмонроқ бўлар!

7

Рус тўплари солгач каттик гулдурос,
Биринчи саф дарҳол бошлади хужум.
Мусулмонлар босди вулқондай гуррос,
Оҳ-воҳлар, дод-войлар қоришди бир
зум,
Аскарлар ҳайвондай тортдилар уввос;
Жаҳлин чиқарганда буюк талотум,
Этна қорнидаги паҳлавон бир чок
Шундай бўкиргандир тутиб ҳиқичок.

8

Ҳам сохил, ҳам шаҳар узра бетимсол,
Қурол уввосидан кўра даҳшатроқ.
«Аллоҳ!» деган нидо янгради алҳол.
Ёввойи эди у, шафқатдан йирок.
Қасосга чорловчи илтижо мисол.
Еру кўкка солар титроқ-қалтироқ,
У ёв манглайига ҳалокат битар:
“Кофирга ўлим бер! Аллоҳу акбар!”

9

Гарчанд бу ўйинга бўлса-да раҳбар
Беллона фарзанди – Арсеньев, кўркмас
Дарёдан сохилга чиқаркан сафлар
Ўрилган майсадай ётди басма-бас.
Вордсворт² урушни ийиб таърифлар
«Худонинг кизи» деб; шундай экан, бас,
Уруш Исога ҳам сингилдир, демак,
У кофир ахлига душмандир бешак.

10

Тиззадан ўқ еди шаҳзода де Линь³,
Шапо-Бра⁴ эса – қибор зодагон –
Баланд киверидан⁵ ўқ еди, лекин
Қаттол кўрғошиндан асради омон

1 Рус кўшини зобитлари, Исмоил қамали иштирокчилари.

2 Кўл мактабини тузган инглиз шоирларидан бири.

3 Рус кўшини зобитлари, Исмоил қамали иштирокчилари.

4 Рус кўшини зобитлари, Исмоил қамали иштирокчилари.

5 Ҳарбий бош кийим.

Кивер легитимист⁶ боши чаноғин;
Хуллас, бу қиссанинг хиссаси аён:
Кимки бу дунёда мис қилса бошин,
Теша олмас уни ҳатто кўрғошин!

11

Ярадор шаҳзода майдонда ўсал
Ётмасин деб оддий халқ билан бирга,
Шаҳзода замбилин Марков-генерал
Олдирди хатарсиз, панароқ ерга.
Кимдир ўлаётиб ғудранди мужмал,
Кимдир сув сўради богганча терга.
Марков қайишмади уларга унча,
То ўзи оёқдан айрилмагунча.

12

Замбараклар тинмай ҳабдори отар,
Мушкетлар бетўхтов туфлар кўрғошин.
Асфаласофилин қаърига кетар
Бу сурги дорини тотган ҳар кўшин!
Думли юлдузлару очлик, ваболар
Шусиз ҳам синайди башар бардошин.
Дунё таҳликага тўладир, билсанг,
Лекин барчасидан ўтади бу жанг.

13

Турфа хил инсоний изтироб сўзсиз
Жанггоҳ аро қилар бизни ложарам,
Қийнар шоирона муболагасиз
Уқубатнинг барча даҳшатлари ҳам:
Кўллар қовушади, қотиб қолар кўз.
Шу алпоз ўлади саноқсиз одам
Ва лекин айримлар ўлмасдан қолар,
Сўнг безар уларнинг кўксин ленталар!

14

Мен буюк Шухратни севаман ортик;
Чунки у қахрамон қариса агар,
Нафақа олишга беради ҳуқуқ.
Шоирлар кўшимча даромад олар.
Шеъриятда майда қахрамонлар йўқ,
Шу боис ифтихор, ҳурмат муқаррар;
Қотилни нафақат ёқлар нафақа,
Биродаркушликни оқлар нафақа.

15

Бир турк бойдоғини⁷ асирга олмоқ
Дардида ошиқар илғорлар кўзиб,
Дарёдан чиқар-да бошқа бир бойдоқ,
Аскарлар тартибни тартибсиз бузиб,
Ҳандағу ғовларга тирмашиб тўзғоқ, –
Бир-бирини қувлар, туртишиб, ўзиб.
(Онасин олдиға чиққанда пешвоз
Шу тахлит югурар болалар гуррос).

6 Мустабид ҳокимият тарафдори, подшопараст.

7 Бойдоқ – ҳарбий отряд, батарея. (Тарж.).

16

Даҳшатли жанг қилар ҳаёт ва мамот:
Гўё питра тегиб, Везувий, нохос,
Рамақдажон ҳолда хириллар бот-бот.
Суворов савашга берилиб, беҳос
Учдан бир зобитин йўқотди, хайхот.
Беллонадан бизга бир сабоқ мерос:
Бу каби талафот, яъни, ҳалоқат
Ёмон оқибатдан берар далолат.

17

Шону зафарлардан боғлаб қанотлар,
Шараф гултожини бошига кийган
Жуан ишларидан бергали хабар,
Бу катта мавзуни кўйиб тураман.
(Ҳолбуки, биламан, саналса агар
Шухрат луғатига муносиб бўлган,
Ақл кўзи билан бокқанда, хор-зор,
Ўн минглаб шавкатли, шонли номлар
бор.

18

Аммо бу номларни айламоқ мангу
Муҳтарам сўзамол рўзномага тан;
Бу қахрамонона ўлжаларни у
Топар ҳар зовурдан, ҳар бир даладан.
Энди кадри ошар уларнинг, ёху!
Ва лекин бу дунё кўп ўзгарувчан,
Баъзан шундай бўлар: ҳатто матбуот
Қахрамонга қўяр буткул сохта от!)

19

Жонсон ҳам, навқирон Жуан ҳам бу пайт
Аллақайси полкда қилар эди жанг.
Кўрсатар эдилар жангда жасорат,
Ҳеч кимни ўйламай ва бўлмайдиланг;
Гоҳ ёвга мушт билан бериб жароҳат,
Гоҳ қилиб ҳолини қилич билан танг –
Хуллас, кўрсатдилар ўзларин чунон –
Номлари рўйхатда – улар қахрамон.

20

Гоҳида дарёдан кечиб ўтдилар,
Гоҳ қон ботқоғидан, жасадлардан гоҳ:
Гоҳ улар наздида, дўзахий ўтлар
Шундоқ рўпарада ловуларди, воҳ;
Шитоб билан олға босдилар улар
Телба бир жасорат измида ногоҳ.
Ҳатлаб ўз дўстлари жасадларини,
Эшитмасди оху ҳасратларини.

21

Зеро, қахрамоним жанг қилар илк бор,
Зеро, дўзахий тун, зеро, бу туман,
Зафар дарвозаси эмас ҳашамдор,
Мардлигин кўрсатса унда дафъатан,

Зеро, у толиққан (қиларман ошкор) ,
Зеро, киёфаси мунгли, аламзан,
Кўрқди у, эҳтимол, юрак ютмади,
Аммо жанг майдонин ташлаб кетмади.

22

Сафни ташлаб қочмоқ осонмас албат,
Ва лекин қочсанг ҳам осмон қуламас;
Энг зўр ботирлар ҳам баъзан бир
муддат
Кўркув туйғусидан ҳалос бўлолмас.
Мольвиций жангида Фридрих бир пайт
Ташлаб кетган эди жангтоҳни¹, хуллас, –
Ҳамма бузавермас ичган ўз онтин:
Бировлар – виждон деб, бировлар
– олтин!

23

Пунийча² айтгандай бугун ирландлар,
Жуан «шўрва эди, йигитча эмас».
(Яқинда олимлар билиб колдилар,
Карфагеннинг тили кельтча экан, бас, –
Патриқда³ Ханнибал руҳи сақланар,
Мумтоз туникада, Эринда⁴, хуллас,
Яшар Дидонанинг жони барҳаёт –
Шу ўйга мойил ҳар ватанпарвар зот.)

24

Алқисса, у жуда қизиққон бола,
Онаси – эҳтирос, отаси – туғён,
Гоҳида шўх-шаддод ҳисларга тўла
(Аниқроқ айтганда, ҳислари – бўрон!)
Жасорати билан қилар дабдала,
Унга писанд эмас зўр ғов, зўр тўғон;
Кўплар қамал чоғи тўрт томон чопар,
Шундан хузур топар, ҳаловат топар.

25

Менинг зодагоним севгидан, жангдан
Эзгу мақсадларни кўзлайди – беваж,
Шунинг ўзи бош важ: яъни, бу билан
Дипломат, фоҳиша, қахрамон – ҳар каж
Ўз шаънини сақлайди эл таънасидан,
Мақсад, эзулигин қилганча рўкач;
Улар билан қилар, ҳолбуки, равон
Дўзах йўлларини азалдан шайтон.

26

1 Пруссия қироли Фридрих Иккинчининг Мольвиция жангида узоқ вақт йўқолиб қолганига ишора.

2 Бутун банд ўз аждодлари (кельтлар) билан карфагенларнинг (пунийларнинг) қондошлигини тиклашга ҳаракат қилган ирланд миллатчи «олимпари» устидан киноядир.

3 Патриқ – ирландларда тез-тез учраб турадиган ном.

4 Эрин – Ирландиянинг шоирона номи.

Бу дўзах йўлларин бир қисмига мен,
Очиғин айтганда, қиларман гумон;
Яъни, улар бунга чидолармикин,
Наҳот улар билан бўлса йўл раван?
Зеро, бу йўлларнинг таъмири учун
Эзгу мақсадларин айламас эҳсон
Бизларнинг авлодлар; бир ўйланг,
Лондон
Дўзах йўлларини эслатар чандон.

27

Бас, ўтлаб кетмайлик. Қизғин жанг аро
Қаҳрамоним ёлғиз қолибди ногоҳ;
Тўйдан бир йил ўтиб, яқинда барно
Ва азиз бўлган ўз эрларин беох,
Шундай ташлаб кетар аёллар гоҳо.
Менинг зодагоним ўзин баногоҳ
Ўт ва тутун ичра кўрдию шу кез,
(Кўркиб кетди) ўзин ҳис этди ёлғиз.

28

Бу қандай рўй берди, билмайман асло;
Биров ўлдирилган, биров ярадор,
Кимдир жон ҳалпида ақлидан жудо,
Дуч келган томонга қочади абгор.
(Қочган римликларни бир замон, аё,
Зўрға тўхтатгандир ул Цезарь – шунқор,
Қизғин олишувда қалқонин у дов
Қочоқлар йўлига қилган эди ғов!)

29

Жуаннинг қўлида йўқ эди қалқон,
У тақлид қилмади Цезарь шоҳга ҳам,
Кўрдик, ахволи тобора ёмон,
Бир дам ўйга толди, қийналиб пурғам
Ва худди эшакдай (бу таккос шу он
Тирилтирар ўлмас Ҳомерни бир дам:
Эшакдан тузукрок бирорта таккос
Топмаган эди у Аяксга мос...)

30

Алкисса, Жуан ҳам ўхшаб эшакка,
Фақат олға юрди, ортига боқмай,
Тўнган жасадларга туртиниб якка,
Йиқилиб-суринар, борар тутоқмай.
Узоқда, ловуллаб ўрлар фалакка
Даҳшатли бир ёнғин, даҳшатки, ҳай-хай!
Саросима босиб жисму эсини,
Кўздан қочирди ўз бўлинмасини.

31

Командир ҳам, полк ҳам, рота ҳам
гумдон,
Қизғин жанг онда йўқолди улар;

¹ Аякс – Ҳомер “Илиада” сининг қаҳрамонларидан бири.

Ёлғиз худо билар, йитдилар қаён,
Балки пиёдалар тарихи билар.
Лекин бир юлдуздай йилтираган шон
Ортидан қуваркан Жуан жанговар
Бир руҳда талпиниб, қизишиб беҳад,
Тўғри бир тасодиф бахш этди мадад.

32

Тополмай командир, ротадан дарак,
Дуч келган томонга чопди у сарсон;
Гўёки ботқоқдан қутулиб, андак
Йилт этган бир чўғдан шод йўлчисимон.
Флотдан адашган денгизчи бешак
Интилар шубҳали бандаргоҳ томон –
У ҳам худди шундай топиб бир журъат,
Ёнғинни мўлжаллаб югурди фақат.

33

Ҳеч нарса тушунмай нуқул каловлар:
Кўз олди қоронғи, лўқиллар чакка,
Гумбур-гумбурлардан мияси ғовлар,
Чақар томирида бир чакмоқ якка.
Портлашлар зарбию кучли оловлар
Титрок солар эди еру фалакка;
Иблисга солай деб дўзах ваҳмини,
Роҳиб Рожер Бэкон топгандир буни!

34

Дон Жуан бир сафни кўрди шу маҳал.
Саф роса тўкилган – жуда ҳам сийрак;
Сафни жасур Ласси², кўркмас генерал
Бошлаб кирган эди жангга довьюрак,
Ярмидан кўпини ютибди ажал.
Хуллас, жанг бўлгану катта бир элак
Аямай элаган, қолибди охир
Бир ҳовуч синалган ва сара ботир.

35

Жонсон ҳам шу сафда бор эди, алҳол,
Очиғи, қочишни мўлжаллаб турар,
Атрофга аланглаб, биларки дарҳол,
Оловдан қутулиб ўтга тутилар.
Ҳеч қачон қочишни қилмаган хаёл,
Довдираб қолмаган ҳечам бу қадар,
Мустаснодир: кимдир устидан кулса,
Кўрсатган мардлиги кулгили бўлса.

36

Жуан эса худди телбадай бирпас
Танҳо қолди қуюқ жанг ичра такрор,
Янги аскар каби мардлигидан маст,
Бизнинг бритт қилди ўзга бир қарор;
Йўқ, у мусулмондан ҳайикқан эмас,
Аммо бундай «Ўлим водийси» донгдор

² Генерал Ласси Морис – Исмоил қалъаси қамалида биринчи бўлиб ҳамла қилган сафлардан бирининг бошлиғи.

Мардни ҳам титратар деб қилди хаёл, –
Путраган аскарни тўпламоқ маҳол!

37

Мусулмонлар худди малаклар мисол
Муҳаммад кўрғонин ҳимоя қилар:
Аскарлар, қальалар устига қаттол
Кўрғошин ёмғири шаррос ёғилар.
Шаҳарда панажой топиш кўп маҳол,
Бир-бирин аямай қирар ёғийлар,
Жонсон кўриб қолди, бир гала ўқчи
Қирғиндан панада жон сақламоқчи.

38

Уларни чақирди, улар, ажабо,
Чақирикқа дархол бердилар жавоб,
Инсон овозини эшитмас бало –
Хотспер айтганидай гап укмас аҳбоб –
«Қаър руҳи» эмаслар¹. Жонсон шу асно
Майдонга чорлади уларни шитоб,
Пода ҳисси кўзиб уларда бирдан,
Эргаштириб кетди барчасин британ.

39

Жонсонни қахрамон демадим бекор,
Гарчанд унга қисмат Ахилл каби ё
Аякс номидай хушёқар, дилдор
Бир номни кўрмаган бўлса ҳам раво,
У содиқ дўст эди ва танги ағёр,
Кучли, қаноатли эди мутлақо,
Гоҳи ўз жонини жоним демасдан,
Ёв додин берарди ҳеч аямасдан.

40

Ҳозир у ҳам қочди, йўқ, кўркиб эмас,
Уни зўр, ажойиб раҳбар деб ҳурмат
Қилгувчи ва у деб ўтдан-да қайтмас
Одамлар ахтариб қочди у фақат.
Баъзи меъдаларга кўрқув ҳам хуллас
Майдай таъсир қилар; гоҳ топиб
хилват,
Нафасни ростламоқ ўйида бир он,
Суронли жанггоҳдан бўламиниз гумдон.

41

Ҳа, нафас ростламоқ бўлди Жонсон ҳам,
Лекин кейин эса Ҳамлет ҳам ҳатто
Кўрққан у туманли йўлга хотиржам²
Қайтмоқ орзусидан эмасди жудо...
Аммо Жек безовта бўлмади ҳечам,
Уруш – темир эди, у – оҳанрабо:
Ўзига келди панд бермай шаънга,
Эргаштириб кетди ҳаммани жангга.

42

¹ Шекспир қахрамонларидан бири Перси
Хотспер сўзларига ишора.

² Ҳамлет монологи кўзда тутилган.

Бу шайтон ўйини иккинчи бора
Уларга шу қадар туюлди даҳшат,
Ки, кўнгил майлига оид ибора
Унутмоққа маҳкум этилди албат.
Аскар учун ҳаво – ҳам сув, ҳам чора:
Бешафқат бир буйруқ: “Бас, етди
фурсат!”
Хусусан, ўйламоқ бўлар нораво:
Дўзахга етдингми, яқин қолдинг ё...

43

Ўроқ теккан ўтдай йиқилди улар,
Дўл урган мевадай сочилди ҳар ёқ,
Ётдилар мисоли ўрилган жавдар, –
Жинчиноқ ожиздир чакнаса чакмоқ, –
Жангда устун келиб қутурган турклар
Русларни янчилар гўё уртўқмоқ,
Гоҳ унда, гоҳ бунда қулар мерганлар –
Тепкини босишга улгурмаганлар.

44

Кўрғошин ёмғирин ёғдирди моҳир,
Турклар истехкомда турганча хушҳол,
Ҳамлакор сафларни ювди бу ёмғир,
Соҳилга сапчиган кўпиклар мисол.
Пайдарпай ўқлардан асради тақдир,
Хайрият, Жонсонга бўлмади қор-қол;
Олға чопаверди гоҳ ўнг, гоҳ чапда,
Бир пайт ўзин кўрди қарши нишабда.

45

Орқасидан чопди тўрт-бешта аскар,
Сал наридан ўтди ўн чоғли одам;
Энди ҳеч нарсани йўқотмас улар:
Ер ёнар, чор атроф гувуллар мубҳам.
Тек турмоқдан кўра чопмоқ бехатар;
Олдгами, ортгами – фарқи йўқ бу дам!
Шу тарика ўнлаб марди бесалом
Исмоилга қирди хулласи қалом.

46

Не ажабки, улар кўрди шу асно
Мутлақо беъмани, ёмон иншоот –
Нодонлик меваси бўлган бир бино –
Кўхна кунгурали деворни, хайҳот.
(Ҳозир французлар, голландлар аъло
Истехкомлар қуради соҳилда обод, –
Жабал Торик билан қилар ифтихор
Бизнинг инглизлар бекордан-бекор!)

47

Қалъа деворини ботирлар осон
Қилдилар бошпана – халоскор паноҳ.
Саф тортиб, берилгач “От!” деган
фармон,

³ Гибралтар бўғозининг асл арабча номи.

Дув-дув тўкилдилар турклар баногоҳ,
(Сўнгра бу девор ҳам қилинди яксон;
Яксон қилиш гаштли, осондир, ох-ох.)
Алқисса, шу девор қилмай ёвни хит,
Яратди қамалга осон шароит.

48

Қўккис фалончига боқди деб омад,
Ўрин талашувлар, баҳсу жазолар
Тинчликсеварликни этар-да ғорат,
Солар кўп миллатлар аро низолат.
Яъниким, британни қилар ҳақорат
Мана бундай гаплар: гўёки ёвлар
Ватерлоо ёнида бизнинг Веллингтон²
Терисин шилганмиш, қилганмиш
яксон.

49

Прусслар лашкари келиб ногаҳон,
Машхур³ генераллар – Блюхер,
Гнейзенау⁴
Француз лашкарин Бахт кўли бир он
Титраб кетганида, кўтариб хайху,
Асир этган эмиш; гўё Веллингтон,
Келиб қолмасалар прусслар, мангу,
Муаррихлар айтган орденлару пул
Мукофотдан маҳрум бўларкан буткул.

50

Ўзинг асра бизнинг қиролни, худо!⁴
Ўзинг асра, йўкса қиролни авом
Асрашни истамас шу кунлар асло.
Гар эгар-жабдуғи қилса беором,
Қирчанғи ҳам юрмас, минг урсанг
ҳатто,
Нукул тайсаллайди. Вақт етди, тамом;
Авом ўз кучини сезиб қолди, бас,
Айюб⁵ бўлишни у ортиқ истамас.

51

Халқ ковоқ уяди, сўкар, лаънатлар,
Душманни Довуддай қилар тошбўрон⁶.
Сўнгра у кўлига болтани олар,
Қилар чор атрофни беомон вайрон;
Ўшанда улуг жанг вужудга келар;
Мен ҳазар қилсам-да урушдан чандон,
Биламан, биргина инқилоб холос –

1 Наполеон қақшатғич зарба олган Белгиядаги қишлоқ.

2 Инглиз сиёсий арбоби.

3 Ватерлоода Наполеонни тор-мор этишда қатнашган прусс саркардаси.

4 Британ миллий мадҳиясига киноя

5 А й ю б – Тавротгакўра, худо синаш мақсадида унга оғир азоб юборади. Чексиз сартоқат тимсоли.

6 Д о в у д – Тавротга кўра, Исроил шоҳи. Ёшлигида палахмон отиб, баҳайбат Голиафни ўлдирган.

Қиладир дунёни иллатдан, халос.

52

Жуанга қайтайлик. Зеро, у шахсан
Биринчи ўтмаган бўлса-да, илло,
Мусулмон кўрғони панжарасидан
Дадиллик, чакконлик кўрсатиб, аъло
Ўтди биринчилар сафида Жуан –
Уни шон бўрони этди махлиё;
Бўлса-да у қалбан нозик ва дилбар,
Беомон бу жангда бўлди диловар.

53

Жонона бағрида гўдакдай маъсум,
Дилрабо йигит шу эмасмиди, о,
Шу эмасми дилбар оғушда ҳар зум
Жаннат роҳагини тотган йигит ё?
«Айрилиқ – ҳар қандай ошиққа заққум
Ва ҳаатар», демишдир ул Жан-Жак
Руссо .
Аммо айри тушмоқ ёр кучоғидан,
Яъни, энг сеvimли овунчоғидан –

54

Жуанга аламдир; жононларни у
Гоҳ тақдир ҳукмига ташлади ва гоҳ
Бўронда қолдирди, гоҳ чекди қайғу,
Отаси кўлида қолдириб ногоҳ.
Тақдир энди уни ҳиссиёт, туйғу
Қотили – жанг аро ташлади, эвоҳ,
Зол ўлим офати олов уфурар,
Ўзини у отдай оловга урар.

55

Қаршилиқдан унинг қонлари қайнар;
Биламиз, югуриш, пойга бўлганда
Бизнинг юраклар ҳам шунақа ўйнар,
Шундай қизишамиз ҳис-ҳаяжонда.
Йиртқиқчиликдан қилар Жуан ҳам ҳазар
Маълум масофада ва лекин жангда
Ўзгарар инсоннинг феълу атвори,
Ўзида бўлмайди ўз ихтиёри.

56

Ласси исканжада қолиб, ҳар томон
Жовдираб турарди, мададни кўриб,
Жуда хурсанд бўлди ҳам жуда ҳайрон;
Дарҳол табриклади кифтига уриб,
Жуан бошлаб келган ёшларни шодон;
Жуан испанлигин у била туриб,
Билмасликка олиб атай ўзини,
Немисчалаб айтди, афеус, сўзини.

57

Немисчада бизнинг Жуан анча хом,

7 Буюк француз маърифатпарвари, ёзувчи.

Ундан кўра санскрит тилин хўб билар.
Жуан тугул, ҳатто саводсиз авом
Ласси гапларининг маъносин илғар.
Ленталар, юлдузлар, жиддий афт-андом,
Кўкрак тўла нишон, қойим елкалар
Ва серлутф лафзининг оҳанги бешак
Бу зот амалидан берарди дарак.

58

Турли тилда шовқин ва тутун аро
Гаплашиб бўларми, ўйланг, жанг
бўлса,
Ўқ учса, уй ёнса, бир бахти қаро
Замбарак овозин босиб дод солса,
Дўзахга хос қий-чув ва ҳар хил садо
Кулоқни битирса, гўё жом урса –
Сўкиниш, кичқирик, доду вой, оҳ-зор;
Бундай пайт гаплашиб бўлмайди
зинҳор.

59

Салкам икки онлик нутқ учун, аё,
Мен икки октава сарфладим бу он,
Жанг эса гувуллар; таҳлика аро
Қонли талвасада типирлар ҳар жон.
Тўплар ҳам толиққан туюлар ҳатто.
Инсон туйғулари узра беомон
Бир жазо тимсоли – ваҳший оҳ-фарёд
Ҳам узун дод ўрлар тун узра, ҳайҳот...

60

Шаҳарни ёв босди, аммо шаҳар-чи?..
“Худо дайр яратди, одамлар – шаҳар!” –
Деганда ҳақлидир Каупер – жарчи;
Хўш, Ниневия-чи, Тур-чи, жаноблар?
Карфаген-чи? Бобил деворлари-чи?²
О, бари йўқолди! Ажабмас, агар
Ўрмонда яшамоқ анча хотиржам –
Бўлишин ҳадемай билиб олсак ҳам.

61

Сулла³ олмиш бахтли қотил деган от;
Унинг ишин тақдир ўзи ўнг қилган.
Кентуккилик овчи, Бун⁴ деган бир зот,
Менимча, ҳаммадан бахтлироқ бўлган.
У ўзи ўлгунча ўлдирган жонзот –
Эчкию айикдир. Кўзёш билмаган,
Хилватда қийналмай, хотиржам ва шод
Кечирган осуда, беғалва ҳаёт.

1 Каупер Уильям – инглиз шоири.

2 Йўқолиб кетган, вайрон бўлган шаҳарлар.

3 Ҳокимиятни жинойий йўл билан қўлга киритган Рим мустабиди.

4 Бун Дэнел – Шимолий Американинг Кентукки колониясига биринчи бўлиб кўчиб борган киши. Умрининг охиригача ов билан шуғулланиб, ёлғизликда, табиат қўйнида яшаган.

62

Тиниқ ўйларини жинойат ҳеч вақт
Булғамаган, яъни, қилмаган хуфтон;
Овлоқда яшади, жон дўсти – сихат,
Кўп олтин кунларни айлади эҳсон;
Шубхалар, касаллар ўйнайди фақат
Танг-тор кўчаларда, шаҳарда ғужғон,
Софдил Бун ўрмонда яшади узоқ –
Тўқсон йил, эҳтимол, ундан ҳам
кўпроқ.

63

Аммо энг муҳими, чиндан ҳам бу зот
Бир эзгу эсдалиқ қолдирди абад.
(Бунга қодир эмас барча машҳур от,
Хайрли бўлмаса шуҳратми шуҳрат?
Қурук қовоқхона ялласи, ҳайҳот!)
На рашкни билди у, на билди ҳасад!
Бу зоҳид ўрмоннинг пайванди бўлди,
Серкуёш далалар фарзанди бўлди.

64

Рости, ётсирарди одамлардан ҳам,
Ҳатто ўз миллати эмас мустасно;
Ўрмонига келса бирорга одам,
Нари қочар эди ундан шу асно.
У тараккиётнинг фаровон, кўркам
Шаклидан кўрқарди асли мутлақо,
Лекин бир одамни кўрдию бу зот
Унга оғаларча қилди илтифот.

65

У ёлғиз эмасди; қуршаб теграсин,
Ўсарди табиат фарзандлари шод.
Қарита олмас бу ёшлиқ дунёсин
На қилич, на сўкиш ва на гирдибод.
На билар қайғуни, на дўст риёсин,
Она ер бағрида улар умрбод
Эркин кўчманчилик одатин қилур,
Дарёлар, дарахтлар, қушлар каби хур.

66

Уларни аянчли шаҳарликлардан
Жасорат, куч-қудрат ажратиб турар,
Ҳа, улар хушқомат, дилкаш, кўнгилчан,
Хушрафтор қизларин янги модалар
Абжир маймунларга айлантормаган,
Очкўзлик, юлғичлик қилмайди улар,
Уларнинг мергани, бекордан-бекор
Қўлга қурол олмас, бўлмаса даркор.

67

Улар сокин тунда ухлаб хотиржам,
Кундузлари меҳнат гаштини сурар;
Уларни бузолмас на фаҳш, на ҳашам,
На бойлик, на пора йўлдан оздирар;

Нотинч қила олмас дилларини ғам,
Улар олами тинч, ҳам тор, ҳам акбар;
Узлатда жамоат жам бўлиб, улар
Жаҳон шодлигини тотар эдилар.

68

Табиат ҳақида гапирдик, етар!
Энди Тамаддунга берамиз навбат!
Гап вабо ва уруш ҳақида кетар,
Гап жангда милёнлаб ўлдириб, миллат
Шонига шон қўшган қаттол йигитлар,
Олтмиш ёш ҳокима хонимнинг хилват
Ишратхонасига кўрк бўлган чоллар –
Машҳур генераллар ҳақида бўлар!

69

Хуллас, ўтли ҳалқа ичида қолган
Исмоилга кирар пешрав бойдоқлар;
Найзалар, қиличлар ялтирар ишчан;
Вайрона шаҳарни ўлимдан сақлар
Турклар жон-жаҳд ила бир жону бир
тан;
Осмонни даҳшатли оҳ-фиғон қоплар:
Болалар чинқирар, хотину халаж
Чанг, тутун ичида чувлар ноилож.

70

Кутузов (бу одам сўнгрот қаҳратон
Кўмагида енгди Бонапартни шод)
Зўрға қола билди бу жангда омон;
Дўсту душманга тенг ҳазилкаш бу зот
Кулгидан тиймасди ўзин ҳеч қачон,
Лекин бу заминда ҳаёт ва мамот,
Ғалаба учун жанг борарди, ёху,
Шу боис бас қилди кулгисини у.

71

Чуқур хандак оша жасорат ила
Хужумга ўтди у, сувни қип-қизил
Қон қилиб ярадор, мажруҳ ва пўла
Найновлари унга эргашиди дадил.
Шу ўтишда бўлди кўпи дабдала
(Генерал Рибопьер ўлди тортмай тил).
Деворга тирмашган русларни шу он
Қайтариб хандаққа отди мусулмон.

72

Тасодиф туфайли йўлдан адашган
Нотаниш бир бойдоқ бўлмаса агар,
Қон тўла хандақда ғуж уймалашган
Аскарларни кўриб қолмаса агар,
Ошиқиб, офтобда қатиқ ялашган
Ҳалоскор сингари келмаса агар, –
Ўйлайманки, жасур, хушчақчақ арбоб
Кутузовнинг холи бўларди хароб!

73

Тезде Кутузовни қутқазган ўшал
Қаҳрамонлар унга бебошвоқ, бесар
Поодай эргашиб, қилиб таваккал,
Килия аркидан кириб бордилар.
Жанг майдони айни эриб бу маҳал,
Ҳаммаёқ чилп-чилп лой, оёқ сирғанар,
Қадам боссанг сачрар юзингга чалчиқ,
Хуллас, ер тойғончиқ ва билч-билч
балчиқ.

74

Казаклар (эхтимол, қозоқлардир ё?
Тан олай, имлодан мен анча бўшанг,
Урғу – бир арзимас нарсадир, аммо
Жуғрофия зарур, зарур илми жанг!)
Моҳир чавандоз-ку казаклар, илло,
Харитани яхши билмаслар, аттанг.
Боши берк кўчага қамаб юз фоиз,
Қийма-қийма қилди турклар шу боис.

75

Отишма остида шошиб казаклар
Деворни олди-ю, ҳовлиқиб лекин
Қамал тугади деб ўйлади улар
Ва талон-торожга тушдилар бетин.
Турклар пистирмани бошлаб қўйдилар:
То истехкомгача киритиб секин,
Худосиз кофирлар лак-лак аскарин,
Сўнг шартга қиличдан ўтказди барин.

76

Аскарнинг холини доим танг қилар
Ташқаридан бўлган тасодиф хужум.
Беҳуда тиришди бу гал казаклар,
Ўрилгандай саф-саф қулайверди жим.
Ва лекин, дарвоқе, ётган мурдалар
Соз бир зина бўлиб русларга, шу зум
Есуцкий кирди шаҳарга шошиб,
Худди шу мурдалар устидан ошиб.

77

Туркларни кирди бу шердил паҳлавон
Ва лекин ўзи ҳам бўлди у дучор
Мусулмон тигига айни қизгин он.
Турклар дарғазабдир, турклар қасоскор!
Талафот ким учун бўлди беомон –
Бу ҳақда айтмасман фикримни ошкор;
Ҳар қарич ер учун берилди қурбон,
Ўлган ёв берди, бас, тирик ёвга ён.

78

Ҳамлага ташланган иккинчи саф ҳам
Кўп жангчи бой берди; билки, ҳеч
қачон

1 Е с у ц к и й – рус подполковниги.

Шарафли хужумлар олдидан ҳечам
Аскарнинг қўлига бермагил патрон.
Одатда қўлида ўқ бўлган одам
Ишлатиб ўтирмас найзаю қалқон,
Панажой излайди, бўшашар сал-пал
Ва отар душманни олмасдан мўлжал.

79

Яна ботирларни қўлламоқ учун
Генерал Мекнопнинг¹ бойдоғи келди
(Қалъа деворига етмасдан лекин
Генералнинг ўзи тил тортмай ўлди).
Истехкомда ўлим авж олганлигин
Билмаган ботирлар тутдай тўкилди:
Турклар қўмондони кўрқувни билмас,
Таслим бўлишни у хаёл ҳам қилмас.

80

Жуан, командирнинг рухсати билан,
Унга ваъда қилди астойдил шафқат;
Қўмондон бу сўзни тушунмас экан,
Кўрқмас турк қасосни тушунар фақат.
Олмасдан кофирлар ила сулҳни тан,
Асл диндор каби топди ҳалокат.
Бир британ денгизчи уни тириклай
Олмоқчи бўлди-ю, ўлди тил тортмай.

81

Тўппончасин олиб, қўмондон, бадбахт
Рақибни бир онда қилди ерпарчин –
Таъсирли ва қиска жавоб бу беҳад.
Аммо шу ондаёқ, ор-номус учун
Юз йиллаб ишлатиб келинган пўлат
Ва кўрғошин олди бу бритт ўчин:
Ўн тўрт ўққа зўрға жон берди полвон,
У билан жон берди беш минг мусулмон.

82

Ҳа, шаҳар енгилди ва лекин осон
Жон берган эмас у: ҳар девор, ҳар чим
Ҳимояда турди бамисли қалқон.
Нафақат қонли май ичган маст ўлим
Охир-окибатда йўқотди дармон, –
Нил замнига шакл бергандай иқлим,
Уруш табиатнинг ўзида ҳам, дод,
Ғалати шакллар айлади бунёд.

83

Кўксига рус зобит қўйганда оёқ,
Кимдир товонидан тишлади шу он,
Нақ Момо Ҳавога абадий гуноҳ
Ҳадя этган илон сингари чаққон.
Сўкиниб, бўридай ув тортиб ногоҳ,
Рус ёрдам сўради, тепди беомон –
Тишлар ёпишганди қурбонга илкис,

¹ Мекноп Теодор – рус генерали.

Худди ёпишгандай одамга иблис.

84

Ўлаётган бир турк маҳкам ушлади
Душман товонини сезиб ногаҳон,
Ахилл деб аталмиш жойни тишлади²
Ва икки жағини «кулфлаб» беомон,
Ўлар жафосига қўнгил хушлади.
Бошин шарт кесдилар, хуллас, беомон
Зобит оёғига осилган алпоз
Мардона жон берди қасоскор сарбоз.

85

Дейдиларки, (балки ҳаммаси ёлғон),
Оқсаб юрар эмиш зобит то ҳануз,
Жағларни айирмоқ бўлмабди осон,
Ўша турк ўлгандан кейин ҳам ҳаргиз.
Бу ишда, эҳтимол, ноқобил, нодон
Жарроҳни айбламоқ керакдир ёлғиз,
Ёки то сўнги дам ўз ўлжасини
Қўйиб юбормаган турк мурдасини?

86

Аммо факт – факт экан, ким қилар инкор
(Уйдирма гапларга йўқ менда тоқат);
Фақат шоирларга маслаҳатим бор,
Ёлғон-яшиқ кўшманг дostonга ҳеч вақт,
Бандга, қофияга беринг эътибор,
Ва, сиз, – носирлар ҳам, – алдаманг
фақат.
Бола қанд-курсга ўч, шоир – ёлғонга,
Бир кун тушар шайтон қўйган коққонга.

87

Шаҳар енгилди-ю, бўлмади таслим!
Қилич ташламади ҳеч бир мусулмон!
Улар қони билан Дунай лиммо-лим
Тўлиб оқса ҳамки, баҳаққи имон,
Душманга жавобан бор аҳли муслим
Айлади зўр ҳарбий мардлик намоён,
Мағлубнинг кўксидан чиққан ҳар нидо
Ғолибнинг кўксига берди акс садо!

88

Найзалар санчилар, қиличлар кесар,
Одамзод ўтиндай чопилар, – не хол! –
Ер узра тўшалар сонсиз жасадлар,
Куз фасли тўкилган хазонлар мисол,
Тирик қолганлар куз елидай инграр,
Қарийб ўлик эди истехком – беҳол.
Аммо ҳануз таҳдид соларди ҳолсиз,
Илдизи чопилган эман мажолсиз.

89

² А х и л л деб аталмиш жойни тишлади – то-
вон назарда тутилади, афсонага кўра, Ахиллнинг
ягона нозик жойи товони бўлган.

Дахшатли мавзу бу. Ортиқ бу қадар
 Қўрқинчли мазмунни қилмасман
 тасвир.
 Бизнинг борлигимиз, асли, жаноблар,
 Тонг ила шом ўрин алмашувидир.
 О, шомни куйламоқ қийин ҳар сафар.
 Ҳолбуки, шоирнинг олий бурчидир
 Ҳушомад, бўҳтонни аямай урмоқ,
 Дунёни рўйирост тасвишлаб бермоқ.

90

Аммо жиноятлар ичра жасорат
 (Мунгли, осойишта жимжима ашъор
 Мухлиси услубин ишлатиб фақат
 Ва қилиб риёкор услубин дастёр)
 Меҳр шабнамлари ила тароват
 Бахш этди шеъримга, шохид бирубор,
 Бундай ғолибона жанглари гўзал
 Достонлар ўзига зеб билар азал.

91

Аёллар мурдаси куппа-кундуз кун
 Ётар истехкомда юмалаб абгор,
 Сони, кўкраклари очилиб нигун,
 Ҳайвоний қирғинда бўлиб шундай хор.
 Ўн ёшлар чамаси бир қизча дилхун,
 Мурдалар оралаб йиғлайди зор-зор,
 Ёвлардан бир ёрдам қилгандай таъма,
 Чирқираб онасин излар маъсума.

92

Лекин қизалокни икки давангир
 Маст казак қуварди. Майли, минг дод
 денг,
 Ҳеч бир оч, ёввойи йиртқични ахир
 Биз ҳайвон-инсонга қилолмаймиз тенг.
 Одил туриб, қани, бу буюк тақдир
 Учун биз кимларни айблалик, айтинг?
 Нафси бадларними, шундай беибо
 Махлуқлар пешвоси подшоними ё?

93

Дахшатлардан тамом толган қизалок
 Мурдалар оралаб суринар экан,
 Бошпана изларди, изларди паноҳ,
 Чопиб ўтаётди, уларни Жуан
 Ногоҳ кўриб қолди. Не деди, бироқ
 Хонимлар олдида айта олмайман,
 Лекин у қилган иш сўздан-да тиник,
 Казакларга сабоқ бўлгани аниқ.

94

Бирин елкасига тиғ урди, бирин
 Оёғини чопди; солганча уввос,
 Сўкиниб, чақириб полк санитарин,
 Тирақайлаб қочди казаклар бехос.

Ҳовридан тушдию бунинг хатарин
 Ҳис қилганча Жуан довдираб бироз,
 Ҳовлиқиб қизчанинг қўлидан тутди,
 Қонли жасадлардан нарироқ кетди.

95

Ранг-рўйи қув ўчган бахтсиз мавжу-
 дот –
 Қизчанинг юзида қонли бир чандиқ –
 Эслатиб турарди беомон мамот
 Ҳаммани супуриб кетган чоғ, аниқ,
 Унга ҳам чанг солиб ўтганин, ҳайхот.
 Гўё қалдириқдан қар бўлган чумчуқ,
 Қўркувдан кўзларин катта очароқ
 Жуанга жовдираб боқар қизалок.

96

Жуан ҳам, қизча ҳам бир лаҳза, бир он
 Бир-бирин кўзига қараб қолди лол,
 Жуаннинг борлигин қучди ҳаяжон;
 Қалбида уйғонди фахр, ғам, малол.
 Бир митти жонни у сақлади омон;
 Рангпар юзчасида ийманиб, алҳол,
 Худди ич-ичидан ёришган монанд
 Қизалок кўзлари чакнарди хурсанд.

97

Жонсон келиб қолди худди шу замон.
 Уни лутфсиз Жек деб атагим келмас:
 Шаҳарлар қамалин тасвирлаган он,
 Замон ва урф билан келишмай бўлмас.
 Шундай қилиб келди ҳовлиқма
 Жонсон:
 “Жуан! Жуан! Одам бўлсанг-чи, нокас!
 Масков номи билан ичаман қасам:
 “Георгий” оламиз иккаламиз ҳам!

98

Эшитдингми, Жуан? Қўмондон – адо.
 Фақат жон сақлайди охирги кўрғон.
 У ерда бор эмиш бир қари пошо;
 Олдида ётармиш одамлар бежон,
 Тўплар гумбурига қилмасдан парво,
 Чекиб ўлтирармиш у ахён-ахён,
 Ўқлар овозига гўё у зинҳор
 Бермас эмиш ҳатто қилча эътибор.

99

“Юр тезроқ!” “Йўқ! – деди дўстига
 Жуан. –
 Мен манов қизчани қутқаздим, қара!
 Қутқариб қолдим мен уни ўлимдан,
 Бир ўзини ташлаб кетмайман, жўра!”
 Бўйинбоғин силаб анча вақт ўйчан,
 Сўнг Жонсон бош чайқаб, деди: “О, ура!
 Сен ҳақсан! Ҳа, гап йўқ! Қолдириб
 бўлмас!
 Хўш, нима қиламиз – ақлга сиғмас!”

100

“Базли жон қиламан, – деди Жуан. – Ҳа!
Аммо бу гўдакни... Бегуноҳ бу жон!...”
“Эҳтимол, – деб кулди бритт ҳадаҳа, –
Бу ерда базли жон жуда ҳам осон,
Қурбон қиласанми шухратингни, а?”
«Майли, – деди Жуан. – Керак эмас шон,
Майли, буни асраб, ўлсам ҳам ўзим:
Ахир у кимсасиз, энди у – қизим!»

101

“Тўғри, – деди Жонсон. – Яхши қизалоқ,
Бой бериб бўлмайдди лекин фурсатни;
Хўш, ўзинг танангга бундай ўйлаб бок,
Ё хис-туйғуни де, ёки шухратни,
Ё гурур, ё шафқат! Ким ҳам шундай чоқ
Лашкардан ажралиб топарди бахтни?!
Сени ташлаб кетмоқ – номардлик бўлар,
Хужумдан кечикмоқ ундан ҳам багтар”.

102

Чин дилдан севарди дўстин британ,
Жуан қайсарлигин тушуниб, шу он
Уч-тўрт аскар олиб ўз ротасидан,
Дарҳол тайинлади қизчага посбон.
Бир гап бўлса агар ўзим отаман,
Дея таҳдид қилди. Эрталаб омон
Элтса қароргоҳга агар қай бир зот,
Олар эвазига мўмай мукофот.

103

У эллик сўлкавой ваъда қилди ва
Қўлга киритилган ўлжани ҳам бот
Тенг бўламиз, деди. Бу аскарларга
Жуда тушунарли сўз эди, хайҳот.
Жуан яна тўплар ўқирган қалъа
Томон уча кетди чиқариб қанот.
Барибир эмасми ўлжа ё шухрат, –
Биринчи навбатда турар манфаат.

104

Шудир ғалабадан кўзланган мақсад,
Шудир одам кўнглини моҳияти, оҳ.
Парвардигор не деб ўйлайди, минбаъд
Бу бизнинг иш эмас, бизда йўқ гуноҳ.
Мавзуга қайтаман, хуллас, ниҳоят.
Алқисса, ўт ҳалқа ичра бепаноҳ
Кекса хон ўлтирар – қўрғонга қалқон,
Олдида беш ўғли – бешта паҳлавон.

105

О, мен ҳам (кўп хотин олишдан мақсад
Бермоқдир ватанга ўнларча аскар!),
Хондай фахрланиб юрардим беҳад
Шундай ўғлонларим бўлсайди агар.

Приам¹ ёдимга тушар шу фурсат!
Қўлдан кетганига чиндан-да шаҳар
Ишонмас бу оксоч, содиқ паҳлавон,
Жасур ва мухтарам, матонатли хон.

106

Ҳеч ким йўлай олмас ёнига асло,
Мард ўлими мардни титратар бироқ:
Ярим ҳайвон, аммо у ярим худо;
Ҳар ҳолда иккинчи сифат устунроқ.
Рақибини толгин кўрдию, аё,
Ёв унга раҳм этди: ахир баъзи чоқ
Тўнка ҳам раҳм этар – келганда кўклам
Самимий шовуллар ҳатто эман ҳам.

107

Таслим бўл, десалар, аламзада хон
Ҳеч ўйлаб ўтирмай, қулочкашлаб шарт
Ўнлаб насронийни айлади гумдон,
Шведлар қироли Карлдай² сержахд,
Ярасига боқмай, ўққа бермай жон.
Қаттол олишувда охир-оқибат
Қуриб раҳму шафқат булоғи тамом,
Руслар ҳам қизишиб кетди батамом.

108

Жуан билан Жонсон лутф этиб, зеро,
Келтириб шарқона таққосу тимсол,
Аскарлар жаҳлини чиқарманг асло,
Деб секин илтимос қилсалар ҳам, чол,
Бекордан-бекорга қизишиб, гўё
Дўстларини урган эркатой мисол,
Ёки сўз талашган художўйсимон,
Уларга ташланди беҳол, бедармон.

109

Ҳатто яралади уларни ногоҳ,
Шундагина улар хушёр тортдилар:
Жонсон ғазабланди, Жуан урди оҳ:
Бу қургур мусулмон бунчалар ўжар!
Энди бу мард одам ёнига, эвоҳ,
Ҳеч кимса тушмади, полвон ўғиллар
Ва қари хон яна турди бир асно
Қаттол отишмага қилмасдан парво.

110

Энг аввал иккинчи ўғил берди жон,
Кофир қиличидан зарб олиб ногоҳ,
Ҳалок бўлди қўркмас учинчи ўғлон,
Бешинчиси (жасур, суюкли, дилхоҳ)
Бўлди ёв найзаси тийғига нишон.
Тўртинчиси бўлди отага паноҳ,
Зеро, ор қиларди ундан кекса хон,
Бу ўғлин онаси – асира юнон.

¹ Ҳомер «Илиада»си қаҳрамони, Троя шоҳи.
Унинг элликта ўғли ва элликта қизи бўлган.
² Швеция қироли Карл Ун иккинчи.

111

Тўнғич ўғил кофир аҳлидан чунон
 Жирканарди, зеро, мард, саркаш эди,
 Ва у қора кўзли хурларга аён,
 Пайғамбарга содиқ жафокаш эди.
 Шарқона ҳашаму равзаи ризвон,
 Атлас тўшакларга ўч, оташ эди,
 Сержилва, серишва қизлар сингари
 Шуҳрат шамси бўлиб жазб этар бари.

112

Улар жаннатига ёш ҳоқон нечун –
 Эҳтимол, гўзаллар яхшироқ билар;
 Эҳтимол, сочи оқ куёвлар учун –
 Ёш хурлар анчайин увол, ҳайф бўлар.
 Қиз кўйнида йўқдир чолларга ўрин, –
 Аммо жанг майдони узра тўкилар
 Ўн минглаб навкирон, азамат эрлар,
 Барнолар, жасурлар, мардлар,
 Ботирлар.

113

Эрлар ёш бўлсалар, бўлсалар барно,
 Хурлар бажонидил ўғирлар, аён,
 Ўғирлар, асалои бахтнинг бебақо
 Гулин йигитларга қилганда эҳсон,
 Беташвиш, салт ҳаёт орзуси асло
 Уларни маҳлиё этмай кўйган он...
 Мен билан, бегумон, тортишар хурлар,
 О, банда худди шу онларда гуллар!

114

Хурларнинг кўзига кўз тикиб ёш хон
 Тўртга рафикасин зумда унутар:
 Тууб бир эҳтирос, мардлик, ҳаяжон,
 Жаннатда ўтажак илк туниб ўйлар.
 Дарвоқе, навкирон аҳли мусулмон
 Жасоратдан доим шундай руҳланар.
 Зеро, билар – жаннат ҳаммага битта,
 Фалак эса олти, балки еттига.

115

У кўксига тиғни ҳис этиб ногоҳ,
 Ўларкан, шуларга келтирди иймон,
 Хотиржам пичирлаб деди: «Ё аллоҳ!»
 Ва кўрди шу заҳот жаннатни аён.
 Унга, қахрамонга қўл чўзиб, эвоҳ,
 «Кел!» деб хитоб этди бир гала ғилмон.
 У шамси муслимга бир кулиб, ёху,
 Мангу нурга боқиб ухлади мангу!

116

Кекса хон юзлари ғамдан буришди
 (Зеро, кўпдан кўрмас хурларни бу чол)
 Ва кўркам мурдалар узра мук тушди.
 Зўр бўрон йиқитган ёш сарвлар мисол

Ўғиллари ётар. Эти увишди.
 Сўғишни тўхтатиб, бош эгиб, беҳол,
 Оппоқ қошларини чимириб гирён,
 Тўнғичи устида йиғлар эди хон.

117

Кўриб бу ҳолатни рус аскарлари
 Жангни тўхтатдилар, балки, дафъатан,
 Жудолик даҳшатин кўрган бу қари
 Таслим бўлганини олар дея тан.
 Аммо у жим эди, бор умидлари
 Парча-парча бўлиб, титраб инграркан,
 Ўғилларга боқиб, туярди даҳшат,
 Бир ўзим қолдим деб сўппайиб фақат.

118

Йўк, кўпга бормади бу мунгли санчик,
 Аламу хўрликдан тўлиб кўкси лим,
 Ўзин рус тиғига урди у (ва тиғ
 Не кўйга солиши ҳаммага маълум)
 Оловга урилган парвона янглиғ.
 Ҳозир гўзал эди хар қандай ўлим;
 Бахт билиб чорасиз холин бечора,
 Қаттол ёв тиғидан топди у чора.

119

Не ажаб, дастидан ҳатто болалар
 Омонлик топмаган кўпол, бадқовоқ
 Аскарлар хафақол бошин соларлар,
 Бу ота-болалар қошида узоқ.
 Уларни титратмас оху нолалар,
 Лекин чол мардлиги титратди кўпроқ,
 Ундаги аламу ундаги нафрат
 Ҳушёрроқ бўлишга ўргатди фақат.

120

Яна бир, охирги истехком адл
 Қаршилиқ кўрсатди; бу ерда подшо
 Навкарлари отиб, санчиб астойдил,
 Русларга кўрсатди даҳшат тамошо.
 Руслар хужумини кескин ва дадил
 Йигирма мартача қайтарди у, то
 Жанг боришин сўраб, билиб олгунча,
 Шаҳарнинг кетганин англаб қолгунча.

121

Шунда у шарт кўйиб, де Рибас томон
 Бир бейни жўнатди ва ўзи бетин
 Бир соатки, мана, чекар беомон,
 Кўрсатиб совуққон мард матонатин,
 Қошини чимириб, кўр тўкиб ҳамон
 Силаб ўтирар у соқолин секин.
 Кимнингки туғида учта дум бордир¹,
 Демак, у уч қарра кудратга ёрдир.

¹ Кимнингки туғида учта дум бордир – уч туғли пошо, турк султонлигида олий ҳарбий унвонларидан бири.

122

Хуллас, шаҳар мағлуб – ҳар ёнда
торож,
Пошо минг ҳимоя қилсин – бемажол,
Муаззин минг дуо этсин – ноилож.
Ботиб кетди, афсус, кумушранг ҳилол,
Майдон узра порлар энди қизил хоч.
Йўк, у хун рангида порламас алҳол,
Йўк, йўк, кўчаларда окқандир бу қон,
У – ойдан ва шафақ нуридан алвон.

123

Бунда афсонавий мудҳиш тумонат
Жисму жонинг аро солар ваҳму муз,
Бу ерда тушга ҳам кирмаган ваҳшат
Содир этар ҳушдан жудо бир иблис;
Ҳатто тахайюлнинг ўзи бу даҳшат
Тасвирин қилмоқдан ожиздир, ожиз, –
Ягона ҳокимлик қўзғотган бўрон
Ва дўзах кучлари ўйнайди ғужғон.

124

Ё гўдак, ё қари бемажол бир зот
Ўқлар ёмғиридан қолганда омон,
Қайсидир бир юрак бўлиб бундан шод,
Ҳамдардлик туйғуси уйғонса бир он, –
Эзгу иш ва ўлим олдидаги дод –
Барчасин ғарқ этди харобот уммон.
“Урушмоқ!” сўзида не даҳшат пинҳон,
Вакт етди, тушунинг, эй, аҳли жаҳон!

125

Нечоғли қимматга тушар «ахборот»,
Ўйланг, эй, рўзнома мухлислари, сиз;
Кутулиб қолишга йўқдир кафолот,
Келажакда сиз ҳам қурбон бўласиз!
Каслрей нутқлари, солиқлар, закот,
Веллингтон зафари эмасдир бежиз,
Ирландия инграр очликдан ёна –
Барчаси, барчаси шундан нишона.

126

Ҳар ҳолда, қиролни эъозлаб халким,
Яшнаб бораётир кундан-кун, илло,
Ғоят хурсанд бўлар шоирлар ҳар зум
Ҳукмдорга айтса ҳамду тасанно.
Қилар Ирландия халқига ҳужум
Оммавий қашшоқлик деган бир бало;
Салтанатга етмас аммо додимиз:
Георг Тўртинчининг қорни тўқ – семиз.

127

Мен яна мавзудан чекиндим, узр.
Хуллас, ҳалок бўлди шўрлик Исмоил!
Дунайда ёнғиндан тушган қизил нур
Тун бағрин ёритар қон каби қизил.

Деворлар қалтирар, гувлар беҳузур,
Барча мудофаа этилди чил-чил;
Ўн минглаб ботирлар сафидан бу он
Зўрға қолган эди юзтаси омон.

128

Мен ҳада этарман русларга мангу
Яхши хулки учун мактов – мукофот:
Зеро, бизнинг фосиқ замонда бу
Эъозга сазовор нодир ҳодисот!
Қандай айтий? Мавзу биров қалтис-ку?..
Хуллас, хотинидан йироклик шаддод
Аскарни бузади (узр, эй, тақсир),
Қисқаси, хулқиға қилади таъсир.

129

Албатта, улар ҳам хўп таладилар,
Аммо аҳолидан, қайд этмоқ дарқор,
Кўп бўлса, уч юзи кўргандир зарар.
Бунинг сабабини қилмайман ошқор,
Бирок мен сизларга қув французлар –
Ёқимтой ва лекин фосику айёр,
Шу миллат шаҳарга қилганда ҳужум,
Нима бўлганини эслатай бир зум.

130

Шошма шошарликда, зулматда албат
Бўлиши мумкиндир арзимас хато;
Хонадонлар шундай тутарки, даҳшат,
Шайтонга йўлиқиш ҳеч гапмас ҳатто!
Шу пайт олти найнов, баҳона – зул-
мат, –
Етмиш яшар гўзал, моҳирўй, барно
Қизларнинг бошига, ҳа, олти улфат,
Солди ҳеч тузатиб бўлмас бир қулфат.

131

Умуман, зўр тутди ўзин жононлар,
Жонга теккан эди, очиғи, иффат.
Гар хафа бўлсалар офатижонлар,
Хафа бўлдилар ўз ёшидан фақат.
Тасодифий қурбон рўлини улар
Ўйнадилар асло чекмай хижолат;¹
Сабинян аёллар дуч келган тақдир¹
Ёмон туюлмади уларга ҳеч бир.

132

Бева хотинлар-ку чидолмас, аён,
Ҳа, улар бетоқат, кўнгиллари ғаш;
Аммо қирқдан ошган момолар ҳайрон:
Нима учун йўқ деб оммавий зўрлаш.
Алқисса, жанг қилиб толган бедармон
Аскарлар, шубҳасиз, бўлолмас сарқаш,
Ҳорғин пайт дил хушлаш ахир қаёқда!
Балки туллар қолди шу боис доғда!

¹ Сабинян қавмидан бўлган аёлнинг ўғирлаб кетилгани тўғрисидаги афсонага ишора.

133

Турган гапки, Темур, Чингизхондан ҳам
 Ошиб тушди бу кун Суворов хатто:
 Душман оҳ-зоридан бўлди у хуррам,
 Қилди ёнаётган юртни тамошо;
 Қонли қўли билан, не ажаб, шу дам
 Этди маликага шеърий хат иншо:
 “Худога ҳам шукр, шукр сизга ҳам!
 Истеҳком олинди, мен унда хуррам!”¹

134

Бу байт – Дониёлнинг эркасин² бир дам
 Қўрқитиб юборган қудратли маъно –
 “Мене, мене, Текел” сўзларидан ҳам
 Даҳшатроқ туюлди менга шу асно.
 Хатто Яҳудия пайғамбари ҳам
 Кулфатдан завқланиб кулмаган асло.
 Неронга хил тушган бу қофиябоз,³
 Ёнгин ёруғида кулмоқда паққос.

135

Дод-вой жўрлигида бу қўшиқ ғоят
 Даҳшатли янграйди! Келгуси авлод
 Уни ғазаб билан ўқир бағоят.
 Тошлар, золимларни мажақланг, хайхот!
 То мени ҳеч кимса бир кун салтанат
 Маддоҳи демасин! Тингла, зурриёт!
 Дунё куллик туни занжиридадир,
 Қандай бўлса шундай кўрсатдим ахир!

136

Насиб этмас бизга янги аср, воҳ,
 Дунё лаззатини суриб аммо сиз, –
 Одамзод шу қадар қабих ва суллоҳ,
 Нодон бўлганини англармикансиз?!
 Бас, мангу тортилсин устига тупроқ,
 Бу манфур йилларнинг ёди ўчсин тез!
 Ўз золимлигидан ғўдайган кибор,
 Қонхўр йиртқиқларни унутинг зинҳор!

137

Унутилган қонун-қоидалардай
 Ёт бўлсин сизга шоҳ тожу тахтлари,
 Тахтларда талтайган шоҳчалар ҳам, хай,
 Фиръавннинг қадим обидалари
 Сирли ёзувлари ёт бўлганидай,

1 Суворов бу сатрларни Туртуқай олинши муносабати билан ёзган.

2 Тавротнинг Дониёл китобига кўра, «Мене, мене, текел» сўзлари зиёфатлар зали деворига кўринмас қўлда олов билан ёзилганда Бобил шоҳи Валтасар кўрқиб кетган. Маъноси: «Шоҳ, сен ўласан, шаҳар форслар кўлида».

3 Суворов ўз ғалабаси билан император Клавдий Цезарь Неронга шоҳликни олиб берган қадимги Рим элчиси Гай Клавдий Неронга ўшатишмоқда.

Ёт бўлгандай мамонт устихонлари;
 Хайратда боқасиз бир кун, авлодлар,
 Қандай яшаган деб бу махлуқотлар!

138

Илк қўшиқда берган ваъдамни ҳалол
 Адо этмоқдаман, ўқувчим, хуллас:
 Муфассал тавсифлаб бердим мен алҳол
 Муҳаббат, пўртана ва жангни, о, бас,
 Аёнки, дostonим эпикдир, филҳол,
 Барча салафларга туриб қасдма-қасд,
 Ечдим масалани жуда ғаройиб;
 Тақдир ҳукми билан мадад берди Феб.

139

У эзма созимнинг неча хушилҳом,
 Хушхон торларини созлади фақат,
 Қалтис ҳикоямни этгали давом
 Гоҳ ундок, гоҳ бундок кўрсатди мадад.
 Жонга тегиб кетди бу жанги худком,
 Петербургга етиб боргунча то хат,
 То етиб боргунча пойтахтга Жуан,
 Биз ҳам дам олайлик жангу жадалдан.

140

Жуан шу шарафга бўлди сазовор,
 Инсонпарварлиги, мардлиги учун.
 Писанда қилдилар такрор ва такрор
 Жасурлиги ҳамда одамий кучин.
 “Владимир”⁴ унинг кўксини илк бор
 Худди шу туфайли безагани чин.
 Аммо у ифтихор туймади бундан,
 Фахр этди қизчани кутқазганидан.

141

Петербургда кетди турк қизи Лайло,
 Ташлаб кетолмади Жуан бу беҳол,
 Кимсасиз қизчани кулбасиз, танҳо.
 Жанг чоғи жабрлар кўрди бу ниҳол,
 Хешу ақрабодан бўлди Мосуво,
 Ғамбода ул Ҳектор рўзғори мисол.
 Жуан асраб олди, энди минг жафо
 Чекса ҳам қилмоқ шарт ваъдага вафо.

*Рус тилидан Сулаймон
 РАҲМОН таржимаси*

4 Рус ҳарбий нишони.

5 Ҳомер “Илиадаси” қаҳрамонларидан бири, Приамнинг ўғли, Троянинг асосий Ҳимоячиси.

“МУРУВВАТ БАРЧА БЕРМАКДУР...”

Кейинги йилларда Алишер Навоийнинг ижодиёти, шахсияти, дунёқарашини ўрганиш юзасидан анчагина илмий янгиликлар юзага келди. Биз уларни бир неча тадқиқот асосида таҳлил этиб, адабий таълим ва бадиий адабиётга татбиқи тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Филология фанлари доктори, Термиз Давлат университети профессори Аҳмад Абдуллаев кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослиги илмига жуда ажойиб китоблар ҳада этмоқда. 2009 йили унинг “Тасаввуф ва унинг намояндalари” рисоласидан баҳраманд бўлган эдик. Комил инсон ҳақидаги таълимот бўлмиш тасаввуф ҳақида айрим олимларимиз шу қадар мавҳум, мураккаб ёзишадикки, уни ўқиб тушуниш қийин. Ўзбекистонда тасаввуф тўғрисидаги дастлабки содда, тушунарли, маъзи тўқ китоблар профессор Н.Комилов томонидан яратилган. Улардан кейин ўзбек тилида тасаввуф тўғрисидаги энг равшанбаён китоб А.Абдуллаев томонидан ёзилди. Унинг китобларида энг мураккаб тасаввуфий тушунчалар ҳам шу қадар оддий ва аниқ тушунтириладикки, улардан оддий китобхонлар ҳам, мутахассислар ҳам бемалол баҳра топишлари мумкин. Маълумки, услубдаги равонлик ва аниқлик фикрнинг пишиб етилганидан, мустақиллигидан ҳамда тиниклигидан келиб чиқади. Назаримизда, тасаввуф ва адабиёт тўғрисида худди шундай ёзган маъкул.

Олимнинг 2011 йили чоп этилган “Навоий ҳақида йигирма икки

мақола” китоби ҳам кўп йиллик илмий кузатишлар, бирламчи манбалар устида ишлаш, чуқур таҳлил меvasидир. Муаллиф китобдаги йигирма икки мақоланинг ҳар бирида Навоий тўғрисида бирор илмий янгилик айтишга муваффақ бўлган. Навоийшунослиқда улуғ мутафаккирнинг шахсияти, оилавий ҳаёти, фарзандлари ҳаммани кизиқтирадиган, айна пайтда, етарли ёритилмаган муаммодир. Китобдаги “Навоий фарзандлари” мақоласи шу жихатдан диққатга сазовор. Мақола буюк шоирнинг ҳаётда оддий бир инсон ва меҳрибон ота бўлганлиги ҳақидаги самимий сўзлар билан бошланади: “Биз биламизки, ҳазрат Навоий уйланмаган эди ва табиийки, унинг фарзандлари ҳам бўлмаган. Аммо у болаларни жуда яхши кўрган ва фарзанд иштиёкида яшаган. Бу шавқ ва ҳавас шу даражада бўлганки, ўзгалар фарзандини фарзанд билиб, уларга оталарча меҳр-муҳаббат кўрсатган. Бундай фарзандлар эса улуғ шоирда кўп бўлган...” Кейинги йилларгача навоийшунослиқда Навоий асраб тарбиялаган бир йигит тўғрисида маълумот бор эди, холос. А.Абдуллаев Навоийнинг “фарзандларим” деб ўзи эътироф этган, тарбия берган уч фарзанди ҳақида фикр юритади. Ҳар бири ҳақида Навоийнинг ўз эътирофини келтиради.

Биринчиси илмда эътироф этиб келинган Мир Иброҳим бўлиб, Навоийнинг у ҳақдаги шундай таърифи “Мажолис ун-нафоис”дан келтирилади: “Султон Хусайннинг ўғлидур ва фақирнинг оғасининг набираси-

дур. Фақир они ўғилчилай асрабмен”. Бундан англашиладики, Мир Иброҳим Навоийга мутлақ бегона эмас, балки унга яқин кишиларнинг зурриёди бўлган. Навоийнинг оғаси Шайх Баҳлулбек бўлиб, унинг ўғли Султон Хусайн Хотамийнинг фарзанди Мир Иброҳимдир. Навоийнинг “ўғилчилай” сўзи илмий адабиётларда “ўғилчадай” дея талқин этилади. Бизнингча, бу сўзни сал бошқачароқ тушуниш лозим. Халқимиз, одатда, беш ёшлардан ўсмир ёшигача бўлган болаларни “ўғилча” деб атайди. Навоий “ўғилчилай асрабмен” иборасини ишлатганда, ўғилчалигидан – болалигидан асраб тарбиялаганман демоқчи бўлган.

Навоийнинг иккинчи фарзанди Ҳожи Муҳаммад исмли йигит бўлиб, у ҳақда шоирнинг шундай эътирофи берилади: “Машҳаддиндур, кўпроқ авқот бу фақир била мусоҳибдур ва фарзанд ўрнигадур, балки андин ҳам азизроқ”. Ҳожи Муҳаммад Навоийнинг истеъдодли, садоқатли ва меҳр-оқибатли шогирди бўлиб, унинг тавсифланган фазилатлари шоирда оталик туйғуларини уйғотганлиги изоҳланади.

Шоирнинг учинчи асраб олган фарзанди Мир Ҳайдар бўлиб, у ҳақда Навоийнинг шундай эътирофи зикр этилади: “Сабуҳий тахаллус қилур. Ота отадин бу даргоҳнинг бойриси, балки туғмасидур. Бу фақирға шиддати қаробатдин фарзандлиғ нисбати бор”. Сабуҳий тахаллуси билан шеърлар ёзган бу йигит ҳам Навоийнинг ўз қариндошларидан, аниқроғи, жияни бўлиб, унинг авлод-аждоқлари улуғ шоир даргоҳининг садоқатли фарзандлари бўлганлар. Албатта, Навоий кейинги йигитларни Мир Иброҳимдек фарзанд сифатида асраб ўстирмаган, фарзандим деб такаллуф юзасидан айтган бўлиши ҳам мумкин. Навоийнинг назари тушган ва унинг тарбиятида камол топган бундай ёшлар кўп бўлган.

Навоийшуносликдаги чигал муаммолардан бири шоирнинг нима сабабдан уйланмаганлиги бўлиб, у олимлар томонидан турлича

талқин этиб келинмоқда. Профессор А.Абдуллаевнинг қатъий иқрор этишича: “Уйланиш ва аёл зотиға интилишни унинг маслағи, мафкураси ва тариқати кўтаролмасди ва у умр бўйи ёлғизликда, аммо Аллоҳ ҳамроҳлигида яшади. Сўфиёна поклик ва Аллоҳ дўстлиги шоирни(нг) уйланишини манъ этиб, унинг жисму жонига ҳузуру ҳаловат ва нуру зиё бахш этди. Улуғ шоир Аллоҳ сифатларини касб этиб, комил инсон бўлиб, бир умр Унинг ўзи каби фарду мужаррад (танҳо ва ёлғиз) ўтди”. Олим ушбу хулосасини XIII аср мутасаввуфи Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақоийқ” асаридаги “вахдат йўлига ғов бўлган тўрт тўсиқдан биттаси “оила (хотин)га боғланиш” эканлиги” фикри билан асослайди. Унингча, Навоий вужудини пок сақлаш ва вахдатга эришиш учун “нафси аммора” билан курашиб, уни тор-мор қилишга муваффақ бўлган”. “Нафси шаҳвонийни қахрамонларча мағлуб этган”. Олим Навоийнинг уйланмаслиги сабаби жисмоний асосга эмас, балки ғоявий, мафкуравий, ахлоқий асосга эгаллигини илмий жиҳатдан тўғри ёритиб берган.

Навоийшунос олим Қодиржон Эргашевнинг “Ўзбек насрида иншо” рисоласи диққатга сазовор тадқиқотлардан бири бўлди. Унда мавзу Алишер Навоийнинг “Муншаот” асари асосида ёритилган. Тадқиқотнинг 1-бобида иншонинг Шарқ адабиётида тутган ўрни ойдинлаштирилган. Ҳозирги замонда иншо деганда фақат таълим тизимида ёздириладиган ёзма иш тури тушунилади. Қадим Шарқда эса иншонинг маъно миқёслари кенг бўлган. Ўзбек мумтоз адабиётидаги мактубларни, хусусан, Жомий ва Навоийларнинг муншаотларини ўрганиш бошланганидан кейин, замондошларимиз иншонинг мактубхат маъносини ўзлаштирдилар. Рисоладан иншонинг бошқа, биз билмаган турлари ва луғавий маъноси ҳақида қуйидаги сингари янги маълумот олиш мумкин: “... “иншо” сўзининг луғавий маъноси “яратиш”, “ижод қилиш” демақдир. Иншо атамаси

ҳам анча кенг маънода қўлланар, ёлғиз мактубларни билдирмай, бошқа расмий ёзишмалар, хон, султонларнинг фармон ва ёрликлари, турли давлат ҳужжатларини ҳам англатар эди” (6-7-бет). Қадимий қабр тошларидаги битиклар ва ҳукмдорларнинг ғалабаларини эълон этувчи фатҳномалар ҳам иншо деб юритилган. Давлат девонларидаги мирзо ва котибларнинг мансаб номлари “мунший” деб аталган. Муншийлар жамоасининг бошлиғи, яъни бош мунший “сармунший” деб номланган. Хуллас, мунший иншо санъатини юксак даражада ўзлаштирган ва у билан машғул махсус хизмат вазифасига эга касб эгаларини ҳам англатган. Иншо ёзма нутқ маданияти ва оғзаки нотиклик санъати юксак даражада шаклланган шахсларда камол топган. “Фалон кишининг иншоси билан битилган”, “иншоси яхши”, “иншоси машхур” ибораси сайқалдор ёзма услубни ифодалаган. Бу ҳолда иншо фикр, мазмунни раво, равшан, тушунарли, чиройли баён этишни англатган. Муаллифнинг таъкидлашича, Шарқда “Яхши иншо ҳар қандай асарни безайди, деб ҳисобланган” (11-бет). Иншо санъати усталаридан шоир ва ёзувчилар, дипломатлар, давлат арбоблари, донишмандлар етишиб чиққан.

Шарқда иншо дипломатик нутқ моҳиятига ҳам эга бўлган. Шарқона дипломатия эса, табиийки, сирли, сеҳрли ифодани, донишмандларча эҳтиёткорликни тақозо этган. Қ.Эргашев таъбири билан айтганда: “Санъатлар, бадий воситалардан имкони борица фойдаланиш расмий иншолар учун ҳам, шахсий ёзишмалар учун ҳам бирдек хос эди. Бу тамойилнинг кучайиб бориши натижасида иншоларнинг услуби мураккаблашиб борган. Мактуб муаллифининг мақсади ҳам кўпинча пардали иборалар, рамзу ишоралар орқали изҳор қилинган. Аксар ҳолларда иншонинг нима муносабат билан ёзилганлигини ҳам аниқлаш қийин бўлиб қолган. Ўша даврда иншо қанча тушунарсиз бўлса, шунча яхши, деган қараш ҳам бўлган” (24-бет). Қизиғи

шундаки, Қ.Эргашев ҳамфикр бўлган улуғ шарқшунос олим – Адам Мец: “Умуман, риторик аксессуарлар мактуб мақсадини шунчалик пардалаб қўядики, уни аниқлаш учун анча заҳмат чекишга тўғри келади” деса, Е.Э.Бертельс: “Аниқ-равшанликни давр услуби талаб қилмас эди – мактуб анчайин тушунарсиз бўлиши мумкин эди, у эффеқтли нутқ оборотларини ўз ичига олса, кифоя эди”, – деб ёзган.

Шу пайтгача Навоий мактубларини ўрганган олимлар С.Ғаниева ва Ю.Турсунов иншоларни мазмунни ҳамда услубига кўра замонавий тасниф этган эдилар. Қ.Эргашев эса уларни ўзига хос хусусиятларига кўра – мурофия, муросала ва рикъо йўсинида битилган хатлар тарзида тарихий тасниф этиб ўрганган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида навоийшуносликда Навоийга ноқобиллик қилган фарзанд Мир Иброҳим деган фикр эътироф этилган эди. Бу фикр беш томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” тадқиқотида акс этган ва ҳанузгача ўз кучида турган эди. Қ.Эргашев Навоий мактубларини бошқа тарихий манбалар билан қиёслаб, синчиклаб ўрганар экан, унинг таржимаи ҳолига оид мисқол-мисқол янгиликлар топади ва мушфиқ шоирнинг “ноқобил фарзанд”и бошқа киши эканлигини аниқлайди. Бу ҳақда олим: “Шоҳқули исмли ғижжакчи ҳақидаги маълумотни ўқиб, мен мазкур мактуб шу одамга ёзилган, олимларимиз кимлигини аниқламоқчи бўлган “ноқобил фарзанд” шу киши, деган хулосага келдим”, дейди ва Хондамирнинг Шоҳқули ҳақидаги маълумотини келтиради. Қ.Эргашевнинг бу камтарона тузатиши йирик навоийшунос олимларимиз томонидан қабул қилинди.

Шундай қилиб, Навоий тарбиятида камол топган ва навоийшунослик тан олган фарзандлар сони тўрттага етди.

Навоий ўз назарий қарашлари, амалий фаолияти ва шахсий турмуш тарзида ўзигача бўлган тасаввуф тариқатларининг энг яхши хусусият-

ларини синтезлаштирган. Масалан, у жавонмардлик (футувват) тариқати нуқтаи назаридан олижаноб жавонмард ва фатий бир зот бўлган. У машхур фарди:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,

Футувват барча қилмакдур, демак йўқ, –

даги инсонпарвар ва халқпарвар ғояга, аввало, ўзи амал қилган. Жуда кўп тарихий манбалар ва тадқиқотларда, хусусан, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” номли янги монографиясида ҳаққоний ёритилганидек: “Алишер Навоийнинг хайрия амаллари, бунёдкорлик фаолияти, уламо ва фузалога кўрсатган беҳад мурувватлари, факиру ғарибларга пуштипаноҳлиги ҳақида ўз замонасидан ҳозирги давргача бетўхтов гапириб келинмоқда. У курдирган Халосия хонақосида ҳар куни мингдан ортиқ факир ва мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар билан тўйдирилган. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, токия ва кафш улашилган. Машҳадда Имом Ризо боғида Дор ул-хуффош курдириб, ёнида ҳар куни муҳтож, заиф ва етимларга овқат бериш учун махсус уй солдирган... (Ахир, бу ясавиядаги: “Оқил эрсанг, ғарибларни кўнглин овла, Мустафодек элни кезиб етим қовла” таълимотининг нақд амалий ифодаси-ку! – Н.Ж.) Давлатшоҳ

ўн иккита иншоот ҳақида гапириб ўтса, Хондамир юздан зиёдроқ хайрия бино ва иншоотларини, шу жумладан, ҳовуз ва кўприкларни санаб ўтади. Фаҳрий Ҳиротий “Амир Алишер 370 хайрия биносини қурган” деб умумий тарзда ҳисоб қилса, Сом мирзо бу сонга аниқлик киритиб, “уч юз етмиштадан тўксонтаси работлардир” дейди”. Янада қизиғи шундаки, мазкур тадқиқотда таъкидланишича, тарихчилар буюк амирнинг шахсий ҳаёти ва амалий фаолияти билан боғлиқ кўп ибратли ишларни Навоийнинг ўз топшириғи ва раъйига қараб ошкор этмаганлар. Ана муруввату, мана футувват! Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда Алишер Навоий ижодиёти, шахсияти ва дунёқарашини ўрганиш юзасидан майдонга келган янгиликлар Навоий адабий сиймосини бирмунча янгича тасаввур ва тасвир этишга асос беради. Бирок, ҳамон кенг халқ оmmasи тасаввурида Навоийнинг адабий сиймоси “Алишер Навоий” драмаси ва бадиий филмидаги даражада турибди. Илмий тадқиқот натижалари ўз ҳаётий татбиқини кутмоқда. Илмдаги янгиликларни бадиий адабиётга олиб кириш ва улуғ мутафаккирнинг янгича адабий сиймосини жонлантириш фурсати етди, назаримизда. Бу соҳа ёзувчи ва драматургларимизнинг янги ижодий изланишларига муҳтож бўлиб қолмоқда. Айни вазияда юқори савияли бадиий, илмий асарлар яратиш, уларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

*Нусратулла ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори*

НАВОИЙ ВА САЪДИЙ

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий номи ҳақли равишда жаҳон адабиётининг энг буюк сиймолари қаторида фахр билан тилга олинади. Энг аввало, Навоийнинг фавқулодда нодир истеъдоди ва улкан ижодиёти, ҳазрат Жомий ва Бобур таъбири билан айтганда, кўп ва ҳўб (яхши) ёзганлиги шоирни бекиёс улўғлик мартабасига кўтарди. Зотан, шоирнинг ўзи ҳам бир фахриясида бухақиқатни шудай эътироф этган:

*Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире*

Шу билан бирга Навоийнинг тенгсиз истеъдодига бамисоли бир қанот бағишлаган, уни бутун салоҳияти ва жилолари билан эрта намоён бўлишига имкон берган муҳим маънавий-эстетик омиллар борлигини ҳам унутмаслик лозим. Устоз шоир Э.Воҳидов таъкидлаганидек, ”Бир ёзувчининг адабиёт даргоҳига кириб, ундан ўз ўрнини топиши учун минг бир шарту шароитнинг тажассуми керак”. Навоий шеъриятдаги илк қадамлариданок ўзидан олдинги туркий ва форсийзабон шоирлар ижодига қатта меҳр ва ихлос билан қаради, улардан ҳамиша руҳий мадад ва илҳом олди. Ижодий балоғат сари кўтарилаётган ёш шоир учун серзавқ, таъсирчан мутолаа ва кўнгилли мулоқот ҳамда улардан олинган унутилмас сабоқлар унинг тийрак

онгу шуури ва поэтик тафаккурини нечоғлик бойитиб, маҳорат сирларига ошно этганлигини самимият билан хотирлайди: ”Йигитлигим замони ва шабоб айёми овонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин 50 мингдан ортиқ ёд тутибмен ва алар завқ ва хушҳоллигинин ўзумни овутибмен ва салоҳ ва фасодларига фикр этибмен ва махфий дақойиқига тааммул ва тафаккурлар била етибмен”.

Шуни ҳам ишонч билан айтиш жоизки, Алишер Навоий билан туркигўй салафлари ва форс адабиётининг улкан намояндалари ўртасида кечган устоз-шогирдлик том маънода ижодий йўналишда бўлган. Белинский ибораси билан айтганда, улўғ устозлар ижоди ва мўъжизакор сирларини ўрганиш ёш шоирга бамисоли ернинг бағридаги кучни уйғотган куёш нурларидек ғоят самарали ва илҳомбахш таъсир кўрсатиб, унинг ўзига ва иқтидорига бўлган ишончини қанчалар орттирганлиги бўлажак даҳо учун, эҳтимол, тақдирнинг тенгсиз бир тухфаси бўлгандир. Бинобарин, Навоий буюк сўз санъаткорлари ижодиётидан ибратли сабоқ олиш ва уларнинг қутлуғ анъаналарини муваффақиятли давом эттириш билан чекланиб қолмасдан, балки чинакам новатор шоир сифатида устозлари билан кўп жабҳада ижодий мусохаба ва мусобақага киришиб, улкан бадиий “кашфиёт”лар яратди.

*Ани назм этки, тархинг тоза бўлгай,
Улусқа майли беандоза бўлгай.
Йўқ эрса, назм қилгонни халойиқ
Мукаррар айламак сендин не лойиқ...*

Бу – Алишер Навоийнинг юксак аъмоли, ижодий-эстетик дастури эди, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, Навоий ҳаёт мисоли рангин, бой ва сеҳрли бўлган сўз мулки ичра сайр этиб, “бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп” эканлигини тўла исбот этди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун форс-тожик адабиётининг машҳур намояндаларидан бири – Саъдий Шерозий билан Навоий ижодининг ғоявий-ҳаётий манбаларига, бемисл тафаккури, дунёқарашининг узвий алоқадорлиги ва муштарақ жиҳатларига бир назар солиш kifоя.

Кўплаб манбалардан маълумки, кўп асрли форс-тожик адабиётининг мумтоз вакиллари билан бўлган Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифиддин Саъдий Шерозий 1203-1210 йиллар орасида Эроннинг Шероз шаҳрида руҳоний хонадонидан таваллуд топади. Урта ва Яқин Шарқ мамлакатларига узок йиллар давомида бир неча марта саёҳат қилган ва ҳаётнинг кўпдан-кўп машаққатлари ва рутубатли кунларини бошидан кечириб, пири муршид бўлиб танилган донишманд шоир 1292 йилда вафот этади.

Саъдий серкирра ижодкор бўлиб, жумладан, қатор шеърий девонлар яратган. Айниқса, Саъдийнинг бой ҳаётий тажрибаси ва теран тафаккурининг самараси ўлароқ майдонга келган “Бўстон” (1257) ва “Гулистон” (1258) номли дидактик-панднома асарлари на фақат Шарқ ва Ўрта Осиёда, балки рус ва бошқа Европа халқлари орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, муаллифга бекиёс шуҳрат келтирди. Жаҳон адабиётининг кўплаб машҳур намояндалари ҳам Саъдий асарларига қайта-қайта мурожаат қилганлиги ва улардан ижодий таъсирланиб, қатор иқтибослар олганлиги бежиз эмас.

Чунончи, Саъдий ижодини ихлос билан ўрганган Лев Толстой унинг “Дурафик” (“Икки ўртоқ”) ҳикоятини ижодий таржима қилиб, ўз мажмуасига ки-

ритганлиги ҳам шоир анъаналарининг илҳомбахш қудрати бардавомлигидан гувоҳлик бериб туради.

Алишер Навоий ва дўсти Хусайн Бойқаро болалик чоғиданоқ Саъдий асарларига ошно бўлганлиги Ойбекнинг “Навоий” романида ҳам ҳаққоний ақс эттирилган. Саъдий ижодиёти Навоийни, энг аввало, чуқур ҳаётийлиги, юксак бадиияти ва ҳикматларга бойлиги билан ўзига мафтун этади. Шунинг учун ҳам Саъдий асарлари ва шахсини ғоят эъзозлаб, уни “Маъно аҳлининг нуктапардозии” (гўзаллаштирувчи, сайқал берувчиси) деб таърифлайди. Саъдий ва Навоий асарлари ҳамда шахси билан яқиндан танишган ўқувчи шундай яқдил бир хулосага келиши табиий: бу икки улуғ санъаткорнинг на фақат кенг тафаккур-дунёқарашини, руҳияти ва маънавий эътиқодида, балки уларнинг бой шеърияти ва ижодиётида, ҳаёт ва инсонни талқин қилиш ва тасвирлаш маҳорати, қолаверса, сўз қўллаш санъатида ҳам ажиб бир муштарақлик ва ғоявий ҳамоханглик яққол кўзга ташланиб туради.

Жумладан, Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” каби йирик асарларидаги бир қатор мақолот ва ҳикоятларни яратишда Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий дostonлари билан бирга Саъдийнинг машҳур асарларидан ҳам таъсирланганлиги адабиёт ихлосмандларига маълум. Дарҳақиқат, улар икки халқ вакили ва турли асрда яшаган бўлса-да, бироқ уларнинг тасаввуф ва бошқа илғор оқим-тариқатлар таъсирида шаклланган ижтимоий-фалсафий қарашлари ва сермахсул ижодиётидаги ибратли муштарақлик, айниқса, Ҳотам Тойй, Нўширавони одил, дарвеш ёхуд ит ва бошқа анъанавий дидактик образлар талқинидаги бир-бирини тўлдириб, бойитиб турувчи маънавий ва ғоявий-ахлоқий жиҳатлар ғоят салмоқдор эканлиги эътиборни тортади. Ҳали адабиётшуносликда етарли ўрганилмаган кўп қиррали бу ижодий жараённинг муҳим бир сабаб-изоҳи, бизнингча, шундаки, улар бадиий ижодда анъанавийлик ва новаторлик тамойилларига изчил амал қилган ва илохий бир шуур, ботиний нигоҳ билан кўплаб миллат ва

халқларнинг муштарак орзу-интилишлари ва руҳиятини теран англаб етган (таъбир жоиз бўлса, башоратгўйлик салоҳиятига ҳам эга бўлган) буюк идрок соҳиблари сифатида ўзларининг ҳайратангиз тимсолу тасвирлари ва пурҳикмат назмий жавоҳирлари билан жаҳон адабиёти ва тафаккур оламида янги саҳифа очган улуғ мутасаввуф ижодкорлардир.

Саъдий ва Навоийнинг бой, мазмундор ҳаёти ва серкирра фаолиятини ҳайрат билан ўрганар эканмиз, уларга хос бўлган ибратли бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар бутун умри давомида покиза иймон-эътиқод билан яшашида, энг аввало, Қуръони Карим ҳаётий дастуриламал бўлганидек, уларнинг ижодида ҳам илоҳий калом-оятларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлганлиги адабиёт ва маънавият олами учун ҳам ноёб бир ҳодиса дейиш мумкин. Бу икки санъаткорнинг буюклиги яна шунда кўринадики, орадан неча асрлар ўтиб, ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам неча-неча янги авлодлар етишиб чиққани, дунё ва тафаккуримиз қанчалар ўзгаргани ва қалб-руҳиятимиздаги жиддий эврилишларга қарамасдан, уларнинг бебаҳо адабий мероси ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунончи, Саъдийнинг қуйидаги машҳур сатрлари бугун ҳам барча миллатлар учун одамийликнинг юксак ахлоқий бир мезони бўлиб жаранглайди десак, муболага бўлмайди:

*Ту гар меҳнати дигарон беғами,
Нашоядқи номат ниҳанд одами.*

Яъни: агар сен ўзгалар меҳнати, дард-ташвишига беғам бўлсанг, сенинг номингни одам деб атаб бўлмайди. Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг миллионлаб комил инсонларнинг ҳаётий мақсад ва дастури ифодаланган доно ўғитларидан бирини қиёсан ёдга олайлик:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ халқ гамидин гами*

Адабиёт ва санъатнинг олий мақсади ва инсонпарварлик мазмун-моҳиятини намоён этиб, неча аср-

ларки жаҳон шеърятининг порлоқ саҳифаларини бегаб турган бу ҳикмат нуқраларининг теран маъно ва шакли, вазни ва ҳатто хижолари билан қофияланиши ҳам бир-бирига монанд ва ҳамоҳанглиги тасодифий эмас. Улар Саъдий ва Навоийнинг юксак инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари билан йўғрилган маслак ва орзуларининг муштараклигидан ёрқин далолат бериб туриши билан бирга, айни вақтда, мазкур шоҳ байтлар адабиёт ва жамиятнинг мангу муаммоларини ёритишда уларнинг яқдил, ҳамфикр эканлигини кўрсатиб туриши билан ҳам эътиборли. Яъни, бутун ижоди ва руҳиятида ислом маърифати ва ақидалари устувор бўлган Саъдий ва Навоий кишиларни ҳамиша одамийликка, инсоний комилликка бошлаб, уларнинг ўзаро ҳамдард ва аҳил бўлишини на фақат эзгулик ва мурувватнинг олий бир намунаси деб, балки кишилик жамиятининг маънавий таянч-устунлари сифатида бекиёс кадрлаган. Шу тариқа улар ўз ижодини асрлар давомида эскирмайдиган ҳаётбахш, умуминсоний ғоя ва қарашлар билан музайян этган.

Шубҳасиз, мазкур мисраларда тажассум топган мавзу-мазмун бирлиги ва ғоявий-руҳий яқинлик тасодифий бир ўхшашлик ёхуд шунчаки тақлид натижасида юзага келиб қолган эмас. Балки бу муштараклик, аввало, икки улуғ сўз санъаткорининг мустақкам ғоявий-диний эътиқоди ва гуманистик дунёқарашидаги теранлик билан, улар ижодида ИНСОНнинг асл моҳияти ғоят чуқур, санъаткорона талқин этилганлиги билан изоҳланса тўғрироқ бўлади. Бу ўринда шуни ҳам эътироф этиш зарурки, Саъдий ва Навоийдек буюк ижодкорларнинг қудратли тахайюл олами ва тафаккур ёғдусида ўзининг равшан ифодасини топган ва инсоният тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган муштарак эзгу ғоялар ва олийжаноб фазилатлар бизнинг кунларимизда ҳам машҳур адиблар томонидан яратилган етуқ асарларда маҳорат билан қуйланиб, муқаддас қадриятлар сифатида эъзозланмоқда.

Бу ўрнида Саъдийнинг баъзи бадхулқ кимсаларга хос номарғуб хислатлар билан боғлиқ бўлган бошқа

бир ҳаётий сабогини кўздан кечирайлик: шоир айрим салбий ҳарактерли шахслар табиатида чуқур илдиз отиб кетган иллатларни қоралар экан, улардан китобхонни шундай огоҳ этади:

Нокас бо тарбият нашавад, эй ҳаким, кас,

Дар боғ лола руюд ва дар шўра хору хас.

Яъни, эй оқил киши, одам зотига ёт махлуқфеъл нокасни (кас-форсча, киши) солиҳ инсон қиламан деб, беҳуда уриниб, азият чекма, чунки унумдор заминдаги боғда гулу лола яшнаганидек, янтоғу шўразорда фақат тиканак билан хас-хашак битади. Инсон тийнатиининг мураккаблиги ва у азалдан шу феъл-атвори билан бир-бирдан тубдан фарқ қилишини фалсафий теранлик билан ёритувчи бундай ҳаётий ва таъсирчан шеърӣй ҳикматлар Навоий ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳол, албатта, шоирнинг бекиёс бадиӣй- эстетик тафаккури, истеъдод йўналиши ва ёниқ қалб туғёни билан бирга у яшаган носоз замон ва мураккаб давр муҳити билан ҳам бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,

Чекма меҳнат, яхиши бўлмас касофат олами –

Ким, кучук бирла хутукка қанча қилсанг тарбият,

Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами.

Саъдий ва Навоийнинг ҳаёт ва табиат ҳақидаги шарқона тафаккури, миллий руҳ билан йўғрилган ижтимоӣй-эстетик ва ахлоқӣй қарашларининг уйғунлиги ҳамда уларга хос бўлган улугвор мақсад ва ғоявий-бадиӣй ниътнинг халқона мажозӣй бир ифодаси ҳамдир. Шеърлар замиридаги ҳаётий тажриба-сабоқ, кучли мантиқ ва кескин ғоявий ҳамоҳанглик икки буюк мутафаккирининг қатъӣй бир хулосаси, яъни разил ва тубан кимсалар хусусидаги чуқур фалсафӣй мушоҳадаси-нинг бадиӣй инъикоси сифатида инсон қалбини жунбушга келтиришини

тасаввур қилиш қийин эмас. Айни пайтда, улар ижодида кенг ўрин тутувчи маърифат ва адолат, эзгулик ва саховат каби олийжаноб фазилатларни улуғлаш ва аксинча, жаҳолат, қабоҳат, ноҳақлик ва таъмагирлик сингари иллатлар инсониятга қанчалар катта зарар ва хавф туғдиришини чуқур бадиӣй таҳлил ва талқин асосида фош этиш маҳорати жаҳон адабиёти ва ижтимоӣй-танқидӣй тафаккур ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб кўшилиши шубҳасиздир. Зотан,

Юз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айламон,

Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам,–

деган ҳаётий дастурига изчил амал қилган Навоий халққа ситам етказган золим ва разил ҳукмдорларга қарши ўзининг бутун ижоди ва ижтимоӣй-сиёсий фаолияти билан мардона курашганлиги ўзига хос бир жасорат тимсоли бўла олади. Шоирнинг замондоши машхур муаррих Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида баён қилинишича, Навоий подшоҳ Абусаиднинг адолатсизлиги халқнинг қаттиқ норозилиги ва арз-додига сабаб бўлганлигини фош этувчи бир воқеанинг шоҳиди бўлар экан, унга нисбатан кескин муносабати ва кўнглидаги нафратини Саъдийнинг куйидаги ҳикмати билан ифодалашни лозим топади:

Гадоеки нон аз дари шоҳ жусти,

Ббоядки зи оби худаиш даст шусти.

Яъни: подшоҳ эшигидан нон умидвор бўлган гадо қўлини ювиб, қўлтиғига уриши, жонидан умидини узиши керак. Бадиӣй мукамаллик намунаси бўлган бундай тағдор байтлар ва улар замирида акс этган ҳаётий муаммо-фожиалар, шубҳасиз, меҳнаткаш халқ дардига малҳам бўлишни ўзининг бош аъмоли деб билган Навоийни лоқайд қолдириши мумкин эмас эди. Профессор А.Ҳайитметов каби адабиётшунослар таъкидлаганидек, Саъдий асарларидан катта маънавий-руҳӣй озуқа олган ва бундай пурмаъно шеърларига алоҳида ҳурмат-назокат билан ёндош-

ган Навоий ушбу анъанавий мавзуда ҳам ўзига хос масъулият ва журъат билан қалам тебратади. Замон талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, устозларнинг шеърларини ҳам руҳан, ҳам маънан ижодий давом эттирар экан, гўё уларнинг ғоявий мазмун-кўламини янада кенгайтириб, таъсирчанлигини ҳам оширади; натижада, Саъдий мисраларига ҳамоҳанг куйидаги залворли сатрлар, Шайхзода ибораси билан айтганда, “жасур мазмунга эга” шеърлар вужудга келади. Энг муҳими, уларда кўплаб хунрезликларга сабаб бўлган золим ҳукмдорларнинг олчоқ табиати ва аждаҳо мисоли ёвуз қиёфасини яна ҳам кескин фош этиш билан бирга ўша қаттол замондаги оғир ижтимоий ҳаётнинг даҳшатли бир ҳақиқатини навоийона қатъият ва шижоат билан акс эттиришга муваффақ бўлади:

*Жаҳон ганжиге шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаср ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмоқ эрур –
Маош айламак аждаҳо комида.*

Туркий тилимизда илк бор яратилиб, дунё адабиётининг юксак чўққиларини забт этган “Хамса” ва “Ҳазойин ул-маоний”дек буюк асарларнинг ғоявий-бадий мазмун-мундарижасида муҳим ўрин тутувчи бундай назмий дурдоналар чуқур бир тарихий ҳақиқатни ифодалаши билан янада қимматлидир. Ўтмишда, хусусан, Навоий яшаган даврда туркий тилимиз ноҳақ камситилиб, “бу – нафосатдан йироқ, қашшоқ тил, унда гўзал, маънодор шеър-ғазал битиб бўлмади” каби ғаразли, таҳқиромуз қарашлар анча кенг тарқалган эди. Навоийнинг мавлоно Лутфий ва Жомийдек тенгсиз устозларининг юксак эътирофу таҳсинларига сазовор бўлган ва ижод аҳлини ҳамиша ҳайратга солган мумтоз шеър-дostonлари бу иddaоларнинг асоссизлигини ва ўзбек тилимизнинг нақадар бой, ифода имкониятлари чексиз ва сержило-оҳангдорлигини ҳам бадий, ҳам илмий жиҳатдан исботлаб берганлиги, шубҳасиз, унинг чинакам ватанпарвар ва миллатпарвар ижодкор сифатидаги буюк хизматларидан бири эди. Зотан, Навоий ана шундай шарафли хизмати ва мислсиз фидойилиги

билан ҳам мангуликка дахлдор беназир сиймо эканлигидан халқимиз чексиз гурурланади.

Кўринадики, Навоий ва Саъдий асарларидаги ғоявий ҳамоҳанглик, адабий жанрлар, образ ва талқинлардаги анъанавийлик ва муштараклик улар ижодиёти ва бадий тафаккур оламининг муҳим бир қирраси сифатида намоён бўлади. Булар асло улуғ шоирлар истеъдодининг ўзига хослиги, мўъжизакор бадий қудрати ва маҳоратини жўнлаштиришга ёхуд уларнинг бетакрор, беназир асарларига бирёклама, юзаки ёндошиш ва баҳолашга асос бермайди. Бинобарин, Саъдий ва Навоий буюк мутафаккирлар сифатида ҳамиша кишилик жамияти тараққиётига муҳим хизат қиладиган ғояларни куйлаганлар ва на фақат ўз даврининг, балки бани башарнинг дард-ташвиши ва оғриқли ҳақиқатларини теран идрок этиб, уларни ҳаётӣ, таъсирчан образлар ва ғаройиб ташбеҳлар орқали санъаткорона ифода этганлар. Мана шундай фазилатлар уларни маънавий-руҳий, ғоявий-бадий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиради ва улар ижодининг умуминсоний, байналмилал мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиради. Жаҳон адабиётида устувор аҳамият касб этаётган турли миллат, турли авлод ижодкорларига хос бўлган муштарак умуминсоний тафаккур, илҳомбахш ғоялар таъсири ва ҳаётӣ образлар заминиде вужудга келган бундай самарали адабий-эстетик анъанавийлик ва бардавом маънавий-руҳий силсиланинг мустаҳкам олтин бир халқасини, шубҳасиз, Саъдий ва Навоий ижодиёти ташкил этади. Бу эса улар истеъдоди, бадий-эстетик олами ва ижодӣ анъаналарининг умумбашарӣ мазмун-миқёсидан ва жаҳоншумул аҳамиятга молик эканлигидан ёркин далолатдир.

*Усмонжон ҚОСИМОВ,
филология фанлари
номзоди, доцент*

БОБУР ДЕВОНИ ДУНЁ КЕЗАДИ

Яқинда қардош Озарбайжонда буюк давлат арбоби ва адиб Бобурнинг икки китоби нашр этилди. Бири машхур “Бобурнома”, иккинчиси “Танланган асарлар”и. Бу ўринда биз унинг озарбайжонча “Танланган асарлар”и ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бобурнинг озарбайжонча “Танланган асарлар”и (Z. M. Babur. Seçilmiş əsərləri. Bakı, 2011) P. Аскарнинг “Ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, шахсияти, асарлари” номли сўзбошиси (3-22 бетлар) билан очилади. Унда Бобур ҳаёти ва ижодига оид атрофлича маълумотлар берилган. Жумладан, Бобур асарларининг Туркиядаги ва Эрондаги қўлёмалари ҳақидаги фикрлар диққатга моликдир. Муаллифнинг таъкидлашича, Бобурнинг 1519 йилда тузилган “Кобул девони” ва 1528-29 йилларда тартибланган “Ҳинд девони”нинг бир қатор нусхалари турли музейларда сақланмоқда. Бир-биридан ҳажман фарқли бу девонларнинг энг мукамал нусхаси Истанбул университети кутубхонасидаги 3743 рақамли “Девони Бобуршоҳи Чигатойи”дир; 105 варақли тўпламда шоирнинг 119 ғазали ва турли жанрлардаги бошқа шеърлари, “Рисолаи волидия” таржимаси мавжуд (Париж миллий кутубхонасидаги 1230 рақамли иккинчи машхур нусха эса 50 варақдир, унда 87 ғазал ва бошқа шеърлар бор). Истанбулдаги Тўпқопи саройидаги 741 рақамли қўлёзма эса 55 варақдир; “Девони султонул аъзам Бобур мирза вал-ғуфрон” ёзуви бу девонда 111 ғазал ва бошқа шеърлар мавжуд. Демак, бу ёдгорлик ҳажман катталиги билан Париж нусхасидан кўра қимматлироқдир. Истанбулдаги Отатурк шаҳар кутубхонасидаги бошқа бир нусха 74 варақ бўлиб, унга 82 ғазал ва турли шеърлар жамланган. Техрондаги Салтанат кутубхонасида сақланаётган Бобур куллиёти 5 бўлимдан иборатдир, унда шоирнинг деярли барча назмий ва насрий асарлари тўпланган. Туркиялик Бобуршунос, доктор Билол Южал юқоридаги нусхалардан фойдаланиб, 1995 йилда “Бобур девони”ини нашр эттирди (туркман олими Раҳиммамат Қуронов Ашхободда 2005 йилда чиқарган “Бобур девони” ҳам Б. Южал нашрига асосланган). Қисқаси, муаллиф буюк шоиримиз асарларини озарбайжон тилида нашрга тайёрлашда унинг сайланган шеърларидан (З. М. Бобур. “Ғарибинг андижонийдур”, нашрга тайёрловчи Ваҳоб Раҳмонов, “Шарқ”, Тошкент 2008) ва Б. Южалнинг туркча босмасидан фойдаланганини, уларга суянганини миннатдорлик билан тилга олган.

Мазкур нашрнинг ютуқлари, бизнингча, куйидаги жиҳатларида кўринади. P. Аскар Бобур шеърларининг озарбайжонча нашрини тайёрларкан, фақат бир-икки манбага эмас, балки шоир шеърларининг турли қўлёмаларга асосланган ва бир-бирини тўлдирувчи Тошкент, Кобул, Истанбул, Анқара нашрларга таянгани сабабли илмий мушоҳадаларининг холис ва асослилиги кўринади. Сўзбошида муаллиф Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг тўхталган, унинг шеърий ва насрий, илмий ижодига жуда катта баҳо берган, унинг нафақат ўзбек ёки туркий адабиётлардаги, балки дунё адабиёти ва тарихидаги ўрни ниҳоятда улуғлигини

кўрсатиб берган. Р. Аскарнинг ёзишича, “Бобур ўзбек шеърлятида А. Навоидан кейинги энг юксак чўккидир”.

Ҳар бир нашрда катта ютуқлар билан бирга айрим кичик камчиликлар учраши ҳам табиийдир. Айниқса, айна кўлёмалар турли даврларга оид ва дунёнинг турли ўлкаларида сақланаётган нодир асарлар янгидан босилганда, уларни қиёсан ўрганиб, хулосаларимиз билан ўртоқлашиш лозим. Аввало мазкур девон сўзбошидаги баъзи фикрларга тўхталиб ўтсак. Р. Аскар сўзбошида ҳаяжон билан “Билол Южалнинг китоби бобуршуносликда энг мўтабар манбадир” (15 б.) дея урғу берадики, бу гап тадқиқотчиларни Бобур шеърлярининг Ўзбекистон, Афғонистон, Туркия, Озарбайжон ва Туркменистонда 1950-2011 йиллар орасида босилган барча нухаларини қиёсий ўрганишга, хулосаларини билдиришга ундайди.

Шундай қилиб, Р. Аскар таъкидлаганидек, “Б. Южал Бобурнинг 122 ғазали борлигини аниқлаганки, улардан бири чарпаз (қоришиқ, кесишган – Т.Қ.) ғазалдир”; шоирнинг бугунгача илм оламига 18 маснавийси, 216 рубойиси, 1 муаммоси, 19 китъаси, 15 туюғи, 79 матлаъси, 7 маснуъ шеъри, 16 нотаом ғазали, 3 назми ва 16 мусарра байти, 11 муфрадоти, 4 кичик мансур парчаси маълумдир. Бундан ташқари, унинг форсчада ёзган 2 ғазали, 12 рубойиси, 8 китъаси, 7 матлаъси ва 1 мансур парчаси бор. Хуллас, Бобур девонида 600 дан ортиқ асари бор.” (14-15 б.)

Келинг, бу фикрларнинг айримларини таҳлил қилиб кўрайлик. Биринчидан “Билол Южал Бобурнинг 122 ғазали борлигини аниқлаганки, улардан бири чарпаз ғазалдир” дейди муаллиф. Ҳолбуки, Б. Южал туркчада шоир шеърлярини нашр эттиргунгача ҳам унинг 120 тага яқин ғазали ўзбекча нашрлар орқали китобхонларга маълум эди. Яъни, 1962 йилда 116 та, 1982 йилда 118 та, 1996 йилда 119 та (2008 й.да эса 128 та) ғазали босилганди. Демак, Б. Южал 122 эмас, нари борса 3-4 ғазални аниқлаган экан. Фақат бу ерда шуни мамнуният билан таъкидлашни истардикки, 1996 йилги (Шафиқа Ёрқин тайёрлаган Кобул нашрига суянилган) Х. Муҳаммадхўжа ўғли нашрида берилган “Маснуъ шеърлар” Б. Южалга таянган озарча нашрда 121-ғазал шаклида тақдим этилгани мақсадга мувофиқ бўлган. 3-4 янги аниқланган ғазалдан бири шу. Яъни, унинг маснуъ шеър, тўртликлар эмас, балки 5 байт- 5 байтдан иборат икки кесишган, қоришган ғазалдан яратилган битта ғазал эканлиги биз учун янгиликдир. Иккинчидан, Муаллиф Бобурнинг “15 туюғи, 79 матлаъси, 7 маснуъ шеъри” бор дейди. Шоирнинг Ўзбекистондаги нашрлярида туюқлар сони 9 та, гоҳ 18 та, гоҳ 14 та дея берилган, муаллифнинг бу фикрига қўшилиш мумкин. Аммо “79 матлаъси” борлиги ҳақидаги фикри одамни ўйлантириб қўяди. Зотан, матлаъ ғазалнинг биринчи – чиқиш, бошланиш байти эканлиги, алоҳида жанр эмаслиги барчага маълум. Шоиримизнинг 7 та маснуъ шеъри борлиги тўғрисидаги фикр ёқимли, албатта, аммо ўша маснуъ шеърлар эълон этилса, янада яхши бўларди.

Озарбайжонча нашрга Бобурнинг 500 дан ортиқ шеърй асари жамланган, форсийда ёзганлари, шунингдек, бошқа шоирларга оид дея тахмин қилинган 56 муаммоси киритилмаган (Ўзбекистонда 1982 йилда босилган “Бобур шеърлятидан” тўпламида унинг 52 муаммоси ўрин олган; 1996 йилги нашрда 2 муаммо бор, холос). Демак, Р. Аскар сўзбошида ҳаяжон билан “Билол Южалнинг китоби бобуршуносликда энг мўтабар манбадир” дея таъкидлаганини бир касбдошига ҳурматан айтилган нисбий фикр сифатида қабул қилиш мумкин.

Озарбайжонча нашрда шоирнинг 15 туюғи берилган (223-226 б.). Ўзбекча нашрларда туюқлар сони турличадир (1965 йил нашрида 9 та, 1982 йилда 18 та, 1996 йилда 14 та).

Маълумки, туюқ мумтоз адабиётимизда энг мураккаб, ҳар қандай ижодкор кўл уролмайдиган қийин шеър туридир. Зотан, туркий тиллардаги шеърбоп омоним сўзларга устозлар томонидан, бизнингча, туюқлар деярли ёзиб бўлинган. Янги туюқ битиш ниҳоятда оғир. Бу жиҳатдан қараганда, битта янги туюқ ҳам

китобда ўз ўрнига эгадир.

Қардош тиллардан бир-бирига таржима ва табдил нашрларининг бир фазилати борки, бу туфайли уларни асл матн ва бошқа нашрлар билан қиёслаш, камчиликларини тўлдириш, айрим хатоларни аниқлаш мумкин. Туюқлар нашрида ҳам бу ҳолга дуч келдик. Олдиндан туюқларни нашрга тайёрлаш оғирлигини, қардош тилларга уйғунлаштириш ундан ҳам қийинлигини, бошқа тилга ўгириш деярли мумкин эмаслигини эслатиб ўтайликки, куйида айрим янглишликларни тилга олсак, бу соҳада заҳмат чеккан устозлар ва дўстларимизнинг кўнгли оғримасин. Бобурнинг уч жилдлик “Асарлар”ида бир туюқ шундай берилган (1965 й. 1-ж, 176 б):

*То кўнгул бердим ўшал қойсорийга,
Борғонини билмадим қой сорига,
Дўстлар, ёрга мени соғиндурунг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қойсорига.*

1982 йилдаги С. Ҳасанов нашрида (119 б.) бундай:

*То кўнгил бердим ўшал қайсарига,
Борғанини билмадим қай сарига,
Дўстлар ёрга мени соғиндурунг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қайсарига.*

1996 йилги Ҳ. Муҳаммадхўжа ўғли нашрида эса биринчи нашрга ўхшаш, фақат илк сатр “қойсорига” ёзилган (118 б.).

Озарбайжончада бу туюқ шундай (224 б.) берилган:

*Ta könül verdim oşol kaysariya,
Varalım bilmədim kay sariya,
Dostlar, yara mani sığındırın,
Salsaniz naghah ayaq Kaysariya.*

Р. Аскарнинг бу туюққа берган изоҳларига кўра: 1-сатрдаги “қайсарийа” – гўзал, қайсарга, подшоҳга лойиқ; 2-сатрдаги “қай сарийа” – қаерга; 4-сатрдаги “Қайсарийа” – шаҳар номи сифатида талқин этилган.

Демак, Бобурнинг Озарбайжондаги таржимони туюқнинг 4-сатрини “Қайсари шаҳрига борсангиз” дея англаган ва шундай талқин этган. Туркиядаги таржимон эса туюқнинг биринчи сатрини “ўша қайсариликка кўнгил бердим” дея тушунган. Фақат у Туркиядаги Қайсари шаҳрини эмас, Ҳирот яқинидаги Қайсари, дея таъкидламоқда. Озарбайжонлик таржимон қайси мамлакатдаги Қайсари эканлигини аниқ билдирмаган. Туюқнинг ўзбекча нашрларида эса Қайсари шаҳрига ишора йўқ. (ўзбекча қомуслардан Афғонистондаги Қайсари ҳақида белги тополмагач, Тошкентда ишлаётган афғонистонлик тарихчи Ҳамидулла Тавочи билан бу хусусда суҳбатлашдим. Унинг айтишича, Қайсари-Балх ва Ҳирот ўртасида жойлашган бир туман. Туманда Султон Санжарнинг машҳур қасри бор; Қайсаридан 10 километр узокдаги бу қалъада С.Санжарнинг саройи бўлган. Шу қалъа яқинида “асҳоби каҳф” ғори ҳам бор.

Ҳар қандай, адабий асарнинг, хусусан шеърнинг бадиий қиммати шундаки, ўқувчи ўз даражасига кўра уни ўқийди ва англайди; матн ва сўзлар ортидаги айтилмаган маъноларни, ишора этилган фикрларни туйиш, сезиш эса нозик таъб ўқувчига ўзгача завқ беради.

Бизнингча, 1982 йилги нашрда янада сайқаллаб табдил қилинган бу туюқдаги илк сатрни турлича англаш мумкин: 1) ўша қайсар – ўжар жононга кўнгил бердим; 2) Қайсарилик гўзалга кўнгил бердим. Иккинчи сатрдаги “қай сарига” нинг қайга, қаерга дегандан бошқа маъноси йўқ. Тўртинчи сатрдаги “қайсарига”

сўзини қайсар (кайзер), подшоҳ ва ўжар ошиқ каби икки маънода тушуниш мумкин.

Шу ўринда шоирнинг “норин” сўзига асосан битилган яна бир туюғи ва таржимасига оид фикримизни ҳам айтиб ўтайлик.

*Жонга солди даҳр гурбат норини,
Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини,
Бу арода мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиқ кўлу андин норини.*

Бу туюқ 1965 йилги нашрда шундай берилган, 1982 йилдагисида ҳам шундай, фақат тўртинчи сатр “Кўзлай Иссиқ кўлу андин норини”, 1996 йилги босмасида “Кўзлар Иссиқ кўлу андин норини” шаклида босилган. Озарбайжончада бу асар шундай берилган:

*Sana saldı dahr gürbət narını,
Gözyaşım keçdi moğolun narını,
Bu arada mən deyən tək olmasa,
Gözlər İssiq gölü ondan narını.*

Р. Аскар 2-сатрни “кўз ёшим мўғулдан ҳам нарига тошиб ўтди” дея (аслида, бизнингча, “кўзёшим мўғулнинг норини – шўрвасидай қайнади” дейилмоқда, таржимон эса нариги тараф дея изоҳлаган), 4-сатрни эса “агар вазият мен ўйлагандек бўлмаса, Иссиқкўлни, унинг анорини кўзлайин” дея нотўғри ўгирган (225 б.). Ўзбекчасида “агар вазият мен ўйлагандек бўлмаса, Иссиқкўлни, сўнгра ундан ҳам нарига кетишни (ундан нарини) кўзлайин” маъносидан ташқари, бизнингча, “Иссиқкўлга, ундан Норинга ўтайин” (Норин дарё ва туман номи сифатида бугунги Ўзбекистонда ва Қирғизистонда мавуд) каби талқини ҳам бор.

Бобурнинг озарбайжончада чиққан яна бир туюғи 1982 йилги ўзбекча нашрда:

*Не бало бийиктурур давлат боғи,
Кўҳи гамни не билур давлат боғи,
Ҳиммате тут дағи давлат истағил,
Ҳимматинг бўлса бўлур давлат боғи*

тарзида андак тушунарсиз берилган эди. 1996 йилги нашрда эса:

*Не бало бийик турур давлат тоғи,
Кўҳи гамни не билур давлаттағи,
Ҳиммате тут, доғи давлат истағил,
Ҳимматинг бўлса бўлур давлат тоғе*

шаклида анчагина тузатиб босилган. Бизнингча, 4-сатрдаги қофияни бузиб турган “тоғе” ўрнига яна маъносидаги “тағи” ёзилса, тўғрироқ бўлади (зеро бу сўз ўтмишда Бобурнинг отаси ва ўзи яшаган пойтахт Ахсида, умуман Тўрақўрғон томонларда халқ тилида кўп ишлатилгани каби бугунда ҳам тағи, дағи тарзида қўлланилади – Т.К.). Бу туюқ озарбайжончада шундай босилган:

*Nə bəla böyük dürür dövlət taği,
Kuhı gamı nə bilər dövlət taği,
Hümmati tut, dahi dövlət istəgil,
Hümmətin olsa olar dövlət taği.*

Р. Аскар туюқнинг мазмуни ва шаклини муваффақият билан ифодалаган, фақат иккинчи сатр маъносини тўғри акс эттириш билан бирга, ундаги “давлаттағи” иборасининг изоҳида “Тағ – sahib” (тоғ – соҳиб, эга) маъносидадир, дея бироз нўноқлик қилган холос.

Одатда, ўзбек адабиётига тегишли асарлар бошқа тилларга ўгирилиб нашр этилганда, хорижлик мутахассислар бизнинг ижодкорларга қандай баҳо бергани адабиётшуносларни ҳам, оддий мухлисларни ҳам қизиқтиради, албатта. Бу жиҳатдан қараганда, Бобур асарлари нашрларида ўзбек адабиётининг ўзига хос фазилатлари, устунликлари қайд этилган фикрлар анчагина. Бир-икки мисол келтирайлик. Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари тадқиқотчиларидан бири, филология фанлари доктори Олмос Улвий мумтоз адабиётимизда Бобурнинг буюк ўрни борлигини таъкидларкан, машҳур турколог олим М.Ф.Кўприлизодининг айрим фикрларини келтиради, яъни “Бобур адабий меросининг энг гўзал намунаси, ҳеч шубҳасиз, девонидир. Бобурнинг барча чиғатой шоирларидан, ҳатто Навоидан ҳам қолишмайдиған гўзал лирикаси, шеърляти, тоза адабий тили, самимий туйғуляри бордир”.

Дўстимиз Рамз Аскар бу сўзлардан илҳом олғандек, сўзбошисида Бобурнинг буюк шахс, буюк ижодкор эканини шундай таъкидлаган: “Хулоса қилиб айтганда, туркий адабиётларнинг энг порлоқ сиймоларидан бири бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур чиғатой адабиёти тарихида Алишер Навоидан кейинги иккинчи энг юксак чўққидир. Наср соҳасида эса, биринчиси, ҳеч ким забт этолмаган чўққидир. Унинг ҳаёти, шахсияти, асарларининг танитилиши ва тарғиб этилиши туркий зиёлиларнинг биринчи даражали вазифасидир. Зеро, ёш наслларга турк дунёси улуғларини таништирмасдан, тарихий хотирамизни янгиламасдан-қучайтирмасдан туриб ўтмиш-бугун-келажак орасида кўприк қуриб бўлмайди. Ҳолбуки, бугунги глобаллашган дунёмизда бунга катта эҳтиёж бор”.

Биз ҳам бу сўзларга қўшилган ҳолда жаҳоншумул инсон, саркарда ва шоир Бобурнинг икки китобини, Озарбайжонда нашр этилишига хизмат қилган таржимон ва олим Рамз Аскар бу ишляри билан, бизнингча, юқоридаги фикрини исботлаган. Сўзи ва амали бир бўлган озарбайжонлик дўстимизнинг бу муваффақиятляри унинг ўзбек мухлисларини ҳам севинтиради, албатта.

*Тоҳир ҚАҲҲОР,
ЎзДЖТУ доцентли*

ТУРКИЙ ТАЗКИРАЛАРДА АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИ

Тазкира миллий ва ўзаро яқин адабиётлар тарихини яратишда, муайян давр адабий муҳитини ўрганишда, алоҳида адабий сиймолар ва асарларни тадқиқ этишда адабиётшunosликнинг беназир жанри сифатида хизмат қилади. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳаётини ва оламшумул ижодини тадқиқ этиш ва улуғ адибнинг илмий биографиясини яратишда ҳам форсий ва туркий тазкираларнинг муайян илмий улуши бор. Форс тилида ёзилган Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Сом Мирзонинг “Тухфаи Сомий”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Мажма ул-фусаҳо” тазкираларида Навоий сиймоси ҳақидаги фикрлар навоийшunosликнинг айрим қирраларини ёритишда қатнашган. Шу билан бирга Ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси форс тилига Фаҳрий Ҳиравий томонидан “Латойфнома” сарлавҳаси билан Ҳиротда, Ҳакимшоҳ Муҳаммад Қазвиний (в.1558) эса уни Онадўлида форсчага ўгирганлар.

Ҳазрат Алишер Навоий томонидан яратилган туркий тазкирачилик мактаби ХХ аср бошларига қадар нафақат Туркистон ёки Марказий Осиёда, балки Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Туркияда муваффақият билан давом этган. Ўтган 500 йилдан ортиқроқ вақт давомида яра-

тилган тазкираларда “Мажолис ун-нафоис”нинг изларини илғаш қийин эмас. Биргина Онадўлида туркий тилда 36 тазкира яратилган бўлиб, булар, асосан, “Шоир тазкиралари” (яъни валийлар ва дабирлар тазкиралари бу ҳисобдан ташқари)дир². Шундан 12 тазкирада Ҳазрат Навоий шахси тилга олинган, унинг ижодига муносабат билдирилган. Мазкур тазкиралардаги маълумотларга кўра, Усмонли шоирларидан 70 дан ортиғи – Навоийнинг шеърий асарларига назиралар ёзганлар, улардан 30 дан ортиғи ҳам бу анъанани изчил давом эттирган³. Айни мана шу ижодий ворисликни ҳамсанавислик доирасида, улуғ адиб насрий ва тасаввуфий асарларидан таъсирланиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”асарининг таъсири ҳақида профессор Мустафо Эсон шундай ёзади: “Ҳазрат Алишер Навоий бошқа кўплаб тазкираларга намуна бўларлик асар яратгани билан аҳамиятлидир... Муҳими, тазкираларнинг Онадўлида пайдо бўлишига таъсири, яъни бу тазкираларга андозалик вазифасини бажаришидир. Янада тўғрироғи, Ҳирот мактаби тазкиралари сифатида ном олган Жомий, Давлатшоҳ ва Навоий ҳазратларининг асарлари кейинроқ Усмонли ўлкасида

² Sair Tezkireleri. Haz. Dr. Haluk Ipekten. - Ankara, 2002. S.17-28.

³ Cetindag Y. Ali Sir Nevai. - Istanbul: Kaynak yayinlari, 2010. S.249.

¹ Klasik Turk Edebiyatinda Biografi / Mustafa Isen Adina Uluslararası Sempozyum. Bildiriler. - Ankara, Atatürk Kultur Merkezi, 2010. 709 s.

пайдо бўлган тазкираи шуаро жанрига теран таъсир этиб, адабий биография ривожини тезлаштирди... Бутун XVI аср тазкираларида Навоий анъаналари давом этди, XVII асрдан... мумтоз тазкираларга қайтилди¹ ва энди Навоий яна бир соғинч билан эсланиб, қўмсала бошланди².

Ушбу эътирофдан келиб чиқиб мавзуга ёндошилганда Онадўлида яратилган илк тазкиралар сифатида Сахий Бей (1548)нинг “Ҳашт биҳишт” (“Саккиз жаннат”, 1538) асарига диққат қаратамиз. Муқаддимада муаллиф ўзининг “Ҳирот тазкираларидан “Баҳористон”, “Давлатшоҳ тазкираси” ва “Мажолис...”ни тадқиқ этганини Усмонли ўлкасида етишқан шоирларни унутилишдан қутқармоқ учун уларга ўхшатма тарзида бир асар ёзганини айтади³. Сахий Бей Навоийдан андоза олиб, ўз тазкирасини 8 қисмга ажратди, уларни “Ҳашт биҳишт” деб атагани ҳолда агар Ҳазрат Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ижодига 8-мажлисни лозим кўрса, Сахий Бей ўз подшоҳи Қонуний Султон Сулаймонга 1-мажлисни бағишлайди. Кейин эса 2-табақада яна орқага қайтиб, Султон Сулаймондан аввал ўтган адиблар ижодига мурожаат қилади. Сўнгра эса амалдор шоирлар, олим-шоирлар, ўзидан аввал яшаб, вафот этган шоирлар, муаллифнинг ёшлигида шуҳрат қозонган шоирлар, асар ёзилаётган пайтда ҳаёт бўлган ва ниҳоят, сўнгги табақада номи энди эшитила бошлаган умидли шоирлар таснифланади. Айни ўринда “Мажолис...”нинг мажлислараро таснифи ўқувчиларга маълум бўлгани учун уларни қиёслаш ўрнига яна мутахассисларнинг эътирофларига таянамиз. Тазкирачилик мактаблари ҳақида мах-

сус тадқиқот яратган профессор М.Эсон кузатишига кўра, “Ҳаёт ҳикояларининг тартиб тарзи Сахийда табақот асосида бўлгани каби бу усулни айнан Навоийдан олган: шоирларнинг қисқача туғилган жойи, номи, вазифалари, адабий аҳоли билан боғлиқ бир неча тақлидий қолип сўз, асарлари, баъзан шоир билан боғлиқ бир воқеа, охирида бир неча байт ёки қитъа кабилар” шулар жумласидан⁴.

“Мажолис...”нинг таъсири Онадўлидаги илк тазкирада кўринганидек, кейинги давр тазкираларида ҳам мана шу ҳолат у ёки бу маъноларда такрорланади, айрим факт ва кузатишлар асосида бойитилади. Орадан саккиз йил ўтиб, Сахий Бейнинг тазкирачилик фаолияти Латифий (1491-1582) томонидан давом эттирилади. Шоир, адиб ва олим Латифийнинг Навоий ижодига боғланиши тазкирадан ташқари унинг назм ва наср қоришигида ёзган “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) асарида ҳам кузатилади. Шоирнинг “Назму-л-жавоҳир” номли асари эса Ҳазрат Алининг ҳикматлари асосида тузилгани ҳамда улуғ ўзбек шоири асарининг номини айнан олгани Навоийнинг Латифий ижодига таъсирини алоҳида ўрганишга эҳтиёж борлигини англатади. Муаллиф “Тазкира туш-шуаро ва табсира-тун-нузамо” (“Шоирлар тазкираси ва нозимлар қиёфалари”, 1546) тазкирасини Қонуний Султон Сулаймон (Муҳиббий тахаллуси билан шеърлар ёзган)га бағишлаган бўлса-да, унинг тазкирачиликдаги ўрни мавжуд асарларга ижодий муносабатда кўринади. Латифийнинг ёзишича, Навоий шеърларини илк бор Онадўлига олиб келган шоир Баширий бўлган: “Ажам сарҳадига яқин жойдан. Султон Боязид замонида Ҳазрат Шайх Жомий ва Мавлоно Навоий тарбиятномаси-ла келмиш... аксари авқотин бу диёрда кечурмагин тарзи шеърида туркий-

1 Содиқ Китобдор назарда тутилган. Қаранг: Əfsar, Sadiq bəy. Məcməul-xəvas. – Bakı, 2008.

2 Isen M. Tezkireden Biyografiye. – Istanbul: Kapi Yayinlari, 2010. S.51-52.

3 Hast-Behist. Haz. Gunay Kut. – Harvard, 1978. S. 77.

4 Isen M. Tezkireden Biyografiye. – Istanbul: Kapi Yayinlari, 2010. S.84.

забон назмлари шевасин ва Рум шоирлари ишвасин риоят этмишди.

Матлаъ:

*Ошиқларини оҳ ул масиҳодам
ўлдурур,
Бу одам ўлдурурки, Масиҳ одам
бўлдурур”.*

Айни фактнинг ўзи ҳали Ҳазрат Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро усмонли Султон Боязид II билан дипломатик ёзишмаларга киришмай туриб, Навоий асарлари Онадўлига кириб келган бўлиши ёки Навоий шеърлари билан бирга унинг мактубини мана шу Басирий келтирган бўлиши ҳам мумкин. Чунки Навоий ижодининг Онадўлига кириб келиши борасида жуда кўп олимлар қизиқарли кузатишлар олиб борган бўлсаларда, Навоий асарларини илк бор ким олиб боргани ва нима учун у туркистонлик шоир Басирий вазифани адо этгач, ўз юртига қайтмасдан Румда қолиб кетгани ва “шеърда таркийзабон назмлари шеваси”ни давом эттиргани номаълум эди. Юқорида Латифий келтирган байтнинг ўзиёқ Басирийнинг шеърини истеъдодидан дарак беради. Бироқ Латифий Басирий ҳақида муфассал маълумот бермайди.

Навоий анъанасини ўзича бойитган Латифий шоирлар таснифотида алифбо усулини маъқул кўрдик, бу усул ҳам кейинги тазкираларда анъанавийлик тусини олди. Бундан ташқари Латифий “Фасли аввал”да яна ҳам ўзига хосроқ йўлни танлаб, XIII асрдан ўз замонига қадар бошқа ўлкалардан (жумладан, Туркистондан ҳам) Онадўлига келиб ўрнашиб қолган 13 шоир ҳақида маълумот беради. Гарчи Латифий ўз тазкирасини Султон Сулаймонга бағишлаган бўлса ҳам у ўз ҳукмдори Муҳиббийга мах-

1 Latifi. Tezkiretu's-suara ve Tabsitatu'n-nuzama. Haz. Canim, Ridvan. Ankara: Atatürk Kultur Merkezi Yay., 2000. Кўрсатилган асар, 51/а варақ. Мана му маълумот бир оз ўзгачароқ талқинда “Кунҳул-ахбор”да ҳам келади.

сус бўлим ажратмайди, аксинча, султон ва шахзодалар бўлимнинг энг сўнгида бир неча саҳифада унинг шеърлари таҳлили муносабати билан ҳукмдорга мурожаат қилади. Тазкирада бир ёки бир неча байт ўрнига тўлиқ ҳолда ғазал ва қитъанинг келтирилишига эътибор қаратсак, Латифий тазкираси антологияга яқинлашганини ҳам кузатиш мумкин.

Учинчи тазкира Ошиқ Чалабий (1520-1571)нинг “Машойир ушшуаро” (“Шоирлар машоираси”, 1568) номли тазкира эса 425 шоир ижоди ҳақида маълумот берувчи тазкирадир. Муқаддимада тазкиранавис:

“Забони туркийнинг дostonсаройи,

Фасоҳат булбули, яъни Навоий

дея Навоийдан сўз очади. Ва давомида “Охир умринда Султон Боязид (бу ўринда Елдириим Боязид эмас, Султон Боязид II (1447-1512) назарда тутилган, у 1481 йилда тахтга чиққан – Ҳ.Б.)га Навоий ўттиз уч ғазал юбормиш, бириси ушбу ғазалдур, матлаъси қуйидагичадир:

Матлаъи Навоий:

*Ул пари пайкарки ҳайрон
бўлмиш инсу жон анга,*

*Жумла олам манга ҳайрону мен
ҳайрон анга.*

Султон Боязид бу ғазални Аҳмат Пошога юбориб, унга назир битишни буюрди”. Ушбу фактга асосланиб, дастлаб шоир Номиқ Камол, кейин Ф.Кўпрулу, Огоҳ Сирри Лаванд, Камол Эраслон каби турк; Гибб, Броун, З.Клейнмихел, Горбузова каби ғарб олимлари; Н.Каримов, З.Нагиева, Олмос Улвий, Р.Рўзмонова каби ўзбек ва озар олимлари мақола ва тадқиқотларида бу фикрлар дунё бўйлаб илмий “саёҳат” қилган, бу самарали таъсир натижалари атрофлича ўрганилган. Лекин

Ошиқ Чалабий тазкирада ўрни билан Навоий ғазалининг “яхшилиги”, унга назира ёзган шоир мақтаъси (*Мақтаъ: Сўзда ушшоқи мухаййир айладирсун Аҳмадо, Бўйла гўё ўлмаға куйин керак бўстон анга*) маҳорат бобида Навоийдан анча куйроқ эканини ҳам қайд этган (290-б.).

Айни фикр хинолизода Ҳасан Чалабийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” (1585-1586) тазкирасида такрорланиш баробарида “Ҳазрати Жомий ва Навоий ғазаллари сипоришнома (махсус расмий давлат мактуби – Ҳ.Б.) билан Султон Боязидга келган” деб умумлаштиради¹. Ва “Аҳмад Пошо Навоий услубини ўргангач, унинг шеъри хуб ва тарзи гуфтори марғуб бўлди” деб Аҳмад Пошо Навоий ғазаллари йўлига киргандан кейин шеърларининг услубан гўзаллашгани ва ҳамма томонидан рағбат кўргани қайд этилган”².

Шунингдек, бунга уйғун фикрлар Ғалибўлулу Олийнинг “Кўнхул-ахбор” асари тазкира қисми³да “Султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири мушири ва ул асри боҳирун-насин малози фуҳулу фузало бўлган Мир Алишер ул шахриёри олийҳиммат (Боязид II га – Ҳ.Б.) бир неча ғазал жўнатди. Улар тақи назоир жиҳатдан татаббусини марҳум Аҳмад Пошога асир айлади” каби тазкиралардан тазкираларга кўчиб, юқорида тилга олинган олимларнинг тадқиқот ва мақолаларига мавзу бўлди. Алининг тазкирасида Котибий тахаллусли Саидий Али Раис муносабати билан яна бир муҳим фикр ўртага ташланади. Бу шоир вазифа юзасидан Ҳиндистонда Навоий издоши сифатида танилган ва Навоийи Соний лақабини олган шоир “уч ярим йил саёҳатдан сўнг Ҳинду Синд ва Хуросон ва Гужарот ва Шерозу Озарбойжон сало-

мини келтирди”³.

Кўрсатилган тазкиралар ичида Ошиқ Чалабийнинг “Машойир-ушшуаро” асари Навоий ижодига кенг ва атрофлича муносабат билдиргани билан ажралиб туради. Ошиқ Чалабий Навоий ғазалларини Румга Басирий келтирганига урғу беради: “Навоийи марҳумнинг “Мажолис ун-нафоис”инда мазкур бўлган шуародан ва пойтахти мулки Хуросон бўлган Ҳиротда Мирзо Султон Ҳусайну Навоийу Жомию Биноий ва ул каснинг ақобири хизматига эришган зуфаролардан эди. Румга Султон Боязиди марҳумга Навоий ва Жомийнинг китобу ғазаллари ва сипоришларий-ла келмишдир” (420-421 б.). Ҳиротда юқоридаги улуғлар хизматида бўлган хиротли шоир Басирийнинг келиши аниқлашди, бироқ у нимагадир вазифани адо этгач, қайтиб кетмасдан бир умрга Рум элида қолиб кетди ва асосан, Ҳазрат асарлари тарғиботи билан машғул бўлиб, унинг ижодини бошқа ўлкаларга ёйилишига сабаб бўлди.

Тазкирада шу билан бирга Навоийнинг Адний тахаллусли Валий Маҳмуд Пошо (вафоти 1474) билан мактуб ёзишгани тўғрисида фикр билдирилган. Кўринадики, Навоийнинг Рум эли билан боғланиши биргина юқоридаги 33 ғазал билан чекланмайди, айрим шоирлар, хусусан, Адний тахаллусли Маҳмуд Пошо билан ёзишмалари мавжуд. Агар мазкур шоирнинг 1474 йилда вафот этгани эътиборга олинса, 1481 йилда тахтга чиққан Боязид II га Навоийнинг 33 ғазали етиб бормай туриб, бундан тахминан ўн йиллар чамаси аввал, яъни улуғ шоир 22-25 ёшларида румлик шоирлар билан мактублар ёзишган.

Тазкирада “Ажам васфинда бир байт

Рўйаш чу мусҳафест у аз у хусни оятий,

Ҳусни хатеш чу нуқта надорад ниҳояти

³ Кўрсатилган асар. 263-бет.

¹ Қаранг: Cetindag Y. Ali Sir Nevai. – Istanbul: Kaynak yayinlari, 2010. S.250.

² Kinali-zade H.Ç. Tazkiretü’ş-Şuara. Hazırlayan: Ibrahim Kutluk, I. Ankara, 1989. S.135.

(Таржимаси: Юзи мусҳаф каби экани оятининг гўзаллигидандир. Хати гўзаллигининг нуқта каби сўнги йўқдир) каби байт келтирилиб, асридан сўнги асрга келгунча шуарога ҳикматомуз” таъсир этганини кўрсатиб ўтади” (243-б.). Шунингдек, мазкур тазкирада олти тилни яхши билган Шукрий муносабати билан “туркий тилда равон Навоий каби, форсийда ҳамон Биноий каби...” дея оширилган мақтовлар ҳам учрайди, айрим шоирларни “Навоийнинг котиби”, “Навоийга раққос” деб атаиди, “Навоий давоти (сиёҳдони)нинг соҳиблари”, “Навоий гулшанининг худ булбули” деб атаиди.

Тазкираларда қайд этилган маълумотларга кўра, Юсуф Четинтоғ Навоий услубини ўзида ёрқин акс эттирган йигирмага яқин шоирнинг номини келтиради, маснавийларда Ҳазрат анъанасини давом эттирган шоирлар ижодидан баҳс юритади¹.

Келтирилган маълумотларнинг ҳаммаси турк манбаларида зикр этилган, замонининг улуғ адиб ва олимлари томонидан эътироф этилган фикрлардир. Бундан ташқари қанчадан қанча тазкирага кирмай қолган шоирлар, нафақат шоирлар тазкиралари, балки валийлар тазкиралари, рисоалар, маснавий ва насрий асарларнинг муқаддималарида, тарихий ва ахлоқий-фалсафий асарлар зайл (илова)ларининг қатларида Ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ манбалар борки, уларни ўрганиш, юқорида зикр этилган Навоийнинг турк султони Боязид II га ёзган 10 дан ортиқ мактубларини, бошқа шоирлар билан ёзишмаларини топиб, нашр қилиш орқали Ҳазратнинг маънавият хазинасини бойитиш бугунги навоийшунослик зиммасидаги илмий юмушлардан ҳисобланади.

Демак, Навоий шуҳрати 25 ёшларда экан, Рум эли эътиборини тортади ва Ошиқ Чалабий Навоий Адний тахаллусли шоир билан мактублар ёзишган.

Навоий ва Жомий асарларини Рум эли ва унинг султони Баязид II га Басирий тахаллусли шоир етказган ва умрининг охирига қадар Онадўлида яшаб қолиб, Навоий асарлари тарғиботи билан машғул бўлган. Навоийнинг мактуботлари орасида Басирий тахаллусли шоирга муаммо битгани манбаларда қайд этилган. Мутрибийнинг хабар беришига қараганда, унинг она томонидан бобоси Басирий тахаллусли шоир бўлган. Бу икки Басирий бир киши бўлиб чиқиши эҳтимоли бор, бироқ буни тасдиқловчи ҳужжат кўлимизда йўқ.

Алишер Навоийнинг Онадўлига юборилган девони “Наводир унниҳоя” бўлиб, ундан 33 ғазални Султон Боязид маъқул кўриб, замонасининг шоири аълоси Аҳмад Пошога назира ёзишни буюрган. Аҳмад Пошо ва бошқа ўнлаб шоирлар Навоий ижодининг таъсирида бўлганлар.

Амир Навоий давлат идораларида экан, Султон Боязид II га бир неча мактублар ёзган (турк тазкираларига кўра, улар 10 дан ортиқ). Бироқ у мактубларнинг матни ҳали аниқланмаган, уларни топиб, илмий муомалага киритиш навоийшунослар зиммасида.

*Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий
университети профессори*

¹ Cetindag Y. Ali Sir Nevai. – Istanbul: Kaynak yayinlari, 2010. S.256.

Азиз мухлис! Журналимизнинг жорий йилдаги 1-сони Чехия адабиётига бағишланганидан хабарингиз бор, албатта. Шу муносабат билан Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси билан чех маданияти, адабиёти хусусида суҳбат уюштириш ҳам кўзда тутилган эди. Бироқ январь ойида Чехия президентлигига сайловлар муносабати билан элчи жаноблари ниҳоятда банд бўлганлиги боис мулоқотни кейинга суришга тўғри келди. Ният холис экан, мана, жаноб Гинэк Пэйха билан ҳамсуҳбат бўлдик. Назаримизда, суҳбатда баён қилинган фикрлар нафақат чех замини, балки жаҳонда кечаётган адабий жараёнларни ҳам акс эттирган. Шу жумладан, маълум маънода Ўзбекистон адабиёти ва ижтимоий воқелигига муштарак жиҳатларни ҳам илғаш мумкин. Хуллас, ўзимиз учун қизиқарли туюлган фикр-мулоҳазаларни, биров кеч бўлса-да, Сизга ҳам илиндик.

Дарвоқе, ушбу суҳбат адабий, маданий, ижтимоий жараёнларга бефарқ бўлмаган замондошларимизни мулоқотга чорлаш мақсадида янги рукн ташкил этилишига сабаб бўлди.



Чехия Республикасининг
Ўзбекистондаги
Фавкуллода ва Мухтор
элчиси

Савол:

– Ўзбекистон ва Чехия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига ҳам йигирма йил тўлди. Маълумки, маданий ришталар икки томонлама муносабатларнинг муҳим қирраларидан ҳисобланади. Ўзаро алоқаларнинг бу жиҳати қандай баҳо берган бўлардингиз?

– Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг жадал ривожланиб бориши дўстона муносабатлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кези келганда таъкидлаш жоизки, халқларимиз ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар кўп йиллик тарихий анъаналарга эга. Шу ўринда “Чехия – Ўзбекистон” Дўстлик жамияти ҳомийлигида яқинда нашр этилган рисоладан қизиқ бир факт келтирсам: узоқ 1771 йилда жаҳон операси пойтахти Миланда XVIII аср таниқли чех композитори Йозеф Мисливечекнинг буюк саркарда ва давлат арбоби Амир

Темурга бағишланган “Буюк Темур” мусиқий спектаклининг премьераси бўлиб ўтган экан.

Юқорида қайд этилганидек, Чехия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига йигирма йил тўлди. Бу муддат мобайнида кўплаб маданий тадбирлар, шу жумладан, концертлар, тематик кўрғазмалар, ижодий учрашувлар, илмий-маърифий анжуманлар ўтказилганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Сўнги бир йилда Ўзбекистонда ўтказилган баъзи тадбирларни тилга олсам. Чех мусиқасининг уч нафар йирик намояндларининг ўзига хос гастроль сафари ўтказилди, Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган “Скрипка ва фортепиано учун элегия” концертида чех композитори Антонин Дворжак асарлари янгради, чех композитори Иржа Бенд асарларини “Туркистон” камер оркестри ижро этди, ниҳоят, яқиндагина “Ер қурраси умумий уйимиздир” номи остида Чехия Республикаси ва Ўзбекистонга бағишланган қадимий мусиқа концерти уюштирилди.

Тасвирий санъат борасида Тошкентдаги Халқаро Карвонсарой галереясида ўтказилган, гоҳ Ўзбекистонда, гоҳ Чехияда яшаб, ижод қилувчи мусаввир Ильдар Фатхулиннинг кўрғазмасини ёдга олиш жоиз. “Олтин Гепард” Халқаро кинофестивалида режиссёр Филипп Пошивачнининг “Яркираб турган Тонда” ҳақида мультипликацион фильми якуний маросимда совриндор бўлгани – кинематография соҳасида қўлга киритган ютуқларимиздан биридир. “Ёшлар” телеканалда чех режиссёри Вацлав Ворличкиннинг “Арабела” эртақ-сериали ўзбек тилида намойиш этилди.

Адабиёт ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало Ярослав Гашекнинг “Шоввоз аскар Швейкнинг саргузаштлари” ва Карел Чапекнинг “Йўқолган мактуб” китоблари ўзбек тилида чоп этилганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу даврда бизнинг юртимизда ҳам қатор қизиқарли маданий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Прагада таниқли эстрада хонанадаси, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов концерти бўлиб ўтди. Замонавий ўзбек ҳайкалтарошлик санъати ва графикасининг иқтидорли намояндлари Юлдуз Фаррухзода, Гулзор Султонова ҳамда Ўзбекистон халқ рассоми Леким Ибрагимов асарлари кўрғазмалари ташкил этилди. Бундан ташқари, Роман Шульцнинг Ўзбекистонга бағишланган маданий-маърифий тадбирлардан тайёрлаган махсус репортажлари Чехиянинг оммабоп телеканаллари орқали намойиш этилди. Чехиялик сайёҳлар И.Стеничка, Либор Драгоньовский, Алена и Лукаш Синеклар томонидан икки маротаба Ўзбекистон билимдонлари танлови уюштирилди. Тереза Гейзларова ва Дагмар Поспишилова, шунингдек, Ладислав Станч бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг Ўзбекистон маданияти тарихининг баъзи қирраларига бағишланган янги китоблари тақдим этилди.

Юқорида тилга олинган маданий тадбирларнинг аксарияти Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан ўтказилди. Уларнинг барчаси икки давлат ижодкор зиёлилари, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан қизғин кутиб олинди.

Ишончим комилки, икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар, умуман ўзаро ҳамкорликнинг барча жабҳалари каби катта ривожланиш истиқболига эга. Жорий йилда юртингизда Чехия кинематографиясида жуда машҳур бўлган тўла метражли эртақ-фильмлар намойишини ўтказиш лойиҳалаштирилган. Шунингдек, Самарқандда ўтказиладиган ажойиб халқаро мусиқа фестивали – “Шарқ тароналари”га чех миллий санъати ва фольклор усталарини жалб қилмоқчимиз. Албатта, адабиёт, таржимачилик ҳамда ўзбек адибларининг асарларини Чехияда ва чехиялик муаллифлар китобларини юртингизда нашр эттириш борасида ҳам қатор гоҳ ва лойиҳаларимиз бор.

Савол:

– Чехия нафақат маданий қадриятларга, балки адабий, илмий меросга ҳам бой мамлакатдир. Чех адабиёти аввал-бошдан ва Маърифат даврига қадар уч тиллик асосида – чех-лотин-немис тилларида тараққий этгани маълум. Чех адабиёти ривожининг асосий тамойиллари ҳақида сўз юритсангиз.

– Иккинчи жаҳон урушидан кейин Чехия заминида рўй берган ўзгаришлар, юзага келган муҳит, шубҳасиз, адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Агар XX аср биринчи ярмида адабиётимиз чех ва немис тилларида ижод қилувчи адиблар асарларида ўз аксини топган бўлса, шоира ва ёзувчи, немис-забон адабиётининг сўнгги таниқли вакили Ленка Райнерова вафотидан кейин (2008 йил) вазиат буткул ўзгарди. Шу билан бирга янги авлод чех адибларининг асарлари бошқа тилларга, хусусан, немис тилига, инглиз, француз тилларига таржима қилиниб, чет давлатларда тез-тез чоп этилмоқда. Бу гап нафақат такдир тақозоси билан хорижда истиқомат қилаётган ижодкорлар (Милан Кундера, Йозеф Шкворецкий каби машҳур адиблар), балки бевосита Чехияда яшаб ижод қилаётган маҳаллий адибларга (Михал Вивег, Квета Легатова, Павел Когоут, Михал Айваз ва бошқалар)га ҳам таалукли. Бундан ташқари, кейинги йигирма йилда Чехия Республикасида муҳожирлар сонининг тобора ортиб бориши боис адабий майдонимизда чет тилларида (словак, рус, украин ва ҳ.к.) ижод қилувчи маълум муаллифлар гуруҳи ҳам шаклланди.

Сўнгги сал кам чорак аср мобайнида чех адабиётини шакллантирган ижтимоий-сиёсий муҳит кескин ўзгарди. 1989 йилда тоталитар тузум қулаши ортидан цензурага чек қўйилди, мажбурий муҳожирликда юрган бир гуруҳ ижодкорлар ватанга қайтиб, бамайлихотир китобларини нашр эттира бошладилар. Илгари махфий равишда қўлма-қўл бўлиб, расман тақиқланган адабиётлар кутубхоналарни бойитди. Адабий жараённи назорат қилиб, ўзини оқлолмаган расмиятчи муассасалар ўрнини адабиётчиларнинг кўнгилли жамиятлари, янги нашриётлар эгаллади, муайян жанрдаги китобларни чоп этишга ихтисослашган ноширчилик ишлари кенгайди. 1968 йилнинг “Прага баҳори” даврларида ижод қилиб, кейинчалик ўз ўзини намоён этолмаган ўрта ёш қаламкашлар ҳам янги ғайрат билан қалам тебратишга киришдилар. Шу билан бир қаторда адабиёт майдонига ёш ёзувчи ва шоирлар ҳам кириб келди. Ушбу омиллар чех адабиётида янги номлар пайдо бўлишига, она тилимиз билан бир қаторда таржима китоблари сонининг кескин ортишига, адабиётга ихтисослашган матбуот ва электрон нашрларининг кўпайишига хизмат қилди.

Ана шу ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда баъзи салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланди. Жумладан, постмодернизмга ортикча ружу қўйиш, адабий ижодни тижоратга айлантириш, унга бадиий маҳорат маҳсули эмас, кўпроқ кўнгилочар восита сифатида қараш натижаси ўларок, детектив, фантастика, мелодрама каби жанрлардаги асарлар бирламчи аҳамият касб эта бошлади. Қатор муаллифларнинг шуҳрат топишини асарларининг ҳақиқий бадиий қиймати эмас, оммавий ахборот воситаларида қай даражада тарғиб ва талкин этилиши (ушбу талқин доим ҳам асосли ва холисона бўлмаса-да) белгилайдиган бўлиб қолди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида, бошқа кўплаб мамлакатлар адабиётида бўлгани каби, Чехия китоб оламида ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос табақаланиш юзга келди: дунёқарашни ниҳоятда кенг, билимдон китобхонларга мўлжалланган, мураккаб матнли, маълум тайёргарликни талаб этадиган сара, интеллектуал адабиёт ҳамда ҳордиқ чиқариш учун, транспортда йўл-йўлакай ўқиладиган оммавий, тижорат адабиёти. Сўнгги ўн йилликда эса янги бир тенденция авж олди. Уни шартли равишда “ўрталик адабиёт” деб аташ мумкин. Иккала “табақа”нинг маълум бадиий ва ғоявий жиҳатларини ўзида уйғунлаштирган ушбу адабиёт кенг китобхонларга манзур бўлди. Чунки мазмунан қизиқарли асарларнинг бадиий пухта ёзилишига ҳам аҳамият қаратилди.

Савол:

– Дунё китобхонлари, хусусан ўзбек ўқувчиларига XX аср чех адабиёти намояндalarидан Карел Чапек, Ярослав Гашек, Витезслав Незвал каби адиблар, шунингдек, Нобель мукофоти лауреати Ярослав Сейфертнинг номлари яхши таниши. Замонавий адабиёт ҳақида нима дея оласиз? Ёш муаллифлар ижодда қайси жанр, услуб, йўналишлар устуворлигини кузатиш мумкин?

– Фикримча, замонавий чех адабиёти саволда тилга олинган отахон-асосчилар – катта авлод шоирлари, ёзувчиларининг анъаналарини давом эттирибгина қолмай, ижодга талайгина янгиликлар ҳам киритди. Бу янгиликлар бир томондан табиий ривожланиш, миллий адабиёт тараққиётининг ҳосиласи бўлса, иккинчи томондан европа ва жаҳон адабиёти таъсиридаги ўзгаришлар натижасидир. Шунинг баробарида ҳаётимизнинг ахборотлашуви, компьютерлашуви ёки XXI аср тилида айтадиган бўлсак, “дигитализациялашуви” натижасида адабий макон анча торайган бўлиб, замонавий адабиёт ушбу ҳолат билан ҳисоблашишга мажбурдир. Аксарият ёш ва ўрта авлод вакиллари учун китоб мутолааси бўш вақтни ўтказишнинг бир кўриниши, мультимедиа маданиятининг аввалгиларга нисбатан анча заиф бўғинига айланиб қолмоқда.

Шунга қарамай, Чехия адабиёти ривожланишда давом этмоқда. Унда машҳур адиблар билан бир қаторда ёш муаллифлар номларини ҳам учратиш мумкин ва уларнинг асарлари миллий китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланиши баробарида жаҳонга танилмоқда.

Ёш адиблар ижодда кўпроқ қандай қарашлар устуворлиги ҳақида аниқ бир гап айтиш мушкул. Табиийки, улар ўзларигагина хос, шахсий услубларини яратишга, оригинал тилда ёзишга, асрларининг мазмунан бой, қизиқарли, эстетик қийматга эга бўлишига, хуллас, эътироф қозонишга интиладилар. Китоб бозори талаблари, унда яратилган маҳсулотнинг кетиш-кетмаслиги билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади, албатта. Ёш муаллифлар, айниқса, адабий майдонга эндигина қадам қўяётганлари, бадиий ғоя, ифода этиш маҳорати ва асарнинг тижорий имкониятлари орасидаги мувозанатни сақлашга мажбурдирлар.

Чехияда адибларни, шу жумладан ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун кўпгина ишлар амалга оширилади. Энг яхши адабий асарлар муаллифлари учун турли мукофотлар таъсис этилган. Иқтидорли қаламкашлар расмий ва, назаримда, энг нуфузли – Давлат мукофотидан ташқари, Ярослав Сейферт мукофоти, Карел Чапек мукофоти, шунингдек, адабиётнинг маълум жанрлари бўйича, хусусан, наср йўналишида Магnezия Литера мукофоти, шеърят йўналишида Скацелова мукофоти, журналистика бўйича Фердинанд Пероутка мукофоти кабилар билан тақдирланадилар.

Ёш муаллифлар учун махсус “Олтин ёнғоқ” умуммиллий танлови ўтказилади. Таниқли нашриётлардан бири – “Фрагмент” иқтидорли ёш ёзувчилар ўртасида “Бестселлер муаллифи кидирилмоқда” танловини ўтказди. Чехия радиоси эса Карлов университетининг Фалсафа факультети билан ҳамкорликда мактаб ҳамда гимназияларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида “Сўз эркинлиги – кеча ва бугун” мавзуида яқиндагина танлов ўтказди.

Бошқа ҳамма жойда бўлгани каби, Чехия китобхонларининг қиёфаси ҳам ранго-рангдир. Талаб, эҳтиёжларига кўра, европалик ўқувчиларга қиёслаш мумкин. Аммо миллий менталитет билан боғлиқ ўзига хослик ҳам бор, албатта. Масалан, чехлар кўтаринки асарлардан кўра пародия, юморни афзал кўрадилар.

Ортдошларимиз орасида адабиётнинг турли жанрларига талаб мавжуд. У оддий беллетристика бўладими ё назм, тарихий наср, детектив, фантастика (шу жумладан, кейинги йилларда айниқса машҳур “сайенс фикшн” деб номланувчи адабиёт), болалар ва ўсмирлар адабиёти, юмористик адабиёт, саёхатлар адабиёти дейсизми, хуллас, ҳар бир йўналишнинг ўз ўқувчиси бор. Адабий танқидчилик

иккиёқлама вазиятнинг юзага келганлигини кўрсатмоқда: бир томондан, жанрлар хилма-хиллиги, адабий йўналишларнинг табақалашуви яққол кўзга ташланаётган бўлса, иккинчи томондан уларнинг синтези – қоришуви кузатилмоқда. Чиндан ҳам, баъзан у ёки бу асарнинг қайси жанрга тааллуқли эканини аниқлаш қийин бўлмоқда. Баён услуби ҳам хилма-хил бўлиб бормоқда. Бугунги кунда катор асарларда нафақат хужжатли хроника, балки электрон хатлар, ҳатто SMS хабарлар матнларини ҳам учратиш мумкин.

Мамлакатимиз ва хорижда машҳур чех адибларидан барчасини номма-ном эслаш анча вақтни олади. Шу боис улардан баъзиларининг номини келтириб ўтсам. Насрда – юкорида тилга олинган Михал Вивег, Павел КоҒоут, Михал Айваз, шунингдек, Эмил Гакл, Ярослав Рудиш, Галина Павловска, Петра Гоулова, Мартин Ришави, Петр Шабах, Бара Несвадбовалар эътирофга лойиқ. Шеърлий адабиётнинг энг ёрқин вакиллари сифатида Радек Мали, Мария Штястна, Яхим Топол, Богдан Троякни келтиришим мукин. Драматургияда Петр Зеленка, Карел Драбек, Петр Колечко, Карел Штайгервальдлар ном қозонган ва ҳоказо.

Савол:

– XXI аср ютуғи ҳисобланган ахборот технологиялари тараққиёти аста-секин мамлакатлар, халқлар ўртасидаги чегаралардан ошиб ўтиб, “глобаллашув”, “оммавий маданият” каби тушунчаларни ҳаётимизга сингдирмоқда. Бу ҳолат Чехия ёшлари қарашларига, уларнинг миллий анъана ва қадриятлар, маданият ва адабиётга бўлган муносабатига қандай таъсир кўрсатмоқда?

– Глобаллашув объектив, табиий бир жараёндир. Уни инкор этолмайсиз, қарши туришингиз – маҳол, бундан маъно ҳам йўқ аслида. Масала бошқа ёқда – глобаллашувнинг қай бир турига дуч келишингизда.

Биринчи турда турли халқлар ва давлатларнинг ижтимоий маданий тажрибасининг инсоният томонидан умумлаштирилиши назарда тутилади. Иккинчи йўл эса, ихтиёрий равишда ёинки тазйиқ остидами, маълум бир тамаддун андозасининг намуна сифатида қабул қилинишидир. Бир андозанинг бошқаларидан устуворроқлиги ёки хукмронлиги, маданиятлар тенглиги тамойилларини издан чиқаради. Бирор давлатнинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қудрати унинг халқи маданиятининг бошқалардан афзаллиги, устунлигидан далолат бермайди. Умуман, масаланинг бу тарзда қўйилишининг ўзи хато бўларди.

Глобаллашув жараёнининг барча воситалари – интернет, компьютер, уяли телефон, электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда транснационал компаниялар (аксарият ҳолларда улар маҳсулот ва хизматларини ниҳоятда кенг қўламли реклама ҳисобига ўтказадилар) – ўзига хос глобал оламни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Унда жаҳоннинг турли бурчакларида яшовчи одамлар, хусусан ва айниқса, ёшлар, бир хил фильмлар кўрмоқдалар, бир хил мусиқа тингламоқдалар, хуллас, диди, таъби деярли бир хил бўлган истеъмолчига айланмоқдалар. Бир қарашда бунинг ҳеч бир ёмон жиҳати йўқдек. Бироқ айрим савияси талабга жавоб бермайдиган моддий ҳамда маънавий қадриятлар тарғиботи, шунингдек, миллий, ижтимоий маданий қадриятларнинг унутилаёзиши глобаллашув жараёнининг узвий қисмига айланиб бормоқда.

Чех ёшларининг маълум қисми, аксарият европалик ва дунёнинг бошқа минтақаларида яшайдиган тенгдошлари сингари, прагматизм, моддий фаровонликка интилиш, карьерани моддий бойликка етишиш, турли таассуротлар ва айниқса, кўнгилхушликка бой ҳаётга эришиш йўлидаги пиллапоя сифатида кўриш қабиларни биринчи ўринга қўймоқдалар. Бу интилишларни фуқаролик масъулиятини англаб етиш, ижтимоий фаоллик, юксак маънавият, ўзгаларга наф келтириш(га тайёрлик) ҳисси, миллий маданий меросни асраб, янада кўпайтириш истаги билан уйғунлаштиришни эса ҳамма ҳам уддалавермайди.

Миллий маданий меросимизни асраш ва янада кўпайтиришга кўмаклашиш,

халқ анъана ва қадриятларига бўлган қизиқишни орттириш йўлида қилинаётган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Чехия ҳукумати 2007-2013 йилларга мўлжалланган Ёшлар сиёсати давлат Концепциясини ишлаб чиққан ва унда қатор тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган. Болалар ва ёшлар театрлари, адабий тўғараклар, қўшиқчилик ва бошқа ижодий жамоаларни ташкил этиб, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, умуммиллий ва минтақавий бадиий кўрик-танловлар, фольклор фестиваллари, ёшларнинг соғлом ижтимоий маданий ривожланишига қаратилган бошқа тадбирлар уюштириш, ўсиб келаётган авлоднинг бўш вақтини самарали ўтказишга оид дастурлар, шунингдек, музей экспозицияларини оммалаштириш ва улар билан Интернетда ҳам бемалол танишиш имкониятини яратиш кабилар шулар сирасидандир. Концепция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Бош координатор Чехия Республикасининг Таълим, ёшлар ва жисмоний тарбия вазирлигидир. Концепцияни ҳаётга жорий қилиш мазкур вазирлик билан бир қаторда бошқа вазирлик ва маҳаллий ҳокимият идораларига юклатилган.

Савол:

– Ўзбекистонда чехиялик ёзучиларининг қатор асарлари нашр этилган. Чехияда ҳам Ўзбекистон археологияси, тарихи, санъатига оид китоблар, рисоалар чоп этилган. Ўзбек адиблари асарларини чех тилига таржима қилиб, нашр этиш масаласида бирор режалар борми?

– Кейинги йилларда юртимизда ўзбек муаллифларнинг бир неча мўъжаз нашрлари амалга оширилди.

Хусусан, суҳбатимиз аввалида тилга олинган “Ўзбекистонни биласизми?” танлови муносабати билан Праганинг Метрополит университетида чех тилида Ўзбекистон ҳақидаги рисола нашрдан чиқди.

Ўзбек бадиий адабиёти намуналарини чех тилига ўгириб, нашр эттириш масаласи эса кун тартибида турибди. Бу масалани таржимонлар ҳамда Чехиядаги нашриётлар билан муҳокама қилмоқдамиз. Шу билан бирга ўзбек китобхонларини машҳур замонавий чех ёзувчилари ва шоирлари асарлари билан таништириш борасида ҳам иш олиб бормоқдамиз.

Юлдуз ҲОШИМОВА суҳбатлашди



ОЗОД ВАТАН – ҚИСМАТИ ЭДИ

Виктор Гюго Францияда аслзода табакага мансуб бўлган хонадонда таваллуд топади. Унинг отаси Наполеон Бонапарт армиясида хизмат қилиб, генерал унвонига ҳам сазовор бўлганлигини Гюго биографлари ёзиб қолдирганлар. Гюголарнинг келиб чиқишларига оид архив ҳужжатларини кўп ва ҳўб титкилаган тарихчилар уларнинг асли йирик ер эгалари эканлигини ҳам аниқлаганлар. Хуллас, нима бўлмасин, олийнасаб бобокалонларию ҳарбий зот сифатида донг таратган қаттиққўл отасидан қатъи назар, Виктор Гюго ёзувчиликни танлади ва адашмади. Унинг адабиёт осмонидаги юлдузи ҳамон бутун инсониятга нур сочиб турибди.

Виктор Гюгонинг болалик ва ёшлик чоғлари асосан отаси хизмат қилиб ўтган мамлакатларда кечди. Генерал бир қанча вақт Мадридда яшаб, Испаниянинг учта вилоятини бошқариб турди, унвондор испан графига айланди. Унинг фарзандлари эса испан аслзодалари билан бирга мактабга қатнади. Испанияда кечган таҳсил йиллари ёш Гюго қалбида кўпам нурли таассуротлар қолдирмаган. Бу орада Францияда Наполеон тахтдан ағдарилади-ю Гюголар оиласи Парижга қайтишга мажбур бўлади. Болақай жуда ёшлигидан мустақил ўқиб-ўрганишга, мутолаага ружу қўйган эдики, мамлакатлар ва салтанатлар тарихи, халқлар адабиёти,

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

тили, маданиятига оид ўша пайтлардаги қанақанги бадиий асар бўлса, илмий тадқиқот бўлса – булар бари ўспирин йигитчанинг мутолаа доирасини кенгайтириб, кўнгил хазинасига айланиб қолди. Бунинг устига, бу болақай кўлига қалам олиб ўзи ўқиб-ўрганган китобларга тақлидан адабий-бадиий машқларни ҳам бошлаб юборди. Ҳар ҳолда китоб ўқиш, тарихий воқеаларга бадиий тус бериб тасвирлаш Гюго тимсолида оддий машғулотдан эндиликда ҳаётий заруратга айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам отасининг ҳарбий соҳадаги парвози яқун топиб, онаси вафот этган ўн саккиз-ўн тўққиз ёшар Виктор оила барбод бўлиб, ейиш-ичиш муаммолари умрига хавф сола бошлаган йилларда ҳам ёзувчилик, шоирлик машғулотларини тарк этмади.

Отасининг Франция тараққиёти йўлидаги зобитлик хизматлари тахт эгаси Людовик XVIII томонидан эсга олиниб, оилага нафақа белгилангач, энди Виктор учун ҳам машқларини матбуотда эълон қилиш имконияти туғилади ва у йигирма ёшида илк шеърини чоп эттиришга муваффақ бўлади. Начора, ҳаёт қизиқ экан, Виктор энди уйланиб, оилавий турмушни йўлга қўяман деб турган пайтда янги бир машмаша чиқиб қолади – гап шундаки, у болалик пайтидан бирга ўйнаб-ўсган Адели Фуше исмли қизга уйланган эди, буни қарангки, ўзининг акаси Эжен ҳам мана шу қизни севаркан. Тўйда жанжал кўтарган Эжен Гюго орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас... эсан оғиб қолади.

1827 йилда Виктор Гюго “Кромвель” драмасини, 1830 йилда “Эрнини” драмасини эълон қилади ва энди унинг номи француз адабиётида порлаб турган юлдузлар – Шатобриан¹, де Виньи², Нодье³, Готье⁴, Ламартин⁵ каби адабиёт наҳанглари қаторида

1 Франсуа Рене де Шатобриан (1768-1848) атоқли француз адиби.

2 Альфред Виктор де Виньи (1797-1863) – шоир, драматург, таржимон, романнавис.

3 Шарль Нодье (1780-1844) – романнавис.

4 Теофиль Готье (1811-1872) – атоқли адиб.

5 Альфонс Мари Луи де Ламартин (1790-1869) – шоир ва публицист. Юқоридагиларнинг бари ўша даврда ном таратган ижодкорлар бўлишган.

тилга олина бошлайди. Гюгонинг ўша пайтларда ёзган ҳар бир асари – у хоҳ шеър, хоҳ драма, хоҳ тадқиқий асар бўлсин – талабчан француз ўқувчилари орасида тез тарқалиб, муаллиф жаҳоний шухратга ноил бўлди. Сабаби, ўша йилларда француз тили ҳам, адабиёти ҳам, маданияти ҳам жаҳон халқлари наздида илғор саналарди. Қарабсизки, ҳали ўттиз ёшнинг эшигини ҳам қоқиб улгурмаган йигит сал вақт ичида адабий даргоҳларнинг кадрли меҳмонига, мухлисларнинг севимли адабига айланди. Йўқ, ёш ижодкор бу мувафакиятлардан эсанкираб қолмади, ҳали ўзи ёзадиган асарлар, номини абадийликка муҳрлаб қўядиган романлар олдда кутаётганини юрак-юракдан ҳис қила олди, ўзини бутунлай ижод оламига урди. Нашриёт ходимлари ёш адибнинг истеъдодидан, қудратли қаламидан хабар топиб, Гюго билан шартномалар тузишга киришадди. 1831 йили Гюго қаламига мансуб “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси” романи ёш ёзувчига улкан муваффақият келтирди. Орадан ўн йил ўтиб, ҳали 40 ёшга тўлмаган Виктор Гюго Франция академиясининг аъзолигига сайланади. 1845 йилда эса, сиёсат соҳаси ҳокимият тепасига келган Орлеан сулоласини қўллаб, Бурбонлардан воз кечгани учун у кироликда пэр унвонини олишга ҳам муваффақ бўлади. Бундан кўринадики, Гюго халқ омаси кайфиятини англаб етишда, уни ифодалашда ҳам яхшигина иқтидорга эга бўлган.

“Замон сенга бокмаса, сен замонга бок” дейишади. Афтидан, мамлакатда бўлиб ўтаётган сиёсий, ижтимоий воқеликлар адиб сифатида катта шухрат қозонган Гюгонинг ҳам бошини айлантирган кўринади. 1848 йилги инқилоб тўс-тўполонларидан сўнг, у мамлакатда республикачилар ғояларини қўллаб-қувватлаб, ҳам маслаклари маслаҳатига кўра апрезидентлик сайловларида ўз номзодини олға суради. Декабрь ойида ҳукумат тепасига Луи Наполеон келгач, аввалига Гюго бу янги ҳукуматни қўллаб-қувватлайдию, бироқ кейинчалик ҳукмронлик қилувчи кўмита таркибидан ўзига ҳам ўрин тегмай қолганидан ўпкалаб, янги ҳукуматга қарши бўлиб олади. Ва ниҳоят, ижодкорлик билан сиёсат олами бошқа-бошқа нарсалар

эканлигини тушунган Гюго 1851 йилги давлат тўнтаришидан сўнг (Луи Наполеон ўзини император деб эълон қилгач), адиб Францияни тарк этишга, Ла-Манш бўғозидаги Англияга қарашли француз тилли аҳоли яшайдиган оролда яшашга мажбур бўлади. Бу сургун қарийб йигирма йил давом этди. Ёзувчи ҳатто ўзига нисбатан эълон қилинган авф этиш фармони – амнистияни ҳам қабул қилмади. 1862 йилда у ўзининг “Хўрланганлар” романини ёзиб тугатади.

Орадан йиллар ўтаверди. Францияда “Учинчи республика” даври бошлангандан сўнггина (1870 йиллар) Гюго ўз ватанига, кадрдон Парижга қайтиб келди. Унинг қайтишини бутун мамлакат олқишлар билан кутиб олди. У келиши биланок ҳукумат таркибидаги қонунчилик органида иш бошлади. Янада янги куч-қувват, шиддат билан ижодини давом эттирди. У энди яна кадрдон мухлислари, халқи, ўзи севган демократик ғояларга содиқ фуқаролар орасида эди. Гюго озод Франциянинг янада гуллаб яшнаши, тараққий этиши, дунёда илғор ўринлардан бирини эгаллаши йўлида етса истеъдоди билан, етмаса жони билан тўлиб-тошиб меҳнат қилди, шеърлар, драмалар, романлар, адабий публицистик мақолалар ёзди. Вафотидан сўнг (1885) Париждаги Пантеон мозорига – Франция учун унутилмас хизматлар қилиб кетган улуғ шахслар дафн этиладиган қабристонга иззат-икром билан дафн этилди. Унинг дафн этилиш куни бутун мамлакат ҳудудида мотам куни деб эълон қилинди.

У жуда сермахсул адиб эди, унинг вафотидан сўнг нашр этилган асарларининг тўплами жами 90 жилдни ташкил этди. Кўплаб энг машҳур асарлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилиниб, жаҳон халқлари маънавиятининг олтин хазинасига айланди.

Музаффар АҲМАД



НИКОҲГА КУЙ ЁЗГАН БАСТАКОР

Жаҳонда, айниқса, Фарб ўлкаларида тез-тез янграйдиган, қалблари яқин икки маъшукни оила бўстонида маҳбуб қилиб, муҳаббат аталмиш матлуб ниётларига етказувчи “Никоҳ марши”га тасодифан бўлса-да бир бор кулоқ тутмаган инсон кам топилса керак. Аммо ана шу бахт-иқболни шарафловчи оламшумул мусиқани олмон юртидан чиққан Феликс Мендельсон отлиғ ижодкор инкишоф этганлигини санъат оламида юрганларнинг барчаси ҳам билавермайди. Ваҳоланки, никоҳ сабаб миллионлаб инсонлар меҳроб қаршида Мендельсон билан ғойибона дийдор кўришишади, унинг тантанавор оҳанглари оғушида катта ҳаёт остонасига қадам кўйишади.

Менделсоннинг ҳаёти, ижоди, туриш-турмуш тутумларига назар ташласак, унинг фавқулодда воқеалардан йироқлиги, бироқ мутлақо яқин эмаслигига амин бўламиз. У 1809 йилнинг 3 февраль куни Гамбургда, мусиқа оламига бегона бўлган иқтисодчи Авраам Мендельсон оиласида дунёга келади.

Бўлажак композиторнинг бобоси Мозес (Моисей) Мендельсон машҳур яҳудий файласуфи, Хаскал донишмандлик оқимининг асосчиси эди.

Фалсафа, умуман фозиллар илми нотикона сўз, пурмаъно ҳикмат,

жумбоқли, фавқулодда ҳодисотлар орқали инсонни маънавий комиллик сари ундовчи беқиёс восита бўлса, мусиқа ана шу мужданинг оҳангга, куйга кўчган ҳолати, инсон қалбига туткич бермас ўйлар, юксак туйғулар ёрдамида кириб борувчи санъатдир. Шу боис, файласуфларнинг аксари мусиқа илмига ҳам ошно тутинганлиги айни ҳақиқат. Энг муҳими, фалсафа ҳам, мусиқа ҳам қалбнинг давоси бўлиши мумкин. Абу Наср Фаробий бобомиз айтмоқчи, “Мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради”.

Юқоридаги боғлиқликдан ҳулосамиз шуки, бобосининг фалсафа илмидаги салоҳияти ёш Феликснинг мусиқий фитратига таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас.

1811 йил Мендельсонлар оиласи Берлинга кўчиб ўтади. Феликс учун завқиб онлар сурури бошланади, у бой ижодий муҳитда, зако аҳлининг даврасида вояга етади. Мендельсонлар хонадонига ўз даврининг маълум ва машҳур инсонлари тез-тез ташриф буюрар, айниқса, улуғ файласуф Фридрих Гегель ва тажрибали педагог, композитор Карло Цельтерларнинг иштирокисиз ўтадиган гурунглари кам бўларди. Айнан Цельтер ёш

Мендельсондаги мусиқий лаёқатни сезиб қолади ва унга мусиқа назариясидан дарс ўта бошлади. Кейинчалик Феликс устозлари Людвиг Бергердан фортепиано, Карла Хеннинг, Эдуард Рицалардан скрипка чалиш сирасорларини ўрганади.

Етук композиторларнинг деярли барчасида фавқулодда истеъдод жуда эрта уйғонган. Айтайлик, Моцарт тўрт ёшида Европанинг “мана-ман” деган томошагоҳларини тирбанд қилиб концерт берганлиги ёхуд Прокофьев беш ёшида мустақил асарлар ёза бошлагани бир қадар афсонага ўхшайди. Худди шу каби Мендельсон ҳам тўққиз ёшга етганда бутун Европада виртуоз пианиночи сифатида доврўғ қозонди. У композиторлик фаолиятидаги дастлабки жиддий изланишларга айнан шу ёшида қўл уради, скрипка ва фортепиано учун сонаталар, трио, бир қатор орган мусиқаларини ёзиб тамомлайди.

1821 йил устози Цельтер туфайли Мендельсон немис маърифатпарвар шоири И. Гёте билан танишади, ундаги закийлик, илм ва ижоддаги теранлик эндигина ўн икки ёшни қарши олган композиторнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди.

Феликс 1825 йили отаси Авраам Мендельсон билан Парижга саёҳатга йўл олади. Париж бу даврда Европанинг энг йирик маданият ўчоғи, мусиқа санъати гуркираб ривожланган шаҳар эди. Ёш Мендельсон бу ерда Париж Консерваториясининг бадиий раҳбари Луиджи Керубини билан танишиб қолади, ўзининг туғма истеъдоди, ноёб ижро услуби ила тажрибали мутахассиснинг назарига тушади. Бироқ Париж мусиқа мактаби Мендельсон ижодига айтарли таъсир кўрсатмайди, чунки унинг шаҳарга келишдан мақсади саёҳат килиш эди, шу боис фаранглар юртида қолишни истаса-да, Берлинга қайтишга мажбур бўлади.

Айнан шу қайтиш Мендельсон ижодида янги саҳифа очади. У ўз юртига келгач, бутун куч-қуввати, шижоатини янгидан-янги асарлар яратиш йўлида сафарбар қилади. Жумладан, Мигель де Сервантеснинг машҳур “Дон Кихот” романидаги эпизод асосида “Комачонинг тўйи” номли икки пардали операсини ёзиб тамомлайди. Мендельсон ижодига хос юмор ва истехзога мойиллик, жўшқин ва таранг руҳият, қарама-қарши ҳиссиётлар тўқнашуви, енгил ифода, яқундаги улкан ҳақиқат илк бор ушбу операда тўла юзага қалқиб чиққан эди.

Композитор ижодининг кейинги даври бевосита Европа мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳатлари билан боғлиқ. У 1820-30 йиллар оралиғида Италия, Франция, Швейцария, Буюк Британияда яшаб ижод қилади, ўз даврининг етук композиторлари Ференц Лист ва Фридерик Шопен билан танишади.

1841 йили қирол Вильгельм IV нинг таклифига биноан Мендельсон Берлинга келади. Қирол бу шаҳарни Германиянинг маданий маркази бўлишини истарди. Шу мақсадда немис халқидан чиққан жамийки илм-фан, санъат, адабиёт намояндalarини

ушбу шаҳарга тўплайди. Мендельсон Берлиндаги Қироллик санъат академиясини қайта тиклаб, черковдаги хорга раҳбарлик қилади. 1842 йили эса Англияга бориб, ўз концерт дастурини катта муваффақият билан намойиш этади, натижада унча-мунча ҳодисага ҳайратланавермайдиган инглиз халқининг қалбидан ҳам жой олади. Айни шу йиллари “Антигона”, “Шоҳ Эдип”, “Ёз тунидаги туш” спектакллари учун мусиқалар ёзади. Биз юқорида тилга олган “Никоҳ марши” “Ёз тунидаги туш” асарининг бир қисми ҳисобланади ва бу умрбоқий мусиқа Мендельсон номини абадий жаранглаб туришига хизмат қилмоқда.

Феликс Мендельсон ўзининг серкирра ижодий фаолияти давомида романтик симфония, программали концерт увертюраси каби жанрларга асос солади. Скрипка ва оркестр учун (1844), 2 та фортепиано ва оркестр учун (1831-1837) концертлари, “Сўссиз қўшиқлар” (1832-45) фортепиано асари, “Павел” (1836) ва “Илия” (1847) ораториялари жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналари қаторидан ўрин олган. Унинг ўз миллати мусиқа санъати ривожига қўшган яна бир йирик ҳиссаси – ижро йўналиши, машҳур композиторлари билан дунёга овоза бўлган Лейпциг консерваториясига асос солиши бўлди. Бу мухташам қошона ханузгача мусиқага муҳаббат қўйган Мендельсон издошларига катта санъат йўлланмасини бериб келмоқда.

Композитор 1847 йили Лейпцигда вафот этади. У ўзининг қисқа умри давомида асрга татигулик ижод намуналари, халқчил, оҳангдор мусиқалари, романтизм ва классицизм анъаналари мужассам бўлган асарлари билан санъат муҳиблари қалбидан ўчмас жой олди. Мендельсон ижодий услубига хос бўлган ҳолат, уни замондошларидан ажратиб турувчи яккаш ҳодиса бу халқ билан муштараклик ҳисси, халқ дарди, маслагию мақсадига хайрихоҳлик, халқона куй ва ижро десақ, хато бўлмайди. Ана шу фазилатлар сабаб Мендельсон ижоди мангулик мангулик касб этди.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ



ПОЛЬШАДАН ЧИҚҚАН ДАҲО

Поляк бастакори ва муסיқашунос Фридерик Шопеннинг номи жаҳон муסיқа санъатининг Моцарт, Бетховен, Бах каби даҳолари қаторидан ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллаган. Улкан истеъдод соҳиби Шопен ижоди инсоний эҳтиросларга, ҳистуйғуларга бой. Шунинг учун ҳам уни бир чашмага менгзаш мумкин.

1810 йил 22 февраль куни Варшава яқинидаги Желязова Боля кишлоғида асли насаби француз бўлган Никола Шопен ҳамда поляк аёли Юстина Кшижановская оиласида бир гўдак дунёга келади. Унинг юксак истеъдод эгаси эканлиги ёшлигиданоқ башорат қилинган. Болакай даставвал опаси Людвика билан дуэтлар ижро этиб юради. Кейинчалик у опасини “илк устозим” дея эътироф этади.

Болакай етти ёшга тўлганида, отаси уни муסיкий савод чиқариши учун фортепьяно бўйича мутахассис кўлига топширади. Жажжи Фридерикнинг ажабтовур одаглари бўлиб, фортепьянони коп-коронғи хонада чалишни жуда-жуда ёқтирарди. У баъзан ярим кечаси уйғониб, ўзи ёқтирган муסיқасини баралла чалишга тушиб кетар, бундан уйидагиларнинг ўтақаси ёрилай дерди. Миттигина бармоқчалари билан клавишларни чалишга қийналаётган Фридерикнинг хаёлига бармоқ ўстирадиган мослама яшаш фикри келади. У жони оғришига қарамай, мосламани кечаю

кундуз кўлига тақиб юради. Табиийки, бундай болани кўрган кўз, эшитган кулоқ борки, уни сал “ғалатирок”қа чиқариб кўйиши аниқ. Хонадон хизматкорлари эса уни нақ ақлдан озган дейишади. Шопен ўн ёшида князь Константинга бағишланган маршини яратади ва бу асар ҳарбий оркестр жамоаси томонидан бир неча марта ижро ҳам этилади.

Кейинчалик ёш санъаткор таниқли чех муסיқачиси Войцех Живний кўлида тахсил олади. Ўшанда мураббийси унинг қалбида И.С.Бах ижодига меҳр уйғотган бўлса ажаб эмас. Боши билан ижодга шўнғиган Фридерикдан машхур муסיқачи чиқишига шубҳа йўқ эди. Ёш Шопен иқтидори, тиришқоклиги, меҳнатсеварлиги тўфайди “поляк Моцарти” номини олади. Ўн икки ёшга тўлганида унинг маҳорати барчани, яқинларию таниш-билишларини хайратга солади. Ўзидан-да ўзиб кетган шогирдига бошқа ҳеч нима бера олмаслигини англаб етган устози Живний эса унга сабоқ беришдан воз кечади.

1829 йилдан Шопеннинг муस्ताқил равишдаги ижодий фаолияти бошланади десак хато бўлмайди. Ижодкор Вена, Краков каби шаҳарларда гастрол сафарларида бўлиб, ўз истеъдодини намойиш этади ва кўплаб мухлислар орттиради. Моцарт, Бетховенлар Венани забт этганидек, Шопен ҳам бутун Парижни ўзига буткул ром этади.

1830 йилда Польша озодлиги йўлида кўтарилган кўзғолонда санъаткор ватанидан анча олисда эди. У бу кўзғолоннинг дарагини эшитиши биланоқ куйиб-ёниб йўлга отланади. Бироқ манзилга етишга улгуролмайди. Бу пайтда кўзғалон бостирилиб бўлган, қатнашчилари эса ҳибсга олинганди. “Польша порлоқ, забардаст, хур юрт бўлади!” – деб ёзган эди у ўз кундаликларида.

Шопен мунтазам концерт дастурлари, тадбирлар уюштириб турар, уларда асосан ўзи яратган куйларни чаларди. Концертларининг бирида у Моцартнинг “Дон Жуан” асарини янгича талқинда ижро этади. Айнан шу куй сабаб немис бастакори ва муסיқашунос мунаққид Роберт Шу-

ман: “Жаноблар, бош кийимингизни ечинг, қаршингизда – улуғ истеъдод соҳиби турибди!” – деган сўзлар билан Шопенни мақтову олқишларга кўмиб ташлайди.

Шопен мусикага алоҳида бир тил сифатида қарар, уни инсоннинг табиий, равон нутқига қиёсларди. Унинг “Тил яккам-дуккам сўзлардан эмас, яхлит нутқдан ташкил топганидек, алоҳида товушлар ҳам куй ярата олмайди. Мусика ҳосил бўлиши учун товушлар уйғунлиги керак”, деган сўзлари айна ҳақиқатдир.

Венгер бастакори Франц Лист Шопен ижодига таъриф бериб: “Унинг оҳанглари гўё шиддатли тўлқинлар узра тебранаётган қайиқдир, ёки, аксинча, бу фоний дунёда дафъатан пайдо бўлиб, нигоҳимиз элас-элас илғайдиган шарпа мисолдир”, деган эди. Бетховен даврида урф бўлган мусикий классицизм кейинроқ романтизмга ўрин бўшатиб беради ва Фридерик Шопен бу йўналишнинг ёрқин вакилига айланади.

1836 йили Фридерик Парижда Жорж Санд тахаллуси остида ижод қилган адиба (асл исми шарифи Аврора Дюпе) билан танишади. Шопеннинг ўзига ҳам, асарларига ҳам мафтун бўлган бу аёл кейинчалик санъаткорнинг ҳамроҳи, маслакдошига айланади. Улар қарийб ўн йил давомида турмушнинг аччиқ-чучугини, қувончию заҳматларини бирга тотиб, бир-бирларига суяниб яшашади.

40-йилларнинг охирларида бастакор Англияда яшай бошлайди. Аммо кундан-кун аҳволи оғирлашиб бораётган Шопеннинг дарди у ерда бат-

тар ёмонлашади. Шундай бўлса-да, у лорд Дадли Стюартга берган вадасининг устидан чиқади. 1848 йилнинг кеч кузида Польша дўстлари жамиятининг фойдасига уюштирилган хайрия концертида иштирок этиб, мухлисларини яна бир карра хушнуд этади. Бу эса унинг сўнгги концерти эканлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди...

1849 йилнинг 17 октябрида – жаҳон мусика санъати яна бир забардаст, истеъдодли ўғлонидан жудо бўлди...

Буюк бастакор Фридерик Шопендан фортепиано учун иккита концерт, трио, сонаталар, тўртта баллада, тўртта экспромт, ўн олтита полонез, эллик саккизта мазурка, ўн еттита вальс, йигирма битта ноктюрн, йигирма олтита прелюдия, йигирма еттита этюд, ўн тўққизта кўшиқ ва бошқа кўплаб мусикий асарлар ижодий мерос бўлиб қолди ва жаҳон мусика санъати хазинасидан жой олди.

Шопен ўз ҳаётининг сўнгги дамларини Францияда ўтказган бўлса-да, вафотидан сўнг жасадини киндик қони тўқилган, болаликнинг шоду хуррам дамлари ўтган она Ватани – Польша тупроғига қўйишларини васият қилади. Фридерик Шопен қиска умр кўрди, у бу дунёдан кўз юмганида ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаганди. Аммо бир ярим асрдан ошибдики, унинг номини санъат ихлосмандлари даҳо ижодкор сифатида ҳалихануз фахр билан тилган оладилар. Буюкликнинг шарафи ҳам, шони ҳам шунда, аслида.

*Гулҳаё АБДУҒАФФОРОВА
тайёрлади.*





ДИККЕНСНИНГ ИҚРОРИ

Ғарб адабиёти деганда, аввало нафосат, саргузашт ва тахайюлга бой адабиёт кўз ўнгимизда гавдаланади. Айнан шу хусусиятлари билан ҳам бу адабиёт бошқа адабиётларидан ажралиб туради. Қиролича Виктория даврида (ўн тўққизинчи аср) илм-фан ва адабиётга жуда катта эътибор қаратилган, қаҳрамонимиз ана шу замоннинг забардаст ёзувчиси, довуорақ адабий танқидчиси ва жасоратли журналисти Чарлз Диккенсдир. Мутахассислар унинг асарлари ўзига хослиги, янги қаҳрамон яратиш бўйича уни Шекспирдан кейинги ўринда туради деб эътироф этадилар. Адибнинг 15 та роман, 5 та новелла ва юзлаб ҳикоялари, мақолалару маърузалари бизгача етиб келган.

Чарлз Жон Ҳаффем Диккенс 1812 йилнинг 7 февраль куни Портсмут шаҳрининг Портеи деган ҳудудида Жон Диккенс (1785-1851) ва Элизабет Диккенс (1789-1863) хонадонига дунёга келади. Отаси ўша пайтларда Неви Пей идорасида маълум вақт юқори лавозимда ишлайди. Чарлз туғилганидан кейин бу оила Блумсберидаги Норфолк кўчасига кўчиб кетади. Чарлзнинг болалиги сарсону саргардонликда, ёшлигининг асосий қисми эса саёхатларда кечади. Шундай бўлса-да, у адабиётдан йироқлашиб кетмайди. У ёшлигиданоқ Тобиас Смоллет ва Хенри Филдингнинг саргузашт ро-

манларини севиб мутолаа қилади. Унинг болалигида кечган қайғули хотиралар ва ўзи севиб ўқиган мазкур романлар эса кейинчалик асарларидаги қаҳрамонлар сиймоси учун замин яратган бўлса ажаб эмас.

Чарлз жуда қисқа вақт хусусий мактабда таҳсил олади. Оила молиявий жиҳатдан қийинчиликларга учрагач, 1822 йилда Диккенслар Лондондаги Кемден шаҳарчасига кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Узлуксиз давом этган бу молиявий танглик 1824 йилда Жон Диккенсни Лондондаги Маршалси қарздорлар қамоқхонасига тушишгача олиб келади.

Орадан бир неча ой ўтиб, Жон Диккенснинг бувиси Элизабет Диккенс (ота томондан) вафот этади ва унга 450 фунт-стерлинг мерос қолгани ҳақида хабар келади. У бу пуллар эвазига қамоқдан озод қилиниб, бир йўла қарзларидан ҳам қутулади. Кўкрагига бироз шамол теккан, Жон оиласи билан Маршалсини ҳам тарк этиб, Кемден шаҳарчасида яшовчи дўсти Ройленс хонимларникига кўчиб боради. Чарлз ночор аҳволда қолган пайтларида пойабзал фабрикасида ишлар, отасининг қамоқдан чиққанига қарамай, онаси унинг фабрикадан кетишига рухсат бермасди.

Бешафқат кечган болалик йилларини у “Девид Копперфилд” автобиографик романида ниҳоятда таъсирли қилиб тасвирлайди. “Менинг на маслаҳатгўйим, на насиҳатгўйим, на руҳланттирувчим, на кўнгилга таскин берувчим, на менга ёрдам берувчи ва на мени қўллаб-қувватловчи одамим бўлган, умуман, мен ҳеч кимдан мурувват кутмаганман, гўё Аршга кетаётгандек ёлғизланиб қолганман”.

1830 йилда 18 ёшли Диккенс биринчи муҳаббатини учратади. Мария Беднелл исмли бу гўзал қиз кейинчалик “Девид Копперфилд”да Дора образида намоён бўлади. Уларнинг бири-бирига бўлган илиқ муносабатидан воқиф бўлган Мариянинг ота-онаси кизини Париждаги мактабга жўнатиб юборишади.

Ёш Диккенс актёр бўлишни орзу қилар, бироқ оиладаги оғир шароит туфайли у ишлаб пул топишга мажбур эди. У стенографияни ўрганиб,

газетада мухбир бўлиб ҳам ишлайди. 1833 йил декабрь ойида унинг илк “Жаноб Минс ва унинг амакиваччаси” номли очерки эълон қилинади.

Айни куч-қувватга тўлган Чарлз Диккенс 20 ёшида нафақат жисмонан, балки ижод борасида ҳам бироз улғаяди, юморга мойиллиги ортади: у келажакда ким бўлишини билмасанда, кун келиб машҳур бўлиб кетишини ич-ичидан сезарди. У иш фаолиятини театрдан бошлайди-ю, лекин шароит тақозоси туфайли у ерда ҳам узок ишлолмайди. Орадан бир йил ўтгач эса унинг илк “Поплар Волкдаги тушлик” деб номланган ҳикояси “Лондон периодикал” ойлик журналида чоп этилади. Шу ҳикоя сабаб у Фурнивал меҳмонхонасида яшай бошлайди, негаки, Чарлз энди сиёсат борасида ҳам етук журналистга айланиб улгурган, парламент баҳсларида қатнашиб, Британия бўйлаб ялпи сайлов компаниялари ҳақида “Морнинг Хроникл” газетасида янгиликлар бериб борарди. У ўзининг қўлёмаларига Боз-Боз деб имзо чекарди. Ҳолбуки, бу тахаллус аввалига Мозес бўлиб, кейинчалик бу исм оғиздан-оғизга ўтиб, Бозесга айланган, янада қисқариб, Бозга айланиб кетганди.

1836 йилдан ёш адиб “Оливер Твист” асари устида иш бошлайди. 1838 йилда бу роман унга мислсиз шон-шухрат келтиради ва Диккенснинг дурдона асарларидан бири сифатида тарихга муҳрланади.

1836 йил 2 апрелда 24 ёшли Чарлз “Ивнинг Хроникл” газетаси муҳаррири Жорж Хогартнинг қизи Катерин Томсон Хогартга уйланади. Орадан бироз ўтиб улар Фурнивалга қайтишади ва биринчи фарзанди Чарли туғилади. У укаси Фредерик ҳамда 17 ёшли қайинсинглиси Мэри билан Блумсбери(Лондон)га кўчиб келади. Диккенс Мэрини тобора сўлиб бораётганидан, ўзининг қўлидан ҳеч нима келмаётганидан азият чекарди. Лекин 1837 йилда Мэри оғир хасталикдан (хасталик ҳақида маълумотлар қолдирилмаган) Чарлзнинг қўлидан жон беради. Мэрининг бевақт ўлими унинг руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилиб, анча пайтгача ўзига келолмай юради. Унинг сиймоси Диккенснинг

кўз ўнгидан кетмасди. У билан боғлиқ хотираларни эса ўзининг “Кичкина катта” номли асарида Роуз Мейли тимсолида акс эттиришга эришади. Ҳатто “Оливер Твист” романини давом эттиришга ҳам қўли бормайди.

1842 йилда Чарлз Диккенс оиласи билан биринчи марта АҚШ ва Канадага сафар уюштирадilar. Сафар давомида ёзувчи жуда кўплаб муаммоларга дуч келади.

Ёзувчи 1844 йили қисқа вақт Италияда, кейин эса Швейцарияга (1846) сафар қилганди. Шу асно Диккенс ижодида жиддий ўзгариш рўй беради. “Домби ва унинг ўғли” ҳамда “Девид Копперфилд” сингари жиддий мавзудаги романларини ёзиб битиради...

1850 йилларда Диккенс ижоди янги босқичга кўтарилади. Бу даврда у “Совуқ ўт”, “Оғир дамлар”, “Икки шаҳар ҳақида қисса” романларини ёзади. Бу романларда жамиятда юз бераётган муаммолар бадиий, ёрқин бўёқларда қаламга олинади.

Диккенс ҳақида биограф Клейр Томалин анча илиқ гаплар ёзиб қолдирган. Клейр ёзувчини қаҳрамон яратиш бўйича Шекспирдан кейинги ўринда турадиган моҳир адиб эканини алоҳида таъкидлайди. Унинг қаҳрамонлари, айниқса, оригинал исмлар билан топилган образлар инглиз адабиётида абадийга муҳрланган. Масалан, Абуназар Скруж, Ёкуб Марли, Боб Кретчит, Оливер Твист, рассом Доджер, Девид Копперфилд, Самуэл Пиквик, Урия Хип сингари қаҳрамонлар ҳозирда Британия маданияти намояндаларига айланган.

Виржиния Вулф унга қуйидагича таъриф беради: “Диккенсни ўқиганимизда руҳий жиҳатдан ўзимизни яна қайта поклагандек бўламиз. У аниқ ва муқаррар бўлмаган, деталларда учрамайдиган қаҳрамонларни яратди, лекин унинг ёввойи қалами ажабтовур, ўзига хос образларни кашф этдики, уларни илғамасликнинг иложи йўқ эди”.

1870 йилнинг 8 июнь куни Диккенс кун бўйи қаттиқ ишлаш жараёнида инсултдан хушини йўкотади ва эрталабгача ўзига келмайди. 9 июнь куни Чарлз Диккенс ўз уйида олам-

дан ўтади. Ўзининг васиятига кўра, уни Вестминстер Эббейдаги Шоирлар бурчагига дафн этадилар. Унинг қабрига: “1870 йилнинг 9 июнида 58 ёшида Кент шаҳридаги Рочестер яқинидаги Ҳаем кишлоғида, ўзининг қароргоҳида вафот этган Чарлз Диккенс (Англиянинг энг машҳур муаллифи) хотирасига бағишланади. У бечоралар, мазлумлар ва тушкунларнинг ҳамдарди эди, унинг вафотидан сўнг Англияда буюк ёзувчилар сафи биттага камайди...” деган сатрлар битилади.

Охирги марта кизи Жоржина ёзувчидан қаерда ухлашини сўраганда у “Ерда!” деб жавоб берганди... Бу

унинг охирги иқрори эди.

Ҳозирда кўплаб музейлар Чарлз Диккенс номи билан аталади, унинг асарлари ва қаҳрамонлари акс этган байрамлар муттасил нишонланиб келинади. Портсмутда Чарлз Диккенс уй-музеи ҳам бор. 1891 йилда Филадельфияга қўшни ҳудуд бўлмиш Кларк Парқдан Франсис Эдвин Элвелл томонидан тарошланган Диккенснинг бронза ҳайкали топилади.

2012 йили эса Лондон музейида ёзувчининг 200 йиллик юбилеи зўр тантана билан нишонланди. Бу тантана халқнинг унга бўлган буюк эҳтироми ва эътирофидир.

Бобур НАБИ тайёрлади.



“ВЕРН САЙЁРАСИ”ГА САЁХАТ

Агар ушбу ёзувларимизда “Адиб фалон йили туғилган, фалон йили вафот этган, фалон – пистон асарлар ёзган”, деган сўзлар билангина кифоялансак, улар анчайин жўн, қуруқ саналару ғарибгина маълумотлардангина иборат бўлиб қоларди. Жюль Верн сингари оламшумул адибларга - ку инчунун!

Зеро, бу буюк француз ёзувчиси ҳали ҳаётлигидаёқ “афсона”га айланиб кетган инсонлардан бири эди. Замондошлари уни “тиним билмас саёхатчи” деб ҳисобласалар, кимлардир уни “денгизчи, кема капи-

тани” деб ўйлашар, яна кимлардир “кўчирмакаш ёзувчи” деб ғийбат қилар, бошқалар эса, “бунақа ёзувчи йўқ. Жюль Верн – бу географик жамиятнинг номи. Ана шу ташкилотнинг аъзолари шу ном остида китоблар ёздилар”, деб исботлашга уринадилар.

Аслида эса, Жюль Верн ёзиб чарчамайдиган ёзувчи эди. У фақат ижод оғушидагина хордиқ чиқарарди. Ҳатто айтишадикки, Верннинг уйига уни кўргани келган меҳмонларни ҳам оиласи даврасига ўтказиб қўйиб, ўзи хонасида ёзиб-чизиб ўтиравераркан. Жюль Верн умр бўйи ана шундай ишлади. 60 йилдан ортиқ давом этган ижодий фаолияти мобайнида тинимсиз ёзди ва жами ёзган асарлари 130 жилдни ташкил этди.

Унинг асарлари бошқаларникига ўхшамас, гўё у бошқа дунёда, ўзга бир сайёрада яшар, аниқроғи, унинг романларидаги воқеа-ҳодисалар ерда ҳам, осмонда ҳам, сув остида ҳам, космосда ҳам содир бўларди. Жюль Верн шу тариқа ўз оламини яратди. Яъни, замонавий илмий-фантастик роман жанрининг асосчиларидан бири бўлиб қолди. Айнан унинг асарлари орқали жаҳон адабиётига жасур сайёҳлар, кашфиётчилар, олимлар, муҳандислар, ўз ҳаётини илм-фан ва техника тараққиётига бағишлаган одамлар образи ҳамда географик, геологик, биологик, астрономик, аэронавтик ва тиббий мавзулар ки-

риб келди. Дикқатга сазовор томони – инсоният тарихида сув ости кемалари, самолётлар, электр ёриткичлар ва телефонлар яратилишини биринчи бўлиб башорат қилган киши ҳам Жюль Верн бўлди. Айтишларича, унга ана шу йўлни кўрсатган, фан ва адабиётни омухта қилиб асарлар ёзишга даъват этган машҳур француз ёзувчиси Александр Дюма бўлган экан. Лев Толстойдек улуғ адиб ҳам Жюль Верннинг ана шу “махорати”га тан берган, ҳатто унинг “Ер шари бўйлаб 80 кун” романига суратлар ҳам чизган. Дмитрий Менделеевдек буюк олим эса уни “даҳо” деб атаган, денгизнинг қудрати ва сув ости тўлқинларининг электр қуввати ҳақида ихтиролар қилган академик Жорж Клод бўлса, бу кашфиётларига Жюль Верннинг “Капитан Немо” асари сабаб бўлганини эътироф этади. Биринчи бўлиб сув ости кемасини яратган ихтирочи Лебеф ва таниқли ғоршунос олим Кастерлар ҳам адибни ўз кашфиётларининг “ҳаммуаллифлари” ҳисоблайдилар, ўзларида илмга муҳаббат туғилишига айнан Жюль Верн асарлари сабаб бўлганини фахр билан тилга оладилар.

Адибнинг “Ҳаво шарида беш ҳафта” номли биринчи романиёқ китобхонларда катта қизиқиш уйғотган. Нашриёт ёш ёзувчининг келажакига ишонч ҳосил қилиб, у билан 20 йилга, ҳар йили 3 та роман ёзиб беришга шартнома тузган ва биз билган “Ғаройиб саёҳатлар” номли романлар туркуми шу тахлит дунёга келган. Яъни, адибнинг “Капитан Грант болалари”, “Ер марказига саёҳат”, “Сирли орол”, “Ўн беш ёшли капитан”, “Сув остида 20000 километр”, “Сузиб юрувчи орол” сингари машҳур романлари ана шу саъй-ҳаракатининг маҳсули ўларок яратилган.

Шу ўринда қутилмаган ва ғалати бир маълумотни ҳам келтириб ўтмоқ жоиз кўринади. Ҳамма гап шундаки, Жюль Верн ҳеч қачон Ўрта Осиё-

да, хусусан Ўзбекистонда бўлмаган. Аммо ўзининг “Клодиус Бомбарнак” номли романида Ўрта Осиёнинг тарихи, географик ўрни ва иқлими, маҳаллий халқларнинг урф-одатлари ҳақида шундай ёзадики, ҳайрон қоласан. Жумладан, асар қаҳрамони тилидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларни тасвирларкан, Бухорони “Туркистон Рими” деб таърифласа, Самарқанднинг тарихий обидалари, кўча ва маҳаллалари, боғлари, одамлари тўғрисида ниҳоятда ишонarli тарзда ҳикоя қиладик, ёзувчининг тасаввур олами кенглигига, қуввайи ҳофизасига, тахайюли чексизлигига беихтиёр қойил қолади киши. У ўзининг ўнлаб романлари қаторида “Франциянинг безакли географияси”ни ҳам ёзган, 6 жилдлик “Буюк саёҳатлар ва саёҳатчилар” энциклопедиясини, 4 жилдлик “Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг дунёни забт этиши” сингари илмий асарларини ҳам яратди. Зеро, у ёзишдан чарчамайдиган ёзувчи эди. У 81 ёшга тўлгандагина толиққанини ҳис қилди, тоби қочди, хасталикларга чалинди, кўзлари кўрмай қолди, аммо шунга қарамай, охири романларини набираларига айтиб туриб ёзишга ҳаракат қилди. Франциянинг Амьене шаҳридаги қабристонда унинг қабрига маҳобатли ёдгорлик ўрнатилган бўлиб, унда ёдгорликни қабрдан елкасида кўтарганча турган Жюль Верн тимсоли тасвирланган ва тагига “Абадият ва мангу ёшлик сари” деган сўзлар ёзиб қўйилган экан. Яна бир ажойиб маълумот. XX асрда Ойнинг орқа томони космик ракеталар томонидан биринчи марта суратга туширилганда янги кашф этилган кратерлардан бирига “Жюль Верн” номи берилган экан. Демак, буюк адибнинг номи нафақат ер юзида, балки юксак ва олис самоларда яшаяпти, дейиш мумкин. Бунинг номи эса бир сўз билан айтганда “Мангулик” деб аталади...

Эркин УСМОНОВ



ОПЕРА САҢЪАТИНИНГ ИСЛОҲОТЧИСИ

1873 йил 13 февралда буюк опера хонандаси.

Фёдор Иванович Шаляпин дунёга келди.

Буюк рус танқидчиси В.Стасов Фёдор Шаляпин истеъдодига таҳсинлар ўқиб: “Самодан бошимизга улуғ бахт ёғилди. Янги буюк талант бу-нёдга келди!” деб хитоб қилганди. Дарҳақиқат, Шаляпин санъат осмониди ёрқин юлдуз бўлиб порлади. У рус санъатининг шуҳрат ва доврўгини бутун оламга кўз-кўз қилди.

Шаляпин етук санъаткор бўлиб етишгунча жуда оғир, машаққатли йўлни босиб ўтган. Ҳаёт тўсиқлари, муҳтожлик ёш Фёдорни ниятидан қайтаролмайди, чунки у санъатни бутун қалби билан севар, усиз ҳаётини тасаввур этолмас эди. У ўз ёшлик йилларини “Ҳаётим саҳифалари” китобида шундай хотирлайди: “Мен биринчи бор театрга тушганимда ўн икки ёшда эдим. Бир куни бир дўстим мендан, театрга борасанми, деб сўраб қолди. Ортикча билети борлигини айтди... Мен кўзимни саҳнадан узмасдим. Саҳнада ой шуъла сочарди. Болалари билан қочаётган Медея изтироб чекарди, гўзал Язон ўзини у ёқ-бу ёққа урарди. Оғзим очилиб анграйиб қолдим. Оғзимдан сўлақларим оқаётганини пайқадим. Жуда хижолат бўлдим... Парда кўтарилиши билан лабларим беихтиёр очилиб кетди. Те-

атр мени сеҳрлаб, бутун эс-хушимни ўғирлади”.

Шаляпинни санъат сеҳри бутунлай ўзига мафтун этганди. Отасидан у театрга борсам майлими, деб сўраса: “Театрга бало борми, қоровул бўлиб ишлагин, Лайлак! Уста бўлишни истамадингми, қоровул бўлиб ишлаб, нонингни топиб ейсан”, деган дағдағали жавобни олади. Ўша пайтлари улар яшайдиган жойга опера театри жамоаси келган эди. Бу театр Шаляпинни ҳайратга солади. Чунки у тўққиз ёшиданок черков хорида куйлай бошлаган эди-да! “Опера мени ҳайратга солди, ёшлиқдан ашула айтаним учун мени ажаблантирган нарса одамларнинг ашуласи бўлди”, – дейди Фёдор. Шундан сўнг у кўча-кўйдами, уйдаги гапиришса, оддий кундалик турмушдаги гапларни ҳам операга айлантириб жавоб қайтарарди. Энди уни театрга томошабин бўлиб ўтириш қаноатлантирмай қўйганди. Саҳна ортига ўтиб, ойни қандай ёритишларини, одамлари қаёққа ғойиб бўлишлари-ю, шаҳарни қандай қилиб тез қуришларини, кийим-кечаклару, томошадан сўнг бу ёрқин, гўзал ҳаётнинг қаёққа ғойиб бўлишини жуда-жуда билгиси келарди. Ниҳоят, орадан кўп ўтмай, спектаклда статист (саҳнада гапирмайдиган рол ижро этиш) бўлиб иштирок этдим, – дейди қувончи ичига сиғмай.

“Мен ўн еттига қадам қўйгандим, Панаев боғида оперетта қўйиларди. Ҳар куни ўша ерда ўралашиб юрардим. Бир куни қандайдир хорда куйловчи артист менга Семёнов-Самарский Уфа учун хорга одам йиғаяпти, илтимос қилиб кўр, деб қолди... Семёнов-Самарскийнинг олдида бордим. У мени илиқ кутиб олди-да, репертуардаги хор ижро этувчилар оладиган иш ҳақини тўлай олмайман, деганда, мен мояна-сиз ҳам ишлайман, дедим. Бу гапимга ҳамма хайрон қолди. Ниҳоят, мавсум “Палермолик ашулачи” опереттаси билан бошланди. Шаляпиннинг ҳаяжон ва қўркувдан бутун вужуди титрар, у худди туш кўраётгандай ҳис этарди ўзини. Томошабин тинмай уни олқишлар, у энди саҳнада ўзини эркин тута бошлаган эди. Шундан сўнг, унга кичик-кичик роллар бера бошлашди.

Сўнг унга “Тальяка” операсидаги дастурхончи партиясини ижро этишини таклиф этадилар. Шаляпин бу партиянинг катта ва масъулиятли эканлигини ҳис этиб, уни ижро этишга юраги дов бермайди, ниҳоят, рози бўлади. Спектакль бошлангунга қадар севинчдан ўзини қаерга қўйишини билмасди. Парда кўтарилиб, лампа нурлари пирпираб ўйнай бошлагач, ўзини бир оз йўқотиб қўяди. Саҳнада бир оз чайқалиб, гандираклар ролни ижро эта бошлайди. Овозининг сеҳри томошабинларни ўзига ром этгач, гулдирос қарсақлар билан олқишлайдилар. У ижро этадиган образида креслодан туриб опера айтиши, сўнг яна жойига – креслога бориб ўтириши лозим эди. Шаляпин образга шу қадар берилиб кетганидан кресло жойидами-йўқлигига қарамай, шартта ўтиради-ю, бор бўйича йикилиб тушади.

Ашула профессори Д.А. Усатовдан таълим олишимни менга маслаҳат бердилар, дейди у. Шаляпин: “Ашула айтишни ўргансам бўладими”, деб унга савол берганда, Усатов: “Ўрганишингиз шарт!”, дейди. Усто-зи Усатов Шаляпинни ҳар томонлама, ҳатто юриш-туришда, кийинишда, овқатланиш маданияти билан ҳам уни тарбиялайди.

Бир куни бош режиссёр ундан Руслан ариясини биласанми, деб сўраб қолади. Ўша пайтлари ёш артистларга хос бўлган ўзбилармонлик касалига мубтало бўлган Шаляпин ўзига ишониб, бу ролни уч ҳафтада, керак бўлса, бир эмас, иккита Руслан ролини ўрганишим мумкин, дейди. Наридан-бери ижро этиладиган партияни ўрганиб, Рус баҳодирининг кийимларини кийиб, ясаниб олади, ичидан пахтали сирма кийиб, сарик сокол ёпиштириб саҳнага чиқади. Биринчи нотаданок ёмон куйлаётганини ҳис этади. Буни сезади-ю, довдираб қолади. Эртаси куни газеталар, Шаляпин деган ёш бир артист Руслан партиясини расво қилди, деб ёзишди. Бу унга катта мактаб бўлади, кўзи очилиб, санъат ҳақида жиддий ўйлай бошлади. Ундаги ўзбилармонликдан асар ҳам қолмайди. Ўзи устида тинмай ишлай бошлайди.

Сўнгра Шаляпинга А.С. Дарго-

мижскийнинг “Сув париси”даги тегирмончи ролини топширадилар. Режиссёр Кондратьев у дастлаб ўйнаган ролини Тифлис томошабинлари совуқ қарши олишганини айтиб, тегирмончи характери очиб берилмаётганини таъкидлайди. У шунчаки енгилтак, эпчил бир деҳқон эмас, балки басавлат, жиддий-вазмин бир эркак эканлигини уқтиради. Шундан сўнг Фёдор образ руҳиятига кириб, тегирмончи партиясини қойилмақом қилиб ижро этади. Томошабинлар уни узоқ олқишлайдилар. Бироқ на спектакль режиссёри, на ҳамкасблари уни бу муваффақияти билан қутлайдилар.

Мавсум бошида “Рогнеда” операсидаги князь Владимир роли Шаляпинга топширилади. Унинг кўпроқ муסיкавий томонига – ритм билан ижро этишга Шаляпин катта эътибор беради.

Ўша даврнинг йирик театр танқидчиси С. Кругликов спектакль ҳақида шундай ёзган эди: “Солодовников театрида ажойиб бир артист пайдо бўлди. М. И. Глинканинг “Иван Сусанин”идаги Сусанин ролини янгила, ўзига хос услубда ижро этди, лекин афеуски, томошабинлар кам эди”.

Шаляпин театрда ижро этадиган ролларда киядиган либослар қандай бўлиши кераклигини ўрганиш учун рассомлардан кўпроқ таниш орти-ра борарди. У Москвага – Мамонтов раҳбарлигидаги театрда келгач, санъаткорга эркин ижод қилиш имкони берилди. Айрим режиссёрларнинг лирик лаҳзани бўрттириб кўрсатишга уринишлари операни жонсиз қилиб, заифлаштириб қўяр, буни Шаляпин яхши англади. Дарҳақиқат, у опера санъатининг ислохотчиси бўлган, десак янглишмаймиз. Шаляпин эркин ижод қилиш имконига эга бўлгач, репертуаридаги Сусанин, Мефистофель ва бошқа ролларини янаям мукамаллаштиришга киришади. “Операни чуқурроқ ўргана бошлаганимда опера менинг анъана талаб қиладиган на ария, на дуэтим, на триом бор эди. Ўша вақтларда В. И. Ключевский каби ажойиб устозим, ўқитувчим йўқ эди. Унинг ёрдамида Борис Годунов ролини ўргандим. Рассомларнинг кўрғазмаларидан, йўл-йўриқларидан

Грозный характерини ва ўша даврни синчиклаб ўргандим”, дейди. Шаляпин энди алоҳида кўриниш, алоҳида фигура ва қиёфалар яратибгина қолмай, турли ҳолат-шароитлардаги бутун бошли роллар, яхлит шахслар образини ярата бошлади. Унинг бетакрор овози хилма-хил қалб тугёнларини изҳор этиш учун турли оҳангда, зўр маҳорат билан жанрларди. Роль ижро этаётгандаги хатти-ҳаракатларида, юришларида қандайдир бир нафосат, жозиба намоеён эди. Буларнинг барчаси унинг ижросида жуда табиий, ҳаётий ҳамда ниҳоятда таъсирли чиқарди. Унинг ижросида ҳеч бир сохталик, ясамалик, сийқаси чиққан эски сахна ёндашувлари кўзга ташланмасди. Петербургдан Москвадаги хусусий театрға келгач Шаляпин янаям ўсиб, камол топиб, санъат чўққилари сари дадил кўтарилиб бормокда, деган овозлар бот-бот кулоққа чалина бошлади. Унда икки Шаляпин мужассам эди, биринчи Шаляпин роль ўйнаса, иккинчи Шаляпин ўзини назорат қилиб ту-

рарди.

Дарҳақиқат, Шаляпин чиройли, диопазони кенг, ниҳоятда ўзгарувчан ва бўёқларға бой овоз соҳиби эди. Юқори бас овозда куйловчи рус хонандаси бўлиш билан бирға, вокал санъатининг йирик намояндаси ҳисобланади. Шаляпин фақат мусиқа ва актёрлик фаолияти билан шуғулланибгина қолмай, опера режиссёри ҳам бўлган. У рассомлик ва ҳайкалтарошлиқдан ҳам яхшигина хабардор, адабиёт соҳасида ҳам қалам тебратиб, табиат инъом этган ақл-заковати ила кучли юморға бой шахсдир. У ҳаёти давомида вокалсахна ижоди қонуниятини ўрганишға ҳаракат қилган. Ҳар қандай ижтимоий ва мафкуравий муҳитда яшаб-ижод этган даврда ҳам буюк инсоний ғояларға содиқ қолган. Санъатни бор вужуди билан севиб, ҳаётини усиз тасаввур эта олмаган.

Назира ЖўРАЕВА тайёрлади.



жаҳон адабиёти тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Дарҳақиқат, Сергей Есенин, Анна Ахматова, Марина Цветаева, Осип Мандельштам, Михаил Булгаков сингари ўз бошидан қатағонли йилларни кечирган буюклар ҳозир ҳам жаҳон китобхонининг сеvimли адибларидир. Улар орасида Нобель мукофоти лауреати, буюк шоир, носир ва таржимон Борис Леонидович Пастернак алоҳида ўрин эгаллайди.

Борис Пастернак 1890 йилнинг 10 феввалида зиёли, санъаткор оила-сида дунёға келди. Рассомлик санъати, мусиқа, адабиёт оиланинг ҳаёт йўлини ташкил этарди. Бориснинг отаси Леонид Осипович Пастернак академик, машхур рассом, шу билан бир қаторда бадиий графикачи ҳам эди. Аввал Одессадаги санъат билим юртини, кейинчалик эса Мюнхен бадиий академиясини тамомлаган Леонид Пастернак XIX асрнинг 90-йилларига келиб, рус санъати оламида салмоқли ўринни эгаллаганди. У узоқ вақт Москвадаги бадиий тасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик билим юртида профессор си-

ДОВЮРАК АДИБ

XX аср рус адабиёти жаҳон маънавияти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. У бир томондан XIX асрнинг охирги чорагидаги буюк шоир ва ёзувчилар авлодининг давоми сифатида ноёб асарларнинг дунёға келишини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан буюк истеъдодларнинг кўпчилиги учун фожиа келтирган октябрь тўнтариши туфайли таназзулга қараб кетди. Ўша даврда бир гуруҳ буюклар ижод қилдики, уларнинг асарлари

фатида фаолият юритди. Унинг энг якин дўстларидан бири Лев Толстой эди, зеро, унинг Толстой романларига ишлаган бир қанча ажойиб иллюстрациялари аллақачон халқнинг назарига тушиб улгурганди. Улуғ адиб тез-тез дўстининг уйига ташриф буюрар, бўлажак шоирнинг онаси – истеъдодли пианиночи ижросидаги мусикаларни тинглашни хуш кўрарди. Оила даврасидаги мусика оқшомлари, меҳмонлар ўртасидаги кизгин суҳбатлару баҳс-мунозаралар кичик Борисда катта таассурот уйғотарди. Айниқса, у Лев Толстой ва Николай Генинг суҳбатларини диққат билан тинглар, уларга ич-ичидан ҳавас қиларди. Борис Пастернак ана шу муҳитда тарбия топди.

Билим юрти биносига тутшиб кетган бир асрлик жўка дарахтларини соатлаб томоша қилиш, Мясницкийдаги суратлар галереяси, гимназия, дала ҳовлидаги қувончга тўла онлар, анъанавий диний байрамлар, Петербург ва хорижга саёҳат, бадий кўргазмалар ва улар атрофидаги баҳс-мунозаралар, консерваториядаги концертлар, мусикадан сабоқлар, чет тилларини ўрганиш устидаги тинимсиз машғулотлар – ғайратли ва таъсирчан москвалик ўсмир ана шу жўшқин ҳаёт уммониг тортиб кетарди.

Леонид Пастернакнинг кадрдон дўстларидан саналмиш улуғ рус композитори Александр Николаевич Скрябин, Бориснинг ҳаётида муҳим из қолдирган инсонлардан бири эди. Скрябиннинг яратган мусикалари Пастернакни нафақат ҳаяжонга солар, балки ҳайратда қолдирарди ҳам. Ана шу сабаб, Борис бутун вужуди-ю, меҳрини мусикага бахш этишга, келажакда албатта устози каби машхур композитор бўлиб егишишга аҳд қилди. Пастернак олти йил ана шу иштиёқ билан ёниб яшарди, тинимсиз машқлар туфайли бир қанча муваффақиятларга эришиб, устозининг олқишига сазовор ҳам бўлди. Аммо орадаги қийноққа солувчи гумонлар, иккиланишлар сабаб, у мусикадан воз кечишга мажбур бўлди. Пастернак бу ходисани унда мутлақо эшитиш қобилияти йўқлиги

билан изоҳлаган.

Пастернак Москва университети-нинг тарих ва филология факультетининг фалсафа бўлимида таҳсил олган кезларида, кўпроқ неокантчи файласуфларнинг маърузаларини тинглайди. Аммо, бир куни у файласуфлар “Макка”си қадим олмон шаҳарчаси Марбургда жойлашганлиги ҳақида эшитиб қолади. Пастернак ўқув юртидаги ёзги таътилдан фойдаланиб, (Марбург университетида эса ўқиш ҳали давом этарди) 1912 йилда онаси томонидан берилган маблағ эвазига Марбургга қараб йўл олади. Аммо университетда олмон неокантчиларидан бири саналмиш энг кекса ва катта обрўга эга бўлган профессор Когендан эшитган маърузалари уни умуман қониқтирмайди ва сабоқлар қисқа фурсатда ўз ниҳоясига етади. Чунки энди фалсафа Пастернакни фан сифатида мутлақо қизиқтирмасди. Ўзини англамаган ҳолда у ич-ичидан шоирга айланиб улгурганди. Вақти-вақти билан Пастернак шеърлар коралаб турар, аммо негадир уларга у қадар аҳамият бермасди. Марбургдаги ишқий саргузаштлар ўсмирни ўз келажакига янгича қарашга, файласуфлик истикболидан воз кечишга мажбур этди. Ва у илм билан шуғуullanмасликка аҳд қилди.

Тез орада Пастернак Марбургни тарк этади ва бор маблағини Италияга саёҳат қилиш учун сарфлайди. У Уйғониш даври санъатига “боши билан шўнғиган” ҳолда ғаройиботларга тўла Венеция ва Флоренция шаҳарларини сайр қилади. Ўша даврнинг буюк рассомлари томонидан яратилган полотнолар, меъморчиликнинг ажойиб намуналари шоирнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди.

Пастернак Москвага мусикачи ҳам, файласуф ҳам эмас, балки шоир бўлиб қайтди. Университетдаги имтиҳонлар унга шунчаки бир расмиятчилик эди, холос. 1913 йилда университетни битирган Пастернак Столбов темирйўл бекатига яқин ерда жойлашган Молодах дала ҳовлиларидан бирида ўзининг “Булутлар орасидаги эгизак” номли илк шеърини китобини ёзиб тугатади. Асар 1914 йилда чоп этилади.

Пастернак тез орада яна иккита асар яратади. Улардан бири – тасодифан йўқолиб, бошқа топилмаган шеърлар туркуми бўлса, иккинчиси – 1917 йилнинг ёзида ёзилган “Ҳаёт – менинг ҳамширам” номли китоби эди. Ушбу асар орадан беш йил ўтиб дунё юзини кўрди.

1917 йилги тўнтариш арафасида у футуристлар билан алоқа ўрнатиб, уларнинг таъсири остига тушиб қолади. Бироқ у бошқа футуристлардан фарқли ўлароқ, ўтмиш ва “эски” маданиятдан юз ўгирмай, XIX аср рус ва олмон фалсафий лирикаси анъаналарини давом эттиради. “Ҳаёт – менинг ҳамширам” шеърида Пастернак шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири – табиат, ҳаёт билан узвийлик илк бор кўзга ташланади.

1920 йиллардан бошлаб Пастернак “Тўққиз юз бешинчи йил”, “Лейне-тант Шмидт” каби дostonларида лирик тафаккурдан эпик тафаккурга ўта бошлайди. У уруш ва инқилоблар давридаги инсон тақдирига бағишланган “Самовий йўллар” (1924-33) насрий асари ҳамда “Сикорский” шеърий романида воқеий сюжетга қарши ўлароқ, табиат ва муҳаббат билан боғлиқ сюжетни ўртага ташлайди. Пастернак бу асарларида инқилобий зулм ва зўравонликни кескин инкор этади.

1930 йилларнинг охирларига бориб, турли сабабларга кўра Пастернак ижодида тўхташ кузатилади. У сўзсиз равишда ўзининг ижодига зиён етказгани ҳолда, таржимачилик ишларига “шўнғиб” кетди. Бироқ у кўплаб русийзабон ўқувчиларга грузин романтизмнинг буюк намояндаси Николай Бараташвили ва бошқа грузин шоирларининг шеърлари ҳамда Шекспирнинг бир қатор драмаларини тақдим этди. Пастернак Шекспир драмаларини таржима қилар экан, рус таржимачилигида шу вақтгача кўзга ташланмаган даражадаги маҳоратни намоён этди. Пастернак таржимасида Шекспир бутун гўзаллиги ва файласуфлиги билан намоён бўлган. Айниқса, “Ҳамлет” фожиасининг таржимаси ҳозирги кунда ҳам энг намунавий таржима асар сифатида бизни ҳайратга солади.

Ўша кезларда Пастернакнинг шеърлари матбуотда камдан-кам чоп этиларди. Бу эса шоир ижодининг анча узоққа чўзилишидан дарак эди. Фақат Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларидагина Пастернак ўз ижодига қайтди ва образлар тизимини соддалаштириб, рус классикларига хос услубда ёза бошлади.

Урушдан кейинги ўн беш йил давомида Борис Пастернак матонат билан, қатъий режа асосида ижод қилади. У Шекспир асарларини таржима қилишда давом этади. Буюк венгер шоири Шандор Петефининг бир қанча шеърларини ҳайратланарли даражада, юксак маҳорат билан рус тилига ўтиради ва шеърий тўпламининг чоп этилишида иштирок этади. Кейин эса у улкан бир ишга қўл уради – Гётенинг икки қисмдан иборат “Фауст” асарини таржима қилишга бел боғлайди ва 1953 йилда уни муваффақиятли якунлайди. Бу вақт оралиғида Пастернакнинг бирор-бир шеъри матбуотда кўзга ташланмайди. Зеро, унинг бутун диққати таржимачилик ва насрий асар яратишга қаратилган эди.

Пастернак бир неча йиллик (1945-1955) машаққатли меҳнатдан сўнг, 1955 йилда “Доктор Живаго” романини ёзиб тугатади. Романдан парчалар илк марта Польшанинг «OPINIE» журналида чоп этилади. Бу воқеа ҳукумат раҳбарларида худди Кремлга бир бомба келиб тушгандек таассурот уйғотади. Пастернакни зудлик билан партия Марказий кўмитасининг маданият бўлимига чақиришади ва қамоққа олишларини пўписа қилиб, асарнинг хорижда чоп этилишини тўхтатиш кераклигини айтишади. Шунингдек, поляк ноширлари ва таржимонлари Северин Поллак ва Анна Каменскаяларни ҳам шошилини равишда Москвага чақиртиришади. Уларга қаттиқ танбех берилади ва тазйиқ остига олинади: ижодкорлар узоқ йиллар мобайнида ишга жойлашишдан мосуво бўлишади.

“Доктор Живаго” романида адиб шахсий ҳаёт билан ижтимоий борлиқ ўртасида аросатда қолган Сергей Сикорскийга қондош рус зиёлисининг образини яратган. Зеро, шўро

ҳукуматининг дастлабки йилларида Пастернак октябрь инқилобига В.Брюсов, А.Блок, В.Маяковский сингари ижобий муносабатда бўлади. Лекин тоталитар тузум кирдикорларини англаб етгач, ўз фикридан қайтади. У “Инқилоб руслар томонидан амалга оширилган энг катта хатодир” деган хулосага келади. Айнан ана шу қараш “Доктор Живаго” романининг ғоявий асосини ташкил этганди. Роман, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тоталитар тузум томонидан тазйиқ остига олинган. Шун-

га қарамай, асар 1957 йилда Милан шаҳрида нашрдан чиққан ва Нобель мукофоти тавсия этилганди.

Бироқ Шўро ҳукумати Пастернакка Нобель мукофотини бориб олишга рухсат бермайди. Унга “Ё Нобель мукофоти, ё Россия!” деган шарт қўйилади. Буюк ватанпарвар шоир Россияни танлайди ва Нобель мукофоти берилган 1958 йил 24 октябр кунини Перделкинодаги уйида Пастернак тўрт киши бўлиб мукофотни нишонлайдилар...

Анвар ШЕР



ОМАДЛИ АКТЁРНИНГ ОМАДСИЗ ҲАЁТИ

(Машҳур рус киноактёри Вячеслав Тихонов таваллудининг 85 йиллигига)

Уни ўз давридаги энг омадли, энг бахти кулган санъаткорлардан бири дейишади.

Бу гапда жон бор, албатта. Вячеслав Тихонов собик шўро замонининг барча олий мукофотларино энг нуфузли унвонларини олган, том маънода шон-шухратга бурканган актёр эди. У ҳали 20 ёшга тўмасиданоқ бошига бахт қуши қўнганди. Ўшанда у Ик-

кинчи жаҳон уруши қахрамонларига бағишланган, ўз вақтида катта шовшувларга сабаб бўлган “Ёш гвардия” бадиий фильмида Володя Осьмухин роли билан илк бор назарга тушди. Вячеслав Тихонов аввалига Қишлоқ хўжалиги Академиясида ўқиган, кейинчалик Москвада Кино институтини тугатган. Ўша пайтлардаёқ бу келишган, хушсурат йигитга “Бююртмалар” кўп бўлган. Шу тахлит у “Бу Пеньковда бўлган эди” (Морозов), “Факуллода ходиса” (Райский), “Мичман Панин” (Михаил), “Ҳаётбахш ўлим”, (Алексей), “Уруш ва тинчлик”, (Андрей Болконский), “Душанбагача омон бўлсак”, (Мельников), “Улар ватан учун жанг қилдилар”, (Стрельцов), “Оқ Бим Қорақулоқ”, (Иван Иванович), “Ўзаро суҳбат” (Ершов) сингари фильмларда сурагга тушди.

Сир эмас, бу актёрнинг кўркем қиёфаси, келишган қадди-басти, ёқимли табассуми кўплаб киночиарни ҳам, томошабинларни ҳам ўзига мафтун этиб келган. Аслида эса, Вячеслав Тихонов кинокамера олдида ўзини тута билладиган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, ниҳоятда жиддий ва сокин, ички маданияти кучли инсон эди.

“Уруш ва тинчлик” бадиий фильми постановкачи-режиссёри Сергей Бондарчукнинг ҳикоя қилишича, Андрей Болконский ролига талабгор актёрлар жуда кўп бўлган экан.

Кирилл Лавровдан тортиб Иннокентий Смактуновский, Василий Лановойдан тортиб, Анатолий Кузнецову Родиом Нахапетовгача!.. Аммо

омад Вячеслав Тихоновга кулиб боққан.

“Биз фильмда князь Андрей Болконский билан Пьер Безуховнинг суҳбатини истаган жойда съёмка қилишимиз мумкин эди, – деб ёзганди Сергей Бондорчук”. – Аммо Вячеслав Тихонов бу сахнани Ясная Полянада, Лев Толстойнинг ўзи шу асарни ёзган ховлисида суратга олайлик, деб таклиф қилиб қолди. “Граф Толстойни кўрган кекса эман дараклари, Толстойнинг руҳи бизга мадаккор бўлади”, деди. Ва бу кадрлар ниҳоятда муваффақиятли чиқди. Агар бу таклиқни бошқа бирон бир актёр айтганида, ўлақолсам рози бўлмасдим. Чунки Тихонов бу образнинг “ич-ичига” кириб кетганди...”

Ёки “Душанбагача омон бўлсак” бадий фильмидаги мактаб директори Мельников, “Ок Бим Қорақулок” бадий фильмидаги ёзувчи Иван Иванович...бу қахрамонларнинг мураккаб тақдири, ҳаёти, ўй ва кечинмалари, оғрик ва изтироблари, муҳаббати ва нафрати Вячеслав Тихоновнинг алланечук маънос ва ғамгин кўзларида шундоқ кўриниб турарди.

Яна бир ёрқин мисол сифатида актёрга оламшумул шуҳрат олиб келган “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” сериалидаги рус разведкачиси Исаев – “Штирлиц” образини келтириш мумкин. Бу образ актёрнинг “шоҳ роли” бўлиб қолган дейиш жоиз.

Чунки, унинг ўзи кейинчалик тан олишича, миллионлаб одамлар уни бошқа роллари эмас, айнан Штирлиц образи орқали билишар ва севишаркан.

Вячеслав Тихонов Россия киностудиялари билан чекланиб қолмади ва таклифларга кўра Чехия, Германия, Швейцария ва бошқа хорижий давлатларда суратга олинган фильмларда ҳам иштирок этди. Тақдирнинг “аччиқ ҳазили” ни қарангки, шунчалар обрў эътибор, шон-шуҳратга эришганига қарамай, бу актёрни ҳаётда жуда бахтли, омади кулиб боққан деб бўлмасди.

Маълум бўлишича Вячеслав Тихонов ҳали талабалик пайтидаёқ бўлажак киноактриса, россия халқ артисти Нонна Мордюкова билан танишиб қолиб, турмуш қуришган экан. Биз бу актрисани “Турнахон”, “Баль-

заминовнинг уйланиши”, “Бриллиант қўл”, “Икки кишилик вокзал” фильмидаги роллари орқали биламиз. Нонна Мордюкованинг кейинчалик ёзган хотираларига қараганда, улар “Ёш гвардия” фильми суратга олинаётганда танишиб, севишиб қолишган. Тўғрироғи ўша кезлари ниҳоятда жозибали бўлган актриса ёш ва чиройли Вячеславни анча вақтгача бошини айлантирган ва охир оқибат ниятига етган экан. Шу сабабданми ёки шунчаки тақдир тақозосими, кўп ўтмай уларнинг турмуши бузилган. Аслида эса улар оиласи билан кичкинагина, тор хужрада қийналиб яшашар ва шунга қарамай кўпларнинг уларга ҳаваси келаркан. Уйлаб қаралса, бу жуфтликнинг аслида “характерлари” бир-бирига умуман тўғри келмаган кўринади. Шўх ва шаддод Нонна Мордюкованинг феъл-атвори ниҳоятда оғир ва босиқ Вячеслав Тихоновга ёқмагани аниқ. Улар ҳатто Володя исмли ўғилчали ҳам бўлишган. Ўғил ҳам ота-онасининг изидан кетмоқчи бўлгану, аммо гиёҳванд моддаларга ружу қўйгани боис ўзининг бошига етган ва вафот этган. Тихоновнинг кейинги, иккинчи оиласи ҳам омадсиз кечган дейишарди. У иккинчи хотинидан қиз кўрган. Аммо шунга қарамай, улар ҳамиша жикқамушт бўлиб яшашган, келишолмаган. Шунинг оқибатида, Вячеслав Тихонов лаш-лушларини йиғиштириб, “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” фильмида ишлаб топган гонарарига сотиб олган квартирасини хотини ва қизига ташлаб, ўзи уйдан бош олиб чиқиб кетган экан.

“Омадли” актёрнинг “омадсиз” шахсий ҳаёти шу тахлит поёнига етган дейиш мумкин ва бу кўнгилсизликлар ўз вақтида кино оламида анча гап-сўзларга сабаб бўлган.

Вячеслав Тихонов 2010 йили 4 декабрда 82 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Кўрган-билганларнинг хотирлашларича, ўша кезлари уни қарийб таниб бўлмас, алланечук маънос бир ифода муҳрланиб қолган кўзларигина уни эслатар экан, холос.

“Ҳаётда бахт билан бахтсизлик ҳамиша ёнма-ён, қўл ушлашиб юради” деганлари шу бўлса керак-да?!...

Усмон МАҲКАМ, санъатишунос



ГОЛЛИВУД МАЛИКАСИ

Хаётда инсон кўп нарсага эришиши мумкин. Бирок одамларнинг қалбидан мангу ва чинакам меҳр топиш хийла мушкул. Англия ва АҚШ санъатсеварлари учун севимли бўлиб қолган актриса Элизабет Роузмонд Тейлор ана шундай бахтга эришган аёллардан эди. Нафақат бу икки давлат, балки бутун дунё тан олган бетакрор иктидор соҳибаси 1932 йил 27 февралда Лондонда таваллуд топди. Тейлорлар оиласи санъатдан йироқ эмасдилар. Отаси Фрэнсис Ленна Тейлор ва онаси Сара Виола Вомбротт санъат ихлосмандлари эди. Онаси Сара Созерн тахаллуси билан саҳнага чиқарди. Оила кургач эса актрисалик фаолиятига нуқта қўяди. Оиладаги ижодий муҳит ҳамда қон-қонидаги актрисалик қобилияти қизалоқ Элизага санъат оламининг эшигини кенг очди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Тейлорлар оиласи АҚШга кўчиб келади. Қизда актрисалик қобилиятини сезган Сара Созерн уни режиссёр дўстлари ҳузурига олиб боради. Режиссёрлар қизалокда актрисалик маҳорати борлигини кўриб, уни тўққиз ёшида “Шамоллардан қолган ҳисларим” фильмидаги Скарлетнинг қизи Бонни Блу ролига та-

клиф қилишади. Бу Элизабетнинг болалигидаги илк роли эди. Киномутахассислар: “Тейлор ҳали ёш бўлсада, унинг чуқур ўйчан кўзларида худди катталарникидек донолик ва маъно балқиб туради”, дея таъриф беришган, ёшлигидан жуда гўзал ва фусункор бўлган Элизабет тўғри сўз бўлиши билан бирга, тенгқурларига нисбатан теран фикрлар, ақли зукко кизча эди. Санъат журналистлари яна “Элизабетнинг кўзлари катта-катта, бу кўзлар экранда намоён бўлиш учун яратилган” деб ҳам ёзишган.

Ҳақиқатан ҳам бўлажак актриса болалигидаёқ зийрак, очикқўнгил қиз эди, у одамлар билан тез дўстлашиб кетар, уларга ҳамиша самимий муносабатда бўларди. Мана шундай ажойиб хислатлар уни улғайгандан кейин ҳам тарк этмади. “Қалб гўзаллиги кўзларда намоён бўлади” деганлари рост, шекилли, кўпчиликни мафтун қилган бинафшаранг кўзларда асл инсонларга хос энг гўзал хислар барқ урарди. Шу кўзлари учуноқ у кинодаги дастлабки роллари билан кўпчилик киномухлисларнинг юрагидан алоҳида жой эгаллади. Актрисанинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички дунёсининг бойлиги сабабли ҳам у одамлар билан тез тил топишар, инсонларни қадрлай биларди. Шунлар боис бўлиб у ҳаёти давомида кўп дўст орттирди. Катта ҳаётнинг паст-баландликларида уларнинг далдасига таянди.

Актриса болалигидаёқ машҳур юлдузга айланиб улгурган эди. У ўн икки ёшида “Миллий бархат” фильмида суратга тушди ва бу фильмдаги ижроси унга катта шуҳрат олиб келди. Элизабет шу ёшгача от миниб кўрмаган эди, фильмда эса у от минишга ҳам мажбур бўлди, бир неча бор отдан йиқилиб ҳам тушди. Аммо ёш актриса ҳар қанақа қийинчиликларга қарамасдан ўз касбини жон-дилидан севди, ўзини бутунлай шу соҳага бағишларди. У дўстлари ҳамда режиссёрларнинг танбеҳига қулоқ тутар, суратга олиш жараёнларида йўл қўйган хатоларини тузатишга обдон ҳаракат қиларди. Йиллар ўтгани сайин тинимсиз изланишлар ва фидойилик унга омад гулдасталарини тутаверди. 1949

йилда суратга олинган “Кичкина аёл” фильми унинг овозасини оширди, актрисалик маҳоратини юксалтирди. Худди шу йили у дўсти Роберт Тейлор билан “Фитначи” фильмида ажойиб роль ижро этди. “Келиннинг отаси” кинокомедияси-ку уни шухратга кўмиб ташлади. Ўша кезлари “Нью Йорк таймс” газетасида актрисанинг ижодий фаолияти ҳақида шов-шувли мақолалар тинимсиз чоп этиларди.

Ҳар бир актёр ҳамда актриса фаолияти давомида бирор машҳур ролни ижро этишни орзу қилади. Элизабет Тейлор ҳам “Чўлоқ контесса”, “Мен эртага йиғлайман” фильмларидаги каби ролларни ижро этишни жуда истарди. Режиссёрлар ишониб топширган ролларни маромига етказиб ўйнаган актриса меҳнатига яраша олқишлар ва муваффақиятларга ҳам эришди. “Тўсагдан ўтган ёз” фильмидаги роли унга навбатдаги шон-шарафни олиб келди. Шу тариқа бир неча йиллар давомида актриса энг машҳур юлдузлар орасида юқори рейтингни эгаллаб турди.

50-60-йилларда Америкада омма учун таниқли актрисаларнинг ижоди билан бирга уларнинг шахсий ҳаёти ҳам катта қизиқиш уйғотарди. Афсуски, эндиликда “Голлууд маликаси” деб ном олган Элизабет Тейлорнинг шахсий ҳаётида инсоний бахт етишмаётган эди. Чиройли ва жозибали чехра унга панд ҳам берди. Бу орада қаторлашиб келган қутилмаган кўнгилсиз ҳодисалар унинг яқин кишиларини ҳаётдан олиб кетди. Бу ҳам етмагандай, танқидчилар энди унинг актрисалик маҳорати ҳақида танқидий фикрларни аяшмас, айниқса “драматик ролларни мутлақо ижро этолмай қолди”, деб, ярасига туз сепишарди. Аммо Тейлорнинг “Куёш остидаги жой” (1951) бадиий фильмидаги ижроси бундай асоссиз танқидларга чек қўйди. Кейинроқ “Қизиқ турган томдаги мушук” ва “Дафъатан олдинги ёзда” номли экранлаштирилган пьесаларда бир қатор ролларни ижро этиб, мухлисларини хурсанд қилди.

Танқидчиларнинг фикрларига ва кетма-кет келиб турган бахтсизликларга жавобан актриса бор маҳоратини ишга солиб фаолият

кўрсата бошлади. Натижада шу йиллари у “Баттерфилд, 8”, “Виржиния Вульфдан ким кўрқади?” фильмларидаги ижроси учун “Энг яхши аёл роли” номинацияси бўйича икки марта Оскар мукофотига лойиқ деб топилади. “Клеопатра” фильмидаги бош рол эса уни яна жаҳонга танитди. Аксарият дунё халқлари Элизабет Тейлорни шу фильм орқали таниган. Бундан ташқари “Олтин глобус”, “Шимолий айиқ”, “ВАФТА” каби мукофотларга ҳам Тейлор айнан шу йилларда муносиб топилди. Афсуски, шундан кейинги пайтларда актриса (қирқ беш ёшида!) театрда ишлашни хоҳлаб қолди ва кино соҳасидаги фаолиятига яқун ясади. Оғзига кучи етмаганлар “Элизабет Тейлор ортиқча семириб кетгани учун кинони тарк этди”, деган фикрларни билдиришарди. Лекин актриса барибир ижодни тарк этмаган эди.

Режиссёрларнинг эътирофича, Тейлор ҳусн-жамолининг мафтункорлиги, чехрасининг жозибаси билан томошабинлар олқишига сазовор бўларди. Унинг чехрасидаги оҳанрабо томошабинларни экранларга қадалиб ўтиришга мажбур этарди. Элизабет Тейлор ана шудай гўзалликда тенги йўқ актриса эди. 1980 йилда актриса Агата Кристи романи асосида ёзилган “Ойна синдирилди” номли бадиий фильмда ва “Шимол ва Жануб” минисериалида суратга тушди. Айнан мана шу фильмларда унинг янгича қиёфада ҳақиқий жозибаси намоён бўлади. Актриса инсон кўзига оддий кўринадиган нарсаларга меҳр билан боқиб, уларда гўзаллик ахтарар, гўзаллик топа оларди. Балким шунинг учун ҳам табиат ундан гўзалликларни аямагандир?

У нафақат табиатга, балки ҳар қандай табақадаги инсонларга ҳам ҳамиша меҳрибон бўлиб имкон қадар одамларга ёрдам қўлини чўзишга интиларди. Ҳаёти давомида дўстлари Малкольм Форбстом, Рок Хадсон, Энтони Перкинс ва хонанда Майкл Жексон билан биргаликда бир қанча хайрия лойиҳалари ташкил қилиб борди. Элизабет “дунёда инсонларга ёрдам беришдан-да шарафли иш йўқ” деб тақрорлар ва ҳамиша ночорларга

кўмак беришга тайёр эди. Бу йўлда у ҳаттоки ўзининг бир неча қимматбаҳо тақинчоқларини, олмосларини ҳам сотиб юборади. Шу боисдан бўлса керак, АКШда уни ҳали-ҳанузгача нафақат киноюлдуз, балки саховатпеша инсон сифатида ёдга олишади.

Актрисанинг уч нафар фарзанди бўлиб, у яна Германиядаги қашшоқ бир оилада дунёга келган Мария исмли қизчани ҳам асраб олган эди. Қизалоқ оғир касалга чалинган эди, бироқ Яратганнинг инояти, Элизабетнинг илтижолари билан мурғак у операциядан эсон-омон чиқиб, яшаб кетади. “Мен ҳар доим оилам катта бўлиши ҳақида орзу қилганман. Болаларим – ҳаётдаги овунчоқларим. Тўғриси айтсам, мен ҳеч қачон ўзимни тўлғоқ тутган пайтдаги каби бахтиёр ҳис қилмаганман! Фарзанд туғилиши – мўъжизаларнинг мўъжизаси!”, дерди у.

Меҳнат фаолияти ҳамда шахсий ҳаётида тўқнаш келган руҳий туш-

кунликлар, суратга олиш майдонида орттирган жисмоний жароҳатлар йиллар ўтиб унинг соғлигини танг ахволга келтирди. Юрагида, бошида бот-бот оғриқ хуруж қиладиган бўлиб қолди. Сўнгги йилларда у такрор-такрор шифохонада даволанди, бир неча марта операция столига ҳам ётди. Энг мушкул вазиятларда Элизабет ҳамиша оила аъзоларининг, айниқса фарзандларининг меҳрига суяниб яшарди.

Машҳурлар ҳаёти ҳамиша одамларни қизиқтириб келади, уларнинг тақдири, кечмишлари, изтиробларию муҳаббати ҳақида ҳамманинг билгиси келади. Элизабет Тейлорнинг ҳаёти ҳам бундан мустасно бўлмади. Дунёда барча нарсанинг интихоси бўлгани каби, “Голливуд маликаси”нинг умри ҳам шу тариқа поёнига етди. У 2011 йилнинг 23 мартда бу дунёни тарк этди.

Зилола ФОЗИЛОВА тайёрлади





САНЪАТ САРҲАДЛАРИДА...

ИСТЕЪДОДНИНГ МИНГ БИР ЖИЛОСИ

*Сўз мен учун товуш ё ҳарфмас,
Ў – вужудда тирик бир нафас.
У қуш каби ёзар – да қанот,
Учиб кетар кўкка шу заҳот.*

Хаётда шундай инсонлар борки, Яратган уларни ноёб истеъдод, ижодкорлик рутбаси билан сийлаган бўлади. Ёрқин ва жарангдор овоз ато этиб, уларни куйлаш бахтига мушарраф қилади. Яна шуниси ҳам борки, санъат йўлида ҳар ким ҳам машҳурлик шоҳсупасига кўтариллавермайди. Бунда Худо берган истеъдоддан ташқари, меҳнату изланишдан бўлак, яна бир чимдим омад ҳам бўлса, бундай инсон ўзининг ҳаётини ҳам, ўзгаларнинг ҳаётини ҳам ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас.

1945 йил 4 феврал куни Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Озарбайжон Халқ артисти, машҳур санъаткор Муртазо Мешад Ризо ўғли хонадонидан шундай истеъдодли бир фарзанд туғилди. Бу чақалоққа туғилиб ўсган Пўлат Булбул деб ном бердилар. Отаси Муртазо Мешад халқ орасида Булбул номи билан шуҳрат қозонган бетакрор ва жарангли овоз соҳиби бўлгани боис, одамлар бу чақалоқнинг ҳам боболари сингари тенгсиз хонанда бўлиб етишишини башорат қила бошлайдилар.

Ва янглишмайдилар. 1960 йилда 15 ёшли ўспирин Пўлат Булбул ўғли илк бор отаси билан бирга профессионал сахнага чиқади. У 1962 йилда мусиқа мактабининг фортепиано синфида, мусиқа мактабидан сўнг, Узеир Ҳожибеков номидаги Озарбайжон давлат консерваториясида машҳур бастакор Қора Қораев синфида таҳсил олади. У илк бор “Москва ҳақида кўшиқ”, “Сумгаит”, “Биринчи учрашув”, “Тонг кўшиғи” каби кўшиқларига куй басталади. Ёш бастакор 1965 йилда ёзган “Боку кузи”, “Сен ва мен”, “Бинафша”, “Долалай” сингари кўшиқлари билан улкан мамлакатда эл оғзига тушади, довруқ қозонади. Унинг жаҳонга йўл туган ижодий фаолияти ана шу тариха бошланди.

1966 йили Али Саттор Отакишиев режиссёрлигида “Рус ўрмони ҳақида эртақ” ҳамда “Текширув давом этади” детектив бадиий фильми суратга олинади. Хонандага ушбу фильмлар учун кўшиқ ёзиш ва уларни ижро этиш вазифаси топширилади. Ёш хонанда бу вазифани қойилмақом қилиб адо этади. Айниқса, “Текширув давом этади” детектив фильмида ижро этган “Қўнғироққил” кўшиғи бутуниттифоқ бўйича “шлягер” кўшиққа айланди. У ёзган Лариса Мондрус ижросидаги “Кўз”, Муслим Магомаев ижросидаги “Севги учқуни” сингари кўшиқлар киноэкранларда, сахналарда янграй бошлади. Ва ниҳоят, 1967 йилда “Мелодия” бутуниттифоқ овоз ёзиш студияси томонидан Пўлат булбулнинг энг машҳур кўшиқлари жамланган тўплам чиққач, “эстрада оламида янги ном пайдо бўлди”, деган овоза тарқалди. Бу тўплам қисқа вақт ичида кенг оммага минглаб нусхаларда тарқади. Айни пайтда халқнинг хонандага бўлган меҳр-мухаббати тобора ортиб борар, мухлислар унинг янги кўшиқларини сабрсизлик ва интизорлик билан кутишарди. Энди унинг ижросидаги кўшиқлар гоҳ ойнаи жаҳонда, гоҳ радио тўлқинлари

орқали, гоҳ бадиий фильмларда янграй бошлади.

Муסיқашунос Ф.Ағамалиев Пўлат Булбул ўғлининг дастлабки йиллардаги ижоди ҳақида тўхталиб, қуйидагича баҳо берган эди: “Пўлат булбул ўғли қаерда концерт бермасин, у ўз дастурини она юрти Озарбайжон ҳақидаги кўшиқ билан бошлайди. Унинг ижросида янграган кўшиқлар худди ердан униб чиқаётган, куёшга интилаётган майса-гиёҳларнинг тоғларга бўй чўзаётгани каби, камалнинг етти хил ранги янглиғ жилोलаниб, товланиб туради”.

1968 йили Бутуниттифоқ овоз ёзиш студияси томонидан чиқарилган унинг муаллифлигидаги илк пластинка мухлислар учун ажойиб тухфа бўлади. Бу пластинкадан ўзи ижро этган ҳамда машҳур эстрада хонандалари томонидан қуйланган кўшиқлари ўрин олганди. Жумладан, Муслим Магомаев ижросидаги “Бинафша”, Лариса Мондрус ижросидаги “Кўз”, Пўлат Булбул ижросидаги “Сенинг йўлинг”, “На қилай”, “Бари ўтди”, М.Магомаев, Л.Мондрус ва Пўлат Булбуллар ҳамнафасликда қуйлаган “Сеҳрли ип” каби кўшиқларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шундан сўнг у режиссёр Ориф Бобоев суратга олган “Болаликнинг охириги кечаси” бадиий фильми учун муסיқа басталайди. 1969 йили эса Муслим Магомаевнинг “Булбул ўғлининг кўшиқлари” деб номланган кўшиқлар гулдастасидан иборат тўплами чиқади. Ўша йили Пўлат Булбул ўғли бастакорлар ва кинематографчилар уюшмасига ҳам аъзо бўлади. Ижод завки билан яшаб, мухлисларини янги-янги кўшиқлари билан хушнуд этаётган бу тиниб-тинчимас бастакорнинг Бутуниттифоқ овоз ёзиш студияси томонидан навбатдаги кўшиқлар тўплами чиқарилгач, халқ олқишига сазовор бўлган ёш Пўлатнинг овози бутун Шарку Фарбга таралди. Ўша кезлардан бошлаб, озарбайжон оҳанглари ва кўшиқлари ёзилган грампластинкалар дунёнинг барча бурчакларида, байрамларда, тантаналарда баралла янграй бошлайди. Шу ўринда яна бир гап. 1980 – 1981 йилларда ўзбек санъат-

корлари ижодида ҳам озарбайжонча оҳанглarning кўпая бошлагани кузатилган эди. Тўй-томошаларда ҳам озарбайжонча куй-кўшиқлар авжига чиқди. Кларнет, довул сингари озарбайжон муסיқа асбобларидан кўпгина ўзбек хонандалари фойдаланишга киришишди. Зарбли урма соз саналган довулдан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Балки ўша кезларда ойнаи жаҳонда тез-тез намоиш этиладиган “Кўркма, ёнингдаман” бадиий фильми таъсириданми, ёхуд озарбайжон оҳангларининг шўхчан жозибаси рухиятимизга ўта яқинлигиданми, ҳар ҳолда бу оҳанглар бизга сира ҳам бегона бўлмай, қалбимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Бастакор 1975 йилда режиссёр Элдор Қулиевнинг “Йўл - йўлакай шамол” бадиий фильмига муסיқа ёзади. Бундан ташқари у Янош Коош, Вацлав, Нецкер, Ольга Пирагс сингари хориж эстрада хонандалари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўяди. Шу тариқа у кўпгина бадиий фильмларга суратга ҳам тушади. Дарвоқе, 1981 йилда экранларимизда намоиш этилган “Кўркма, ёнингдаман” (режиссёр Юлий Тусман) бадиий фильмида Пўлат Булбул ўғли фильм қахрамонларидан бири Теймур ролини катта маҳорат билан ижро этади. Фильмда Пўлат Булбул ўғли кўшиқлар муסיқасини ўзи басталаб, ўзи қуйлади.

Ўша йиллари Пўлат Булбул ўғли ижросидаги кўшиқларнинг барчаси “хит”, “шлягер” кўшиқларга айланиб улгургани ҳам бор гап. У ёзган муסיқалар кўпгина машҳур хонандаларнинг репертуаридан жой олгани ва улар бу иктидорли бастакорга қайта-қайта мурожаат қилиб, ҳамкорликка чорлаганликлари ҳам кўпчиликка маълум. Хуллас, унинг бастакорлик ижоди бир тарафу, кўшиқчилик бобидаги маҳорати бир тараф, актёрлик истеъдоди эса яна бир тараф бўлиб, нодир истеъдоднинг кирралари жилолангандан жилоланаверди. Шунинг учун ҳам уни “серқирра ижодкор” дейишга ҳақлимиз. Бугунги кунда ер юзида бу санъаткорнинг қадами етмаган жой, кўшиқлари кириб бормаган хонадон қолмади, десак муболаға қилмаган бўламиз. 2002 йилда унинг “Юлдузлар сўнмайди” деб

номланган компакт диски пештахтага чиқди. Бу ҳақда хонанданинг ўзи шундай дейди: “Бу компакт дискда 60 – 70 йилларда куйлаган кўшиқларим жамланган бўлиб, бу кўшиқлар менинг айна муҳаббатга тўлган ёшлик чоғларимда, ижодимнинг қизгин ва қайноқ паллаларида ёзилгани учун менга қадрили эди. Ҳар бир давр ўз кўшиқлари билан инсон ёдида қолганидек, бу кўшиқлар менга ёшлик чоғларимни хамиша эслатиб туради. Мен жуда бахтли инсонман! Кўшиқларим ўша давр авлодларининг кўнглидан жой олиб, уларнинг сеvimли кўшиқларига айланганидан

фахрланаман”. 1982 йилда унинг ижодий фаолияти муносиб тақдирланиб, Озарбайжон халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлади.

Учқур йиллар ўтиб бораёттир. Пўлат оға бугун 68 ёшни қоралаб турибди. Ҳар гал унинг ижодий кечасига йиғиладиган минглаб томошабинлар эса уни “Афсонавий созанда” дея эътироф этадилар. Ижодкор учун бундай эъзозу эътибордан ортиқ олқиш бўлмаса керак.

Матлуба ТЕМУР қизи тайёрлади.



“ИМЗО ЭМАС, СЎЗ ЙИҒИНГ”

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод 1948 йил 3 февралда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани Хўжасоат кишлоғида таваллуд топди. Дастлабки таҳсилни кишлоқдаги ўрта мактабда олгач, 1967-1972 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида ўқиди.

Тоғай Муродни бошқа ёзувчиларга ўхшамайдиган ўзгача характерли, қатъиятли, иродали адиб сифатида эслашади. У адабий давралардан имкони борича ўзини олиб қочар, кўплаб ижодкорларга хос бўлган гап-гаштагу шеърини мубоҳасалардан ўзини тиярди. У “Бобоси ва набираси” номли хикоясини ўн тўққиз ёшида ёзган

бўлса, илк киссаси “Юлдузлар мангу ёнади”ни битганида ўттиз бир ёшда эди. Кейинги ўн йил ичида ёзилган “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Момо ер кўшиғи” каби қиссаларида ҳалол, оқкўнги, тўғрисўз, ҳақиқатпараст ва жўмард ўзбек халқининг умумий характери, ёрқин табиатини бетакрор образлар орқали ёритади. Ёзувчи асарлари Эрнест Сетон Томпсон, Жек Лондон, Чингиз Айтматовнинг насрини эслатади. Айтиш мумкинки, Чингиз Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари” асаридаги Гулсари образи ўзбек халқи маънавиятида қандай из қолдирган бўлса, орадан ўн икки йил ўтиб яратилган “От кишнаган оқшом”даги Тарлон образи ҳам ўқувчилар дилига шу қадар чуқур кириб борган.

Ёзувчи ёш қаламкашларга ёзган мактубида ижодкор “ўз дунёси бор, ўз йўли бор, ўз тили бор” инсон бўлиши кераклигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, XX аср ёзувчиларининг тил ва услубига эътибор қаратар эканмиз, Тоғай Муроднинг тилини, ундаги халқона ифодалар, услубини эътироф этмай иложимиз йўқ. Бу тил билан ёзувчи ўзини кашф этиб, наср жанрини поэтик имкониятлар билан бойитди, халқ тилидаги шеър, матал, ибора, мақол ва афоризмларни адабий тилга олиб кирди, шу тил билан у... кўп танқидларга учради.

Адиб ўттиз олти ёшида ўзидаги адабий ва назарий билимларини янада бойитиш мақсадида Москвадаги

Олий адабиёт курсига ўқиш учун йўл олади. У ерда олинган икки йиллик таҳсил ёзувчи ижодида муҳим роль ўйнади. Бу ерда Тоғай Мурод жаҳон адабиётининг етук намуналарини мутолаа қилиш билан бирга, ғарб адабиётининг илғор ғоялари, адабиётдаги миллийлик ва умуминсонийлик, шахс ва характер, шахс ва услуб масалалари акс этган адабий-назарий манбалар билан танишди. Шу тариқа адиб Жеймс Жойснинг “Улисс” романи таржимасига қўл уради. Аммо номаълум сабабларга қўра мазкур асарнинг биринчи қисмидан кейин таржима тўхтаб қолади.

Унинг 1993 йилда ёзилган “Отамдан қолган далалар” номли романи адибнинг узоқ йиллик меҳнатлари, изланишларининг самарасидир. Мазкур романда Ўзбекистоннинг мустақиллашгани асоратига тушиб қолиши ва собиқ иттифоқдаги энг улкан хом-ашё ўчоғига айлантиришининг фожеалари акс эттирилади. Ёзувчи ўз асарига материал йиғиш учун Сурхон пахта далаларига бориб деҳқонлар ҳаётини ўрганади, улар билан ёнма-ён юриб, чигитнинг ерга қадалишидан то ҳосил териб олингунигача бўлган барча заҳматларни ўз кўзи билан кўради.

Мазкур романда у мустабид тузум йилларидаги деҳқонларнинг оғир ҳаётини, турмуш тарзи, ғаму изтироблари, эътиқодию қарашларини Деҳқонкул образи орқали очиб беради. Шу билан бирга сиёсий таъйиқлару ҳукмрон мафкура таҳдиди оқибатида Ақраб кўрбошию, Жамолиддин кетмонларнинг авлодлари бўлган ва кейинчалик қўлга айланган деҳқонларнинг умумлашган портретини яратишга муваффақ бўлади.

Тоғай Мурод асарларини ўқир экансиз, ўзингизни ўзгача, ҳали ҳеч ким ўрганмаган, урфу одатларини билмаган бошқа масканга, сирлисехрли дунёга тушиб қолгандек ҳис қиласиз.

Ёзувчи дастлабки романида мустабид тузум даврида сохта эътиқодлар билан яшаган ўзбекнинг содда, фожеавий ҳаёт тарзини акс эттирган бўлса, унинг охириги “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романида худди шу даврда

яшаб, зоҳиран дину иймондан кечиб... “умргузаронлик” қилган зиёли инсоннинг маънавий-руҳий инкирозлари ўз аксини топади.

Тоғай Мурод жуда қисқа умр кўрди. У 2003 йили 55 ёшида дунёдан кўз юмди. Аммо “мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман”, деган адиб кўкдаги миллион-миллион юлдузлар ичида “Ўзбекистон” деган, “ўзбек” деган юлдуз борлигини, у халқ қалбидаги покизалик, самимият, меҳрибонлик, олийжаноблик, халқпарварлик ҳеч қайси бир халқ қалбида бу қадар чуқур илдиз отмаганини ўзининг қуйма обрازلари орқали кўрсатиб берди.

Ёзувчи ҳаётини кузатар эканмиз, бир нарсага ҳайратланмай иложимиз йўқ. Одам боласида эътиқод қанчалик кучли бўлса, мана шу эътиқоди тўфайли ҳамма нарсадан воз кечиб ҳам яшай оларкан. Тоғай Муроднинг бутун борлиғи, суянгани, эътиқоди Адабиёт эди. “Адабиёт қисмат, биз ҳаммамиз дарвешлармиз”, деган эди адиб. Ёзувчи ана шу эътиқодига содиқ қолди. Умрининг охиригача унга эргашди, на бойлик орттирди, на мансаб-мартабага интилди, на дам олди ва на кўнглининг чигилини ёзиш учун хорижий ўлкаларга сайру саёҳат қилди. У катта амаллар, ҳашаматли ҳаёт ва унвону мартабалар илинжида замонасозлик кўчасига кирмади. У Оллоҳ томонидан берилган ҳаётни, покиза иқтидорни ғанимат билиб, умри давомида фақат мутолаа қилди, ёзди, таржима қилди, кўнгли учун, эътиқоди учун хизмат қилди.

Адиб учун ёзувчилар уюшмаси гўё масжиду меҳроб эди, бу масжиднинг минбарига сўз, фикр айтиш учун масъулият, жиддият керак бўлишини, Ойбек, Фафур Ғулом, Абдулла Қаххор, Миртемир каби устозлар сўзлаган бу муқаддас саҳнага покиза юрак билан чиқишни виждоний бурчи ҳисобларди. Ёзувчи бу минбарда арзигулик уч-тўрт асар ёзмасдан туриб, нутқ ирод қилишни виждони олдидан уят деб биларди. Тоғай Мурод илк қиссасини ёзгандан кейин йигирма йил ўтиб, бу шарафли залда сўзлашга журъат этди...

Бу йил таваллудига 65 йил тўлган ёзувчидан тўрт қисса, икки ро-

ман ва қолаверса, Жек Лондоннинг “Бойнинг кизи” драмаси ва қатор ҳикоялари, Э.С.Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” қиссасининг таржималари мерос бўлиб қолди. Айниқса, “Ёввойи йўрға” асари ҳозиргача болаларнинг қўлидан тушмайдиган ва қайта-қайта ўқиладиган асарлар қаторидан ўрин олди.

“Сиз имзо эмас, сўз йиғинг”, дейди адиб...

Бугун адабиётшунослар, ёш олимлар Тоғай Мурод ижодига жуда кўп муурожаат қилмоқдалар. Чунки адиб ижоди давомида худди асал излаб учган асаларидек, халқ оғзаки ижодида,

айниқса, воҳанинг чекка кишлоклари шеvasида ишлатилаётган кўплаб сўз ва ибораларни, мақол ва ҳикматларни кидириб, қисқа қилиб айтганда, гаввослар денгиз тубидан гавҳар кидирганлари каби у ҳам халқ ичидан сўз йиғиб, сўз кидириб яшади.

“Юлдузлар мангу ёнади” деб атаган эди ўз қиссаларидан бирини бу истеъдодли адиб. Дарҳақиқат, адабиёт осмонидаги минг-минглаб юлдузлар орасида Тоғай Муроднинг ҳам мўъжазгина юлдузи хали узоқ порлаб, нур сочиб туришига шак-шубҳа йўқ.

Алимурод ТОЖИЕВ



МУҚОВАМИЗДА...

Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг сиймосини ҳар бир мусаввир ўзича гавдалантириши кўра яхши маълум. Дарвоқе, бобокалонимиз сиймосини ҳар ким ўз талқинича, ўз қарашига кўра тасвирлашга эришган ва улар кўп бор тилга олинган ҳам. Бинобарин, бу сиймо Ўзбекистон халқ рассоми Владимир Кайдалов томонидан ҳам юксак маҳорат билан тасвирланганини эътироф этмоқ жоиз. Энди шу ўринда икки оғиз мусаввир ҳақида айтиб ўтайлик:

Владимир Кайдалов 1907 йили 27 декабрда Барнаулда таваллуд топди. Мусаввир 1921–1923 йилларда ўзининг тасвирий санъатдаги ижодини Барнаулдаги А.Никулин студиясида Елена Каравай кўлида бошлайди. 1927 йилдан 1930 йилгача Ленинграддаги инқилобий Россия Рассомлари Ассоциацияси (ИРРА) студиясида Ефим Чепцов, Михаил Авиллов ҳамда Юлий Дроздовлар таълим олади. 1930 йилларда у ҳарбий ва сиёсий мавзуларда асарлар ярата бошлайди. 1932 йилда мусаввир Ўзбекистонга кўчиб келади ва бутун ижодий салоҳиятини Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига йўлига бағишлайди. Ўзбекистоннинг пурвиқор тоғлари-ю чаман-чаман

БУЮКЛАРГА ЭРГАШГАН МУСАВВИР

Ижод – бир мўъжиза. Мусаввирлик ҳам ҳаммага на-сиб этавермайдиган илоҳий неъмат. Заррача истеъдоди бўлмаган киши бизга оддий бўлиб кўринган бирор-бир буюмни ҳам чизиб кўрсинчи? Дунёда тасвирий санъат ривожига ҳисса қўшган жуда кўплаб мўёқалам соҳиблари бор. Уларнинг ҳар бирининг ҳаётга бўлган ўз қарашини мавжуд. Ҳеч бир мўёқалам соҳибининг ижоди бошқа бировниқига ўхшамайди, бошқани такрорламайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ижод соҳибига ўз услуби бор, деб нисбат бериши тўғри.

боглари, қир-адирлари-ю тоғу тошлари, хуллас Ватанимиз унинг мафтункор табиати уни ўзига бутунлай ром этди, ётса-турса ҳаёлини чулғаб олди. У Ўзбекистонда яшаётган меҳнаткаш халқ ҳаётини, турмуш тарзини, ишчилар ва деҳқонлар қиёфаларини завқу шавққа тўлиб тасвирлай бошлайди. Гарчи ўзи Ўзбекистонда туғилиб, вояга етмаган бўлса-да, ўзбек халқининг ички руҳий оламини, феъл-атворини ўзининг шавқи табиийси ила сезарди. Шунинг учун ҳам у ишлаган суратларда миллий колорит сақланиб қолган. Кайдалов ўз ижодидида акварель, литография (тош билан ишлаш), гравюра техникаларидан фойдаланган бўлиб, бобокалонимиз Алишер Навоий портретини ҳам шулар асосда тасвирлади.



Алишер Навоий суратига боқар эканмиз, унинг кўзларидаги чуқур маъно, теран нигоҳини кўриб мусаввир маҳоратига қайта ва қайта тасаннолар ўқигимиз келади. У рассом бобомиз сиймосидаги миллий руҳни ўзига хос тарзда, жуда ёрқин бўёқлар орқали ифодалашга эришган.

Владимир Кайдалов ранг-баранг мавзу ва жанрларда ижод қилди. 1960-1980 йилларда у Йўлдош Охунбобоев, Садриддин Айний, Ҳамза, Ғафур Ғулوم, Фозил Йўлдош, Ҳамид Олимжон сингари таникли адибларнинг портретларини яратди. Ойбек, О.Собирова портретларини – линогравюра, А.Қаҳҳор, С.Бородин портретларини – ксилография техникаларидан фойдаланиб яратган бўлса, А.Навоий портретини мойбўёқда ишлаб, “портрет устаси” деган номга сазовор бўлди. Мусаввир Навоийнинг “Ҳамса” асарига, “Ўзбек халқ дostonлари”, “Алпомиш”, “Қирк киз” каби эртақ ва дostonларга ишлаган безаклари Ўзбекистонда китоб графикасининг ривожланишига бетакрор ҳисса бўлиб кўшилди. Кайдалов – буюкларга эргашган ижодкордир. Зотан, буюкларга эргашиб, унинг ўзи ҳам буюкликка сазовор бўлди, “Ҳурмат белгиси” ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон халқ рассоми Владимир Кайдаловдан бизга кўплаб халқона, миллий руҳдаги асарлар мерос бўлиб қолди. Улар нафақат ўзбек тасвирий санъатида, балки жаҳон маданияти ва санъатида мангу эъзоз ва эътибор топажак.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

- ✓ Ижодкор учун фикр ва сўз – санъат воситасидир.
- ✓ Агар санъат асари баҳсга чорласа, демак унда қандайдир янгилик, мураккаблик ва аҳамиятлилик мавжуд.

ТАҚВИМ



УЛАР ҲАМ ШУ ОИДА
ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР...

2 ФЕВРАЛЬ

1769 йил. **Иван Андреевич Кривов** рус ёзувчиси, масалчи. У “Тўполончилар”, “Кизларга сабоқ”, “Ғазабнок бола” комедиясини, “Клеопатра”, “Филомела”, трагедиясини, “Баҳодир Илья” комик операларини ёзган. “Бўри билан кўзичоқ”, “Ҳайвонлар ўлати”, “Бўрилар ва овчилар”, “Дехқонлар ва дарё”, “Балиқлар ракси”, “Мушук ва чўртак балик” масаллар муаллифи.

1882 йил. **Жеймс Жойс**, инглиз ёзувчиси, “Дублинликлар” ҳикояси ҳамда “Рассомнинг ёшликдаги портрети”, “Улисс”, “Финнеганча маърака” романлари муаллифи.

3 ФЕВРАЛЬ

1948 йил. **Тоғай Мурод**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Адиб “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси учун Ойбек мукофотиغا сазовор бўлган. Кўплаб қиссалари, “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайдми” романларининг муаллифи. У Ж. Лондоннинг “Бойнинг кизи” пьесасини, Э. Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” китобини ўзбекчага ўгирган.

10 ФЕВРАЛЬ

1933 йил. **Хусниддин Шарипов**, Ўзбекистон халқ шоири. Унинг “Кўнгил буюргани”, “Қуёшга ошиқаман”, “Тупроққа қасида”, “Ер-

нинг қалби”, “Мен сизга айтсам”, “Лирика” каби асарлари китобхонлар меҳрини қозонган. Шоирнинг “Ҳаяжонли дақиқалар”, “Ох, гўзал”, “Хирмон”, “Яна висол”, “Ёр истаб”, шеърий тўпламлари ҳамда икки жилдлик “Сайланма” си чоп этилган. Шу билан бирга ижодкорнинг “Сени севаман”, “Ота ўғли”, “Афсона”, “Чоллар ва кампирлар”, “Қарвон бехатар бўлмас”, “Ёр истаб” сингари пьесалари Республика ва вилоят театрларида саҳналаштирилган.

12 ФЕВРАЛЬ

1923 йил. **Галия Измайлова**, Ўзбекистон халқ артисти. У “Дон Кихот”, “Қирқ киз”, “Лолақизғалдоқ”, “Оқкуш кўли”, “Дон Жуан”, “Кармен”, “Лайли ва Мажнун”, “Севги тумори”, “Спартак” каби спектаклларда қаҳрамонлар ички дунёсини ифодали ҳаракатлар орқали очиб берган. У “Наврўз”, “Кашмир афсонаси”, “Севги афсонаси”, “Эсмеральда”, “Орзу”, “Бўрон”, “Зебуннисо”, “Умар Хайём”, “Ал Фарғоний” сингари опералар рақсларини саҳналаштирган.

13 ФЕВРАЛЬ

1903 йил. **Жорж Сименон**, француз ёзувчиси, “Аркали кўприк”, “Мегрэннинг ёзишмалари”, “Мегрэ саёҳат қилади”, “Мегрэ ва дайди”, “Мегрэ иккиланмоқда”, “Мегрэ ва Шарль”, “Бир кашшок ҳаётининг тўрт куни”, “Президент”, “Қамокхона” сингари ижтимоий-психологик ҳамда “Ой зарбаси”, “Ҳабашлар маҳалласи”, “Қор устида ғубор”, “Ака-ука Диколлар” каби кўплаб романлар муаллифи ҳамдир. “Хотирлайман”, “Ибтидо”, “Онамга хат” автобиографик китоблар ҳам унинг қаламига мансуб.

14 ФЕВРАЛЬ

1943 йил. **Омон Матжон**, Ўзбекистон халқ шоири, “Очик деразалар”, “Қарвон қўнғироғи”, “Ёнаётган дарахт”, “Ярадор чақмоқ”, “Ҳаққуш қичқирғи” “Сени яхши

кўраман”, “Гаплашадиган вақтлар”, шеъррий тўпламлари муаллифи. Шоир ижодида “Имон ёғдуси”, “Сайланма” алоҳида ўрин эгаллайди. Ф.Шиллер, Ш.Бодлер, Е.Евтушенко каби жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларини ўзбекчага ўгирган.

15 ФЕВРАЛЬ

1926 йил. **Саида Зуннуова**. Истеъдодли шоира. “Гуллар водийси”, “Қизингиз ёзди”, “Янги шеърлар”, “Қизларжон”, “Бир йил ўйлари” шеъррий тўпламлари, “Гулбахор”, “Гулхан”, “Олов”, “Бўйларингдан ўргилай”, “Директор” сингари ҳикоя ва қиссалар муаллифи.

20 ФЕВРАЛЬ

1948 йил. **Матназар Абдулҳаким**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. “Тиник тонглар”, “Фасллар кўшиғи”, “Қор кўшиғи”, “Ёнимдаги дарёлар” “Қорачикдаги дунё”, “Бир кучоқ гул”, “Ойдинлик”, “Сўнги япроқ”, “Жавзо ташрифи” каби қатор китоблари нашр қилинган. Шайх Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Мирзо Бедил асарларини ўзбек тилига ўгирган.

22 ФЕВРАЛЬ

1788 йил. **Артур Шопенгауэр**, немис файласуфи, “Олам – ихтиёр ва тасаввур сифатида”, “Ахлоқшуносликнинг икки асосий муаммоси”, “Ҳаёт мактабининг ҳикматлари” сингари асарларни ёзган.

23 ФЕВРАЛЬ

1903 йил. **Юлиус Фучик**, чех ёзувчиси, танқидчи ва журналист. Унинг “Эртанги кунимиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда”, “Тожиҳон Шодиева тарихи”, “Розияхон Мирсоатова” сингари китоблари чоп этилган”.

25 ФЕВРАЛЬ

1707 йил. **Карло Гольдони**. Италиян драматурги, италиян театри

ислохотчиси, миллий комедия асосчиси. “Момоло кортезан”, “Момоло Брентеда”, “Синиш” ниқоблар комедиясини ислоҳ қилган. “Меҳмонхона бекаси”, “Икки бойга бир малай” ва бошқа комедиялари ўзбек тилига ўгирилиб, Муқимий номидаги мусикий театрида сахналаштирилган.

26 ФЕВРАЛЬ

1915 йил. **Саттор Ярашев**. Ўзбекистон халқ артисти. Таниқли опера хонандаси. “Тоҳир ва Зухра”, “Муқанна”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Майсаранинг иши”, “Дилором”, “Шоир қалби”, “Зулматдан зиё” ва бошқа мусиқали драмаларда роллар ижро этган. Шунингдек, “Ушшоқ”, “Дугоҳ”, “Сеғоҳ”, “Феруз” каби мумтоз ашулалар, “Қонга ботсин”, “Жон Ўзбекистон”, “Ватан”, “Пахтакорларга” сингари кўплаб кўшиқларни ижро этган.

29 ФЕВРАЛЬ

1732 йил. **Жоаккино Антонио Россини**. Италиян композитори, “Севилья сартароши”, “Танкред”, “Отелло”, “Ўғри ҳакка”, “Вильгельм Телль” операларида ўз халқининг қаҳрамонлик, ватанпарварлик, романтик интилишларини ифодалаган. “Италиян кизи Жазоирда”, “Турк Италияда”, “Моисей Мисрда”, “Магомед II”, операларини ёзган.

1964 йил. **Муяссар Раззоқова**. Ўзбекистон халқ артисти. Опера хонандаси. “Майсаранинг иши”, “Умар Хайём”, “Лайли ва Мажнун”, “Травиата”, “Бал маскарад”, “Севилья сартароши”, “Лючия ди Ламмермур” каби спектаклларда асосий ролларни ижро этган. Унинг “Бир қамар”, “Дугоналар”, “Оқ каптар”, “Севимли ёрим”, “Ватан”, “Ифтихор”, “Ўлкам”, “Мен ўзбек кизиман”, “Миллат байроғи”, “Меҳринг билан яшаймиз”, “Ватан мадҳи” сингари кўшиқлари машҳур.